


Н.С. САЙДАХМЕДОВ, С.А. АБДУРАХИМОВ


ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги
Олий инженерлик педагогика институти

Н.С. САЙИДАҲМЕДОВ, С.А. АБДУРАХИМОВ

**Педагогик маҳорат
ва
педагогик технология**



Тошкент – 2010

Сайидахмедов Н.С., Абдурахимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология: монография.-Т., А. Беруний номли ТДТУ қошидаги ОИПИ. – 224 б.

Монографияда олий ўқув юрти ўқитувчисининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари назарий таҳлил этилган, ўқитувчининг педагогик фаолияти модели лойиҳаланган, педагогика методологияси, ўқитишнинг умумдидактик принциплари, ноанъанавий шакл ва методлари илмий асосланган, инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаш қонуниятлари ишлаб чиқилган ва “Олий мактаб педагогикаси” фани бўйича лойиҳалаштирган технологияларнинг дидактик самараси тажриба-синов асосида аниқланган.

Ушбу материаллар педагогика фанлари доктори, профессор Сайидахмедов Н.С. ва техника фанлари доктори, профессор Абдурахимов С.А. ларнинг кўп йиллик илмий изланиш ва педагогик тажрибалари асосида таҳлил этилган.

Олий таълим муассасалари педагоглари, малака ошириш институтлари (Марказлари, факультетлари), магистратура тизими, аспирантлар ва тадқиқотчилар учун.

Тақризчилар: **Магзумов И.Т.** – Тошкент автомобил йўллари институти профессори, педагогика фанлари доктори.

Толипов Ў.Қ. – Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор.

ТДТУ қошидаги Олий инженерлик педагогика институти илмий кенгашининг 2009 йил 29 декабрь 4-сонли мажлис қарори асосида нашр этилди.

ТДТУ қошидаги ОИПИ нашри.
04.01.2010 й.да босишишга рухсат этилди.
Бичими 60x 84 1/16. Адади 100 нусхада.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	5
I – қисм. ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантиришга оид назарий муаммолар	8
1.1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари	8
1.2. ОТМ ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолияти ва уни баҳолаш мезонлари	15
1.3. Кадрлар малакасини оширишнинг Миллий моделга асосланган педагогик тизими ва унинг ОТМ ўқитувчилари учун ўзига хос жиҳатлари	22
II – қисм. ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантирувчи педагогик технологиялар концепцияси	28
2.1. Олий таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технология муаммолари	28
2.2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи ..	34
2.3. ОТМ ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантирувчи педагогик технология лойиҳалари	41
III – қисм. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ПРИНЦИПЛАРИ, СИФАТ КўРСАТКИЧЛАРИ ВА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ	71
3.1. Инновацион педагогик технология принциплари ва сифат кўрсаткичлари	71
3.3. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари	79
3.4. Олий касбий таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш мезонлари	94
IV – қисм. ОЛИЙ МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИНING БАЪЗИ МУАММОЛАРИ	102

4.1. Педагогика фани методологияси ва методологик муаммолари .	102
4.2. Олий касбий таълимда умумдидактик принципларнинг алоҳидалиги	116
4.3. Ёш ўқитувчиларга олий мактаб ўқув жараёнида учрайдиган билув тўсиқлари ҳақида	126
V – қисм. ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА НОАНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ	135
5.1. Маъруза материални узатишнинг ноанъанавий турлари	135
5.2. Семинар машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари	143
5.3. Амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш асослари	158
5.4. Ўқув машғулотларини ўтказишнинг ўйин методлари	175
VI– қисм. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАШ	189
6.1. Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаш қонуниятлари	189
6.2. “Олий мактаб педагогикаси” ўқув фани мавзуларига оид инновацион педагогик технология лойиҳалари	201
6.3. Тажриба - синов ишларининг таҳлили ва илмий тавсиялар.....	209
ХУЛОСА	217
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	219
Иловалар	220

КИРИШ

Олий мактабда ўқитиш жараёни ҳар доим ижтимоий диққатнинг жиддий объекти ва гурли хил оммавий ахборот восталарининг муҳокама предмети бўлган. Унинг ҳозирги ривожланиш босқичи ҳам бундан мустасно эмас. Олий таълим муаммолари жамият томонидан яқин вақтларда ечиши зарур бўлган муаммолар қаторига киради. Ўз навбатида олий таълим олдида ҳам ўзгарувчан дунёда ўзининг шарафли бурчини бажариш ва XXI аср талаблари ва эҳтиёжларини қаноатлантириш муаммоси турибди.

Олий таълим жараёнини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар (С.И. Архангельский, В.П.Беспалько, Ю.К. Васильев, Б.С. Гершунский, В.А. Сластенин, М. Очилов, Н. Шодиев ва бошқалар), асосан, XX асрнинг 70-80 йилларидан амалга оширила бошланди ва бугун ҳам бу муаммога олий мактаб педагогикасида жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд этилган олий таълим вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган янги тадқиқотларни бажариш ниҳоятда долзарб бўлиб қоляпти.

Бугун илмий-педагогик билимлар банки тез суръатлар билан ривожланмоқда, ҳатто олий мактаб педагогикасининг классик ғоялари кеча ҳаммага тушунарли ва ҳар доим турғун бўлиб туюлган бўлса, бугун улар тадқиқотчи ва амалиётга бутунлай бошқа томони билан «қайрилмоқда». Ахборотлар оқимининг кескин ўзгариши, тинимсиз ривожланиб туриши мавжуд билимларни маънавий «эскириш»га олиб келиши шубҳасиз, педагогик меҳнат табиати эса ўз вақтида касбий маҳоратни янгилашни, ривожлантиришни талаб этади.

Олий таълим муассасалари (ОТМ) ўқитувчилари малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш ўқув жараёнини «Давлат талаблари» асосида мақбуллаштиришни таъминлайди, педагогик фаолиятда сифат ўзгаришлар рўй беради, муҳими – ривожланган давлатларда қабул қилинган ва бошқа давлатлар учун ҳам умумий вазифа ҳисобланган вазифа – шахсни шакллантириш технологиялари билан қуролланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш” узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини сифатида қайд этилади. Унинг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти шундан иборатки, бир томондан, янги ишчи ўринлар ва фаолият турлари юқори абстракция даражасидаги билим ва кўникмаларини талаб этса, бошқа томондан, давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиш, инсоннинг шахсий ҳақ-ҳуқуқларини узлуксиз амалга ошириш, шунингдек, бирмунча мураккаблашиб бораётган кунлик ҳаёт ўз навбатида ёшларни ва барча ёшдаги одамларни умри давомида ўз умумий маълумотини ва касбий маҳоратини такомиллаштиришга ва жамият учун зарурий билим ва малакаларини эгаллашга йўналтиради ва рағбатлантиради.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуксиз жараён сифатида маълум дидактик қонуниятларга асосланган педагогик тизим доирасида ижро этилади. Бу тизимнинг самараси эса ўқитувчининг касбий маҳоратига, ўз устида тинимсиз ишлашига, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга мослаша олиш тезлигига боғлиқ. Бир сўз билан ифодаланганда ўқитувчи шахси ва фаолияти ижтимоий буюртма талабларига мос ҳолда янгиланиб, ривожланиб бориши лозим.

Кузатишлардан маълум бўлишича, ОТМ ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантиришда маълум тафовутлар мавжуд. Асосийси, бир томондан, ўқитувчиларнинг касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилаш зарурати жамиятнинг ижтимоий буюртмаси сифатида мавжуд бўлса, бошқа томондан, уни амалга ошириш учун таълимнинг янги моделига асосланган малака оширишнинг педагогик тизими илмий жиҳатдан асосланмаганлиги ўртасидаги зиддият ҳисобланади.

Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг касбий маҳоратини ошириш жараёни мураккаб тизимли объект ҳисобланиб, уни тадқиқ қилишда тизимли ёндашув методини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Муаммони ечишда тизимли ёндашувнинг мазмуни бирмунча кенг бўлган «ўқитувчи малакасини ошириш» тизимининг кичик тизими сифатида қарашдан иборат. Бунда ўқитувчининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш жараёни ҳар қандай тизим каби таркибий жиҳатдан ўзаро боғлиқ унсурлар гуруҳидан ташкил топади ва яхлит хусусиятларга эга бўлиши илмий асосланди.

Таълим жараёнини технологиялаштириш белгиланган ўқув мақсадларига мос ҳолда самарали дидактик жараённи куриш демакдир. ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини малака ошириш тизимида ривожлантириш бевосита улар (тингловчилар) ўқув-билиш фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақоза этади. Шу мақсадда чет эл дидактикасига оид интерфаол методлар тизимлаштирилди ва

улардан фан мавзуларига оид педагогик технологияларни лойиҳалашда фойдаланилди. Бу лойиҳалар педагогик тажриба-синовдан ўтказилиб, ОЎТМ ўқитувчилари педагогик қобилиятларининг (конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик, гностик, инновацион) ривожланиш динамикаси ўрганилди. Шунингдек, китобда олий таълимда кенг қўллаш имкониятлари мавжуд бўлган ўқитишниг ноанъанавий шакл ва методлари моҳияти ва мазмуни очиқ берилди. Ўйлаймизки, ўқитиш жараёнининг кўпсонли вазифаларини дадил ва ишонч билан ечишингизда ушбу китоб Сизга асқотади.

I – қисм. ОТМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ- ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД НАЗАРИЙ МУАММОЛАР

1.1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва ОТМ ўқитувчилари касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш, фуқаролик жамияти қуриш ва халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга ижтимоий йўналтирилган кучли демократик давлат барпо этиш учун замин яратмоқда. Республика Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги остида тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, шубҳасиз, ўз мазмун-моҳиятига кўра фақат таълим-тарбия тизимини, кадрлар тайёрлаш жараёнларини ислоҳ қилиш билангина чегараланиб қолмасдан давлатимизнинг келажагидаги равнақи учун улугвор ижтимоий аҳамият касб этади.

Миллий дастурнинг асосий мақсадларидан бири ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол мавқеини эгаллайдиган, ижтимоий жараёнларга онгли равишда таъсир кўрсатадиган, оиласи ва мамлақати олдида жавобгарликни ҳис этадиган, мустақил фаолият кўрсатадиган, мустақил фикрлайдиган эркин Шахсни шакллантиришдир. Бу мақсадга эришиш учун кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳар бир босқичида шахс имкониятларининг намоён этилиши, унинг доимий ривожланиши ва ижтимоий шаклланишини таъминлайдиган замонавий **узлуксиз таълим** тизими жорий этилди.

Узлуксиз таълимни амалиётга тадбиқ этишни пировард натижада эркин Шахсни шакллантириш имкониятини яратади. Бошқача сўз билан ифодалаганда, инсон ўз мақсадларини амалга оширишда бошқалар эркинлигига дахл қилмаган ҳолат даражасида эркин фаолият кўрсатади, шу билан бирга ҳар бир фуқаро қонун олдида жавобгарликни ҳис этиш, жамиятнинг бошқа аъзолари билан ахлоқий муносабатда бўлишга мажбурдир. Умуман, Миллий дастур асосини ташкил этган узлуксиз таълимнинг туб моҳияти инсоннинг онгли равишда, аниқ йўналтирилган ҳолда фаолият кўрсатувчи шахс сифатида шаклланишини таъминлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ядросини “кадрлар тайёрлаш миллий модели” ташкил этишни алоҳида эътироф этмок

лозим. Юртбошимиз томонидан таклиф этилган кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, ноёб, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган ушбу модели бугунги кунда ҳақли равишда «Ислом Каримов модели» номи билан дунёга машҳур бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг фарқли хусусиятлари шундаки, у ўзида қуйидаги асосий компонентларини мужассамлаштиради: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, **фан, ишлаб чиқариш**. Модел мустақил ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида ўз мазмуни ва тузилмаси жиҳатдан дунё амалиётида учрамайдиган яхлит тизим ҳисобланади, таркибий қисмлари эса ўзаро ҳаракатда, тўғри ва тесқари алоқаларда бўлиши шахс ривожини таъминлашга хизмат қилади. Биз бу ерда фақат моделни “шахс” ва “uzлуксиз таълим” компонентлари тўғрисида батафсилроқ тўхталишни жоиз деб топдик, чунки айнан шулар кадрлар малакасини оширишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишга имкон беради. Ёхуд шахс узлуксиз малакани ошириш давомида ўз қобиятларини тўлароқ ривожлантириб боради ва жамиятнинг янги талабларига мослашиб олади.

Шахс кадрлар тайёрлаш тизими ва миллий таълим моделининг субъекти ва объекти сифатида асосий таркибий қисм ҳисобланади. Ҳар бир инсон шахс даражасига узлуксиз таълим тизими, ижтимоий тарбия ёрдамидагина кўтарилиши мумкин. Шу боисдан кадрлар тайёрлаш борасидаги давлат сиёсати эркин шахсни маънавий-ахлоқий тарбия жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим орқали шакллантиришни кўзда тутати.

Шахснинг ижтимоий фаоллиги ва сафарбарлигини ошириш, унинг меҳнат бозорига мослашувини таъминлаш мақсадида таълимнинг демократлашуви ва инсонпарвар характерга йўғрилиши жуда муҳим омил ҳисобланади. Аслида бозор иқтисодиётининг асосий моҳияти ҳам субъектлар ўртасидаги муносабатларни демократлаштириш, рақобатни вужудга келтириш ва ривожлантириш, ташиббускорликни қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳолатда иш юртидир. Меҳнат бозори таълим тизимига ҳам таъсир ўтказди ва тегишли талаблар қўяди: таълим дастурларини ихчамлаштириш ва табақалаштириш, мазмунини давлат ва жамият эҳтиёжлари асосида янгилаб туриш, кадрлар малакасини рақобат муҳитига мослаша оладиган тарзда узлуксиз ошириш ва бошқа.

Шахс (талаба шахси) анъанавий ўқитиш жараёнида объект ҳисобланса, бугун у субъектга мақомига ҳам даъвогарлик қиляпти. Бошқача қилиб айтганда таълимнинг “объект – субъект” тизими ўз ўрнини кўпроқ “субъект-субъект” тизимига бўшатиб берапти. Шу билан бирга кейинги тизим биринчисининг ичида бўлишини

таъкидлаш жоиз. Миллий таълим моделининг ўзига хос жиҳати ва янгилиги ҳам ана шундан иборат .

Узлуксиз таълим миллий моделнинг таркибий қисми сифатида “малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади” (4,42).

Узлуксиз таълим тушунчаси кенг камровли, бирмунча мураккаб функцияларини бажариш билан бирга тавсифланади.

Шу ўринда олий таълим узлуксиз таълимнинг таркибий элементи сифатида кейинги йилларда ҳам тузилиш, ҳам мазмуни жиҳатидан сезиларли даражада янгиланади. Олий таълимнинг бош вазифаларидан бири таълим ва тарбиянинг турли шакллари ёрдамида талабаларни жамият ҳаётида маҳсулдор ижодий қатнашишга тайёрлашдан иборат. Инсон нафақат тезкор ижтимоий ўзгаришларга мослашиши, балки рўй бераётган воқеаларни амалий жиҳатдан баҳолаш ва янгиланиш йўналишларини белгилашни уддалаши лозим.

Олий таълимнинг асосий функцияларини белгилаймиз:

гуманистик (инсонга, унинг мавжудлигини таъминлашга, ривожланиши ва ўз-ўзини намоёйиш қилишга йўналганлик);

акциологик (жаҳон ва кўп миллатли ўзбекистонликларнинг кадриятларини сақлаш);

ижтимоий-маданий (миллий маданият билан бошқа халқлар ва жаҳон маданиятини омухта қилган ҳолда ўз халқи маданиятини эгаллашга кўмаклашиш);

ижтимоий-мослашув (динамик янгиланувчан ижтимоий ақлиётга самарали мослашиш, шунингдек касбий фаолиятга тайёрлашда инсонга таъсир кўрсатиш);

инновацион (инсон билимлар арсенали ва фаолият усулларини янгилаш, илмий-тадқиқий фаолиятида унинг таянч йўналишларини шакллантириш);

ижтимоий-интегратив (инсоннинг интегратив таълимий-илмий- ишлаб чиқариш фаолиятига кўшилиши; ўқув, илмий ва амалий билим ва кўникмалар интеграцияси тажрибасини узатиш; ушбу жараённинг улкан имкониятларини очиш);

прогностик (бўлажак касбларнинг моҳиятини мазмунан тушунтириш, инсоннинг уни эгаллашига бўлган талабларини турғунлаштириш; унинг истикболдаги касбий ривожланиши ва шахсий ўсишини очиб бериш).

Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва иктисодий янгиланишлар таълимни ривожлантириш тизимида ҳам ўз аксини реал топади. Талабаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, методлари ўзгариштирилади. Бирок, ҳали-ҳануз таълим-тарбия фаолияти тизимида бош

ҳаракатдаги шахс педагог бўлиб қолапти. Агар педагогик ўзаро ҳаракат кучсиз бўлса энг қизиқарли мазмун, энг таракқий технология ҳам таълим сифатини янги саҳтга кўтара олмайди.

Педагогик ўзаро ҳаракат махсуддор бўлиши мумкин, қачонки педагог ўз шахсий потенциаллари ва маҳоратини ишга солган ҳолда талабалар билан ҳамкорликдаги ижодий ва ҳаётий фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этса, ўрганувчилар унинг барча шакл ва кўринишларида реал субъектга айланса.

Педагогик ўзаро ҳаракат ҳам технологик характерга эга ва педагогдан нафақат интуиция ва импровизацияни, балки чуқур касбий билим ва кўникмаларини ҳам талаб этади. У босқичли ривожланади – олдиндаги жараёни моделлаштириш, контактга киришиш, бевосита мулоқот, контактдан чиқиш, бўлган жараён таҳлили. Бу босқич билимлари ўз-ўзидан табиийки, педагог-профессионалга тегишли бўлиши мумкин. Бирок ўқитувчи юксак маҳоратининг ҳақиқий индикатори кўп сонли психологик-педагогик, методик, махсус-илмий ва бошқарув билимлари, бу жараёни амалга ошириш технологияси ва техникаси ҳисобланади.

Талабалар билан ўзаро ҳаракатни моделлаштиришни амалга ошириш бевосита педагог-аналитик, башоратчи, турлича омилларни ва ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини кечиш шартларини ҳисобга оладиган, нафақат модел яратувчи қобилиятга, балки ўз ижодий имкониятларидан ва ўрганувчиларнинг потенциал кучларидан амалиётда сифатли фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш керак. Педагог-профессионалнинг ижодкорлиги унинг фаолиятида намоён бўлганлиги учун ўз-ўзидан ўз-ўзини такомиллаштириш, малакасини ошириш талабларини келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, узлуксиз таълим тизими олий ўқув юрти ўқитувчиси касбий-педагогик маҳоратини ривожлантиришда, унинг умумий, сиёсий ва касбий тайёргарлигини малака ошириш жараёнида таъминлашда, аниқроғи, тингловчиларда қайси билим ва кўникмаларини тиклаш, уларни тўлдириш ва янгилаш, келажак учун бериш каби педагогик вазифаларини ечишга кўмаклашади.

Ана шу йўналишда олиб борилган изланишлар натижасида ОТМ ўқитувчилари малакасини ошириш тизими учун умумий бўлган асосий функциялар аниқланди ва тизимлаштирилди. Уларнинг асосийлари: тикловчи, тўлдирувчи, янгиловчи ва башоратловчи ҳисобланиб педагог ҳодимлар малакасини оширишнинг дастурли-мақсадли функционал асосини ташкил этади.

I. Тикловчи функция ўқитувчининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун назарий ва амалий аҳамият касб этган зарур ахборотларни саралашни тақозо этади. Улар ўз вақтида олий таълим муассасалари аудиторияларида ўзлаштирилган, бироқ кейинчалик қисман унутилган

ёки фаолият давомида фойдаланилмай келинади. Масалан, тингловчи шахснинг психологик тузилмаси, ўқитиш методлари таснифи ва бошқалар ҳақида ноаниқ тасаввурга эга бўлиши мумкин.

2. Тўлдирувчи функция ўқитувчи фаолиятида аскотадиган, бироқ объектив ва субъектив сабабларига кўра олий таълим муассасаларида ўрганилмай қолган ахборотларни тизимлаштиришни кўзда тутати.

3. Янгиловчи функциянинг жорий этилиши фан, хусусий методика, илғор тажриба ютуқлари асосида вужудга келган тамоман янги ахборотларни ўрганишни ва умумлаштиришни талаб этади. У эскириб қолган стереотип фикрлашни ва ишлаш методларини йўқотишга, педагогик жараён учун янги технологияларни ўзлаштиришга қаратилган. Масалан, бугун таълим-тарбиянинг асосий мақсади – эркин шахсни шакллантириш сифатида эътироф этилмоқда. Бироқ, бу муаммони собиқ шўро тизимидаги авторитар ўқитиш технологиялари ёрдамида ҳал этиш мушкул. Шу боисдан бугун ўқитишнинг инновацион технологияларидан оқилона фойдаланиш билан яқиний натижани кафолатлаш мумкин.

4. Башоратловчи функция фанга тегишли маълум ҳодисаларни уларнинг сонли назариялари асосида тушунтириш, асосий жараёнларни моделлаштириш, конун ва хусусиятларини аналитик тасаввурлаш, ҳодисаларнинг кечиш муддат ва сонини олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлган ахборотларни тўплашга имкон беради, ривожланган фан тилида машгулотлар олиб боришни таъминлайди.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш малака ошириш тизимида ишлаётган педагог кадрларнинг касбий тайёргарлигини кучайтиришни, тингловчилар фаолиятини таҳлил қилишни, ўтилатган ҳар бир машгулот самарасини таъминловчи дидактик шароитларни аниқлашни ва шу асосда кафедраларда узлуксиз малака ошириш режасини ишлаб чиқиш ғоясини олға суради. Малака оширишда узлуксизлик ва кетма-кетлик педагогнинг олий ўқув юртини тугатгандан кейинги даврни, унинг мутахассис касбий тавсифномасида (давлат талабларида) қайд этилган назарий тайёргарлигини ва амалий кўникмаларини, иш фаолияти давомида эришган ютуқларни ҳисобга олиш билан белгиланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича “Давлат талаблари” ишлаб чиқилганлиги бу тизимда узлуксизликни таъминлашга, зарурий ўқув режа ва дастурларни замонавий педагогика фани ютуқлари, таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш йўналишларини аниқ белгилаб олишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

“Давлат талаблари” малака ошириш йўналишлари раҳбар кадрларга, фан ўқитувчиларига қуйиладиган талабларни, малака оширишнинг ташкилий-услубий таъминотини, унинг сифатини баҳолаш механизмларини белгилашга имкон беради. Шу боисдан биз тадқиқотимизнинг дастлабки шарт сифатида олий таълим муассаса педагогларнинг малака

оширишга қўйилган минимум талабларини белгилаб олишга ҳаракат қилдик.

Биринчи навбатда ўқитувчиларнинг касбий функцияларини ва асосий лавозимларни аниқ белгилаб олиш керак бўлади. Бизнинг тажрибамизда мақсадли ёндашув – лавозимлари ва иш шароитлари билан боғлиқ мақсадларни – функцияларни ажратиб кўрсатиш ўзини оқлади. Масалан, декан учун қуйдаги функциялар жуда муҳим: талабаларни тарбиялашга педагогик раҳбарлик; ўқув жараёнини бошқариш; умуммаъмурий ва молиявий-хужалик ишлари; педагогик жамоа билан ишлаш; ижтимоий тарғибот ва ташкилотчилик фаолият. Агар дастлабки уч функция бевосита бошқарувга оид бўлса, кейингилари декан фаолиятининг умумий тузилмасига, меъёрлашмаган ишчи вақтга киради. Фанлар бўйича мутахасис учун зарурий билим ва кўникмалар қуйдаги тамойиллар асосида аниқланди.

Билимлар: методологик ва меъёрий, умумназарий (психологик-педагогик), ташкилий-методик, аниқ-ловозимли ва предметли-хусусий асослар ёрдамида;

Кўникмалар: ташхисли (прогностик) тарзда ахборотни йиғиш, унинг гахлили, тизимлаштириш, муаммо, мақсад, ва вазифаларни аниқлаш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

– *ташкилий-регулятив* – дастурни бажариш, моддий шароитларни вужудга келтириш, жорий ахборотларни узатишни ташкил этиш, нуксонларни йўқотиш ва бошқа;

– *назоратли-янгиловчи* – педагогик объект ёки жараёнларни такомиллаштириш бўйича ечимлар қабул қилиш, босқичли якуний ахборотларни йиғиш;

– *тизимлаштириш ва таҳлил қилиш.*

Билим ва кўникмаларни бундай тасаввурлаш олий мактаб педагог ходимларининг функционал лаёқати модели – талаблар мажмуини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйдагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбия ишларини олиб бориш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатларни намойиш қилиш маҳорати;
- талабаларнинг билим ва кўникмаларини объектив назорат қилиш ва баҳолай олиш маҳорати.

Таълим бериш маҳорати педагог ходимларга қўйиладиган талаблар ва ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш билан боғлиқ бўлган қуйдаги омиллар билан тавсифланади:

- ўқув-билиш фаолиятини лойиҳалаш ва амалга ошириш қобилияти, кўллаб-қуватланиши;

- педагогнинг психология ва педагогика фани бўйича тайёргарлиги;
- фанни мукамал билиши, касбий омилкорлик, заковатлилик;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини лойиҳалаш қонуниятларини билиш;
- хорижий таълим тизимдаги янги ахборотларни ўрганиш манбаи сифатида чет тилларни билиш;
- олий таълим тизимига оид меъёрий ҳужжатларни билиш;
- ўқув-тарбия жараёнини самарасини таъминловчи моддий техника базасига оид ахборотларни ўзлаштириш.

Тарбия ишларини олиб бориш маҳорати педагогнинг юксак алоқий фазилатига, маънавий савиясига, мафкуравий қарашларга асосланади. Талабаларда дунёвий тафаккурни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш, улар онгида миллий истиклол ғояларини таркиб топтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараёнлари педагогнинг касбий маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи педагогнинг шахсий фазилатлари: талабчанлик ва адолатлилик, фидойилик ва ҳалоллик, хайрихоҳлик, киришимлилик, ҳазил-мутоиба ҳиси ва жиддийлик. Ушбу фазилатлар педагогни “устоз” даражасига кўтаради, талабалар олдида обрў-иззатни оширади, унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига ижобий таъсир кўрсатади.

Талабалар билим ва кўникмаларини объектив назорат қилиш ва баҳолай олиш маҳорати таълим-тарбия жараёнининг самарасини белгиловчи нагизвий сифат кўрсаткичидир. Педагог талабалар билимини назорат қилишнинг объектив ва субъектив методларини мукамал билиши, қўллай олиш, рейтинг тизимини жорий этиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Педагогнинг умумлаштирилган модели ўзгарувчан, динамик тарзида ривожланувчан характерга эга бўлиб, жамият томонидан ўқитувчиларга қўйиладиган янги талаблар ҳамда уларнинг малака ошириши орқали эришига интиладиган талаблари мажмуи билан тўлиб боради.

Малака ошириш мазмунини ва ҳажминини аниқлаш учун “Малака ошириш нима?” деган саволга жавоб топиш лозим.

Малака ошириш – Давлат таълим стандартларининг мазмуни ҳамда ўқув-тарбиявий жараёнининг янги шакл ва методларини эгаллаш зарурати туфайли педагог ходимларнинг ўз назарий билимларини, амалий кўникмаларини узлуксиз янгиллаб бориш жараёнидир.

Олий ўқув юртлари педагогларига қўйиладиган малакавий талаблар умумлаштирилган модел доирасида ўқитувчининг замонавий кифасини белгилайди. Улар биринчи навбатда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га таянади ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилади.

2.2. Олий таълим муассасалари ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолияти ва уни баҳолаш мезонлари

Мавжуд тадқиқотларга таянган ҳолда олий таълим муассасалари ўқитувчисининг муҳим касбий сифатларини олим, педагог, тарбиячи нуктаи назаридан тавсифлаш мумкин:

Ўқитувчи шахси ва фаолиятининг ижтимоий йўналганлиги амалга ошаётган туб ислохотлар Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга кафолат эканлигини, шахс манфаати ва таълим устуворлигини эътироф этганлигини тан олишда, миллий истиқлол мафқураси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бошлайдиган маънавий-руҳий куч-қувват, ҳар бир фуқаронинг оила, жамият, эл-юрт олдидаги бурчини қай даражада бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон эканлигига ишонишда; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичларида белгиланган вазифаларни изчил бажариш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш заруратини чуқур англаб етишда ва бунда фаол ҳаётий мавқеини эгаллашида намоён бўлади. Ўз Ватанига, халқига содиқлик, юксак ахлоқий бурч, жамоани ҳурмат қилиш ва ўзаро ёрдам, жавобгарликни ҳис этиш, адолатсизликка қарши кураш каби шахс сифатлари ўқитувчининг жамиятдаги ижтимоий ўрнини белгилаб беради.

Илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашиш. Фан – инсон фаолияти сираси ҳисобланиб, мақсади табиат, жамият, тафаккур жараёнларини, уларнинг хусусиятларини, муносабатларини, қонуниятларини ижтимоий онг шаклларида бири сифатида ўрганишга қаратилган. Олим маълум илмий муаммоани ўрганар экан айни пайтда илмий тадқиқот методологияси ва методикасини эгаллаб олади, яъни боғланишлар ва қонуниятларни кашф этади. Тадқиқот ишлари назарий тафаккур ва кўникмалар тизимининг маълум сифатларини ривожлантиради: ходисаларни кузатиш ва фактларни тўплаш кўникмаси, ўрганаётган жараён моҳиятига кириб бориш, илмий фаразларни куриш, тажриба ўтказиш, хулоса қилиш ва умумлаштириш, фанлараро ички ва ташқи боғланишларни ўрнатиш, муаммони ўрганишга тизимли ёндашиш. Илимий-тадқиқот ишларида кўпроқ фаолиятнинг назарий жиҳатлари намоён бўлади. Кузатишлар нагижаларининг кўрсатишича, малака ошириш институти ўқитувчилари фаолиятида илмий ва педагогик ишларнинг ўзаро таъсири турлича экан. Баъзиларида илмий ишлар педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатса, бошқаларда эса бу таъсир аксинча – илмий иш педагогик ишга халақит беради. Ўз навбатида педагогик иш ҳам илмий фаолиятга шу заилда таъсир қилади.

Педагогик фаолиятнинг дастлабки даврида биринчи ўринга педагогик маҳоратни эгаллаш масаласи кўтарилди. Кейинчалик ўқитувчи биографиясида педагогик ва илмий фаолият нисбати тез-тез ўзгариб туради. Бироқ малака оширишда ўқитувчининг педагогик ва илмий фаолияти гармонияси инсон қобилиятининг ҳар иккисига нисбий мувозанати шартлида кузатилади.

Ўқув-педагогик фаолият малака ошириш тизимида ҳозирги замон жамият талабларига мос ҳолда ўқув жараёнининг ташкил этишга йўналтирилган. Малака оширишда ўқув жараёни учун барча олий таълим муассасасидаги каби ўқув ва илмий-тадқиқот жиҳатларни узвий чоғиштириш, тингловчиларнинг фаоллигини ва мустақиллигини, шахс сифатида ижодий салоҳиятини таъминлаш характерлидир. Педагог фаолиятида янги қонуниятларини очиш билан боғлиқ назарий ҳамда аниқ вазиятларни юзага келтириш, педагогик вазифалар тизими ечишга қаратилган амалий фаолият қўшилиб кетади. Ўқитувчи аниқ предмет бўйича ўқитиш мақсади ва вазифаларини аниқлайди, ўқитишнинг мазмунини саралайди, фаол методларни тингловчиларнинг билиш фаолиятига мос ҳолда танлайди, назарий турини аниқлайди.

Биз малака ошириш ўқитувчисининг педагогик фаолиятини тавсифлашда Н.В.Кузьмина ва З.Ф.Есарева томонидан таклиф этилган тузилмани (гностик, конструктив, ташкилотчилик, комуникатив) тизимига мурожат қилдик(9;12). Гностик (билишга оид) фаолият – атроф оламни ва ўзликни чуқур ҳар томонлама англаб етишда намоён бўлади. Ўқитувчи ўз касбий фаолияти учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар тизими, ижодий фаолият тажрибасини мунтазам эгаллаб боради. Билимлар тизими ўзида умуммаданий ва махсус билимларни бирлаштиради.

Умуммаданий билимларга санъат ва адабиёт соҳасидаги билимлар, шунингдек, ҳуқуқ, дин, сиёсат, иқтисод ва ижтимоий ҳаётга, экологик муаммоларга оид саволлар доирасида мўлжал ола билиш кўникмалари киради.

Махсус билимлар предметни билиш, шунингдек, педагогика, психология ва ўқитиш методикасини, янги педагогик технологиялар бўйича билимларини мужассамлаштиради.

Ўқитувчи шахсининг маънавий бойлиги, унинг миллий истиклол гоялари билан суғорилганлиги педагогик фаолиятда алоҳида аҳамият касб этади.

Агар *гностик қобилиятлар* ўқитувчи фаолиятининг асосини ташкил этса, педагогик маҳоратнинг юқори чўққисини эгаллашнинг муҳим шартини конструктив ёки лойиҳаловчи қобилиятлар саналади. Бу қобилиятларни жорий этишнинг психологик механизми сифатда тарбиявий-таълимий жараёни фикрий моделлаштириш хизмат қилади.

Лойиҳаловчи қобилиятлар педагогик фаолиятнинг стратегик йўнали-

шини таъминлайдилар ҳамда якуний натижани мулжал олишда, тингловчиларнинг ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда долзарб масалаларни ечишда, курсни ўқув режадаги ўрнини аниқлаштирган ҳолда режалаштиришда, бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини ўрнатишда ва ҳ.к. намоён бўлади. Бундай қобилиятлар ёшга ва иш стажига боғлиқ ҳолда ўқитувчида ривожланиб боради.

Конструктив қобилиятлар тактик мақсадларни жорий этишни кўзда тутади: ўқув ахборотларни саралаш ва жой-жойига қўйиш (композициялаш), ўз хусусий ва тингловчилар фаолиятини лойиҳалаш, машғулот шаклини танлаш, дидактик жараёнини амалга ошириш, назорат қилиш, баҳолаш ва ҳ.к.

Ташкилотчилик фаолияти ўқув-тарбиявий жараёни ва илмий фаолиятни аниқ режалаштиришни, қуришни уддалашда намоён бўлади. Демак, қобилиятнинг бу тури тингловчиларнинг таълимий фаолияти билан бир қаторда ўз хусусий фаолиятини ҳам ташкил этишни тақозо этади: вақтдан унумли фойдаланиш, яқка ёки гуруҳли шаклда иш олиб бориш, тингловчининг мустакил таълим олишини таъминлаш ва ҳ.к. Аниқланишича, ташкилотчилик қобилияти гностик ва конструктив қобилиятлардан фарқли ўларок, ёш ўтган сари пасайиб боради.

Коммуникатив компонент малака ошириш институти ўқитувчиси фаолиятида ўз ҳамкасблари билан, раҳбарият билан, тингловчилар билан тўғри мулоқат ўрнатишни тақозо этади. Коммуникатив фаолият асосида ўқитувчининг ўз-ўзинини бошқариш қобилияти ётади.

“Ўз-ўзини бошқариш” тушунчаси мураккаб, интергратив, ўз иерархиясиз қатор қобилиятларни мужассамлаштиради. Биринчидан, инсоннинг бу қобилияти ҳамкорликдаги фаолият давомида ўз муносабатини бошқа инсонлар билан мақсадли ва онгли тарзда қуришни тақозо этади. Иккинчидан, бу қобилият одамларни тушуниш ва ўз шахси хусусиятлари (ўзининг мусбат сифатлари ва камчиликлари) асосида ўз хулқини ўзгартиради. Учинчидан, бу қобилият гуруҳ мақсадига мос ҳолда ва ўз имкониятлари ҳисобига хусусий фаолиятини қайта қуришга имкон яратади. Тўртинчидан, бу қобилият ўз психик ҳолатини шундай ростлайдики, натижада ўзаро шахсий муносабатлар бузилмайди, фаолият мақсадларига эса энг мақбул йўللар – самарали, тежамли, тез эришилади.

Инновацион педагогик фаолият олий мактаб ўқитувчисининг интегратив сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Инновацион педагогик фаолият — принципиал равишда педагогик жамоа томонидан амалга оширилувчи мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар, ижод ва турмуш тарзидир. Бу педагогларнинг ташаббуси (янги ғоялари, лойиҳалари, режалари, аниқ бир ҳаракатлари ва бошқалар) бўлиб, бу ташаббус ташаббускорларнинг ўзларига ва ана шу ташаббусда иштирок этишни истаганларга йўналтирилган бўлади. Бу жорий вазиятга жонли ғаъсир этувчи, жараённинг барча ишти-

рокчилари, энг аввало, унинг ташаббускорлари онги ва тушунчаларининг ўзгариб боришини назарда тутувчи педагогларнинг ижод ва турмуш тарзидир.

Инновацион фаолиятни таълим муассасаларини ривожланиш режимидаги фаолиятининг бир жиҳати сифати кўриб чиқамиз. Инновацион фаолият деганда, ижобий сифат ўзгаришлари билан характерланувчи маълум бир босқичлар кетма-кетлиги тушунилади. Бу фаолият аниқ бир ижтимоий-иктисодий шароитларда тан олинган стандартни ифода этувчи меъёрдан четга чиқишни, муқобил меъёрларни жорий этишни, бошқа соҳалардаги меъёрлардан фойдаланишни назарда тутуди. У ривожланиш учун керак бўлган воситалар тўпламини таъминлайди, педагогик воқеликни онгли равишда ўзгартиришни назарда тутуди.

Педагогнинг инновацион фаолияти ҳар бир тарбияланувчининг ижод жараёни ва бутун педагогик жамоанинг ижод жараёни билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши керак. Педагогнинг ижодий ҳаракатлари бутун жамоанинг изланишлари билан мувофиқлаштирилмаса, педагогик янгиликлар жорий қилиш яхлит, сермахсул жараён бўла олмайди.

Таълим муассасаларида ҳам инновацион фаолиятга зарурият туғилади. Бу фаолият ҳамиша зиддиятли бўлиб, унинг ўзи зиддиятларни келтириб чиқаради ва бу зиддиятларни ҳал этиш орқали ривожланиб боради. Шунинг учун олий мактаб ходими – инноватор “хавфсиз синовлар ўтказиш” психологиясининг билимдони бўлиши керак.

Бундан ташқари педагогик нашрларда жуда кўп марта айтилган, олий мактабни ўзгартириш борасидаги ҳаракатларга нафакат алоҳида одамлар томонидан, балки яна ҳам хавфлироқ саналган касбий гуруҳ – ўқитувчилар жамоаси томонидан қаршиликни ҳам эътиборга олиш керак. Шунинг учун ҳам олий таълимда ўзгартиришлар жараёнини бошлаш ғоясига ишонкирамай қарашлари, кейинчалик унинг йўлини тўсиб қўйишлари мумкин. Албатта, ўқитувчиларнинг инновацион жараёнга керакли муносабатини қандайдир вақт давомида ишонтириш, меъёрий ёндашув ва мажбурлаш орқали таъминлаш мумкин.

Эҳтимол, “ўз тизимимиз” координаталаридан, касбга тааллуқли муаммоларни ҳал этишда одатий бўлган усуллардан, фаолиятни амалга ошириш тўғрисидаги ўз тасаввурларимиздан четга чиқиш, киска муддатга бўлса ҳам бошқа платформага, бошқа нуқтаи назарга ўтиш зарур бўлган пайтда пайдо бўладиган психологик тўсиқлар ҳақида ўйлаб кўрмасдан туриб, инновацион фаолият юзага келадиган механизмни ва бу механизм ишлайдиган шарт-шароитни кўз олдимизга келтира олмасмиз. Бошқа бир маданиятга ўтиш осон эмас, албатта.

Педагогик фаолият ижодий меҳнат сифатида ижодий жараённинг замонавий фан томонидан очилган умумий моҳиятини сақлаб қолган:

а) фикрнинг, яъни маълум муаммоли вазиятнинг юзага келиши; б)

фикрни тушуниб етиш; в) кузатувларнинг тўпланиши; г) турли вариантлар ичидан танлаш йўли билан ижодий масаланинг мумкин бўлган вариантларидан энг яхшисини танлаш; д) ижодий жараён натижаси ва уни баҳолаш. Бу тузилмани инновацион педагогик фаолиятга нисбатан тиниклаштирилган ҳолда педагогнинг инновацион жараёнида қуйидаги кетма-кет босқичларни келтириш мумкин: 1) педагогикага оид муаммони ҳал этишга йўналтирилган педагогик фикрнинг вужудга келиши; 2) фикрни ишлаб чиқиш; 3) педагогик фикрни фаолиятда, талабалар билан алоқада қўллаш; 4) натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Инновацион фаолиятнинг таҳлилида қулайлик учун бу фаолият моделини яратишда педагог инновацион жараёнининг ана шундай босқичлилигига таянамиз.

Инновацион фаолият бевосита талабалар билан ўзаро алоқа давомида кечади, шунинг учун педагогдан ўзининг рухий ҳолатини бошқара олиш, унда ва фаолият иштирокчилари бўлган талабаларда тезкорлик билан ижодий ҳиссиётни уйғота олиш, педагогик алоқада ижодий жараённи амалга оширишни талаб қилади. Педагог инновацион жараёнининг ушбу касбий хусусиятлари унинг фаолияти мазмунига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ОТМ ўқитувчиси таълим олувчиларни ҳар томонлама ва объектив қабул қилишни, улар билан ижодий алоқа ўрнатишни, ишончини қозонишни, ҳамкорликдаги фаолият шароитида фидойилик қилишни, ниятларни олдиндан кўра билиш ва йўқотишни, танкидий фикрлашни (марурий ҳолда) уддалай олсагина таълим самарадорлиги кафолатланади.

Замонавий педагог самарали фаолият кўрсатиш учун педагог фаолият тузилмасини, унинг асосий компонентларини, педагог ҳаракатларни ва касбий муҳим кўникмаларини, фаолиятини баҳолаш мезонларини англаб етиш зарур. Қуйида ОТМ ўқитувчисининг педагогик фаолияти тузилмаси ва фаолият мезонларини жадвал тарзда келтирамиз (1-жадвал).

ОТМ ўқитувчисининг педагогик фаолият тузилмаси

Фаолият босқичлари ва компонентлари	Педагогик ҳаракатлар	Мухим касб кўникмалари ва психологик сифатлар (мезонлар)
Тайёр-гарлик босқичи	1. Педагогик мақсадларни ифодалаш. 2. Талабаларнинг фан мавзулари бўйича бошланғич билим даражасини ўлчаш ва баҳолаш.	1*. Юксак илмий касбий билимлар.
I. Конструктив фаолият.	1. Машғулотлар учун ўқув материаллари мазмунини саралаш. 2. Ўқув методларини танлаш. 3. Ўз ҳаракатларини ва талабалар ҳаракатларини лойihalаштириш.	2*. Психологик-педагогик ва методик билимлар. 3*. Ўқув-тарбиявий таъсир этиш методикасини амалий эгаллаш.
Педагогик жараёнини амалга ошириш босқичи	1. Тартиб, ишчи муҳитни ўрнатиш 2. Талабалар фаолиятини рағбатлантириш	4*. Кузатувчанлик, талабаларнинг психик ҳолатини, умуман гуруҳнинг кайфиятини тушуниш 5*. Муҳитда тез муъжал ола билиш, хулқ-аъворнинг эгиловчанлиги 6*. Материални тушунарли, мантикий кетма-кетликда, ҳаёжонли тушунтириш. 1*, 2*, 3*, – қобилиятлар
II. Ташкилотчилик фаолияти.	3. Ўқув материали баён қилиш бўйича ўз фаолиятини ташкил этиш. 4. Реал шароитда ўз ҳади-ҳаракатини ташкил этиш. 5. Талабаларнинг фаолиятини ташкил этиш. 6. Педагогик ҳади-ҳаракат нагизларини назорат қилиш ва тузатишга оид дидактик жараёнини ташкил этиш.	7 Нутқ маланияти, эрудиция 8 Экспрессив қобилият 9*. Диктатни тақсимлаш олиш, фикрий хотира, эгиловчан ижодий тафаккур. 10. Ўз кайфиятини сақлашни уддалаш. 11. Ўз гавдасини, овозини, ҳадди-ҳаракатини бошқаришни уддалаш. 4*, 5* – қобилиятлари. 12. Ташкилотчининг қобилиятлари. 2*, 3*, 4*, 5*, 9* – қобилиятлари. 13. Янги мавзу бўйича материалларни ўзлаштирганлиги ҳақида тесқари ахборотни олиш кўникмаси.

Фаолият босқичлари ва компонентлари	Педагогик ҳаракатлар	Муҳим касб кўникмалари ва психологик сифатлар (мезонлар)
III. Коммуникатив фаолият	1. Талабалар билан тўғри ўзаро муносабат ўрнагиш. 2. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш	14. Мулоқатга мавжуд талаблар. 15. Педагогик такт. 16. Педагогик импровизация, психологик таъсир кўрсатишнинг турли воситаларини қўллай билиш. 17. Бошқариш ва мулоқатнинг демократик усули. 2*,4*,5*, – қобилиятлар.
III. Нагизжалар таҳлили босқичи. IV. Гностик фаолият	1. Машғулот натижалар таҳлили 2. Нагизжаларнинг ўрна-тилган мақсаддан четга чиқишини аниқлаш. 3. Бу фарқларнинг сабабларини таҳлил қилиш. 4. Аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича чораларни (дидактик жараёнини) лойиҳалаш. 5. Янги ўқитиш, тарбия методларини (интерфаол) ижодий қидириш.	18. Ўз шахси ва фаолиятидаги ютуқи ва камчиликларни танқидий баҳолаш. 19. Ўз-ўзини ўқитиш, янги ўқитиш, тарбиялаш методларини ўрганиш. 20. Педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш.
V. Инновацион фаолият	1. Инновацион тажрибани кўчириш 2. Педагогик янгиликларни ишлаб чиқиш 3. Педагогик тажриба-синовларни ўтказиш 4. Инновацион тажрибани узатиш	21. Янгиликнинг мазмуни ва уни баҳолаш таҳлили 22. Жорий қилиш тажрибасини таҳлил қилиш ва баҳолаш 23. Инновацион таклифларни кўчириш механизмини ишлаб чиқиш 24. Амалиётнинг танқидий таҳлили 25. Муаммони ечиш гояларини ишлаш 26. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш 27. Инновацион лойиҳаларни баҳолаш 28. Мақсадларни қўйилиши 29. Режалаштириш 30. Амалга ошириш 31. Нагизжаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш 32. Мақсадларнинг қўйилиши 33. Узатишни режалаштириш 34. Узатиш жараёни 35. Таҳлил ва баҳолаш

Олий ўқув юрти ўқитувчиси фаолиятининг касбий маҳорати педагогик вазиятларни таҳлил қилиш асосида педагогик масалаларни кўра билиш ва ифодалашни уддалашда, уларни ечишнинг мақбул усулларини топа билишда намоён бўлади. Талабалар билан ишлаш давомида педагог ечиши керак бўлган барча вазиятларни олдиндан ёритиш мумкин эмас. Ҳар бир янги вазиятлар учун ўзига хос ва тез ўзгарувчан алоҳида ечимларини қабул қилишга тўғри келади.

1. 3. Кадрлар малакасини оширишнинг Миллий моделга асосланган педагог тизими ва унинг олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун ўзига хос жиҳатлари

Таълим ва тарбия муаммоларини ўрганишда тизимли ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги савол XX асрнинг 70-йилларида илк бор педагогик нашрларда пойдо бўлади. Педагогик жараёнларни тизимли ёндашув ёрдамида таҳлил этиш кейинроқ Т.А.Ильина, А.Г.Куракин, Л.И.Новинкова, Л.М.Панчешникова каби рус олимларининг илмий-тадқиқот ишларида ўзини топди. Ўқитувчи шахсини шакллантириш жараёнларини ўрганишдаги тизимли ёндашув А.И.Щербakov, Н.В. Кузьмина, В.А. Сластенин, Ю.К. Васильев, Н.Шодиев, Н.Сайидахмедовлар томонидан тадқиқот методи сифатида фойдаланилган.

Маълумки, тизимли ёндашув объектвиноклики қабуллашда тадқиқотчининг тутган мавқеини аниқлаштирган ҳолда куйдагича тавсифланади: таҳлил қилаётган объект ўзаро таъсир остида бўлган ва алоҳида яхлит, бир бутун тарзда ифодаланган унсурлар мажмуидан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Демак, бу таърифга асосланиб айтиш мумкинки, тизимли ёндашув амалга ошириш шартларидан бири предмет, ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш маълум боғланиш ва тузилмалар тизими доирасида олиб борилиши уларнинг мавжудлигини реал воқеликка айланади.

Тизимли ёндашувни амалга оширишда, масалани (объектни) овғли равишда мақсадга эришиш нуктаи назаридан унинг барча асосий компонентлари ҳамда мавжуд ички ва ташқи боғланишланишларни қамраган ҳолда кенгайтириш ва мукамалштириш лозим. Уларнинг асосийларини тизимни ташкил этувчи омиллар сифатида изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

1. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш алоҳида таълим тури сифатида “Таълим тўғрисида”ги Қонунда эътироф этилган. Шу боисдан бу таълим тури ўзига хос мураккаб ва бирмунча катта тизим ҳисобланади. Педагог ходимларининг малакасини ошириш эса ана шу катта тизимнинг таркибий қисми – кичик тизим сифатида қаралиши мумкин. Бундай ёндашув бошқа таълим тури (касб-ҳунар, мактаб ва ҳ.к.) педагогларининг касбий маҳоратини ошириш тизимлари билан ОТМ ўқитувчиларининг малакасини ошириш ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни (мазмун, метод, шакл, жараён) ва фарқларини аниқлаштиришга имкон беради.

2. Малака ошириш ОТМнинг барча педагог ходимлари – ректор, профессор, декан, кафедра мудир, ўқитувчилар учун мажбурийдир. Ана шу тизимнинг ҳар бир звеносини алоҳида кичик тизим сифатида қараш мумкин, чунки улар олий таълим муассасаси жамоаси аъзоси сифатида ўзаро муносабатда ва ўзаро таъсир остида бўлишда ва ҳамжиҳатликда таълим ва тарбия самарадорларини таъминлайдилар.

3. Малака ошириш жараёни алоҳида тизим сифатида яна қаралиши мумкин, қачонки бу жараённинг асосий тузилмалари компонентлари (яъни, кичик тизимлари) аниқ ва равшан ифода этилган бўлса. Бундай кичик тизимлар сирасига малака ошириш курслари, илмий-методик анжуманлар (бирлашмалар) ва ўз-ўзини ўқитиш киради. Шунинг таъкидлаш жоизки, агар бу тизимнинг биринчи унсури, асосан, ўзида малака ошириш институти шароитидаги таълим-тарбия жараёнини қамраб олса, иккинчиси – олий таълим муассасалари базасида амалга оширилади, учинчиси эса – бевосита ўқитувчининг амалий фаолиятида намоён бўлади. Ўқитувчилар касбий маҳорати оширишнинг узлуксизлиги айнан ана шу тизимлар доирасида таъминланади.

4. Педагог таълим мураккаб динамик тизим сифатида ижтимоий буюртма талабларига мос ҳолда жамулжам вазифаларни бажаради. Ана шу кўп вазифали тизимда ўқитувчи малакасини оширишни кичик тизим сифатида ажратиб кўрсатиш ва ифодалаш мумкин бўлади.

5. Малака оширишнинг ҳозирги замон мазмуни ўзида ҳажми жиҳатидан турлича бўлган цикл фанларини қамраб олади: маънавий-маърифий, психолого-педагогик, касбий фанлар ва бошқа. Бундай ҳолларда тизимли диданув кўрсатилган ҳар бир блокни алоҳида кичик тизим сифатида қараш имконини беради ва уларнинг ўзаро яхлитилги ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини оширишни таъминлайди.

Шундай қилиб, малака ошириш тизимининг юқорида қайд этилган ҳолатлари унинг мавжуд ташқи боғланишларини кўрсатиб беради, ҳолос. Бирок бу тизимнинг мавжудлигини эътироф этиш учун ички компонентларни ҳам ёритиш зарур. “Тизимни ҳар томонлама билиш учун, биринчи гада унинг ички тузилишини ўрганиш керак, яъни у қандай компонентлардан ташкил топганлиги, унинг тузилмаси ва функциялари нимадан иборат эканлигини, шунингдек, унинг яхлитлиги, нисбатан мустақиллигини таъминловчи куч ва омилларни аниқлаш лозим” (7).


ОТМ ўқитувчилари касбий маҳоратини ошириш тизimini ички компонентларини ўрганишдан олдин, дастлаб уни “кириш” ва “чиқиш” ҳолатида қарайлик (қаранг: 2-чизма). Чизмадан кўриниб турибдики, тадқиқот мантиқи маълум кетма-кетликдаги тадқиқий ҳаракатларидан иборат ва ҳар бир босқичда олинган маълумотлар муаммо ечимини топшига йўналтирилган.

ОТМ ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш тизимига “Кадр-

лар тайёрлаш миллий модели”нинг таъсири ва аҳамияти тўғрисида китобнинг 1-қисм, 1.1 фаслда батафсил гапирилган эди. Шу боисдан 1-қизмада кўрсатилган “Ўқитувчи фаолияти модели” га эътиборини қаратамиз.

Моделлаштириш умумилмий метод сифатида табиат, жамият, техника объектларини ўрганишда кенг қўлланилиб келиниши маълум. Кейинги йилларда бу метод педагог олимлар томонидан ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда (Ю.К.Васильев, Н.Шодиев, Н.Сайидахмедов).

Бу ҳолатни қуйдагича изоҳлаш мумкин: амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёнлари бўйича бошқа усуллар ёрдамида аниқлаш имкони бўлмаган, олдин номаълум бўлган янги ахборотларни қўлга киритиш мумкин бўлади. Бунда модел ўзига хос эталонга айланади ва ўқув-тарбиявий жараёнга қўйилаётган талабларни аниқлаштиришга кўмаклашади, уни бевосита амалиётга тадбиқ этиш реалликка айланади.



1-қизма. Ўқитувчи фаолиятининг модели

(М – муаммолари; Ф – функциялари; Т – турлари; У – услублари; Ш – шакллари; В – воситалари; Б – билимлари; К – кўникмалари; И – оддий фаолият тажрибаси; Г – гуманистик; П – психологик-педагогик, БЛ – билувга оид)

Биз ўқитувчи моделини ишлаб чиқишда ўзаро боғлиқлик икки объектни – ўқитувчи фаолияти ва унинг шахсини ҳисобга олдик (1-қизма).

Ўқитувчи моделининг ички тузилмасини икки кўрсаткич ёрдамида ифодалаш мумкин. 1. Фаолият мазмуни: муаммолар (вазифалар) – ўқитувчининг бевосита таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда кетма-кет ечиш керак бўлган бирмунча жиддий муаммолари ёки масалалари;

функциялари – ўқитувчининг умумлашган ҳолдаги асосий вазифалари таснифи; фаолият турлари ёрдамида белгиланган вазифаларни ечадиган функцияларни жорий этади; муаммоларни ечиш давомида ўқитувчи фойдаланадиган усуллар ва воситалар.

II. Фаолият самарадорлигини таъминлайдиган воситалар (шахс тажрибиси, ҳаракати, сифатлари): **билимлар, педагогик кўникма ва малакалар; шахс сифатлари** ўқитувчининг аниқ фаолият тури бўйича юқори самарадорлиги билан тавсифланади.

Юқорида келтирилган барча компонентлар ўзаро узвий боғланишда бўлади ва ҳар бири ташкил этувчи аниқ кўрсаткичлар рўйхатидан иборатдир. Мисол учун, ўқитувчининг педагогик фаолияти параметрларини умумлашган даражасини кўрсатиб ўтамыз:

I. Ўқитувчи фаолиятининг муаммолари: 1) ижтимоий-иктисодий, 2) педагогик.

II. Ўқитувчи фаолиятининг функциялари (вазифалари): конструктив; коммуникатив; ташкилотчилик; информацион; тарбияловчи; ривожлантирувчи; йўналтирувчи; жалб этувчи; тадқиқотчилик; техникавий, инновацион.

III. Ўқитувчининг фаолият турлари: функцияларга мос ҳолда, мисол учун, конструктив функцияни жорий этиш фаолияти; коммуникатив функциянинг жорий этиш фаолияти ва ҳ.к.

IV. Ўқитувчи фаолияти учун зарурий билимлар доираси: миллий мафкуравий ва ғоявий; ижтимоий; иктисодий; ахлоқий; психологик; педагогик; илмий-табiiй; математик; техник-технологик; демографик; тиббий-физиологик; экологик; ҳуқуқий; нафосат; умумаданий; информацион.


V. Ўқитувчининг кўникма ва малакалари: аклий; касбий (педагогик); умуммехнат кўникмалари ва малакалари.

VI. Ўқитувчининг шахс сифатлари: мафкуравий- ижтимоий йўналишга оид; касбий-педагогик йўналишига оид; билишга оид.

Шундай қилиб, ўқитувчи фаолиятнинг модели бу ОТМ томонидан бнгирувчиларга қўйиладиган ва ўқув жараёнида ўз ифодасини зарурий ҳолда топа оладиган педагогик талаблар йиғиндисидан иборат конструкция ва аналитик матнни мужассамлаштиради. Содда тил билан айтганда, бу модел “ўқитувчининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун нима талаб этилади?” деган саволларга тўлиқ жавоб бериши керак.

Ўқитувчи ўз касбий-педагогик маҳоратини Давлат талаблари асосида тақомиллаштириш мақсадида малака ошириш институти (МОИ)нинг педагогик тизимига мурожат қилади, аниқроғи, ОТМ йўлланмаси билан педагог ходимларнинг малакасини ошириш институтга маълум муддатга ўқишга келади. (қаранг: 2-чизма – МОИ тизими). Ана шу тизимнинг тўлиқ сирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ўқитувчининг малака оширишга бўлган

эхтиёжларини маълум педагогик тизим доирасида амалга оширладиган ва қатъиян илмий асосланган ўқув жараёнлари ёрдамида каноатлантириш мумкин. Ҳўш, бу эҳтиёжни таъминлайдиган педагогик тизим асосида нималар ётади? Унинг ташкил этувчилари нимадан иборат? Бу саволларга аниқ жавоб топилгандагина МОИ нинг маърифий-таълимий жараёнини тўғри ташкил этиш, амалга ошириш ва бошқариш мумкин бўлади.



2-чизма. ОТМ ўқитувчисининг касбий педагогикмаҳоратинини ривожлантириш модели

1- тингловчи (ОТМ ўқитувчиси); 2 – таълим мақсади; 3 – таълим мазмун; 4 – дидактик жараён; 5 – ташкилий шакл; 6 – педагог (МОИ ўқитувчиси).

Хўш, касбий маҳоратни оширишнинг педагогик тизими қандай компонентлардан иборат? Жавоб ҳам аниқ: у таълим турига хос бўлган педагогик тизим қонуниятларига бўйсунди ва қуйдаги инвариатив элементлардан иборат: тингловчи (ОТМ ўқитувчиси); таълим мақсади; таълим мазмуни; дидактик жараёнлар; ташкилий шакллар ва педагог (малака ошириш институти ўқитувчиси) ёки ўқитишнинг техник воситалар. (2-чизма). Агар дастлабки уч унсур малака оширишнинг дидактик масалалари таркибига кирса, кейинги уч унсур – ўқитиш жараёни лойиҳасини, яъни педагогик технология моҳиятини ифодалайди. Шубҳасиз, касбий маҳоратни оширишда таълимнинг дидактик масалалари ўзига тегишли технологиялар ёрдамида ечилади.

II – қисм. ОТМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

2.1. Олий таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технология муаммолари

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири “шахс манфаати ва таълим устуворлиги”дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган “портлаш эффекти” натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.;
- инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;
- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, Ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади (1, 21).

“Портлаш эффекти” сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир. Шу боисдан олий таълим муассасаларида миллий манфаатларимизга мос келадиган, предмети таълим ва тарбия қонуниятлари ҳисобланган “педагогика” фани ўқитилмоқда, унинг бош вазифаси – инсонга хизмат қилиш, тарбия ва ҳаёт муносабатларини уйғунлаштиришдир. Жамиятимиз педагогик технологияларни эркин танлайдиган, профессионал етук, сифатли педагогик хизмат кўрсатадиган ва ўз меҳнатини юксак кадрлайдиган эртанги кун педагогларини қутяпти.

Педагогик технология (ПТ) – шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида 3-минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, олий мактаб ўқитувчиси фаолияти тамоман янгиланади, талаба

биларда хурфикрлик, билимга чанкоклик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади.

Маълумотлилик асосида ётувчи бош ғоя ҳам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторитар ва сохта тафаккурлаш усулидан воз кечган, сабрбардошли, каноатли, ўзгалар фикрини хурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний кадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик ҳисобланади. Бу масаланинг ечимни қайси даражада таълимни технологиялаштириш билан боғлиқ?

Дастлаб “технология” тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараккиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва бошдан икки сўздан – “технос” (techne) – санъат, хунар ва “логос” (logos) – фан сўзларидан ташкил топиб “хунар фани” маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараёни тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда амалларни (операцияларни) муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, технологик жараён – бу меҳнат куруллари билан меҳнат объектлари (хон ашё)га босқичма-босқич таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи-машина)нинг фаолиятидир. Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига кўчириш мумкин, яъни: ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида таълим-тарбия оловчиларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиши ва аҳоли таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантиришни кафолатлаш жараёнидир.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, ПТ тушунчасини ишчиликда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда ҳам бу тушунчага берилган таърифлар сони педагогик адабиётларда ниҳоятда кўпдир. Педагогик нашрларда “технология” атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин: “ўқитиш технологияси”, “ўқув жараёни технологияси”, “маълумот технологияси” ва ҳоказо.

Ўқитиш технологияси ПТга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маъносини англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материални ўзлаштириш йўлини муайян технология шартларида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир жинсликда.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва “ўқитувчи – моддий муҳит – талаба” функционал тизим қонуниятларига асосланган билимлар асосида қурилади.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажратиб олмаётдилар. Шу боисдан бу тушунчаларни аниқлаштириш керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таълимчилар мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган мақсад предмет

мавзуларига оид назарияларни аниқ ходисалар текислигига кўчиришдир. Мисол учун, газ қонунлари тушунчаларини шакллантириш методикаси ёки энергиянинг сақланиш қонунини физика курсининг электр бўлимида қўллаш методикаси ва ҳ.к.

ПТ ўқитиш жараёнинг ўзаро боғлиқ қисимларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларни куриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. Ёхуд ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндисидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг турғунлиги, самарадорлиги, олдиндан лойихаланиш зарурати билан методикадан фаркланиб туради.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида ПТ ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб караб келинди. Фақат 70 – йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т. Сакамото томонидан “ўқитиш технологияси – бу ўқитишнинг макбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси” эканлиги эътироф этилади.

Объектив борликни ўрганишнинг тизимли ёндашиш методи фанда кенг кўламда қўлланилгач, унинг таъсири остида аста-секинлик билан ПТ моҳиятига ҳам аниқлик киритилди. Рус олимаси Н.Ф. Тализина технологияни “белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усулларини аниқлашдан иборат” деб тушунтиради. Шунингдек, олима замонавий ўқитиш технологияси ҳақида фикр юритиб, уни алоҳида фан сифатида караш лозимлигини уқтиради: «ўқитиш технологияси – бу ўқув жараёнини нима реал тавсифласа ўша, ўқитувчига ўрнатилган мақсадларга эришиш учун нимага таяниш зарур бўлса ўша. Бу алоҳида фан» (25).

ПТни фан сифатида эътироф этиш Г.К Селевко томонидан ҳам маъқулланди: “Педагогик технология ўқитишнинг бирмунча оқилона йўллارини тадқиқ қилувчи **фан** сифатида ҳам (таъкид бизники – Н.С.), таълимда қўлланиладиган усуллар, принциплар ва регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир” (24). Олимнинг таъкидлашича “педагогик технология” тушунчаси таълим амалиётида уч иерархик даражада ишлатилади:

Умумпедагогик (умумдидактик) даража: умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология маълум минтақада, ўқув юртида, маълум ўқитиш босқичида яхлит таълим жараёнини тавсифлайди.

Хусусий методик (предметли) даража: хусусий предметли ПТ “хусусий методика” маъносида қўлланилади, яъни таълим ва тарбиянинг аниқ мазмунини жорий этиш методлари ва воситалари йиғиндиси сифатида бир предмет, синф, ўқитувчи доирасида қўлланилади (фанларни ўқитиш

методикаси, ўқитувчи, тарбиячининг ишлаш методикаси).

Локал (модулли) даража: локал технология ўзида ўқув – тарбиявий жараёнининг айрим қисмларини, хусусий дидактик ва тарбиявий масалалар енчимини ўзида мужассамлаштиради (алоҳида фаолият турлари технологияси, тушунчаларни шакллантириш, алоҳида шахс сифатларини тарбиялаш, дарс технологияси, янги билимларни эгаллаш, мустақил ишлаш технологияси ва бошқа).

И.Я. Лернернинг фикрича, ПТ – “ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалашни тақозо этади.”⁴

Юқорида келтирилган таърифлардан кўришиб турибдики, ПТ белгиланган бошланғич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этиляпти. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса унинг бир ёқламалиги кўзга яққол ташланади ёки бундай ёндашуларда талаба шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В.П. Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида “ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган талаба шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир” деб таърифлади (6). Бу таъриф мазмунидан муҳим илмий принципларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ПТ талаба(ўқувчи)ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун лойиҳаланади;
- лойиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди ёки у эгилувчанлик хусусиятига эга.
- якуний натижа, албатта, кафолатланади.

ПТ тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, ПТни амалиётга жорий этишга бўлган уринишлар натижасини ифодалайди.

Қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинди. Натижада ўқитиш жараёнини тақомиллаштиришга ёки талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган “Дастурли таълим” (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифок микёсидаги “Шаталовчилик ҳаракат”ини эслаш кифоя.

Бугунгикунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши ПТнинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги ПТ педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат

1. Лернер И.Я. Внимание технологии обучения // Сов. Педагогика, 1990. № 3. – С. 139.

таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради.

Дарвоқе, ПТга “янги” сўзини қўшиб ишлатилиши назариячи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантириб қўйди, эндиликда таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини англашга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, “янги ПТ” нимани англатади? Бу саволнинг ечимини изохлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, ПТ таълим (тарбия) жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Бинобарин, ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос ҳолда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. “Мақсад” эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайрлаш миллий дастури таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни: “Ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва саркитдан тўла ҳолис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш” деб белгиланади. Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг ҳам, педагогик жараённинг ҳам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, кишлоқ хўжалиги, электрон, ахборот ва бошқа) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифатий ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда “Урганиш”нинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари ромига сиғмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиовизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеликка айлантирди.

ПТ моҳият жиҳатдан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бошқалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эга, маълум “материал” билан иш қўради. Бироқ ПТ инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш, биологик, ҳатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари – тарбия компонентларини мужассамлаштиришидир.

ПТ бошка соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб бориши ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски, бу жараён ҳозирги таълим тизимида жуда кийин кечяпти, ҳақиқий компьютерли ПТ ўзининг илмий ишланмасини кутяпти: “компьютерларнинг шу кундаги қўлланиши – экстенсивлик холос: анъанавий ўқув курслари шунчаки экран мониторида жойлаштириляпти“(8). Шу ерда ПТ ва ахборот технологияси ўртасидаги ўзаро муносабатни ойдинлаштириш лозим бўлади. Кейинги вақтларда баъзи бир олимлар (айниқса информатика фани вакиллари) ПТни ахборотлаштиришга қўшиш ёки тенглаштириш (баъзан устун қўйиш)ни ёқмақдалар. Бу уринишлар агар хато бўлмаса, шубҳасиз “поддан олдин чанг чиқаришдир“. Ўқув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий (айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб) воқелик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий “бурилиш“, унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда таълимда ахборот технологияси – бу “талаба – компьютер“ ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология ПТнинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иктисодий бухронлар ортда қолиб ўқув юртлари дастурли “машина“ билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида талаба (талаба)ларнинг билиш фаолиятини таъминлаш этиш ва бошқариш имконияти тугилади ва у ўқитувчининг яқин кўмақдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланишини таъкидлаётган ҳолда ПТнинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиламиз:

1) кўп босқичли таълим тизимида ПТнинг ўрнини асослаш ва зарурий таъминотлар ишлаб чиқиш;

2) замонавий саноат, тиббиёт, иктисодиёт, экология, эргономия каби соҳа технологиялари билан ПТларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

3) истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда янги ПТларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

4) тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги ПТларни тадбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

5) республикамиздаги олий (ўрта махсус, касб-ҳунара, мактаб) таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака оши-

риш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологи-ялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

б) олий ўқув юртлари талабалари, айниқса, мутахассис-педагог (иктисодчи-педагог, ҳуқуқшунос-педагог, муҳандис-педагог ва бошқа)лар учун 40 соат ҳажмида ПТ назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

7) республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган ме-тодикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш;

8) ўқитувчи фаолиятини педагогик технология қонуниятларига мосла-штириш муаммолари ва бошқалар.

Хўш, белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва назорат қилишни ким ўз зиммасига олиши мумкин? Халқ таълими вазирлигимиз ёки Олий таълим вазирлиги? Эҳтимол, Таълим марказларининг вазифасидир? Ёки ҳар қайси таълим муассасалари ўз ҳолича ечаверадими? Биз бу саволлар билан таълим соҳасидаги у ёки бу бошқарув органларига вазифа юклаш фикридан йироқмиз. Айни шу кунларда ваколатли давлат органларининг кун тартибида ҳам ПТ муаммолари турганлигига шубҳа йўқ.

Фикримизча, илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш ва ҳаётга тадбиқ этиш муаммоси мамлакатимизда ҳам ривожланган давлатлар катори янги корхона – “Педагогик технология Давлат Марказ”ини тузиш-ни тақозо этади. Агар шундай Марказ ташкил этилса, биринчи навбатда “портлаш эффекти” сари йўлни қисқартиришга ҳисса қўшган бўларди. Учинчи минг йилликда таълим тараққиётининг ҳаққоний двигатели сифа-тида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуришга, талаба ёшларда ҳурфқрлилик, билимга чанкоклик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижо-бий таъсир кўрсатар эди.

2.2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи

Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйиляпти: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, мафқуравий соҳаларда туб ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия соҳасининг ислоҳ қилиниши педагогика фанини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб берди. Энди-ликда кишилиқ жамияти томонидан узоқ йиллар давомида яратилган тарбияшунослик тажрибаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишлари кені йўлга қўйилди.

Шўролар тузуми даврида барча ижтимоий фанлар каби педагогика ҳам

коммунистик мафкура қобиғи билан ўралган, унинг ривожланиш меъёри текланган, илгор чет мамлакат ғоялари эса буржуа ғоялари, деб танкид қилинар ва рад этилар эди, ҳолбуки ҳар қандай ғоя ҳам ўзида маълум ижобий жиҳатларни мужассамлаштириши мумкин, уларни амалиётга жорий этиш фойдадан холи эмас эди. Жумладан, педагогик технология (ПТ) ҳам буржуа дидактикасига тегишли йўналиш сифатида қараб келиниди ва бу муаммони тадқиқот объектига айлантиришнинг иложи йўқ эди. Бошқача қилиб айтганда педагогик технология феномени идеологик кураш “қурбони” бўлган.

Бугун мамлакатимиз истиқлол шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга тадбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда “кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади”.

Бу фаслда биз педагогик технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30-йилларда “педагогик техника” тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда ПТ деб ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни ушшлаш, кўргазмаларни қуроллардан фойдаланиш тушунилди.

40-50 йилларда ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталарида бу тушунча мазмуни чет эл педагогик оширларда кенг муҳокамага тортилди. 1961 йилдан бошлаб АҚШда “Педагогик технология” (Educational Technology), 1964 йилдан Англияда “Педагогик технология ва дастурли таълим” (Technology and programmed Learning), Японияда эса 1965 йилдан “Педагогик технология” (Educational Technology) журналлари чоп этила бошланди. 1971 йилда худди шу номли журнал Италияда чиқарила бошланди.

ПТ муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида махсус корхоналар тузилди. Мисол учун, 1967 йилда Англияда педагогик технология Миллий Кенгаши (National Council for Educational Technology) ташкил этилди ва 1970 йилдан бошлаб “Педагогик технология журнали” (Journal of Educational Technology) чиқа бошланди. АҚШнинг катор университетлари ва илмий марказларида ҳам ПТ муаммоларига жиддий эътибор берилди. 1971 йилда махсус “Коммуникация ва технология Ассоциация”си (Association for Educational

Communications and Technology) фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бу ташкилотнинг барча штатларда ва Канадада 50 дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

Японияда ПТ муаммолари билан тўртта илмий жамият шугулланмоқда, фаол ҳаракатдаги педагогик технология Марказий Кенгашининг 22 та давлат университетларида марказлари мавжуд, ҳар уч ойда япон тилида чиқадиган “Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар” (Educational Technology Research) журналларида йирик олимларнинг илмий ишлари ўз ўрнини топмоқда. Яқинда Умуяпон педагогик технология Марказий Кенгаши (The Japanese Council of Technology Centers) тузилиб, бу соҳада халқаро алоқалар ўрнатиш ишлари билан машхур.

Дидактиканинг бу йўналишига эътибор ниҳоятда ошиб боришини 70-йилларда ўтказилган қатор халқаро конференциялар тасдиқлайди. Шундай халқаро конференциялар 1966 йилдан бошлаб ҳар йили баҳорда Англияда ўтказилиб келинади ва анжуман материаллари “Педагогик технология жиҳатлари” (Aspects of Educational Technology) номида нашр қилинади.

Юқоридагиларнинг ўзиёқ ПТ педагогика назарияси ва амалиёти соҳасидаги алоҳида ҳодиса сифатида диққат марказда турганлигини, 60-йиллардан бошлаб чет элларда янги йўналиш сифатида шаклланганлигини таъкидлаб турибди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинди ва ривожлантирилди: **биринчиси** – ўқув жараёнига техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлса (шу жумладан дастурли таълимнинг техник воситалари), **иккинчиси** – ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларни таҳлил қилишдан тортиб таълим жараёнини турлича нашрли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни камраб олади. Шу ерда биринчи конференция материаллари (1966 йил) тўшамнинг кириш мақоласида ёзилган жуда муҳим далилни келтириш ўринлидир: “икки тушунча – “педагогика” ва “технология”ларни қўшиш мантиқи тортишувларга сабаб бўлаяпти. Чунки “технология” сўзи аудиторияга техникани киритиш ва “дегуманизация” (инсонпарварликдан воз кечиш) ғояси билан тавсифланиши педагогик касб вакиллари чўчитиши мумкин”. Албатта, бу фикр маълум даражада тўғри бўлиши мумкин. Бирок технократик фикрлаш (техниканинг инсон ва унинг кадриятлари устидан устунлиги) фанда қораланади ёки инсон ҳеч қачон “темир машина”га тобе бўлмайди, балки уни ўз ақл-заковати билан яратади ва бошқаради. Бу муаммонинг психологик жиҳатлари бўлиб кам ўрганилган соҳа.

70-йилларнинг бошига келиб ўқув жиҳозларининг турли хилларини ва ўқитишнинг предметли воситаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурий шартлардан бирига айланди, уларсиз илғор методика ва ўқитиш шакллари самарасиз бўлиши, таълим сифатига эришиб бўл-

маслиги англаб етилди. Шу боисдан социалистик лагердаги давлатларда ҳам бу соҳада маълум ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1965 йилда собик СССР Педагогика Фанлари Академиясида “Ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситалари” илмий текшириш институти ташкил этилди ва ҳозир ҳам Россия таълим академияси институти сифатида фаолият кўрсатапти.

1973 йилда Венгрияда “Ўқиш технологияси Давлат Маркази” бевосита ЮНЕСКО ташаббуси ва дастури асосида ташкил этилди ва унинг асосий вазифаси ўқитиш технологиясининг янги қирраларини кашф этиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш каби масалалардан иборат бўлди.

ЮНЕСКО инсонларвар ва тараккийпарвар ташкилот сифатида халқаро муаммоларни ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. 1971 йилда ЮНЕСКО собик бош директори Рене Маис Франция Бош вазири (айни вақтда Таълим вазири) Эдгаро Форага мурожаат қилиб махсус гуруҳга раҳбарлик қилишни, тезкор ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда жаҳон таълими олдига қўйилган мақсадни ва уни амалга ошириш учун ақлий ва моддий воситалар миқдорини белгилаб беришни илтимос қилди.

Шундай қилиб, 1972 йилнинг кеч кузида Буюк Британия ва Франция китоб дўконларида “Яшаш учун ўқиш. Тарбия дунёси бугун ва эртага” (*Learning for living. The world of education today and tomorrow*) китоби пайдо бўлди. Бу воқеага қарийб 40 йил вақт ўтган бўлса-да, маърузанинг асосий ғояларини эслаш фойдадан холи бўлмайди. Боз устига бу китоб бошқалари каби мамлакатимиз кенг аудиториясига кириб келмади, кутубхоналаримиз бойлигига айланмаган.

Комиссия томонидан жаҳон таълимининг жорий ҳолати таҳлил қилиниб асосий йўналишлари белгиланди. Комиссия миллий Концепция, шунингдек маориф ва тарбияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ўз тавсияларини ифода этди. Бу концепциянинг бош ғояси: инсон бутун ҳаёти давомида тикланиш ҳолатида бўлади, демак у ўз потенциалини фақат узлуксиз таълим жараёнидагина амалга оширади – доимо янгиликларни билишга ва мавжуд тажрибаларини фаоллаштиришга интилади. Шу боисдан маълумотлилик фақат маълум ҳажмдаги билимларни узатиш билан боғлиқ ҳолда эмас, инсон ўз ҳаёти давомида тикланиш жараёнининг мантикини аниқлайдиган омил сифатида тушуниш керак. Энг асосийси, Эдгаро Фора томонидан **“замонавий технология таълимни модернизациялашда ҳаракатланувчи куч”** эканлиги қайд этилди.

Бу даврда таълим тизимидаги ўзгаришлар турли мамлакатларда турлича кечди: баъзи бирлари амалиётдаги мавжуд таълимни такомиллаштиришни авзал кўрсалар, бошқалари ўз олдларига ҳозирги таълим тизимини янгисига алмаштиришни мақсад қилиб қўйди. Ниҳоят, учинчилари эса жамиятни ўзгартирмасдан туриб таълим тизимини ислоҳ қилиш мумкин

эмаслигини, вақтни бой бермасдан ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларнинг янги тизимини яратишга киришиш кераклигини эътироф этадилар.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик феноменнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

1977 йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда таълимни технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ омишлар рус олими С.Г. Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланди:

- техникани билиш ва мукамал эгаллаш;
- аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш;
- техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш.

Бирок бу фикрнинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Ундан фарқли ўларок ғоялар шу семинар иштирокчилари томонидан айтилди. Мисол учун, венгер олими Л. Салаи ўқитиш технологияси доирасини бир мунча кенгайтиришга уринади: режалаштириш, мақсад тахлили, ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда ташкил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган методлар, воситалар ва материалларни танлаш бевосита ПТни лойиҳалашдаги ўқитувчи фаолиятига хослигини таъкидлайди. Шунга яқин фикрлар, яъни ўқитиш технологияси ўзида ёрдамчи восита ва янги тизимни камраб олган ҳолда ўқув жараёнини ривожлантиришга, унинг ташкилий шаклларини, методларини, мазмунини ўзгартирган ҳолда ўқитувчи ва талабаларнинг педагогик тафаккурлашига таъсир кўрсатиши Ж. Целлер томонидан таъкидланди. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, 70-йиллар охирига келиб чет элларда техника ривожини ва таълимни компьютерлаш даражасига боғлиқ ҳолда ПТнинг иккита жиҳатлари алоҳида ажратилиб кўрсатилган ва тадқиқ қилинган: 1) ўқув жараёнига техник воситаларни жорий этиш; 2) амалий масалалар ечимини топишда билимлар тизимидан фойдаланиш. Мисол учун, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи йўналиши, яъни таълимнинг янги техник воситаларини яратиш ва ўқув жараёнига қўллаш билан бевосита боғлиқ бўлган (Noshinisono Harou, Educational Technology in Japan, Audio shal Instruction, November, 1979).

Бундай ҳолат бошқа қатор давлатлар учун ҳам характерли бўлиб, ПТнинг иккинчи йўналиши – назарий-дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ ва Англияда тадқиқот объектига айланди. Чунки “техно-

логия“ сўзи кенг маънода назарий билимларни амалиёт мақсадига кўчириш, бу кўчиришнинг аниқ йўллари ишлаб чиқиш зарурати эътироф этилди.

Шундай қилиб, 80-йилларда ПТнинг моҳиятини оидинлаштиришга бўлган уринишлар янада давом эттирилди. Бу соҳа Россиялик педагог олимларнинг диққатини ҳам жалб эта бошлади. ПТнинг ривожланиш тарихи Т.А. Ильинанинг илмий мақолаларида буржуа дидактикасининг йўналиши сифатида талқин этилсада, у биринчилар каторида ўз ҳамкасбларини бу муаммо билан шуғулланишга даъват этади ва чет эл мактаблари ва педагогикасида бу соҳадаги янги ва қизиқарли нашрларнинг барчасини кузатиш фойдали эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу боисдан 80-йилларнинг охири, 90-йилларда ПТнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш Россияда кенг йўлга қўйилди. Академик В.П. Беспалькони 1989 йилда нашр этилган “Слагаемые педагогической технологии” (6) китоби бу соҳадаги йирик тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

Ҳўш, ПТ мамлакатимиз таълим тизимида, қолаверса, педагогик нашрларда илмий тушунча тарзда қачон пайдо бўлди? Шубҳасиз, янги соҳа 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида долзарб тадқиқот объекти даражасига кўтарилди ва ижтимоий буюртма сифатида юзага қалқиб чикди. Шу билан биргаликда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу муаммога қўл урилди, аниқроғи 1993 йилда “Халқ таълими” журнагида чоп этилган “Ўқитувчининг педагогик тизимдаги фаолияти” мақоласида биринчи марта ПТ тушунчаси моҳияти, унинг таърифи, маълум педагогик тизим доирасидаги талқини ёритилди (18).

Бугун эса ПТ мавзуси бўйича мамлакатимизда назарий ва амалий конференцияларни уюштириш, вақтли матбуотларда мақолаларнинг тез-тез кўзга ташланиб туриши ижтимоий воқеликка айланиб борётганлиги қувончлидир. 1997 йил май ойида Самарқанд Давлат Университетида ўтказилган “Олий таълимнинг ҳозирги долзарб муаммолари” Олий ўқув юртлариаро илмий-методик конференциянинг ялпи йигилишида “Педагогик технология: концептуал таҳлил” мавзусида маъруза қилинди.² Маърузада таълимни технологиялаштириш жараёни ижтимоий буюртма сифатида мавжудлиги эътироф этилди, ПТ таърифи, моҳияти ва тарихи ҳамда замонавий лойиҳаси методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинди.

XXI асрга қадам қўйиш арафасида Г.К.Селевко томонидан ПТга оид йирик методик асар – ўқув қўлланма яратилди ва унда педагогик технологиялар таснифи келтирилади (24). Олим ПТларни ўн икки турга ажратади:

1. Қўлланиш даражаси бўйича (умумпедагогик; хусусий предметли; локалли, модулли, тор педагогик).

2. Сайидахмедов Н.С. Педагогик технология: концептуал таҳлил: Олий ўқув юртлариаро илмий-методик конференциянинг ялпи мажлисидаги маъруза. Самарқанд, СамДУ, 1997 5-6 май.

2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик, метофизик, инсонпарвар, ноинсонпарвар, антропософия, теософия, прогматизм, экзистенциализм, сционизм).

3. Рухий ривожлантиришнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).

4. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассоциатив – рефлекторли, ривожлантирувчи, бехевиористик, гештальттехнология, суггестив, нейролингвистик).

5. Шахс тузулмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операция, ҳаяжонли-бадий, ҳаяжонли-ахлокий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).

6. Мазмуни ва тузулиш характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик, турлича соҳавий технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар, политехнологиялар).

7. Ташклий шакллар бўйича (синф – дарс, мукобилли, академик, якка тартибли, гуруҳли, жамоа бўлиб ўқиш усуллари, табакалаштирилган таълим).

8. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали классик ўқитиш; аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқитиш ; ”маслаҳатчи тизим”; китоб ёрдамида ўқитиш; “кичик гуруҳ” тизими ; компютерли ўқитиш; “репетитор” тизими; “дастурли таълим” – В.П.Беспалько).

9. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактоцентрик, шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).

10. Устувор методлар бўйича (репродуктив, изоҳли-тасвирли, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий, дастурли таълим, диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиш таълими, информацион таълим).

11. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўқув материалларни методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик, мукобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

12. Таҳсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштирмовчилар билан ишлаш технологиялари, иктидорлилар билан ишлаш технологиялари).

Бу таъсифни келтиришдан асосий мақсад педагогларни ўтмишда қўлланилган, ҳозирги кунда жорий этилаётган ва келажак фаолиятда қўллаш мумкин бўлган технологилар билан тўлик таништиришдир. Тас-

нифдан кўриниб турибдики, олимнинг ўзи ҳам ҳар доим илмий жихатдан асосланган ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлган технологияларни келтириш лозимлиги олдида ҳисоб беравермайди.

Шундай қилиб, ПТ концепциясининг ривожланиш тарихини кузатиш натижалари асосида бу соҳада сермашаккат изланишларни олиб бораётган тадқиқотчиларни фаолият даражаларига боғлиқ ҳолда шартли уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Баъзи “жонқуяр” олимларнинг ПТни педагогикадаги замонавий йўналиши деб анъанавий ёндашишлари ва ўз имкониятлари доирасида муаммога илк бор қўл уришлари. Улар “тасодифий” гуруҳ вакиллари дир (Тожиев М., Турдикулов Э., Сейтхалилов Э., Омонов Х., Ҳасанбоев Ж. Ишматов Қ. ва б.).

2. Таълимнинг бугунги аҳволига қайғурадиганлар ва уни инкироздан қутқарувчи куч технологиялаштириш деб қарайдиган “қисман ижодкор” гуруҳига мансуб тадқиқотчилар (Азизходжаева Н.Н., Адизов Б., Йўлдошев Ж., Ишмуҳаммедов Р., Зиёмуҳаммедов Б., Нишаналиев У., Очилов А., Толипов Ў. ва б.).

3. Бу гуруҳ аъзолари технологиялаштиришни объектив жараён, деб ҳисоблайдилар ва янги сифатий муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион жараёнга қўтариш шартларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда ижод қилмоқдалар. Улар “илмий” гуруҳни ташкил этадилар.

2.3. ОТМ ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантирувчи педагогик технология лойиҳалари

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида жамиятнинг потенциал имкониятларини юзага чиқариш, кучли интеллектуал ва маънавий салоҳиятни шакллантириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси бево-сита таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, янги технологияларни лойиҳалаш ва педагогик амалиётга тадбиқ этиш билан узвий боғлиқдир.

Республикаимиз Президенти Биринчи чакирик ЎзР Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни назорат остига олиш зарур”лигини алоҳида таъкидладилар” (2, 37-38). Бугун олимлар ва ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар. Бу соҳага яқин хорижий давлатларда ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг янги педагогик технологиялар соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш мақсадида малака ошириш институтларида 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб янги дастур асосида «Педагогик технология

ва педагогик маҳорат» йўналиши бўйича малака ошириш йўлга қўйилди. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бу юксак вазифани амалга оширишни А.Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Олий инженерлик педагогика институти зиммасига юкледи. Ўқув режасига “Замонавий педагогик технологиялар” махсус курси 24 соат ҳажмида киритилганлиги диққатни жалб этади. Шу билан бирга баъзи курслар (“Ўқув мақсадларига эришиш методлари”, “Идентив ўқув мақсадлари, ўқув мақсадларини вазифаларга айлантириш”)нинг номланиши ва ўқув режасида алоҳида келтирилиши эътироз туғдиради. Бу мавзулар (курс эмас, айнан мавзулар) “Замонавий педагогик технологиялар” курсининг асосий мавзулари ҳисобланишини доимо ёдда тутушимиз лозим.

Педагогик технологияларнинг замонавийлиги ва бугунги таълим тизими учун зарурати қандай аниқланади? Бу саволга жавобни анъанавий ўқитиш технологиясининг моҳиятини англаб етгандагина топиш мумкин бўлади. Шу боисдан дастлаб бу технология моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Анъанавий ўқитиш технологияси

Машҳур чех педагоги Ян Амос Коменский томонидан XVII асрда шакллантирилган таъ-

лим шакли – синф-дарс тизими “анъанавий ўқитиш” (АЎ) атамасини келтириб чиқарди ва бугун ҳам бу тизим дунё мактабларида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Анъанавий синф-дарс технологиясининг ўзига хос жиҳатлари:

- ўқувчиларнинг ёши деярли бир хил бўлади ва синфни ташкил этади, унинг таркиби мактабни тамомлағунча, асосан, ўзгармайди;
- синф ягона йиллик режа ва дастур бўйича дарс жадвалига таяниб ишлайди. Бунинг оқибатида болалар мактабга йил давомида бир хил вақтда ва куннинг олдиндан белгиланган соатида келишади;
- машғулотнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;
- дарс, қоидага кўра, бир ўқув предметига, бир мавзуга тегишли, шу боисдан синф ўқувчилари бир хил ўқув материали билан ишलाшади;
- дарсда ўқувчилар фаолиятини ўқитувчи бошқаради: у ўз предмети бўйича ҳар бир ўқувчининг ўқиганлик даражасини алоҳида аниқлайди, ўқитиш натижаларини баҳолайди ва йил охирида ўқувчиларнинг кейинги синфга кўчириш ҳақида ечим қабул қилади;
- ўқув китоблари (дарсликлар), асосан, уй вазифаларини бажариш учун қўлланилади.

Ўқув йили, ўқув ҳафтаси, ўқув куни, дарс жадвали, ўқув таъгиллари, ёки ҳордиқ, аниқроғи, дарслар ўртасидаги танаффус – синф-дарс тизимининг белгиларидир.

АЎнинг мақсадли йўналтирилганлиги

Ўқитишнинг мақсади – ҳаракатчан тоифа ҳисобланиб, муайян шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда у ёки бу ташкил этувчиларни камраб олади. Собик шўро педагогикасида ўқитишнинг мақсади куйидагича ифодаланар эди:

- билимлар тизимини шакллантириш, фан асосларини эгаллаш;
- ўқувчиларда илмий дунёкарашни таркиб топтириш;
- ҳар бир ўқувчини гормоник ва ҳар томонлама ривожлантириш;
- жисмоний ва ақлий меҳнатга қобилятли, онгли ва ўқимишли одамларни тарбиялаш;
- юксак ғоявий коммунизм қурувчиларини тарбиялаш.

Шундай қилиб, АЎ мақсадлари ўз тийнатига кўра берилган сифатлар билан шахсни тарбиялашни мужассам этади.

Мазмунига кўра АЎ мақсадлари шахс ривожига эмас, балки, асосан, билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган (ҳар томонлама ривожлантириш расмиятчилик эди, холос).

Бугун оммавий ўзбек мактабларида ўқитишнинг мақсади бутунлай ўзгарди – сиёсийлаштиришдан соқит бўлди, ҳар томонлама гармоник ривожлантириш шиори олиб ташланди, ахлоқий тарбия таркиби тамоман ўзгарди, унда миллий кадриятларимизга кенг ўрин берилганлиги кўзга ташланмоқда, миллий ғоя ва мафкура тарбияси амалга оширилмоқда. Бироқ олдиндан белгиланган сифатлар йиғиндиси кўринишида мақсадни тақдим этиш парадигмаси (таълим стандартлари) сақланиб қолди.

АЎнинг концептуал асослари

АЎнинг концептуал асосларини дидактик принциплар ташкил этади:

- илмийлик (ёлғон билимлар бўлмайди, балки тўлқсиз билимлар бўлиши мумкин);
- табиатан монандлик (ўқитиш ривожланиш билан аниқланади, тезлаштирилмайди);
- кетма-кетлик ва изчиллик (жараённинг тадрижий чизикли мантиқи, хусусийликдан умуйликка);
- тушунарлилик (номаълумдан маълумга, енгилдан қийинга, тайёр билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш);
- мустаҳкамлик (такрорлаш – ўқишнинг онаси);
- онглилик ва фаоллик (ўқитувчи томонидан кўйилган масалани бил ва командани бажаришга тайёр тур);
- кўрсатмалilik (қабул қилишга турли сезги органларини жалб этиш);
- назария билан амалиётнинг боғлиқлиги (ўқув жараёнининг муайян қисми билимларни қўллашга ажратлади).

Ўқитиш – бу катта авлод томонидан ёшларга билим, кўникма ва малакаларни, ижтимоий тажрибани узатиш жараёнидир. Бу яхлит жараён тркибига мақсадлар, мазмун, метод ва воситалар ҳам киритилади.

АЎда мазмуннинг алоҳидалиги

Анъанавий оммавий мактабларда таълим мазмуни шўро ҳукумати йилларидаёқ шаклланган эди (у мамлакатни индустриялаштириш масалалари билан, капиталистик давлатларнинг техник ривожланиш даражаси орқасидан кувиш билан, илмий-техник тараккиётнинг умумий роли билан аниқланган) ва мустақиллик йилларигача технократик эди. Билимлар, асосан, шахс фаҳм-фаросатининг ибтидосига йўналтирилар, унинг маънавияти ва ахлоқийлигига эътибор қаратилмайди. Мактаб ўқув предметларининг 75 % чап яримшарнинг ривожланишига йўналтирилган, нафосат фанларига фақат 3% ажратилган, совет мактабида маънавий тарбияга жуда оз диққат қаратилар эди.

Анъанавий тизим танлаш эркинлиги ва вариантланиш ҳақидаги шиорга қарамасдан бирколипли, ўзгармайдиган бўлиб қолади, Таълим мазмунини режалаштириш – марказлашган. Таянч ўқув режалари бутун мамлакат учун ягона стандартларга асосланган эди. Ўқув фанлари (фан асослари) “йўлак”ни аниқлаб берган, фақат унинг ичидагина боланинг ҳаракатланишига имкон берилади. Ўқитиш тарбиялаш олдида катта устунликка эга. Ўқитув ва тарбиявий фанлар ўзаро боғланмаган.

АЎ методикасининг алоҳидалиги

Анъанавий технология биринчи галда автаритар педагогика талабларини ўзида мужассам этади, ўқиш ўқувчининг ички ҳаёти билан, унинг кўпсонли талаб ва эҳтиёжлари билан бирмунча кучсиз боғланади, шахснинг индивидуал қобилиятларини, ижодий ёндашувларини номойиш қилиши учун шароит бўлмайди.

Ўқитиш жараёнининг авторитаризмлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- фаолиятнинг вақт бўйича чегараланганлиги, ўргатувчи муолажаларнинг мажбурийлиги (“мактаб шахсни зўрлайди”);
- назоратнинг марказлашганлиги;
- ўртача ўқувчига мўлжалланганлиги (“мактаб иктидорни ўлдиради”).

Ўқувчи мавқеи: ўқувчи – ўргатувчи таъсирининг қарам объекти, ўқувчи “лозим”, ўқувчи ҳали тўлиқ бўлмаган шахс, номаънавий “кичик мурват”.

Ўқитувчи мавқеи: ўқитувчи – командир, ягона ташаббускор одам, қози (“хар доим ҳақ”); катта (ота-она) ўргатади.

Билимларни ўзлаштириш методлари асосланади:

- тайёр билимларни етказиш;
- намуна бўйича ўқитиш;
- хусусийликдан умумийликка боришнинг индуктив мантики;
- вербалли баён;
- репродуктив қайта ишлаш.

Ўқитиш жараёни фаолият сифатида АЎда мустақилликнинг йўқлиги, ўқувчининг ўқув меҳнати кучсиз мотивлашгани билан тавсифланади. Боланинг ўқув фаолияти таркибида:

- мустақил мақсаджоизлик йўқ, ўқитиш мақсадини ўқитувчи қўяди;

- фаолиятни режалаштириш ташқаридан олиб борилади, ўқувчига унинг хоҳишига қарши мажбуран юклашади;

- бола фаолиятининг якуний таҳлили ва баҳолаш унинг иштирокисиз, ўқитувчи ёки бошқа шахс томонидан амалга оширилади.

Бундай шароитда ўқув мақсадларини жорий этиш босқичи барча унинг негатив оқибатлари билан “таёқ остида”ги меҳнатга айланади (боланинг ўқишдан бегоналашуви, ёлғонга, ялқовликка, конформизмга³ тарбиялаш – (“мактаб шахсни мажруҳ қилади”).

Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш. Анъанавий педагогика ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун бешбалли баҳолаш мезонларини ишлаб чиқди, унга кўра баҳолашга қўйилган талаблар қуйидагича: индивидуал характер, табақалаштирилган ёндашув, назорат ва баҳолашнинг тизимлилиги, ҳартомонламалик, шакллар хилма-хиллиги, ягона талаб, объективлик, ошқоралик.

Бирок АЎнинг мактаб амалиётида анъанавий баҳолаш тизимининг манфий томонлари кўзга ташланади: сонли баҳо – қайд – кўпинча мажбурлаш воситасига, ўқитувчининг ўқувчи устидан ҳукм қилиш, ўқувчига психологик ва ижтимоий босим ўтказиш қуролига айланади.

Қайд билув фаолияти натижаси сифатида тез-тез шахс билан тенглаштирилади, ўқувчилар “ақлли” ва “аҳмоқ”га ажратилади. “Иккичи”, “уччи” каби номлар тушқунлик ҳисини, камситишни уйғотади, ёки ўқишга ҳафсаласизликни келтириб чиқаради. Ўқувчи дастлаб ўзининг қаноатланарли баҳоси билан билим ва қобилиятларининг тўлиқсизлиги ҳақида хулоса қилади, кейин эса ўз шахси (Мен-концепцияси) тўғрисида ёмон хулосага келади.

Иккичи муаммоси алоҳида мавжуд. У ўтказмайдиган баҳо, иккинчи йил ўқиш ва чиқиб кетиш асоси ҳисобланади, яъни кўп жиҳатдан шахс тақдирини ҳал қилади, ва умуман, катта ижтимоий муаммони тақдим этади. Жорий икки манфий эҳтиросларни чақиради, ўқувчида ўз-ўзи билан, ўқитувчи билан, предмет билан, мактаб билан психологик низоларни туғдиради.

Шундай қилиб, АЎ – синф-дарс (аудитория-машғулот) шаклининг афзалликлари ва камчиликларини келтириб ўтамиз.

Афзалликлари: ўқитишнинг тизимли характерда эканлиги; ўқув материални узатишнинг тартиблилиги, мантикий тўғрилиги; ташкилий жиҳатдан аниқлиги; ўқитувчи шахсининг доимий эҳтиросли таъсири; оммавий ўқитишда ресурслар сарфининг мақбуллиги ва б.

Камчиликлари: шаблонли қурилганлиги, бир хиллиги; дарс вақтининг нотекис тақсимланиши; ўқувчиларнинг бир бири билан мулоқатда бўлмаганлиги; мустақилликнинг йўқлиги; сустлик ёки ўқувчилар фаолигининг зоҳирийлиги; нутқий фаолиятнинг кучсизлиги; кучсиз тесқари алоқа; индивидуал ўқитишнинг йўқлиги.

3. Конформизм – лот. *confortais* – бир хилликка, ягона фикрлашга интилиш.

Олий таълимда анъанавий технологияларга ўқитишнинг маъруза-семинар-синов тизими (шакли) ҳам қиради: дастлаб ўқув материали аудиторияга маъруза методи билан узатилади, кейин эса семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида қайта ишлов берилади (ўзлаштирилади, қўлланилади), ва ўзлаштириш натижалари синов шаклида текширилади.

Анъанавий ўқитиш технологиясидан фарқли ўларок таълим жараёнида талабалар фаоллигини таъминлашга йўналтирилган педагогик технологиялар мавжудки, улар мотивациянинг юқори даражаси билан, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг англашилган эҳтиёжлари билан, натижавийлиги ва ижтимоий меъёрларга мослиги билан тавсифланади. Улар сирасига ўйин технологиясини, муаммоли таълимни, аксиоматик ёндашувни, В.Ф Шаталов тизимини, шахслаштирилган таълимни ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўйин технологияси

Ўйин инсон фаолиятининг меҳнат ва ўқув турлари билан бир қаторда туради ва мавжудликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Таърифи: ўйин – бу ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга ва яратишга қаратилган вазиятлар шароитидаги фаолият тури бўлиб, хатти-ҳаракат устидан ўзини ўзи бошқариш юзага келади ва такомиллашади (Селевко Г.К.).

Инсоний амалиётда ўйин фаолияти қуйидаги вазифаларни бажаради:

- кўнгил очиш (ўйиннинг асосий функцияси – қизиқиш уйғотиш, вақтичоғликни таъминлаш, жонлантириш);
- коммуникатив – мулоқат диалектикасини эгаллаш;
- ўз-ўзини намоёниш қилиш;
- терапевтик (хаётий фаолиятда юзага келадиган турли қийинчиликларни енгиб ўтиш);
- таъхисли (меъёрний ахлоқдан четга чиқишни аниқлаш);
- миллатлараро коммуникация: барча халқлар учун ягона бўлган ижтимоий-маданий кадриятларни эгаллаш;
- ижтимоийлашув (ижтимоий муносабатлар тизимига киришиш, инсоний ҳаёт меъёрларини ўрганиш).

Фаолият сифатида ўйин тузилмасига мақсадни аниқлаш, режалаштириш, мақсадни жорий этиш, шунингдек натижалар таҳлили ҳам табиий ҳолатда қиради, уларда шахс ўзини субъект сифатида тўлиқ намоёниш қилади. Ўйин фаолияти мотивацияси унинг ихтиёрийлиги билан, танлаш имкониятлари билан ва мусобақалашув унсурлари билан таъминланади, ўз мавқеини аниқлаб олишда, ўз-ўзини намоёниш қилишда эҳтиёжлар қаноатлантирилади.

Жараён сифатида ўйин тузилмасига қиради: а) бажариш учун ўзига олган роллар; б) бу ролларни амалга ошириш востаси сифатида ўйинли ҳаракатлар; в) предметлардан ўйин учун фойдаланиш, яъни ҳақиқий буюмларни шартлилари билан алмаштириш; г) ўйин иштирокчилари ўртасидаги реал муносабатлар; д) сюжет (мазмун) – ўйинда шартли ишлаб чиқиладиган воқелик соҳаси.

Ўйин ўқитиш методи сифатида авлодлар тўплаган тажрибани ёш авлодга етказиши қадимдан маълум. Ўйин ўзбек халқ педагогикасида, мактабга-ча таълимда, мактабдан ташқари корхоналарда кенг тарқалган. Замонавий олий таълимда ўқув жараёнини фаоллаштиришга ва жадаллаштиришга йўналтирилган ўйин фаолиятдан қуйидаги ҳолатларда фойдаланилади:

- тушунчаларни, мавзуларни ва ҳатто ўқув предметининг бўлимини эгаллаш учун алоҳида технологиялар сифатида;

- бирмунча йирик технологиянинг элементи (баъзан бирмунча аҳамиятли) сифатида;

- машғулот (дарс) ёки унинг қисми (кириш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) сифатида;

- аудиториядан ташқари ишлар технологияси сифатида (“Қилни қирқ ёриб”, “Заковат”, КВН ва б.).

“Ўйинли педагогик технологиялар” тушунчаси турлича педагогик ўйинлар шаклида педагогик жараёни ташкиллаштириш методлари ва усулларининг етарлича кенг гуруҳини қамраб олади.

Машғулотларнинг ўйинли шакли дарсда ўйин усуллари ва вазиятлари ёрдамида яратилиб, талабаларни ўқув фаолиятига рағбатлаш ва қизиқтириш воситаси сифатида намоён бўлади. Ўйинга оид усуллар ва вазиятларни амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича боради: дидактик мақсад талабалар олдида ўйинли масалалар кўринишида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қондаларига бўйсинади; ўқув материалдан унинг воситаси сифатида фойдаланилади; ўқув фаолиятига мусобақа унсурлари киритилиб, улар дидактик масалаларини ўйин вазифаларига ўтказилади; дидактик топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни ва мавқеи, ўқув ва ўйин элементларини чоғиштириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик ўйинлар функциялари ва таснифларини тушунишига боғлиқ.

Биринчи навбатда ўйинларни фаолият турлари бўйича ажратиш лозим: жисмоний (двигателли), интеллектуалли (ақлий), меҳнатий, ижтимоий ва психологик.

Педагогик жараён характери бўйича ўйин қуйидаги гуруҳларга бўлинади: а) ўргатувчи, машқ қилувчи, назоратловчи ва умумлаштирувчи;

б) билишга оид, тарбияловчи, ривожлантирувчи;

г) номахсул, маҳс улдор ва ижодий;

д) коммуникатив, диагностик, касбга йўналтирувчи, психотехник ва б.

Ўйин методикаси характери бўйича: предметли, сюжетли, ролли, ишбилармонлик, имитацион ва ўйин-драмма.

Предметли соҳа бўйича ўйинлар: ўқув режасидаги барча предметлар – философия, педагогика, математика, социология ва бошқа фанларга оид.

Ва, ниҳоят, ўйин технологияларининг ўзига хослигини кўп жиҳатдан ўйин ўтказиладиган муҳит (объект) аниқлаб беради: предметли, предмет-

сиз; столда, уйда, кучада; компьютерли, телевизорли, ЎТВ; олға ҳаракатланишнинг турли техник воситалари ёрдамида.

Ўйин технологияларинг мақсадли йўналтирилганлиги

Дидактик мақсадлар: дунёкарашни кенгайтириш, билув фаолияти; билим, кўнима ва малакаларни амалиётда қўллаш; амалий фаолият учун зарур бўлган алоҳида кўникма ва малакаларни шакллантириш; умумқув кўникма ва малакаларини ривожлантириш; меҳнат кўникмаларини ривожлантириш.

Тарбияловчи мақсадлар: мустақилликни, эркинликни тарбиялаш, муайян ёндашувларни, мавқеларни, ахлоқий, эстетик ва дунёкарашга оид установкаларни шакллантириш; ҳамкорликни, жамоатчиликни, коммуникативликни, муомалаликни тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсадлар: диққатни, хотирани, нутқни, тафаккурни, таққослаш, солиштириш кўникмасини, ўхшашини топишни, мулоҳазалашни, хаёлийликни, ижодий қобилиятларни, рефлексияни, эмпатияни, мақбул ечим топиш кўникмасини ривожлантириш; ўқув фаолияти мотивациясини ўстириш.

Ижтимоийлаштирувчи мақсадлар: жамият меъёрлари ва қадриятларига аралашув; муҳит шароитларига кўникиш; кучли эҳтиросли назорат, ўз-ўзни ростлаш; мулоқатга ўргатиш; психотерапия.

Ўйин технологиясининг концептуал асосларн

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўз-ўзини намойиш қилиши, ўз-ўзини т аъкидлаши, ўз-ўзини билиши, ўз-ўзини ростлаши, ўз-ўзини жорий қилиши каби фундаментал талабларга таянади.

• Ўйин – психоген хулқ шакли, яъни шахс табиатидан келиб чиқадиган ички мавжуд бўлган феъл-атвор кўринишидир (Д.Н. Узнадзе).

• Ўйин – боланинг “ички ижтимоийлашуви” фазоси, ижтимоий установкаларни эгаллаш воситаси (Л.С. Выготский).

• Ўйин – тасавурлашда шахс эркинлиги, “амалга ошмайдиган кизиқишларни хаёлий жорий этиш”(А.Н. Леонтьев).

• Ўйинда фақат ўз хусусий ва ички мазмуни бўйича индивид учун аҳамиятли мақсад касб этган ҳаракат амалга ошади. Ўйин фаолиятининг асосий ўзига хослиги ҳам ана шунда, унинг асосий жозибалиги ҳам ана шунда (С.Л. Рубинштейн).

• Дидактик ўйин – бу моҳиятан ўзида муайян мотивацияни, ўқувчиларнинг билув фаолияти тузилмасини ва ўзлаштиришнинг бошқариш тизимини эгаллаган яхлит дидактик жараён (В.П. Беспалько).

Ўйинга кўшилиш қобилияти инсон ёши билан боғлиқ эмас, бироқ ҳар бир ёшда ўйин ўзига хослик касб этади. Шу боисдан мактабгача давр учун, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун, ўрта ва катта мактаб ёшидагилар учун ва катталар учун ўйин технологиялари бир биридан фарқланади.

Ўйин технологиясининг алоҳидалиги

Олий таълимда ишбилармонлик ўйинлари кенг тарқалган, унинг турла-

ри ва тузилмаси ҳақида китобнинг 5.4 қисмида батафсил фикр юритилади. Бирок, таъкидлаш жоизки, дидактик ўйинлар ишбилармонлик ўйинларидан тубдан фаркланади. Кейингиси ўқитиш вазифасини қўймайди, жараёнлар эса мутахассислар томонидан экспериментал мақсадлар учун ўрганилади, яъни фаолиятнинг турлича моделлари ўйналиб, бошқа усуллар билан кўринмайдиган якуний натижаларни кўради. Дидактик ўйинларда эса ўқитувчи учун барча натижалар олдиндан маълум ва ўқитиш мақсадида ўтказилади. Ўйин асосида қурилган дидактик жараёнларнинг фаркли алоҳидалиги шундаки, бу жараённинг мотивацион босқичида юқори ҳис-ҳаёжонли стимуляция, тақлиф қилинган ўйинни ўйнаш хоҳишининг аниқ ифодаси мавжуд бўлади.

Биз бу ерда ишбилармонлик ўйини технологияси босқичларини келтириш билан чегараланамиз.

Тайёргалик кўриш босқичи:

- машгулотнинг ўқув мақсади;
- ўрганилаётган муомма тавсифи;
- қўйилган вазифаларнинг асосланиши;
- ўйин режаси;
- ўйин муолажаларининг умумий баёни;
- вазиятлар мазмуни;
- роль ижро этувчиларнинг тавсифи;
- ўйин вақти.
- моддий таъминотни тайёрлаш;
- маслаҳат.

Ўтказиш босқичи:

- манбалар билан ишлаш;
- тренинг;
- ақлий ҳужум;
- ўйин техникаси билан ишлаш;
- гуруҳларнинг чиқиши;
- натижалар ҳимояси;
- мунозара қоидаси;
- экспертлар иши.

Таҳлил ва умумлаштириш босқичи:

- ўйиндан чиқиш;
- таҳлил, рефлексия;
- ишни баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш;
- хулосалар ва умумлашмалар;
- тавсиялар.

**Аксиоматик
ёндашув
(В.М. Монохов)**

Бу ёндашув асосида ётувчи асосий ғоя: педагогик технологияларни лойиҳалаш ва амалиётга жорий этиш дидактик аксиомалар тизими талабларига таяниши лозим. Муаллифнинг фикрича, педагогика фани азал-азалдан аксиомалардан фойдаланиб

келади. Маълумки, исбот талаб қилинмайдиган ҳолат аксиома дейилади. Бундай ҳолатларни педагогик жараёнда кўплаб учратиш мумкин: синф-дарс тизими, 45 дақиқалик дарс, мавзули режа ва бошқа.

Кейинги йилларда биз таълим фазосини стандартлаштириш жараёнининг гувоҳи бўляпмиз. Бу иш анча мураккаб ва бажарувчилар учун қутилмаган ҳолат бўлди. Таълим стандартларининг юзага келиши мавжуд вазиятни бирмунча қийинлаштириб юборди, чунки стандартнинг шартсиз бажарилишини кафолатлайдиган ва педагогик амалиётга жорий этиладиган технологиялар ишлаб чиқилмаган эди. Ҳар бир талаба(ўқувчи) таълим стандарти даражасига эришиши учун ўқув юртлиридаги мавжуд анъанавий методикалар ўрнига янги педагогик қуроллар зарур бўлади. Ўқув жараёни лойиҳасини технология даражасига чиқариш ва бу лойиҳанинги жорий этилиши ўқитувчини юқори малакали мутахассисга айлантириш билан биргаликда ўрганувчининг мавқеини ҳам кучайтиради ва ижодий ҳамкорликнинг янги уфқларини очади. Энди ўқитувчи лойиҳа муаллифи бўлиб олади, бу эса янги вазифадир.

Муаллиф аксиомалар тизимини уч гуруҳга ажратади. Биринчиси – педагогик технологияларни бир бутун таълимий кенгликка кўшиш аксиомалари, иккинчиси – ўқув жараёнини моделлаштириш аксиомалари, учинчиси – ўқув жараёнини меъёрлаш аксиомалари. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўзида учтадан аксиомаларни бирлаштиради.

Биринчиси (А1) – педагогик технологиянинг таълим маконига талаб қўйиш аксиомаси; А2 – педагогик технологиянинг “ўқитувчи” тизимига мослик аксиомаси; А3 – педагогик технологиянинг предмет методикаси тизимига нисбатан универсаллик аксиомаси.

Иккинчи гуруҳга (А4) педагогик технология асосини ташкил этувчи ўқув жараёни моделини лойиҳалаш аксиомаси киритилади. Бу ахборотли модел куйидаги параметрли топшириқлар ёрдамида тавсифланади:

1 – параметр (мақсадга жоизлик) ўқув-тарбиявий жараённинг умумий мақсад ва йўналишини микромақсадлар тизими кўринишида ифода этади.

2 – параметр (ташхис) микромақсадларга эришиш ёки эришмаслик далили тўғрисида бошқарув ахборотларни мужассамлаштиради.

3 – параметр (микдорли ўлчов) талабаларнинг мустақил фаолияти хусусиятлари, характери ва ҳажми ҳақида ташхиснинг муваффақиятли ўтишини кафолатлаш учун етарли бўлган мазмунли ва сонли ахборотлар беради.

4 – параметр (манتيкий тузилма) – бу ўқитувчининг методик фикрлари-

ни ўқув жараёнининг яхлит ва мантиқан кўрсатмали моделига айлантириш босқичини эътиборга олади ва ўқитувчи маҳоратининг юксак даражасини белгилаб беради. Бу фаолият шунчалик ўқув жараёнининг мантикий тузилмаси фотографияси эмас, балки махсус шаклланган ишчи майдон бўлиб, унда барча элементлар технологик қонуниятлар асосида ифодаланади ва маълум муолажалар ёрдамида етарлича муқобиллаштирилади.

5 – параметр (тузатиш) педагогик яроксизлик, яъни ташхисдан ўтмаган талабалар ҳақида ва тузатишнинг методик йўллари тўғрисидаги ахборотларни тасвирлайди.

Шунингдек, иккинчи гуруҳга (A5) ўқув жараёни моделининг ташкил этувчи кўрсаткичлари тизими яхлитлиги ва такрорланувчанлиги аксиомаси ҳам киритилади.

Ўқув жараёнини технологиялаштириш объекти ҳар қандай предметнинг ўқув мавзуси бўлиши керак, унинг ҳажми эса қатъиянлиги билан ажралиб туради: минимум – 6-8 дарс, максимум – 22-24 дарс. Ана шу мавзу лойиҳасида бўлажак ўқув жараёни юқорида номланган бешта параметр ёрдамида яхлит берилади ва айнан шу ўқув мавзуси ҳар қайси предмет бўйича ўқув жараёнини лойиҳалашга имкон берадиган бир хилдаги муолажалар кўринишида технологиялаштириш ва лойиҳалашнинг такрорланувчанлигини таъминлайди.

Иккинчи гуруҳ таркибига кирадиган яна бир аксиома (A6) – бу ўқув жараёнининг ахборотли моделини технологиялаштиришдир. В.М. Моныхов тажрибасида бир мавзу доирасида бешта параметрларни ўзида мужассамлаштирган ўқув жараёни лойиҳасининг технологик хариталари яратилган. Технология ўқитувчини лойиҳалаш муолажалари тизими билан қуроллантирса, технологик хариталар ўқув мавзуси бўйича ўқув жараёни лойиҳасининг паспорти сифатида керак бўлади.

Муаллиф учинчи гуруҳ аксиомаларини (ўқув жараёни лойиҳасини меъёрлаш) педагогик технология мавжудлигининг асосий маҳсулоти сифатида тавсифлайди. Ўқитувчининг касбий фаолиятини технологиялаштириш аксиомаси (A7) касбий фаолиятнинг қуйидаги инновацион компонентларига тегишли:

- ўқув жараёни лойиҳасининг педагогик ғояларини бутун бир ўқув йили учун ўқитувчи томонидан ўз хусусий методик тажрибасига, ўқув дастури мазмунига ва давлат таълим стандарти талабларига таянган ҳолда микромақсадлар кетма-кетлиги кўринишида ифодалаш касбий кўникмаси. Бошқача қилиб айтганда, бу – стандарт талабларини микромақсадлар тилига ўтказишнинг технологик муолажасидир, микромақсад эса талабаларнинг билиш ва ривожланиш зинопоясидир. Бу компонент бевосита анъанавий ўқув мавзуларини қайтадан тузиш билан боғлиқдир.

- технологик харитани лойиҳалаш касбий кўникмаси. Бу жараён педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, сабаби ўқитувчи бўлажак ўқув

жараёнини олдиндан кўра билади, ўз ғояларини технологик харитада коидали тарзда тасвирлайди. Таъкидлаш жоизки, бу касбий кўникма етарлича мураккаб, кўп босқичли, ўз моҳиятига кўра интегратив бўлиб ўқитувчидан яхши ривожланган рефлекс қобилиятни талаб этади;

- дарснинг ахборотли харитасини конструкциялаш касбий кўникмаси ёки бу хариталар йиғиндиси ҳар бир ўқув мавзуси учун бўлажак ўқув жараёнининг аниқлаштирилган лойиҳаси ҳисобланади;

- икки педагогик объектни таққослаш касбий кўникмаси: технологик хариталар кўринишидаги ўқув жараёни лойиҳаси ва маълум синфда реал ўқув жараёни натижалари билан биргаликда дарснинг ахборотли хариталар тизими. Таққослашни аниқ кўрсаткичлар ва технологик муолажалар бўйича ўтказиш керак. Қиёслаш муолажалари асосида ташхислаш натижасига кўра мазкур синфда ўқув-тарбиявий фаолият ривожини қайд этувчи махсус мониторинг ётади.

Ўқув жараёни лойиҳасини меъёрлаш аксиомасининг (А8) моҳияти қуйидагилардан иборат: ўқув жараёни лойиҳаси технологик харита тарзда тайёр бўлгач, бевосита зарурий ҳисоблар амалга оширилиши керак: ўқув вақти, дидактик ахборотлар ҳажми, уни ўзлаштириш тезлиги, шу ўқув мавзуси чегарасида талабаларни ривожлантиришнинг методик дастурига ажратиладиган вақт ва бошқа.

Нихоят, учинчи гуруҳнинг сўнгги аксиомаси шундай ифодаланади: якуний натижани кафолатлайдиган педагогик технологиянинг макбул ишлаши учун ишчи майдонни шакллантириш аксиомаси (А9). ҳар қандай педагогик технология бу аксиома талабларини бир вақтнинг ўзида талабаларнинг ҳам ўқув, ҳам умумий юкламаси бўйича қаноатлантириши шарт; дарснинг ахборотли харитаси ичида ёш жиҳатидан ўз гуруҳи доирасида талабаларни ўқув-билиш фаолиятларининг асосий турлари меъёрини сақлаш зарур. Бу бевосита психологик-педагогик ва физио-гигиеник меъёрларни сақлашга ҳам тегишлидир.

Шундай қилиб, В.М. Монахов томонидан тақлиф этилган тўққизта дидактик аксиомалар билан таниш бўлдик. Олимнинг таъкидлашича, бу аксиомаларни бажариш ва уларга риоя қилиш бевосита педагогик технологияларни лойиҳалаш ва таълим кенглигига асосли равишда тадбик этиш имконини тугдиради.

**Муаммоли-модулли
ўқитиш технологияси
(Чошонов М.А.)**

Модулли ўқитиш тизими илк бор Олмония, Англия, АҚШ каби ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларида ва малака ошириш жараёнида қўлланила бошланди ва катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Бироқ модулли таълим ўзининг етарлича “пухта”лигига қарамадан мазмун жиҳатдан ҳам, “ёш” жиҳатдан ҳам (у 60-йилларда вужудга келган) ханузгача тортишувларга, фикрлар қарама-қаршилигига учраб келяпти.

Қатор хорижий муаллифлар (В.Голдшмидт, М.Голдшмидт ва бошқа) модул деганда аниқ ўрнатилган мақсадга эришишга ёрдамлашадиган яхлит ўқув фаолиятини шакллантиришни тушунишади. Модул моҳияти ўқув материалнинг автоном бўлаklarини куриш тўғрисидаги бирмунча фарқлироқ фикр Д.Ж. Рассел томонидан айтилди. П.А.Юцвичененинг кўрсатишича, “модулли ўқитиш моҳияти шундан иборатки, ўрганувчи қисман ёки тўлиқ мустақил равишда унга таклиф этилаётган ўзида ҳаракатларнинг мақсадли дастурини, ахборотлар банкини ва қўйилган дидактик мақсадга эришиш бўйича методик кўрсатмани камраб олган индивидуал ўқув дастури билан ишлаши мумкин. Бунда педагог вазифаси ахборотли назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи – координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлади“ (27, 10).

Профессор М.А.Чошанов ҳам кейинги фикрга қўшилган ҳолда фан ривожининг ҳозирги босқичида модуллилик тушунчаси методологик мазмунга эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Муаммоли ўқитишнинг дидактик тизимида бирмунча тўлиқ тадқиқ қилинган ташкил этувчиси муаммоли таълим ҳисобланади. У ўрганувчиларнинг фикрлаш фаолиятини бирмунча фаоллаштиришга, уларда муаммонинг ечимига ёндашишни шакллантиришга, ва ниҳоят – ижодий тафаккурни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади. Бу таъсир интеллектуал қийинлашувнинг махсус вазиятларини – муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимларини тузиш билан таъминланади. Муаммоли вазият ўқитиш жараёнида муҳим мотив ва ҳаяжонли восита саналади. Унинг самараси тўғрисида А.М Матюшкин, М.И. Махмутов, И.Я. Лернер каби йирик олимлар ўз назарияларини яратдилар.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясида асосий диққат ҳатоликларни излаб топиш мақсадига мувофиқ тарзда тузилган махсус вазиятлар тизими орқали ўрганувчиларда танкидий фикрлашни шакллантириш жиҳатларига қаратилади. У ўзида ҳатоликларнинг уч асосий гуруҳини бирлаштиради: гносеологик, методик ва ўқув. Гносеологик ҳатолар билишга оид характердаги ҳатолар ҳисобланиб, билимлар эволюцияси жараёнида олимлар томонидан йўл қўйилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқув жараёнида гносеологик ҳатолардан фойдаланиш талаба (талаба)ларда борлиқни танкидий мушоҳидалаш, таҳлил қилиш ва ўз ҳатоларини тўғрилаш кўникмаларини шакллантиради, шунингдек, ўқув предмети ва фанга бўлган муносабатларини ўзгартиради: ўрганилаётган фан мазмуни ўрганувчилар олдида тайёр ҳақиқатлар йигиндиси сифатида эмас, балки гоёлар ва одамларнинг тарихий драмаси тарзда, ижтимоий мактаб ва йўналишлар кураши тарзда, одат ва янгиланиш қарама-қаршилиги сифатида туради.

Методик ҳатолар ўқув ҳатолари билан ўзаро боғлиқ: ўрганиш ҳатолари кўп ҳолларда – ўқитиш ҳатолари натижасидир. Ўқув ҳатолари махсус

ташхисловчи жадвалларда ҳар бир муаммоли модул учун гуруҳланади ва кейинчалик кучли таъсир этувчи воситалар сифатида фойдаланилади. Агар анъанавий ўқитишда билмасликдан билишга ўтиш стандартли вазиятларни қўллаш билан чегараланса, муаммоли-модулли ўқитишда талабанинг яқиндан ривожланиши доираси янги билимларни юзаки ўзлаштириш ва нотўғри қўллашга олиб келадиган танкидий вазиятлар – хато-лар соҳасигача кенгайтирилади. Бундай шароитда билмасликдан билишга ўтиш соҳаси ўрганувчи учун асосий муаммога айланмайди, балки табиий звено бўлиб қолади, уларнинг долзарб ривожланиш минтақасига айланади.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг етакчи сифат белгиси – бу эгилувчанлик ҳисобланади. Замоनावий юқори технологияли ишлаб чиқаришда эгилувчан автоматлаштирилган тизим муҳим саналгани каби ҳозир ҳам, келажакда ҳам педагогик технология самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчан шароитга мослаша олиш ва зудлик билан таъсир этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Эгилувчанлик тузилмали, мазмунли ва технологик ҳолда бўлиши мумкин.

Тузилмали эгилувчанлик қатор ҳолатлар билан таъминланади: муаммоли-модул тузилмасининг сафарбарлиги, муаммоли-модулли дастур поғоналиги, эгилувчан жадвал лойиҳасининг мавжудлиги ва кўп вазифали ўқув хоналарининг жиҳозланганлик имкониятлари ва бошқа.

Мазмунли эгилувчанлик биринчи навбатда таълим мазмунини табақалаштириш ва интеграциялаш имкониятларида намоён бўлади. Бундай имкониятнинг ўзи таклиф этилаётган технологияда ўқув материалининг блок ва модулли принцип асосида сараланиш эвазига вужудга келади.

Технологик эгилувчанлик муаммоли-модулли таълим жараёнининг куйидаги жиҳати билан таъминланади: ўқитиш методларининг вариантлиги, назорат ва баҳолаш тизимининг эгилувчанлиги, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини яқка тартибда ташкил этиш ва бошқа.

М.А.Чошановнинг таъкидлашича, касб мактабларида ўқитиш жараёнини муаммоли-модулли асосга ўтказиш куйидагиларга имкон беради:

- ўқув материалининг муаммоли модулларини гуруҳлаш йўли билан курсни тўлиқ, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган диалектик бирликда интеграциялаш ва табақалаштиришни амалга ошириш;
- билим даражасига боғлиқ ҳолда талабаларнинг у ёки бу муаммоли-модулли дастур вариантини мустақил танлаши ва уларнинг дастур бўйлаб индивидуал силжиш суръатини таъминланиши;
- муаммоли модуллардан педагогик дастурли воситаларни яратиш учун сценарийлар сифатида фойдаланиш;

- талабаларнинг билиш фаолиятини бошқаришда ўқитувчи ишида маслаҳатчи-координацияловчи вазифага урғуни кўчириш;

- ўқув материални баён қилиш тезлиги ва ўзлаштириш даражасига путр етказмаган ҳолда ўқитиш методлари ва шакллари мажмуасига мослик асосида курсни қисқартириш;

Шу билан биргаликда оппонентлар томонидан муаммоли-модулли ўқитишнинг қатор камчиликлари кўрсатилди, улар: таълим жараёнининг бўлақларга бўлинганлиги, яъни талабаларнинг мустақил ишлари салмоғи бирмунча катта; ўқув предметининг яхлитлиги ва мантиқини инкор этиш; талабаларни тайёрлаш торлиги: ўқитиш курсининг боғлиқ бўлмаган муаммолар ёки масалалар сериясига қадар қисқариши; умумлашмага зиён етказадиган хусусий, аниқ кўникмаларнигина шакллантириши; муаммоли модуллارни тайёрлаш ва машғулотни ўтказишга тайёргарликнинг кўп меҳнат талаб қилиши.

Санаб ўтилган камчиликларнинг кўплиги модулли ўқитиш технологиясини ўрнатиш босқичида бирмунча аниқ сезилсада, аста-секинлик билан дазмолланиб боради. Шунини эслатиш жоизки, у ёки бу технологияни “тоза” ҳолда жорий этиш мумкин эмас. Ҳоҳлаймизми ёки йўқми, ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий ёндашувига ва мавжуд методик тизимга таянишга тўғри келади.

Таълим мазмунини муаммоли-модулли лойиҳалаш қуйидаги асосий таянчлардан иборат бўлади:

- билиш фаолиятининг фундаментал методлари доирасида курсни жой-жойига қўйиб тузиш. Мисол учун, математика курсида бундай методларга математик моделлаштириш, аксиоматик, координат, векторли, мантиқий методлар қиради;

- таянч муаммоли модуллارнинг мазмунини аниқлаш. Саралашнинг муҳим шарти билиш фаолияти методларининг принципли мазмуни ҳисобланиб, умуммаданий ва амалий аҳамият касб этади. Бу ўқитишнинг таянч мазмунига оид қуйидаги мезонларни ҳисобга олишни тақоза этади:

- фундаментал, узвийлик, узлуксизлик ва таълимни инсонпарварлаштириш;

- ечими билиш фаолияти методларининг мосини қўллашни талаб этадиган йирик касбий-амалий муаммоларни турли гуруҳ касбларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб ажратиш;

- ихтисосли ва даражали табақалаштиришни таъминлашга йўналтирилган ўзгарувчан модуллارнинг мазмунини танлаш ва ҳажмини аниқлаш, шунингдек, муаммоли-модулли дастурларнинг турли – тўлик, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантлари бўйича талабаларнинг яқка тартибда олға силжиши учун шароитлар яратиш.

Муаммоли модуллارни қўллаш кўлами қуйидаги тартиботларни

камраб олади: тизимли, автоном ва интеграциялашган. Тизимли тартибот муаммоли модулларида мустақил курс доирасида фойдаланишни тақозо этади. Автоном – маълумот модули сифатида бошқа фанлар доирасида, интеграцияланган – интегратив курс доирасида қўлланиши лозим.

Шундай қилиб, муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: талабаларнинг талаб этилган даражада билимдонлигига эришиш учун ўқув материали мазмунини йирик тузилмалаш, унга мос ҳолда ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари танлаш амалга оширилиб, улар талабаларни тўлиқ, қисқарган ёки чуқурлашган ўқитиш вариантларини мустақил танлаш ва ўтишга йўналтирилади. Муаллифнинг таъкидлашича, муаммоли-модулли ўқитиш технологияси бўйича 70 фоиз ўқув материали юқори даражада ўзлаштирилган ($K\alpha \geq 0,75$) ва аниқ ўрнатилган компетентлик даражани қафолатли таъминланган.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси (В.П. Беспалько)

Бу технологиянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун Россия Таълим академиясининг академиги, Бостон (АҚШ) университети профессори Владимир Павлович Беспалько томонидан яратилган “дидактик жараёни бошқариш тизимининг ривожланиш спирали”ни таҳлил қилиш лозим (3-чизма).

“Йўналтирилган ахборотли жараён” (ЙАЖ) ординатасига таълимни ташкил этишнинг яқка тартибли шакли жойлаштирилди. “Тарқоқ ахборотли жараён” (ТАЖ) ординатасига эса – гуруҳли. Табиийки, машғулотнинг гуруҳ шакли яқка тартибдаги шаклидан иборат бўлади, кейин эса ривожланишнинг бирмунча юқори даражасида яқка тартибли шаклига яна қайтади. Демак, “маслаҳатчи” (3) тизим табиий ҳолда “гуруҳли таълим”га (1) кўтарилади, унинг сезиларли даражадаги кучсизлиги “репетитор” (7) тизимини вужудга келтиради.

Репетиторлик “кичик гуруҳ” (5) ўлчамигача кенгайиш сабабларини тасаввур қилиш қийин эмас.

XVI асрга келиб нашр ишларидаги инкилобий ўзгаришлар таълим тизимида “дарсликлар”ни (4) қўллаш имкониятини туғдирди. Коммуникация соҳасидаги техникавий тараққиёт эса синф ва хонадонларни ахборотли узатиш воситалари билан жиҳозлади. Компьютерларнинг вужудга келиши дидактик жараёни ёпик бошқариш имкониятларини туғдирса-да, талабаларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олмади (дастурли таълим – 6). Шахсий компьютерлар техникасининг ривожланиши психологик-педагогик билимлар ўсиши билан ҳамкорликда шахсга йўналтирилган таълим муаммосини келтириб чиқармоқда.



3- чизма. Дидактик жараён тизимларининг ривожланиш спирали

Академик В.П. Беспалько тизим 8 – якка тартибли билиш фаолиятини дастурли бошқаришга алоҳида урғу бериб: “халқ таълими тизимининг барча бўғинларида ривожланишнинг янги босқичини ифодалайди ва талабаларнинг соғлигига зарар етказмаган ҳолда зарурий мусбат силжишларга олиб келади”, деб таъкидлайди (“Персонализицированное образование” // Педагогика, 1998. № 2.- С.12-17). Ўзида аниқ ўрнатилган дидактик масалалар ва педагогик технологияларни мужассамлаштирган педагогик тизим шахсга йўналтирилган таълим, деб таърифланади. Бу тизимдаги дидактик масалаларга қисқача изоҳ берилади. Ҳозирда мавжуд яққалашган педагогик тизимлар – умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим – шахсни тарбиялаш, таълим бериш ва такомиллаштиришнинг ягона тизимига айланиши керак. Шахсга йўналтирилган таълим барча турдаги таълимларни йўналишлар бўйича интеграциялашни тақоза этади. Таълимнинг биринчи босқичидаёқ (мактабгача таълим) боланинг эҳтимолли шахсий йўналишлари психологик-педагогик кузатишлар ёрдамида аниқланади, маълум фаолият турига қобилиятлари, янги истеъдод нишонлари белгилаб олинади. Бу табақалаштириш психологик педагогика соҳаси бўлиб, афсуски, кам тадқиқ қилинган ва кам ишланган. Шу билан биргаликда ҳаммага яхши маълумки, шахснинг махсус истеъдод нишонларини эрта аниқлаш ва уни мунтазам ривожлантириб бориш вақти соати билан ўз мевасини беради – янги ғоя ва фаолият методларини ҳақиқий яратувчиси тарбияланади.

Шахснинг ривожланиш дастури аслида ҳар бир инсонга туғма ҳолда

берилади, бироқ уни амалга ошириш, афсуски, ҳозирги таълим тизимида қаралмаган. Мана, нима учун дунёда қийналганлар ва жиноятчилар мавжуд (В.Л. Беспалько). Шу боисдан боланинг шахсга йўналтирилган таълим тизимига киришиши уни ихтисосли қасбга тайёрлашнинг бошланиши бўлиши керак ва барча ўқув дастурлари мазмуни маълум фаолият турининг ижодкорини тарбиялаш масаласига бўйсунishi керак.

Юқорида таъкидланганлар эскирган, бироқ мустақкам марксистик тезис – техник тараққиёт давомида инсон меҳнатининг ўзгариб туриши, шу боисдан кенг умумий ва политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш заруратига қарама-қаршидир. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик берапти: техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақоза этади. Унга эришиш учун бир меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтириш ва чуқур мутахассислаштиришни талаб этапти, аксинча, доимий уни алмаштиришни эмас.

Ташхисланувчан тарзда ўрнатилган мақсадли педагогик тизим очик бўлиши керак, яъни ўрганишнинг ҳар қандай босқичида талаба ундан чиқиб кетиши ёки қайта кириб келиши мумкин. Бу эса аниқланган мақсадга мос ҳолда таълим мазмунини илмий асосда саралашга имкон беради. Таълим мазмунини жамлашда талабаларни асосиз юқлаб ташлаш ва ўқитувчи ўқитишда инқирозга хос ҳодисаларни юзага чиқарувчи олдинги аморф ва ихтиёрийлик уни аниқ лойиҳалаш, ўқиш йиллари бўйича тақсимлаш ва дозалашга жой бўшатиб беради. Ўқув фанлари тизими ортиқча бўлмасдан катъий узвийликка ва белгиланган маҳорат босқичида ўзлаштиришга олиб келади.

Шахслаштирилган – шунчаки бошқа таълим эмас. Бу табиий тизим ҳисобланиб, ноёб шахсий ривожланиши учун ҳар бир ўқувчининг асосий махсус қобилиятларини ва психологик йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Бир хил иқтидорга эга ва психологик йўналиши умумий бўлган болалар бир синфга бирлашишади ва индивидуаллаштирилган дастур бўйича ўқишади.”

Ғайриихтиёрий равишда савол туғилади: бу ерда нима янги? Аллақачон америка ўқувчилари ўқиш йўналишини ва ўқийдиган фанларини ўзлари танлаш имкониятига эга-ку? Бу саволларга олимнинг жавоби қуйидагича: “Аслида шундай, бироқ алоҳида предметларни танлаш қайси принциплар асосида амалга ошиши номаълум: “улфатчиликками”, коллеж (университет)ларнинг жойлашув жиҳатдан яқинлиги бўйичами, ёки имтиёзли конъюнктура (мавжуд шароит) бўйичами, бу биз хоҳлаган бутун ўқув-тарбиявий жараён ўқувчининг реал шахсий қобилиятларига яраша қурилади, деган ҳолатдан анча йироқ. Биринчидан – бу вақтинчалик тадбир, ўзаро келишув, муроса. Иккинчидан – табиатан монанд инсоний таълим, у ҳақда барча давр маърифатчилари ва халқлари орзу қилишган.”

Шундай қилиб, В.Беспалько шахслаштирилган таълимнинг асосий педагогик принципларини қуйидагича ифодалайди:

- индивиднинг асосий психологик туғма истеъдод нишонлари (қобилиятлари) га мос таълим;

- бошланғич умумий таълимдан кейин ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали ва унумли меҳнати билан уйғунлашган ҳолда касбий йўналтирилаган таълим;

- таълимий жараёни ташкил этишнинг ҳар қандай шакли ва методларида дидактик узлуксизлик ва уйғунлик.

Белгиланган принципларга мос равишда шахслаштирилган таълимни тузилмалаш ва қуришни қараб чиқамиз.

Биринчи принцип инсон ҳақидаги фан таракқиётига асосланган, таълим тизими аниқ мақсадга қаратилган ва бошқарилувчан бўлади. Таълим амалиётида бу қандай амалга ошади?

Бошланғич мактаб (3-4 ўқув йили) умумтаълим ҳисобланади ва табиат ва жамият ҳаётини элементар баён қилишни тушунишни, ўқишни, ёзишни, ҳисоблашни, турли хилдаги ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишни ўргатади. Бу даврда мактаб психологлари ва ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг истеъдод (қобилият) нишонларини ошқор қилишади ва уларнинг муваффақиятли ривожланиш стратегиясини мос фаолият – табиий, техникавий, ижтимоий ёки информацион-тадқиқий – тури бўйича аниқлашади. Бошланғич мактабни тугатиш охирида ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига турли вариантдаги касбга йўналтирилган мактаблар таклиф этиллади, уларда ўқувчиларнинг туғма истеъдод нишонлари бирмунча тўлиқ намоёниш қилинади ва амалга оширилади ва уларнинг махсус қобилиятлари юқори даражада шаклланади.

Шахслаштирилган таълимнинг иккинчи принципи бўйича бошланғич мактаб тугагач касбга йўналтирилган мактаблар бўлади, аксинча умумий таълим мактаблари эмас. Касбий йўналтирилган таълимда фан ва амалиётнинг табиий алоқалари доимий мавжуд бўлади, ва уларни ўзлаштириш оқибатида билимларни ҳам, кўникмаларни ҳам англашнинг юқори даражаси таъминланади. Бу демак, ўқувчининг барча кейинги таълими бошланғич матабдан кейин унинг доминант қобилиятлари ва мос фаолият турларининг тигиз алоқаларини ўрнатиш йўли билан ва улардан бирини учинчи-тўртинчи даражада профессионал эгаллаш мақсадида қурилади.

Шахслаштирилган таълимнинг учинчи принципи бутун таълим ва тарбия тизимини танланган фаолият тури бўйича ижтимоий ва унумли меҳнат давомида қуриш талаби ҳисобланади. В.П. Беспальконинг таъкидлашича, замонавий таълимнинг биринчи рақамли душмани эгалланаётган тажрибада формализм (вербализм)нинг мавжудлигидир. Ўқувчиларда майлига ҳатто тўла бўлмаган биринчи ўзлаштириш даражасидаги қандайдир билимларни аниқлаш мумкин, бироқ бу билимларни амалиётда қўллашнинг англаб етилган кўникмаларини кўриш ниҳоятда мушкул. Замонавий таълимнинг бу табиий камчилигини фақат билимларни

Ўзлаштириш уларни амалиётда қўллаш билан узвий чоғиштиргандагина йўқотиш мумкин.

Ниҳоят, тўртинчи принцип – таълим жараёнининг дидактик узлуксизлиги ва уйғунлиги. Шахслаштирилган таълим тизими битта ва ягона касбий-йўналтирилган ўқув муассасаси сифатида қурилади. Унинг педагогик ва маъмурий умумийлиги ва яхлитлиги шундан иборатки, ўқувчилар унда бўлишади ва ўзининг мақсадли ҳаёт таълимини А дан тортиб Я гача олишади, ўз тайёргарлигини босқичма-босқич ўтаб, берилган маҳоратни англаб етган ҳолда фаолиятни ўқувчилик даражасидан ижодий даражасигача эгаллашади. Бу барча ўқувчиларнинг ушбу йўлни белгиланган вақт давомида бир йўсинда тизимдан чикмаган ҳолда шаксиз босиб ўтади деган маънони англамайди. Аксинча, кириш ва чиқиш мутлоқ эркин ва, асосийси, беэён, чунки таълимнинг ривожлантирувчи мақсади ўқувчиларга ҳар бир босқичда таълим тизимидан энгил чиқиб кетишга ва ижтимоий ҳаётга унинг тўла ҳуқуқли ва малакали қатнаши сифатида кириб боради, кейин эса ўз маҳорати ва таълим даражасини янада ошириш учун ортга қайтади. Бунда ўқув йили сони формал қайд этилмайди, балки ўқувчиларнинг маҳорат даражаси бўйлаб ҳаракатланишида эришган ҳақиқий ютуқлари бўйича ўзлаштиришнинг индивидуал суръати билан мос ҳолда аниқланади. Равшанки, шахслаштирилган таълим ўзининг ташкилий шакли бўйича айни пайтда имкон қадар индивидуаллаштирилган бўлади, боиси замонавий даврда ахборотли жараёнларни компьютерлаштириш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

Ўқув материалнинг белгили моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси (В.Ф. Шаталов)

Россия Таълим академиясининг академиги, Донецк очик университети профессори Виктор Федорович Шаталов ўқитишни жадаллаштириш технологиясини ишлаб чикди ва мактаб амалиётга

тадбиқ этиб, анъанавий синф-дарс тизимининг очилмаган қирраларини кашф этди.

Бу технологияда:

Таълим мақсадлари:

- Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
- Ҳар қандай индивидуал қобилиятли болаларнинг барчасини ўқитиш.
- Тезлашган ўқитиш (умумий ўрта таълим ҳажмини 9 йилда ўқитиш).

Принциплари:

- кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичли назорат, йирик блоklar билан ўрганиш; фаолиятнинг динамик яхлитлиги, таянч сигналлар, ҳаракатларнинг мўлжалли асослари;
- шахсга йўналтирилган ёндашув;

- инсонпарварлик (барча болалар иктидорли);
- ўқув вазиятларининг тафовутсизлиги, тузатиш учун истиқболларнинг очиклиги, муваффақиятнинг ўсиб бориши;
- таълим ва тарбиянинг узвийлиги.

Мазмуннинг ўзига хос жиҳатлари:

- Ўқув материали йирик ҳажмда киритилади.
- Материал блоklar бўйича жойлаштирилади.
- Ўқув материали таянч схема-коспект кўринишида чизмайлаштирилади.

В.Ф.Шаталов технологиясининг асосий ғояси: дарсда ўқувчиларнинг ялпи фаоллигини таъминлайдиган ўқув фаолияти тизими яратилади. Ўқув фаолиятининг андазаси асосида таянч коспектлари (сигналлари) – ўқув материалининг кодлаштирилган кўрсатмали чизмалари ётади.

Таянч – мўлжалли ҳаракатлар асоси, боланинг ички ақлий фаолиятини ташқи кўринишида ташкил этиш усули.

Таянч сигнал – ассоциатив рамз (белги, сўз, чизма, расм, шакл ва бошқа) бўлиб, маълум фикрий маънони билдиради.

Таянч коспект – қисқача шартли матн кўринишидаги таянчли сигналлар тизими бўлиб, яхлит ўқув материалининг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида тушунчалар, фактлар, ғоялар тизимининг кўрсатмали конструкциясини ўзида акс эттиради.

Бу технологияда ўқитувчи меҳнати асосий мавқени эгаллайди ва бу меҳнатга ўқувчилар айрим ҳоллардагина (назорат, маслаҳат, ёрдам) жалб этилади. Таянч сигналлари ёрдамида ўқитиш жараёни қатор босқичлардан иборат:

1. Синфда ўқитиш: мавзу ўқитувчи томонидан одатдагидек синф до-скаси ёнида (бўр, латта ёрдамида) тушунтирилади, кейин эса таянч кон-спектлар асосида мавзунини тушунтириш такрорланади. Ўқувчиларнинг ўз коспектлари устида мустақил ишлаши таъминланади ва фронтал тарзда билимлар мустаҳкамланади.

2. Уйда мустақил ишлаш: таянч коспектдаги кодлаштирилган ўқув материалларини ўқувчи дарслик ёрдамида ойдинлаштиради.

3. Назорат ва баҳолаш: мавзу бўйича ўқувчининг билим, кўникма ва малакалари ташқи назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш ёрдамида текши-рилади. Назорат шакли: таянч коспекти бўйича ёзма, мустақил иш, оғзаки сўров; жуфтли ўзаро назорат, гуруҳли ўзаро назорат.

Муалифнинг бой тажрибаси – “таянч сигналлари варақаси” асосида ташкил этилган ўқув-билиш фаолияти ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичга эришишини шубҳасиз таъминлайди. Ўқувчи олган баҳо билимларни ҳисобга олиш варақасида қайд этилади ва у ҳоҳлаган вақтда қайта тайёрланиб ўз баҳосини тузатиши мумкин. Демак, бу технология очик истиқболли принципни таъминлаган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида иншо туғдирмайди.



4-чизма. В.Ф.Шаталов бўйича ўқитишни ташкил этиш технологияси технологияси схемаси

Ўқув мақсадлари таксономияси (Б. Блум)

Ўзбекистонлик ва россиялик педагог олимлар кўпроқ таълимий учлик – “мақсад – жараён (восита) – натижа”нинг ўрта бўғинига эътибор қаратишган бўлса, амери-

калик ҳамкасблар эса бу занжирнинг икки четки халқасини чуқур тадқиқ қилишган. Айниқса Чикаго университети профессори Бенжамин Блум раҳбарлигида ўтган асрнинг 50-йилларида “ўқув мақсадлари таксономияси” концепциясининг яратилиши классик тадқиқот сифатида эътироф этилди ва у бугун ҳам ўзининг қийматини йўқотгани йўқ.

“Таксономия” атамаси юнонча *taxis* (тартиб бўйича жойлашув) ва *nomos* (қонун) сўзларидан иборат бўлиб, объектларни ўзаро алоқадорлик асосида таснифлаш ва тизимлаштириш маъносини англатади. Блум таксономияси ўқув фаолиятининг турли соҳаларини камраб олади: когнитив (билиш), аффектив (ҳиссий-қадриятли), психомотор(ҳаракат)ли.

1. Когнитив соҳа. Бунга мавжуд билимларни қайта тафаккурлаш, уларни ўзлаштирилган ҳаракат усуллари билан чағиштириш, яъни ғоялар тузиш заруратига тегишли ўқув мақсадлари киритилади. Улар ўқитувчининг кундалик фаолияти учун керакли ҳисобланиб, ўқув дастури ва дарсликларда ўз ифодасини топади.

2. Аффектив соҳа. Бунга қизиқиш ва мойилликларни шакллантириш, у ёки бу сезгилар таъсирида ҳаяжонланиш, муносабатни шакллантириш, уни фаолият давомида англаш ва юзага чиқариш мақсадлари киритилади. Бошқача қилиб айтганда, объектив борлиққа бўган ҳаяжонли-шахсий муносабатларни шаллантириш мақсадлари бу соҳанинг асосини ташкил этади.

3. Психомоторли соҳа. Бунга у ёки бу моторли, манипулятив фаолият турларини, асаб мускулларни марказлаштириш билан боғлиқ мақсадлар

киритилади. Мисол учун, меҳнат таълими дастурида белгиланган ўқув мақсадлари айнан шу соҳага тегишлидир.

Блум таксономияси куйидаги тўрт принцип асосида қурилган:

- амалий: ўқитувчи-амалиётчи учун таксономиясамарали қурол бўлиши, ўзида мақсадлар иерархиясини ифодалаш лозим;
- психологик: таксономия замонавий психология фани ютуқларига таяниши лозим;
- мантиқий: таксономия мантиқий тугалланган ва муайян ички тузилмага эга бўлиши лозим;
- объективлик: мақсадлар иерархияси улар кадриятлари иерархиясини белгиламайди.

Ана шу принципларга таянилган ҳолда ўқув фаолиятининг юқорида таъкидланган турлари бўйича ўқув мақсадлари таксономияси яратилади.

Маълумки, педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти олдиндан ўрнатилган мақсадларга эришишни кафолатлайдиган дидактик жараёни лойиҳалаш ва амалга оширишдир. Таълимни мақсадга кетма-кет йўналтириш асоси тезкор тесқари алоқа ҳисобланиб, ўқув жараёнининг барча бўғинларига кириб боради. Шу боисдан таълимга технологик ёндашувда куйидагилар ажралиб туради:

- ўқув мақсадларини белгилаш ва уларни мумкин қадар аниқлаштириш (бу босқичга ўқитувчи биринчи даражали аҳамият беради);
- бутун ўқиш жараёнини ўқув мақсадларига қатъиян қаратиш;
- ўқув мақсадлари сари мўлжал олиш ва шу тариқа натижаларни қўлга киритишга бутун ўқув давомийлигини йўналтириш;
- жорий натижаларни баҳолаш, белгиланган мақсадларга эришиш босқисидан ўқитиш жараёнини тузатиш;
- натижаларни якуний баҳолаш.

Ўқув жараёнини технологик жиҳатдан қуриш моҳияти аниқ белгиланган мақсадлар сари ҳаракатланиш ҳисобланади. Қуйида бугунги кунда бирмунча кенг тарқалган Б. Блум тизимининг когнитив соҳаси бўйича ўқув мақсадлари таксономиясини келтирамиз. У ўзида олти тоифадаги асосий ўқув мақсадларини қамраб олади: билиш, англаш, қўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолаш.



1. Билиш. Бу даража ўқув материалларининг асосий элементларини эслаш, тушуниб етиш ва қайта тиклашга йўналтирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқишни қўзда тутди. Бу саҳтдаги мақсадга уч тоифадаги билимларни шакллантиришни киритиш мумкин:

- хусусиятли билимлар (муддатлар, фактлар, сонлар, атамалар, номлар);
- мулоҳазали билимлар (йўналишлар, мезонлар, синфлар, тоифалар);
- абстракт билимлар (принциплар, аксиомалар, теоремалар, умумлашмалар, назариялар, тузилмалар).

2. Англаш. Бу даража ўзида уч тоифадаги ўқув мақсадларини қамраб олади:

– кўчириш (янги вазиятларни ўрганишда билимларни қўллаш кўникмаси);

– интерпретация (масалан, ҳисоблашда қўлга киритилган натижани оғзаки тушунтириб бериш);

– экстрополяция (масалан, эгалланган билимларни ўхшаш вазиятларга кўчириш кўникмаси).

3. Қўллаш. Бу даража, асосан, талабада амалий кўникмаларни шакллантиришни назарда тутади (билимларни амалиётга қўллаш қобилияти):

– тушунчаларни қўллаш;

– алгоритмларни қўллаш;

– назарияларни қўллаш ва ҳақоза.

4. Таҳлил. Бу даража ўқув мақсадларини қуйидаги тоифалар бўйича аниқлаштиради:

– элементлар таҳлили (бутунни қисмларга бўлиш, ажратиш);

– муносабатлар таҳлили (элементлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш);

– принциплар таҳлили (элементларни тизимлаштириш).

5. Синтезлаш. Бу даража “алоҳида қисмлардан яхлитни тузиш” кўникмасини шакллантириш бўйича ўқув мақсадларини белгилайди:

– ғоялар синтези (масалан, муаммо чими бўйича билдирилган ғояларнинг умумлашмаси);

– мулоҳазалар синтези (масалан, шахс сифатларининг шаклланганлик даражалари ва мезонларини ишлаб чиқиш);

– тузилмалар синтези (масалан, объект кўриниши чизмаси, кбоординат ёрдамида функцияни ифодалаш).

6. Баҳолаш. Бу даража муайян мақсад учун у ёки бу материалларнинг аҳамиятини баҳолаш кўникмаларини назарда тутади. Талаба мулоҳазаси аниқ мезонларга таяниши зарур. Баҳолаш сифатида ички билиш ва ишончлар (аргументлаш, мантик) ҳамда ташқи мезонлар (стандарт, қоида, меъёр)ларга таянилади. Мезонларни талабанинг ўзи аниқлаши ёки ташқи томондан берилиши мумкин. Бу даража олдинги тоифалар бўйича ўқув натижаларига эришганлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Шундай қилиб, ҳар қандай ўқув предмети мақсадларини ушбу таксономия асосида аниқлаштириш мумкин. Бунинг учун ўқув предметларининг мавзу (бўлим)лари вертикал устунга ёзилади. Талабаларнинг аклий фаолияти турлари эса горизонтал устунда қайд этилади. Улар мантикий асосда муайян чорраҳада кесишади ва жорий ўқув мақсадларига эришиш даражаси (билиш, аниқлаш, қўллаш, таҳлил) аниқлаштирилади. Қуйида Б.Блум таксономиясига оид тренинг келтирилади:

№	Вазиятлар	Жавоб танлаш
1.	Талаба илмий журнал (“Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Тафаккур”, “Педагогик таълим” ва б.)да ёритилган фактлар ўртасидаги тафовутларни топади.	а) билиш б) англаш в) қўллаш
2.	Талаба журналда акс этган фактлар билан танишганини намоён қилади.	г) таҳлил
3.	Талаба журнал мақоласидан реферат ёзишда фойдаланади.	д) синтез
4.	Талаба журналлардан олинган фактларни умумлаштиради.	е) баҳолаш
5.	Талаба журнал мақоласи мазмунининг моҳиятини очиқ беради.	
6.	Талаба журнал мақоласига танқидий муносабатини билдиради.	

Блум таксономиясига оид тренинг

Махсус адабиётларда Блум таксономиясининг турлича модификациялари келтирилади. Гап шундаки, бу таксономия шубҳасиз, афзалликларга эга бўлиши билан баъзи бир нуқсонлардан холи эмас. Инчунун, когнитив соҳаси бўйича ўқув мақсадларини тизимлаштиришга даъво қилаётган таксономия билиш тузилмасининг қабуллаш, тафаккур, хотира каби саҳтларида қаралмаган, баъзи бир ўқув мақсадлари ақлий фаолиятнинг турлича даражаларида такрорланади. Шунга қарамадан ўқув мақсадларини фан мавзулари бўйича таснифлаш ўқитувчига ўз хусусий педагогик фаолиятини тўғри лойиҳалашга, талабаларнинг нафақат ички ҳолатини ифодалашга, балки ташқи намён бўлишига, шахс сифатида шаклланишига катта имконият тугдиради.

Қуйидаги мақсадлар таксономиясининг баъзи модификацияларини изохлашга ҳаракат қиламиз.

Гилфорд таксономияси

Гилфорд таълим муаммолари ечими учун икки ёндашувни таклиф этади: конвергенцион яратувчилик ва дивергенцион яратувчилик (ижод).⁴

Агар биринчисида ягона ечим муаммоси ҳақида гап кетса, иккинчисида кўп ечимли вазиятлар ҳақида боради. Бу икки амалдан ташқари, Гилфорд ўз таксономиясида уч даражани фарқлайди: билиш, хотира ва баҳолаш. Шунини таъкидлаш жоизки, Гилфордан ташқари ҳеч бир таксономияда ҳогира алоҳида тоифа сифатида қаралмайди ёхуд фақат унда “яратувчилик” тафаккурга йўналтирилган.

4. Конвергенцион – лотинча “converger – йиғилиш, топилиш, келишиш, гўкнашиш каби, дивергенцион қа лотинча “divergere” – тарқалиш, айрилиш, фарқ, ихтилоф каби маъноларни англатади.

Гилфорд таксономияси инсон қобилиятининг уч кўрсаткичини ҳисобга олади. Бирмунча маълум кўрсаткич – бу ахборотларга ишлов бериш амалидир. Унга хотира, билиш, конвергенцион ва дивергенцион тафаккурлаш амаллари ва баҳолаш киради.

Иккинчи кўрсаткич тақдимланаётган ахборотларга тегишли ва ўзида тимсолли, белгили, семантик (маъновий) ва ахлоқга оид материалларни мужассамлаштиради.

Учинчи кўрсаткич бевосита якуний натижалар (хулосалар) билан боғлиқ. Унда элементлар, синфлар, муносабатлар, ўзатиш тизимлари ва хулосалар қаралади.

Бу кўрсаткичларни ёйиб чиқамиз.

Ахборотларга ишлов бериш амаллари:

- ахборотларни аниқлаш, англаш, тушуниш;
- ёдда сақлаш – тақдим қилинган ахборотларни хотирада қайд этиш;
- дивергентли фикрлаш – тақдим этилаётган ахборотлар билан мантикий боғланишда бўлган катта сондаги муҳолифатларнинг мавжудлиги;
- конвергентли фикрлаш – бу ахборотлардан ягона бўлган мантикий оқибатларни олиш;
- баҳолаш – маълум мезонлар бўйича ахборотли бирликларни такқослаш ва баҳолаш.


Тақдимланаётган ахборотлар:

- тимсолли – кўрув, эшитув ёки бошқа тимсоллар кўринишида;
- рамзий – формал белгилар кўринишида – ҳарфлар, сонлар, кодли нишон ва бошқа.
- семантик – концептуал ахборот, кўпроқ сўз орқали;
- ахлокий – новербал шаклда ўзарошахсий муносабатлар жараёнини акс эттирадиган аборот, муомала характери белгилайдиган установкалар, эҳтиёжлар, мотивлар, кайфиятлар, фикрлар.

Натажалар (хулосалар):

- элементлар – ахборотларнинг нисбатан бўлинган бирликлари;
- синфлар – объектларнинг бир синфга тегишли бўлганини белгиловчи концепциялар;
- муносабатлар – ахборот бирликлари ўртасидаги алоқалар;
- тизимлар – ахборот бирликларининг ташкил қилинган блоклари, ахборот бўлақларининг ўзаро боғлиқ мажмуилари.
- хулосалар – ушбу ахборотлар билан мантикий боғланган, бироқ ундан ташқарига чиқадиган натижалари.

Гилфорд моделининг тузилмаси куб кўринишига эга (5 – чизма). Ҳар бир кубик кодлаштирилган мақсадни ушлаб туради. Масалан, юқори чап томондаги штрихланган элемент ахборот бирликларини эгаллашида талабада баҳолаш кўникмасининг шаклланганлигини билдиради.



5- чизма. Гилфорд таксономияси.

АМАЛЛАР (Z): билиш, хотира, дивергенция, конвергенция, баҳолаш.

НАТИЖАЛАР (X): бирликлар, мосликлар, синфлар, тизимлар, қайта тузишлар, импликациялар³.

МАЗМУН (Y): фигурали(мураккаб шакли), рамзли, ахлокий, тизимли.

Бу таксономияда “предметларичра кўчириш ва боғланишлар”, билимларни ижодий кўчириш” каби тавсифномалардан фойдаланилади. Америка нашрларида билимларни кўчиришга қуйидагича таъриф берилади: “Бирмунча умумий кўринишда кўчириш – бу илгариги масалалар ечими натижаси қандайдир янги масалалар ечимига таъсир кўрсатадиган ходисадир.”

Де Блок таксономияси

Де Блок таксономияси ўқитувчи фаолиятида қурилади ва ўлчовлар сифатида қуйидагилар хизмат қиладиган фазовий моделга таянилади:

- таълим мазмуни даражаларига;
- ўқитиш даражаларига;
- ўқиш даражаларига.

3. Импликация (лот. *implicatio*) – катта ва кичик ҳажмдаги бир хил тушунчалар ўртасидаги муносабат; “яънр..., бўлса ...” каби формула бўйича мулоҳазалар ўртасидаги муносабат.



6- чизма. Де Блок таксономияси

ПИК – предметчра кўчириш ва боғланишлар даражасида ўқитиш;

ФАК – фанлараро кўчириш ва боғланишлар даражасида ўқитиш;

ЎЗБ – билимларни ижодий кўчириш шароитида талабаларнинг ўқув ва амалий фаолиятининг ўзаро боғликлиги даражасида ўқитиш.

3- жадвал

В. Герлах ва А. Салливан таксономияси бўйича ўқув мақсадлари

1.Идентификация	Муайян элементни аниқлаш ва берилган синфга кўшиш (масалан, индукция методи дедукция билан бирга қўлланилади ва назарий педагогик тадқиқот методлари таркибига кирази).
2.Номланиши	Номларни, атамаларни, тушунчаларни, муолажаларни аниқ кайга (оғзаки ёки ёзма) такрорлаш (масалан, бу шакл “мақсадлар учбурчаги” деб номланади).
3.Тавсифи	Ҳодисаларни, воқеаларни, жараёнларни оғзаки ёки ёзма кайта айтиб бериш (масалан, педагогик тизимнинг асосий элементларини санаб бериш).
4.Конструкциялаш	Берилган маълумотлар асосида объектни ёки жараённи қуриш (масалан, фаолият ва шахс тушунчалари асосида ўқитувчининг педагогик фаолияти моделини лойихалаш).
5.Тартибга келтириш	Харакатни муайян кетма-кетликда бажариш, ўқув ахборотларини таснифлаш ва тизимлаш (масалан, ўқитувчининг шахс сифатлари кетма-кетлиги).
6.Намойиш	Ўқув дастурида олдиндан қаралган ташки (амалий) ва ички (ақлий) ҳаракатларни муваффақиятли бажариш.

Де Блок таксономиясида ўқув мақсадларини чоғиштиришнинг модификациялари ниҳоят даражада кўп (72 та). Шу боисдан у бирмунча универсаллик касб этади ва қатор ўқув фанларини ўқитишда асқотишини таъкидлаш мумкин (6-чизма).

**В. Герлах-Салливан
таксономияси**

Америкалик педагоглар В. Герлах ва А. Салливан таксономияси ўқув ахлоки концепциясига, яъни ўқув фаолияти давомида талабалар бажарадиган ташқи муолажаларга таянади. Улар 3-жадвалда келтирилган даражалардан ташкил топган ўқув мақсадлари таксономиясини таклиф қилишди.

**Д. Кратвол
таксономияси**

Д. Кратвол ўқув мақсадларини аффектив соҳа бўйича тизимлаштиради. У тарбиявий мақсадларни ва кутилаётган тарбиявий натижаларни режалаштиришга имкон берганлиги учун жаҳон педагогик ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва таълим фазосида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Демак, бу ерда тарбия технологиялари ҳақида гап борапти.

Кратвол таксономияси тарбия технологияси таркибига кирувчи бешта тонфа бўйича ўқув мақсадларини тизимлаштиради: қабул қилиш, сезиш, кадриятли йўналишларни ўзлаштириш, кадриятли йўналишларни ташкиллаштириш, кадриятли йўналишларни ёки улар мажмуини фаолиятга ёйиш(4-жадвал).

4-жадвал

Кратвол таксономияси бўйича ўқув мақсадлари

Ўқув мақсадларининг асосий тонфалари	Ўқув мақсадларининг умумлашган турларига оид намуналари
<p style="text-align: center;">1. Қабул қилиш</p> <p>Бу тонфа талабанинг объектив борликдан гушаётган у ёки бу ходисаларни қабул қилиш тайёргарлиги ва қобиhiятини ифодалайди. Ўқитувчи мавқеига кўра бундай мақсадларга эришиш талаба диққатини жалб қилиш, ушлаб туриш ва йўналтиришдан иборат. Бунга кирувчи тонфалар (англаш, тайёргарлик ёки қабул қилиш хоҳиши, ихтиёрий ёки танланган диққат) ўқувчини суст мавқедан таълим мазмунига нисбатан бирмунча фаол мавқени эгаллаш чегарасини ташкил этади.</p>	<p style="text-align: center;">Талаба</p> <p>Ўқининг аҳамиятини англаганини намойиш қилади, диққат билан атрофдагиларнинг фикрларини эшитади – синфда, суҳбатда ва ҳақоза, кийимда, архитектурада, бадий безакда, санъат асарларида нафосат белгиларини англай олишини кўрсатиб беради, ҳаёт муаммоларига, бошқа инсонлар муаммоларига берилувчанлик, бефоркликни намойиш этади.</p>

<p>2. Таъсирланиш (акс садо) Бу тоифа талаба тарафидан бўладиган фаолликнинг юзага чиқишини белгилайди. Бу даражада у нафақат қабул қилади, балки у ёки бу ҳодисага, ташки таъсирга ўз муносабатини ошқор қилади, предметга бўлган кизикишини билдиради: бўйсинилган акс садо, кўнгилли акс садо, таъсирдан шиддан қаноат ҳосил қилиш.</p>	<p>Талаба берилган топшириқни бажаради, институт ички тартиб-қондасига, ахлоқ меъёрларига бўйсинади, аудиторияда саволлар муҳокамасида иштирок этади, мустакил тарзда ижтимоий-сиёсий ва халқаро муаммолар билан танишади, предметга кизикишини билдиради.</p>
<p>3. Қадриятли йўналишларни ўзлаштириш Бу тоифага турли даражадаги қадриятли йўналишларини ўзлаштириш даражалари киради (у ёки бу объектга, ҳодисаларга ёки фаолият турларига муносабатлар): қабул қилинган қадриятли йўналиш; қадриятли йўналишларни афзал кўриш; содиклик, комил ишонч.</p>	<p>Талаба тургун хохиш-истакни намойиш қилади, мисол учун, озгаки ва ёзма нутқларни пухта эгаллайди, турлича кўз-қарашларни ўз хусусий мулоҳазасини билдириш учун мақсадга мувофиқ ўрганади, у ёки бу идеалга қатъий ишончини юзага чиқаради.</p>
<p>4. Қадриятли йўналишларни ташкил этиш Бу тоифа турлича қадриятли йўналишларни фахмлаш ва бирлаштиришни, улар ўртасида бўладиган тафовутларни счиш ва бирмунча аҳамиятли ва тургун қадриятлар тизимини шакллантиришни камраб олади. Бу тоифага киради: қадриятли йўналишларни концептуаллаш; қадриятлар тизимини ташкил этиш.</p>	<p>Талаба масалан, ўзи севган санъат асарларининг асосий белгиларини аниқлашга ҳаракат қилади, ўз хатти-ҳаракати учун ўзини жавобгар ҳис этади, ўз имкониятлари ва чеғирмаларини тушунади, ўз хусусий қобилиятлари, қизикишлари ва эътиқодларига мос ҳолда ҳаётий режаларни куради.</p>
<p>5. Қадриятли йўналишларни ёки унинг мажмуини фаолиятга ёйиш Бу тоифа қадриятларни эгаллашнинг спундай даражасини белгилайдики, улар индивиднинг ҳулқини тургун аниқлайди, ҳаракатнинг бирламчи тимсолига ёки ҳаётий услубига киради. Қадриятли йўналишларнинг умумлашган тийнати ёки уларнинг яхлит дунёқарашга бирикниши қуйидаги тоифаларда акс этади: умумлашмалли установа; тўлиқ ўзлаштириш ёки қадриятли йўналишларнинг фаолиятга ёйилиши.</p>	<p>Талаба Ўқув ишларини мустакил бажаришга дадил киришади, гуруҳли фаолиятда ҳамкорлик қилишга интилишини намойиш қилади, ўз мулоҳазалари ва хатти-ҳаракатини ишончли аргументлар олдида қайта қарашга тайёр эканлигини билдиради, доимо шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи қўниқмаларини намойиш қилади, тургун ва доимий ҳаётий маслақини шакллантиради.</p>

Ш-қисм. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ПРИНЦИПЛАРИ, СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИ ВА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ

3.1. Инновацион педагогик технология принциплари ва сифат кўрсаткичлари

Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача қилиб айтганда уларни педагогик технология принциплари деб аташ ўринлидир.

Принцип – латинча “*principium*” сўзидан келиб чиқиб асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Дидактикада олимлар принципларни турлича таърифлашади: педагогик фаолиятни йўлга соладиган дидактик ҳолатлар, тавсиялар (В.И. Загвязинский, Л.И. Гриценко), ўқитишнинг меъёрий асоси (М.А. Данилов), дидактика ва методиканинг барча саволларини ечиш учун умумий талаблар (И.И. Кобиляцкий), дидактик мақсадларга эришиш усуллари (И.Я. Лернер) ва ҳақоза.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараёнини (дарс моделларини) амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ҳодиса принцип бўлиши мумкин, агар у ўқув жараёнида ҳисобга олинса, унга риоя қилинса, таянилса.

Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фаркланади ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларни мужассамлаштиради. Дарвоқе, таълимнинг тарихий ривожланиш босқичларида ўқув-тарбиявий жараёни амалга ошира оладиган ПТ мавжуд бўлганми ёки бу феномен бугун пайдо бўлди-ми? Бу саволга академик В.П. Беспальконинг жавоби қуйидагича: “Педагогик технология ҳар доим ҳар қандай ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида мавжуд, бироқ энг мақбул ўқитиш ва тарбиялаш технологиясини танлаш на англаган ҳолда бошқариш педагогика фани ва мактаб амалиётиимқониятлари доирасидан четда қоляпти” (8,176). Аслида ҳам олий ўқув юрти (мактаб) амалиётида ПТнинг моддий ташувчилари – китоблардан, техник воситалардан ва ўқитиш методикаларидан кўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этилмоқда. Шу билан биргаликда ПТ – бу қотиб қолган, сиқувга олинган яланғоч лойиҳа эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгилловчи қатор омилларни баҳолаш имконини

бераоладиган ижодкорлик, яратувчилик, фидойлик фаолияти натижасидир.

ПТ принципларини аниқлашда куйидаги ҳолатлар эътиборга олинди: 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади; 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари; 3) таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган шарт-шароитлар.

Янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳам тузилиш ҳам моҳият жиҳатидан яхлитлик принципига асосланади. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча элементларини ўзаро таъсир остида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақоза этади. Яъни, таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши (нега ва нима учун?), ўқув жараёни мазмуни (нима?), ташкилий шаклларни (қандай), ўқитиш методлари ва воситаларини (нима ёрдамида?) саралаш ва танлашга кўмаклашиши, шунингдек, ўқитувчининг педагогик маҳорати даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак.

Яхлитлик принципи ПТни ташкил этувчи элементларидан бирини янгилаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайта қурмасликни инкор этади. Мисол учун, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас. Нима учун бугун Республикамиз халқ таълими тизимида чуқур ўзгаришлар ва ислоҳатлар оширилди ва бу жараён давом этмоқда? Биринчидан, таълим-тарбия мақсади янгиланди – эркин фикрлайдиган фуқарони, барқомол инсон Шахсини шакллантириш зарур. Иккинчидан, бу ижтимоий буюртма ўз навбатида таълим мазмунини тубдан қайта қуришни, ўқув дарсликлари ва дастурларининг янги авлодини яратишни келтириб чиқаради. Учинчидан, таълим-тарбиянинг янги мазмуни ахборотларни талабаларга маълум вақт доирасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб этади. Ана шу важдан янги педагогик ва ахборот технологияларини яратиш Президентимиз томонидан ҳар доим олимларимиз олдига қўйилган вазифа қилиб қўйилган. Педагогик фаолият юргизаётган ҳар бир шахс бу муаммоларни тўғри англаб олиши ва таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишлари талаб этиляпти.

ПТ мақсадли принципи таълим-тарбия жараёнини тавсифлайди. Агар аънавий педагогикада мақсад муаммосига назариячилар ва амалиётчилар кам эътибор қаратишган бўлишса, ПТда бу марказий муаммо ҳисобланади ва унинг икки жиҳати амалда ажратилиб кўрсатилади: 1. Ташхисланувчан мақсадли таълим ва ўқув материални ўзлаштириш сифатини объектив назорат қилиш. 2. Умумий ҳолда талаба шахсини ривожлантириш.

Педагогик технология ўқув-тарбиявий жараёни олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани аудиторияда амалга оширишни кўзда

тутади. Шу боисдан педагогик технологиянинг муҳим принципи – бу бўлажак ўқув-тарбиявий жараёни олдиндан *лойиҳалаш принциpidир*. Тўғриси айтганда ҳамма ҳам лойиҳа муаллифи бўлавермайди. Ўқитувчи бу шарафли ном – “педгог-технолог” соҳиби бўлиши учун шу тадқиқотда қайд этилган дидактик масалалар ва уни ҳал этиш технологияларини лойиҳалаш қонуниятлари билан чуқур таниш бўлиши керак. Бу эса, табиийки, ўқитувчидан ижодкор фаолиятни талаб этади. Лойиҳаланган технология дарс мавзуга ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти педагогик технологияни олдиндан қуришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаёнаётган дидактик жараён синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда муҳимдир. Шундагина яқуний натижа қўлга киритилади.

Яқуний натижанинг кафолатлиши ПТнинг яна бир муҳим принциpidир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга, чунки тузилган технология амалга оширилгач, яхшими ёки ёмонми, ҳар қалай маълум натижалар бўлиши – ўқувчиларнинг ўқув матғриалларини турли даражада ўзлаштириб олишлари табиий. Бироқ бу ерда яқуний натижа тасодифий ва паст кўрсаткичга эга бўлади. Хўш, яқуний натижа қайси сатҳда бўлиши керак?

Бу саволга жавобни педагогик технологиянинг жуда муҳим принципи – ўқитишнинг *туғалланганлик принциpidи* жавоб беради. Ўқувчининг тажрибаларни ўзлаштириш сифати (K_a) ўзлаштириш коэффициенти (K_a) билан аниқланиши таъкидлаган эди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар $K_a \geq 0,7$ бўлса ўқитиш жараёни яқунига етган, туғалланган деб ҳисобланади ва кейинги ўқув мавзусини ўрганишга киришиш мумкин. Агар $K_a \leq 0,7$ бўлса ўқувчилар билан янги мавзунини ўрганиш фақат “ўзлаштираётганлар” сонини кўпайтиради. Шу ўринда қуйидаги ҳолатга алоҳида тўхталиш лозим. Мамлакатимиз ўқув юртида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати $K_a \geq 0,55$ бўлса, яъни ўқув матғриаёнининг 55 фоизи ўзлаштирилса “қониқарли” деб ҳисобланапти. Фикримизча, бу кўрсаткич таълим тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичлари учун етарғидир. Сабаби узок йиллар давомида шаклланган эски таълим тизими – совет педагогикаси инкирозга юз гутди ва мамлакатимизда миллий талғим модели яратилди. Унинг келгусидаги ижобий “портлаш эффекти” Президентимиз томонидан илмий асосёнди. Ана шу “эффект” натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати ҳам ошиб боравради ва келажакда ривожланган давлатлар даражасига кўтарилади. Демак, K_a ўзгарувчан қийматга эга бўлиб, турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий соҳасидаги туб ўзгаришларни ҳисобга олади. Мисол учун, Америкача бихевиорстик концепцияда “муваффақият қонуни” мавжуд бўлиб, ўқувчилар 95 фоиз саволларга тўғри жавоб берсагина таълим муваффақияти тўғрисида фикр юритилади.

Замонавий ишлаб чиқариш ўзида эгилувчан автоматлаштирилган тизимни мужассам этганлиги билан ажралиб туради. Бугун янги технологиялар алмашувчанлик хусусиятига эга : зарурат туғилса янги маҳсулот турига мос ҳолда ишчи ўринлар қайта жиҳозланиб, технологик жараён тузилмаси зудлик билан ўзгартирилади. Технологиянинг бу сифат кўрсаткичи эгилувчанлик деб юритилади.

Эгилувчанлик янги ПТларга хос асосий принцип ҳисобланади ёхуд у ПТнинг қўлланиш соҳаларини таълим мазмуни ҳажмига мос ҳолда бирмунча кенгайтиради. Гап шундаки, у ёки бу мавзу бўйича лойиҳаланган технология ҳеч бўлмаганда фан бўлимлари чегарасида эгилувчанлик хусусиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчида кам куч ва кам вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташхисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштири олиш ёки қайтадан лойиҳалаш имкони мавжуд бўлади. Мисол учун, физика фанининг “ Куч ” мавзуси бўйича лойиҳаланган технология аниқ ўрнатилган мавзу мақсадига мувофиқ кичик ўзгаришлар билан “Иш” мавзуси учун ҳам қўллаш имкони бўлса, шубҳасиз, лойиҳа муаллифи эгилувчанлик принципига таяниб иш кўрган бўлади.

Эгилувчанлик принципи асосида яратилган ПТлар таълим босқичларининг турлари учун ҳам қўл келади. Бу ерда фан дастури мавзулари бўйича УЭ сони ва уларнинг мазмуни ҳажм жиҳатидан ўзгаради, холос. Бу фикрни мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, кимё фани тегишли бўлган барча таълим муассасаларида (умумий ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий мактаб) ўқитилади. Шу фаннинг “ Кислоталар ” мавзуси бўйича олий мактаб талабалари учун лойиҳаланган технологияга қисман ўзгартиришлар киритган ҳолда умумий ўрта мактаб талабалари учун ҳам қўллаш мумкин. Бу ерда ўқув материалнинг ҳажми (Q) ва талабларнинг юкланганлик коэффиценти (ε) ҳисобга олинishi керак.

Шундай қилиб, ПТнинг эгилувчанлигини таъминлаш ўқитувчидан дидактик жараённи куриш қонуниятлари билан чуқур таниш бўлишни тақозо этади.

Инновацион педагогик технологиянинг сифат кўрсаткичлари нималардан иборат? У бошқа технологиялардан қайси жиҳатлари билан фаркланади? Ана шу саволларга жавоб топиш учун кўплаб педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилишга тўғри келди ва натижада бу кўрсаткичларнинг асосий мазмуни аниқлаштирилди.

1. *Замонавийлик.* Таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада текширилган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб-қоидаларни жорий этиш педагогик инноватика фанининг асосий вазифасидир. Аслида ҳам таълимнинг таракқиёт даражаси униг мазмунига киритилаётган фан ва техника янгиликлари билан тавсифланади. Педаго-

тик жараёнда сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда таълим инқирозга учрайди. Шу жиҳатдан караганда таълим мазмунини узлуксиз янгилаб бориш янги ПТнинг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда олиб бориладиган ишлар, биринчи навбатда, ўқув дастурларидан таълимий-тарбиявий аҳамияти кам бўлган тарихий материалларни чиқариб ташлаш мақсадини белгилайди. Бу ҳаракатлар ўқув фанини шундай тасаввурлаш имконини берсинки, натижада талабаларда у ёки бу фан тўғрисида мантиқий хулосалар шаклланиши, ўқув материалини ўзлаштириш жараёнини енгиллаши, эгалланган билимларни амалиётга қўллаш имкониятлари вужудга келсин. Ўқув материалларини тузулмалаш фанлараро алоқаларни ҳам тиғизлаштиришга, ихчамлаштиришга имкон бериши билан биргаликда баъзи бир ўқув ҳаракатларининг автоматлашувига ҳам замин яратади, ўқув вақтини тежашга, талабалар ўзлаштириши зарур бўлган билим ва кўникмалар ҳажминини камайитиришга олиб келади.

2. *Илмийлик* таълимнинг дидактик масалаларини белгилашда фан ривожининг абстракция поғоналаридан (β) тўғри фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ўқитиш назариясини ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш техникасини доимий ривожлантириш шарт. Шундагина замонавий таълим тўғрисида ижобий фикрлар йтиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқи қилишни, унинг натижаларини амалиётда қўллаш зарурлигини кўзда тутади.

“Ўқитиш технологияси – бу таълимни илмий асосда такомиллаштириш синоними ёхуд *илмийлик* (таъкид бизники – Н.С.) биринчи ғалда у ёки бу счимнинг қиммати тўғрисидаги фикрга эмас, балки қабул қилинаётган счимларнинг илмий далилларига таянишни белгилайди” (24).

3. *Ўқув жараёнини мақбуллаштириш* – кам куч сарфи эвазига ўқитувчи ва талабанинг ўқитиш мақсадига эришишдир. Бу эса таълим жараёни учун энг мақбул шароит яратишни, лойиҳаланаётган дидактик жараён босқичларига мос ҳолда ўқитиш методларини, шаклларини, техник воситаларни танлаш белгиланган мавзу мақсадларига мувофиқ тарзда ва ўқув вақти миқдорини ҳисобга олиб амалга ошириш кераклигини талаб этади. Албатта, бу талаб ўқитиш жараёни каерда кечаяпти, ўқитувчининг касб маҳорати, имкониятлари қандай, талабаларнинг ўзлаштириш даражасига таълим мазмуни тўғри келадими, деган катор саволларга ҳам жавоб топиш кераклигини уқтиради.

4. *Ўқитувчи ва талабанинг дастурли фаолияти* ўқув жараёнидан жамики ортик ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжихатликни таъминлашга ва приовард натижада – кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда ўқитувчи “технолог” сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда мавзу мақсадини аник ўрнатишни, ўтилаётган ўқув материалларининг мазмунини са-

ралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини (α), фан ривожининг абстракция поғонасини (β) ҳисобга олиши зарур ва ниҳоят, ўқитишнинг ташкилий шакллари белгиланган мақсадларга мос ҳолда танлаб, ажратилган вақт доирасида самарали дидактик жараёни амалга оширади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман ўқув жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларнинг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, шунингдек, ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб ўқув жараёнини технологиялаштириш амри маҳол.

5. *Ахборот технологияси ва техник воситалар* самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТнинг энг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Бирок ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, телекоммуникация, радио)дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

а) мавзу учун ахборотли воситаларни танлаш ва уларнинг самарасини гаъминловчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш;

б) ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалардан ва дидактик материаллардан методик нуктаи назардан тўғри фойдалана олиш тайёргалигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараёни компьютерлаштириш истиқболли йўналишлардан бири ва ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

6. *Ўқув жараёни учун замонавий моддий-техник базанинг* мавжуд бўлиши ПТнинг навбатдаги сифат белгисидир. Ўқитувчи ва талабаларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун янги база яратиш, унинг таркибий тузилишини лойиҳалаш ҳам назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Мисол учун, қувватли техник-технологик воситалардан фойдаланиш архитектурага оид катор ечимларни ўқув биноти лойиҳаланаётгандаёқ ҳисобга олишни ва тегишли қулай шароитлар (иклим, ёруғлик, мебел ва бошқа) билан таъминлашни такоза этади. Демак, аудиторидан тортиб то нашриёт базасигача таълим воситалари таркибига кириб, уларсиз инновацион технологияларни тасаввур қилиб бўлмайди.

7. *Ўқув-тарбия жараёни натижаларини объектив назорат қилиш ва баҳолаш* ПТ ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир. Маълумки, жаҳон педагогик ҳамжамияти томонидан тан олинган икки назорат тури мавжуд: субъектив ва объектив. Объектив усулда билим ва кўникмаларни текшириш талаба олдига қўйилган саволга олинандиган жавобни эшитишдан ҳосил қилинган таассурот остида ўқитувчи томонидан амалга

оширилади. Ва талаба жавоби ҳеч қандай ўлчов ва сифат мезони билан таққосланмайди. Мисол учун, имтиҳон саволларига оғзаки жавоб беришни баҳолаш ёки ёзма ишларни текшириш субъектив назоратдир, сабаби баҳолаш сифатининг объективлигига қўйилган талаблар олдиндан шакллантирилган ўлчов билан солиштирилмайди.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг объектив усулида ўқитувчи ўз ҳукмини талабанинг жавоби (ёки амалий ҳаракати)ни белгиланган таълим мақсадига мос ҳолда маълум усуллар ёрдамида аниқланган сифат мезонларини акс эттирувчи ўлчовлар билан солиштириш асосида қабул қилади. Субъектив назорат қилишда на фақат мулоҳазалаш ва баҳолаш аниқлиги йўқолади, балки бўлажак мутахассиси шахсини шакллантиришда тузатиб бўлмайдиган зиён етказиш мумкин. Мисол учун, талабада баҳога нисбатан нигилистик (баҳонинг тўғри қўйилганини инкор этиш) ёндашишни юзага келтириб чиқариши мумкин. Афсуски, қатор йиллар давомида биз талабалар билимини субъектив усулда назорат қилиб келдик. Бу эса, табиийки, ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳар доим ҳам ижобий муносабатларни шакллантиришга кафил бўла олмайди.

Тест объектив назорат қилиш усули бўлиб, бугун таълим амалиётида кенг қўлланиляпти. Тестга қатор педагогик талаблар қўйилиб, уларнинг асосийлари : мослик (адекватлик), оддийлик, аниқлик ва муайянликдир.

Мослик. Тестнинг мослиги дейилганда тест топшириқларининг талабалар эгаллаши зарур бўлган билимлар мажмуи ва маъноси билан тўлиқ равишда ва аниқ мос келиши тушунилади. Тестнинг мазмунан мослиги дастлаб назарий таҳлил (экспертиза) орқали, сўнгра эса тажриба усулда текшириб кўрилади. Назарий таҳлил давомида тестнинг мазмуни ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси билан таққосланиб, унинг тўғри ёки нотўғри тузилганлиги ҳақида хулосага келинади. Бу борада ўқитувчи фаоллик кўрсатиб, ҳар бир фандан тузилган тестни тафтиш кўригидан ўтказиши керак. Акс ҳолда тест мослик талаби чегарасидан чиқиши мумкин.

Аниқлик. Тестни тузишда уларнинг аниқлик даражасига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Талаба тестни ўқиши билан дарҳол қайси фаолиятни бажариш зарурлигини, қандай билимларни ва қайси ҳажмда намойиш қилиш чегарасини чуқур англаб олиши керак. Тестнинг аниқлик даражасини таъминлаш учун улар кетма-кет серияли тажрибалар ёрдамида текшириб кўрилади.

Оддийлик. Бу талаб тест мазмунида мумкин қадар топшириқларнинг инфодаланиши фаолият турига қараб содда ва тўғри чизикли ҳолатда бўлишини эътироф этади. Бунинг учун тест топшириқлари маълум даражада чегарасида ечилиши мумкин бўлган масалалардан ташкил топиши керак. Агар бир топшириқнинг ўзида ечимини кутаётган бир нечта масалалар мавжуд бўлса, у ҳолда биз талаба учун сунъий ҳолда қийинчилик туғдирамиз. Чунки улар тестдаги барча саволларни англаб олиши ва

уларни хотирасида доимо саклаб туриши керак, улардан бирига жавоб бера бориб, бошқаларига ҳам жавоб беришни унутмаслиги керак. Агар талаба номаълум сабабга кўра саволларнинг бирини унутса ва унга жавоб бермаса, бу ҳол унинг билимини нотўғри баҳоланишига сабаб бўлиши мумкин, аслида сабаби – эътиборсизлик бўлишга қарамасдан. Яхшиси, тестларни ечишда талабалар фаолиятини таалукли бўлмаган саволлар билан чалғитиш ва мураккаблаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга оддийлик талабига жавоб бера оладиган кетма-кет тестлар таклиф этилгани маъқул.

Муайянлик. Тестга кўйилган бу талаб унинг бажарилиш сифатини барча экспертлар (имтиҳон олувчи, мутахассис ва бошқалар) томонидан баҳолашда қарама-қаршиликлар юзага келмаслик шартини тўқоша эътиборга олади. Бу деган сўз – тест таркибида ишончли ишлов беришга имкон бера оладиган аниқ ва ўзгармас натижа олиш мумкин бўлган топшириқлар алоҳида ажратилиб кўрсатилиши кераклигини аниқлатади. Шунинг учун тестни тузишда маълум фаолиятни акс эттирадиган топшириқни ифодалаш билан чегараланмасдан, балки ўзида ўлчов тизими ва баҳолаш сифатини мужассамлаштирган эталонни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Талабанинг ўқув фаолиятини бажариш сифати ҳақида ҳулоса чиқарувчи бундай бўлинмалар тестнинг муҳим (жиддий) амаллари дейилади. Умуман тест амали деганда синалувчининг тест шартига бинон уни ечишда бажарган алоҳида ҳаракати тушунилади. Жиддий амаллар эса маълум предмет бўйича талаба билимини текширишнинг мақсадини аниқ ифода этувчи амаллардир. Тестнинг бу амаллар сонини ажратиш ва ҳисоблаш учун уларни тез топиш мақсадида эталонда турли усуллар билан белгила-нади (тртиб рақами билан, ажратиб кўрсатиш, қавс ёрдамида ва ҳақоза).

Талабалар билимини баҳолаш жараёнини объективлаштириш мақсадида тест топшириқларини юқорида тилга олинган талабларни ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш зарур. Фақат шу йўл билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Табақалаштиришда ҳар бир талабанинг маълум ўқув фани бўйича ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади. Биз олиб борган илмий тадқиқотларда талабаларнинг ўзлаштириш даражаси тўрт синфга бўлинди (бу фаолият даражаларига мос келтирилган сондир) ва шунга мос ҳолда тест топшириқлари ҳам табақалаштирилди.

Биринчи даражали тест – номаҳсул фаолиятни ифодалайди.

Иккинчи даражали тест – алгоритмли фаолиятни ифодалайди.

Учинчи даражали тест – маҳсулдор эвристик фаолиятни ифодалайди.

Тўртинчи даражали тест – маҳсулдор ижодий фаолият билан тавсифланади.

Топшириқларни дифференциаллашда бир неча кўрсаткичлар эътиборга олиниши керак. Жумладан, топшириқ ҳажми (чизма ишнинг, математик ҳисоблашнинг салмоғи, саволлар сони ва ҳ.к.); уни бажариш учун бўлган

фикрлаш фаолиятининг тури (олдиндан маълум бўлган маълумотларни кайтариш, одатдаги шароитда билимларни қўллаш, ўқув муаммосини ечишнинг янги усулини топиш ёки қўшимча адабиётлардан янги маълумотларни олиш); дастурлаштирилган жавобларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги.

Дастлабки икки гуруҳ тести шу билан фарқланадики, топшириқларни бажариш учун номаҳсулдор фаолият талаб этилади, холос. Учинчи ва тўртинчи синф тестларини ечиш учун эса ижодий характерга эга бўлган фикрлаш фаолиятини, яъни ижодкорликни номоён қилиш зарур. Бундан ташқари биринчи ва иккинчи даражали тест топшириқлари мураккаблиги жиҳатидан кам фарқланадиган масалалардан иборат бўлиши мумкин.

Талабалар билим ва кўникмаларини баҳолашда автоматлаштирилган назорат воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ПТ шуғулланиши лозим бўлган йўналишидир. Бу борада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Давлат Тест Маркази қатта тажрибаларни тўпламоқда ва ўз ахборотномаларида улар билан кенг китобхонлар оммасини таништириб бормоқда.

Шундай қилиб, бу фаслда биз ПТнинг асосий сифат кўрсаткичларини ёритишга ҳаракат қилдик. Янги ПТ ўзининг педогогика ва қатор бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ бўлган хусусий назариясига эга бўлиб, у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилгандир. Ўқитишнинг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллардан, фаол методлардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитувчиларнинг дастурли фаолиятига педагогик технология замин яратади.

3.3. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари

Олий таълимда дидактик жараён босқичларини муайян кетма-кетликда қуриш талабаларнинг билиш фаолиятини мавзу бўйича белгиланган мақсадларга мос ҳолда танланган ўқитиш методлари ёрдамида ташкил этиш демакдир. Ўқитиш методлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра маълум педагогик назарияга асосланган у ёки бу таснифга тегишли бўлади. Уларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда ўқитиш жараёнини изга соладиган ва уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш асосида жамият томонидан ОТМ (мактаб, касб-хунар коллежи) олдига қўйилаётган мақсадга нечоғлиқ эришилаётганини кўзда тутиш керак. Ёхуд ўқитиш методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепциядир.

“Ўқитиш методи дастлаб педагог онгида фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади. Бу лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг ўзаро туташуви текислигида, ўқитиш ва ўқишнинг икки ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этила-

ди. Методнинг бошқа намоён бўлиш шакллари йўқ, сабаби умумий ҳолда ўқитиш методи ўзида фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади”⁶.

Педагогик нашрларда ўқитиш методларини фаол ва сушт гуруҳларга ажратиш ҳоллари мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган у ёки бу мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, шубҳасиз, фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам дарсда талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади. Шу боисдан бу фаслда ҳали педагогик амалиёт учун нотаниш бўлган чет эл дидактикасига оид методлар ҳақида фикр юритилади.

Американинг “Street law” (кўча қонуни) дастури бугунги кунда ер юзининг кўплаб давлатлари томонидан “аср”га олинган ва таълим маконига ўрнашиб қоляпти. Бунга сабаб дастурдан ўрин олган юзлаб ўқитиш методларининг фаоллиги, жозибалиги ва таъсирчанлигидир. Улар ёрдамида талабалар ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ-хуқуқларини англаб етиш каби имкониятларга тезда эга бўладилар. Ўқитувчи эса дидактик жараёни қуришда бу методлардан оқилона фойдаланмоғи, уларни мавзу бўйича ўқув элементларининг мураккаблиги ва вақт тигизлигига қараб чалғиштирмоғи лозим. Қуйида “Street law” дастуридаги баъзи методлар келтирилади.

1. КЛАСТЕР (АХБОРОТНИ ЁЙИШ) МЕТОДИ

Бу методнинг асосий вазифаси ўрганилаётган объект – педагогик воқеликни қисмларга ажратган ҳолда ўзлаштиришга талабалар фаолиятини йўналтиради, уларда кўп вариантлилиқ асосида тушунча ва ҳодисаларнинг ўзаро ички ва ташқи боғланишларини аниқлаш кўникмаларини шакллантиради, мавзу бўйича фикр ва мулоҳазаларни эркинлаштиришга ёрдам беради.

Мавзу бўйича кластерларни тузиш ўқув мақсадига қараб босқичма-босқич ҳаракатланишини тақозо этади, охир-оқибатда якуний натижа – янги билимларни ўзлаштириш фикрлар хилма-хиллигини яхлитлаш асосида қўлга киритилади.

Кластер методидан фойдаланиш учун талабаларни кичик гуруҳларга (3-5 та) ажратиш талаб этилади. Ҳар бир гуруҳча мавзуга оид алоҳида ўқув элементларига ишлов беради. Бунинг учун аудиторияда дарслик, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари бошқа ахборот манбалари етарли сонда бўлиши лозим. Ўқитувчи алоҳида ўқув элементларини ўзлаштириши учун вақт ажратади (15-20 дақиқа).

Кластер тузиш босқичлари:

1. Аудитория ёзув тахтасига кичик гуруҳлар сонига қараб ватман (чизмачилиқ қоғози) осилади ва «калит» сўзлар ўқитувчи (айрим ҳолларда талабалар) томонидан ёзилади.

6. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. - М.: Педагогика, 1981. -С.35

2. Мавзу бўйича ўқув элементларига тегишли фикрлар (қонун, факт, тезис, ҳодиса, жараён, натижа) аниқ феъл билан ифодаланган ҳолда қоғозга ёзилади.

3. Асосий тушунча ва ғоялар ўртасидаги алоқадорлик чизмада кўрсатилади.

4. Кичик гуруҳлардаги барча талабалар (3-5 та) ўз вариантларини қоғозга туширишади.

5. Фикрлар «шажара»си умумлаштирилади ва якуний хулосалар қайд этилади.

6. Ўқитувчи гуруҳ иштирокчиларининг фаолиятини назорат қилади ва объектив баҳолайди.

Мисол учун, Б.Блумнинг «Ўқув мақсади таксономияси» мавзуси бўйича кластер тузиш кетма-кетлигини келтирамыз:

1.Блум таксономияси аниқланган ўқув фаолияти соҳалари (ЎЭ № 1):

– когнитивли (билиш) соҳаси;

– аффектив (ҳаяжонли-қадриятли) соҳаси;

– психомоторли соҳаси.

2.Блум таксономиясини тузишда таяниладиган принциплар (ЎЭ N 2):

– амалий;

– психологик;

– мантиқий;

– объективлик.

3.Когнитив соҳа бўйича ўқув мақсадлари таксономияси (ЎЭ-№3):

– билиш; англаш; қўллаш; таҳлиллаш; синтезлаш; баҳолаш.

Бу мисолда учта “калит” сўз келтирилди, улар ўз навбатида тегишли ўқув элементларини камраб олиши талабалар томонидан аниқланади. Ҳар бир ўқув элементиға оид тушунчалар мазмунан кетма-кетлик сакланган ҳолда ватман қоғозига ёзилиб борилади ва фикрлар «ёйилмаси» чизмаси яратилади.

2. СИНКВЕЙН (АХБОРОТНИ ЙИГИШ) МЕТОДИ

Методни қўллаш жараёнида талабаларда мавжуд бўлган тарқоқ ахборотли жараёнлар аста-секинлик билан босқичма-босқич йўналтирилган ахборотли жараёнға айланиб боради. Яъни, ноаниқ билимлар мавзунини ўрганиш давомида аниқлаштирилади, у ёки бу объектив воқелик тўғрисида яқдил фикрга келинади. Бунинг учун талабаларда беш имкониёт мавжуд бўлади ёки синквейн беш қатордан иборат ўзига хос “оқ шеър” (қофиясиз) бўлиб, ўрганилаётган мавзуга оид тушунчалар (ҳодиса, жараён, воқеа) қатъиян кетма-кетликда қаторларға ёзиб чиқилади. Синквейн тузиш орқали талабалар ўз фикрларини бир жойға тўплаш кўникмасини эгаллашади, уларни ихчам ифодалашға, турлича мулоҳазаларни синтез-

лаш ва ўтилайган мавзу бўйича тўғри хулосаларни шакллантиришга ўрганишади.

Синквейн тузиш тартиби:

1. Биринчи қаторга мавзудаги бош ғоя (таянч тушунча) бир сўз (от) билан қайд этилади.

2. Иккинчи қаторда бош ғоя икки сифат билан ифодаланади.

3. Учинчи қаторда мавзуга оид тушунчалар (жараёнлар) учта сўз билан баён қилинади.

4. Тўртинчи қаторга мавзуга оид фикр (назария, факт) лар тўртта сўздан иборат бўлиши лозим.

5. Сўнги қаторга мавзу моҳиятини ойдинлаштириладиган (ёки маъно жиҳатидан яқин бўлган) битта сўз ёзилади.

Бу кетма-кетликни қуйидаги пунктлар чизиклар ёрдамида лойиҳалаш мумкин.

1. _____ топширик

2. _____

3. _____

4. _____

5. _____ натижа

Одатда синквейн мавзу бўйича бирорта муаммоли вазиятни ечиш ёки алоҳида ўқув элементларига ишлов беришда талабалар тафаккурини чарх-лаш учун тузилади. Агар биринчи қатордаги мавзу муаммоси сўз туркуми – от орқали ўқитувчи ёки талаба томонидан ифодаланса, иккинчи қаторда топшириқнинг муҳим хоссаларини белгиловчи бир жуфт сифатни талабалар ўйлаб туриши, кўп вариантли жавоблардан энг мақбулини ажратиб олиши лозим бўлади. Шу каби кейинги қаторларда ёзиладиган жавоб сўзлар ҳам талабаларнинг тезкор фикрлаши натижасида излаб топилади ва синквейндан кўзланган мақсад якуний натижага эришилади.

3. “АҚЛИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИ

“Ақлий ҳужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда

ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдида муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрлари-



ни билдирадилар. Бу боскичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз катнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қодаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- “ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Вазифаси. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (аудитория) янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланий усули. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум туга-гач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

Изоҳ: Хурмагли китобхон, мана, америкача “ақлий ҳужум” методи билан қисман та-нишдингиз (сиз, эҳтимол, олдиндан танишдирсиз). Айтмоқчи бўлган фикримиз инкор ва гаъкид хусусида: бу метод муаллифлари бизнинг аждодларимиздир. Ҳали Америка кашф

этилмаган бир даврда уз ақл машъаласи билан дунёни ёритган комусий олимларимизни (Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа) оласизми, ёки етти икклими забт этган шоҳу-султонларимизни оласизми, улар ўз муаммоларини ечишда ана шу методдан кенг фойдаланишган. Бобокалонларимиз бу методни бошқача номлашган, яъни: “кенгаш”, “машварат”, “маслаҳат” деб аташган. Мисол учун, Соҳибкирон Амир Темур салтанат олдида турган муаммоларни ечишда машварат чақириб барча сарой аҳлининг, вазиру-уламоларнинг, фарзандларининг фикрларини диққат билан эшитган ва улар асосида ягона ҳукм чиқарган. Бу ҳолатлар кўпроқ ҳарбий юрши олдида чақирилган машваратларда намоён бўлади. “Агар (ганим устига) лашкар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларимнинг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига таккослаб кўрардим, қайси бири фойдалирок бўлса, шуни ихтиёр қилардим” (28). Бугун ана шулар ҳақида уйга толиб, “гарб шарқдан ўрганган” лангга юз фоиз ишонч ҳосил қиламиз.

4. “АЖУРЛИ АРРА” МЕТОДИ

“Ажурли арра” методи тузилиш жиҳатидан ўзида куйидаги босқичларни камраб олади:

1. Топширикни бўлиш. Топширик ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзуларга) қиркилади.

2. Бирламчи гуруҳлар. Ҳар бир гуруҳ аъзолари қиркилган мавзунини оладир ва экспертга айланадир.

3. Эксперт гуруҳлар. Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириклари мавжуд бўлган талабалар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

4. Бирламчи гуруҳлар. Талабалар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.



“Ажурли арра” методи моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндашилганда талабаларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон туғилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун талабаларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурати туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича талабаларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, кўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир талаба 2 гуруҳ таркибида иштирок этди: дастлаб “ўз уйи”

7. Ажур французча “ajour” сўзидан олинган бўлиб “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик” маъносини англатади.

(бирламчи) гуруҳига, кейин эса “эксперт” гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун талабалар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирор бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача киши (талабалар сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир талаба “ўз уйи”лагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи талабаларни “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлашишини таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни аудитория хонаси охирида, “кўк”ларни эса мактаб йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам талаба бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Ўқув материаллари бўйича “эксперт” бўлиши учун талабаларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Талабаларга қуйидагича топшириқлар берилади:

- пакетдаги материалларни кунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;
- бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;
- ўз “уйингиз” гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб материалнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг.

9. Талабаларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар бири ўз “уйи”– гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан талаба бўлиш шарт. талаба ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи талабаларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олиш лозим. Бу жараён ўқув материалининг ўзлаштириш зарурлигига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Талабалар бир-бирларидан ахборотларни ўрганишиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирган фаолият турини ўтказиши мумкин.

5. “МУНОЗАРА” МЕТОДИ



Бу метод ёрдамида талабаларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзунини талабалар аёвсиз “штурм” қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар.

Мунозарани ўтказиш методикаси.

1. Мунозара олиб борувчи – бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлик ва ҳоказо) мавзунини олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга “ақлий хужум” топширигини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради:

– “хужум”дан мақсад – муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

– ўз ақл-идрокингишни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диққатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдириг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бири рад этилмайди;

– бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантириг;

– таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.

3. Бошловчи котибинини тайинлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чиқувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилди. Агар бирор бир киши томонидан “ақлий хужум”ни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури “чархланиши” учун қисқача танаффус эълон қилади. Кейин иккинчи босқич бошланади. “Ақлий хужум” иштирокчилари гуруҳланади ва биринчи босқичда билдирган ғояларини мустаҳкамлайдилар. ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришдилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозарага яқун ясайди.

ИЗОҲ: Америкача мунозара методи турли шаклларда ташкил этилиши эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури – бу “телемунозара” ҳисобланади ёки аниқроқ айтишда бўлса, журналист Қуддус Аъзамнинг талабалар билан ўтказган телемулоқоти ана шу методнинг ўзгинасидир.

Телемулоқоти усулидаги мунозара афзалликлари хусусида икки оғиз: бу шаклда ташкил этиш бир вақтнинг ўзида гуруҳда маъруза ва мунозара методларини қўллаш имкониятини беради. 3-5 киши бўлган гуруҳ олдиндан танланган мавзу бўйича бошқа қатнашчи (томошабин) лар иштирокида мунозара ўтказадилар. Томошабинлар муҳокамага кейинроқ қўшилиб ўз фикрларини айтишади ёки савол берадилар.

Телешоу шаклида ташкил этилган мунозарада берилган мавзу бўйича турли фикрларни бирмунча аниқ ифодалашга имконият туғилди. Албатта, бу ерда муҳокамага жалб этилганлар суҳбатга пухта тайёргарлик кўришлари ёки шу соҳа билимдонлари бўлишлари билан биргаликда асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари керак.

Телешоуда ҳар бир иштирокчига ўз фикрини тўлиқ баён қилишлари учун кенг имкониятлар бериши лозим (3-5 мин). Бошловчи мунозара боришини кузатиб боради, агар белгиланган мавзудан четга чиқиш ҳоллари рўй берса, дарҳол мунозарага аралаштириш шарт.

6. “ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОП” МЕТОДИ


Агар аудиторияда у ёки бу мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. Ундан кўпинча дарснинг кириш қисмида фойдаланишади ва ўтилаётган мавзунинг ўрганишга турли хил ёндашувлар мавжудлиги намоён этилади. Бу бир томондан. Иккинчидан, талабаларга ўз фикрини баён қилишга, мулоқот кўникмаларини қайтадан тузатишга имкониятлар мавжуд бўлади. Учинчидан, дарс сўнгида ўқитувчи томонидан мавзунинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш аниқ амалга оширилади.

1. Аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилди. Уларнинг бирига “розиман”, бошқасига “рози эмасман” деган сўзлар ёзилиши керак. Плакатларда баъзи бир мавзуга оид саволлар бўйича билдирилган қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиши мумкин. Масалан: “анжир гуллайди ва мева тугади”, ёки “анжир гулламадан мева тугади”.

Розиман



Рози эмасман



2. Дарсни ташкил этиш қоидалари муҳокама қилинади.
3. Қаралаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш зарурлиги талабаларга таклиф этилди.
4. Бўлинган талабалардан ўз қаршиларининг асослаш сўралади. Бу пайтда бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш рухсат этилади ва шу тариқа аудитория талабаларининг ҳаммаси жалб этилди.
5. Муаммо бўйича фикрлар билдирилгач, талабалар ичида мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартирганлар ва бошқа гуруҳга ўтувчилар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўз ўрнини ўзгартириш сабабларини асослаши керак бўлади.
6. Иштирокчилардан оппонентлари ичида муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтган талабаларни аниқлаш сўралади.

7. «КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ»



Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарادا қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан аудиторияда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини кадрлашга ўргатади.

Қўлланмиш усули

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурий асос яратиш. Талабалар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. Гуруҳларни шакллантириш. Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 талаба бўлади, (аҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, аудиториядаги талабалар сони, талабаларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гуруҳ ташкил этишидир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. (Мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, хоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. талабалар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. Қўллаб-қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи зарурат туғилса гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъзийк ўтказилмайди.

6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат тугилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилди. Муҳими, гуруҳнинг ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишди. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

8. «МЕНЮ» МЕТОДИ

Якка тартидда ёки кичик гуруҳлар билан иш олиб боришни хоҳлаган ижодкор ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ (талаба) га аниқ топширик берилади. Мисол, “Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари” таснифи хилма-хил. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топширик тайёрлайди.

- I. Конституциявий ҳуқуқлар
- I. Маъмурий ҳуқуқ асослари
- II. Фуқаролик ҳуқуқлари асослари
- IV. Меҳнат ҳуқуқлари асослари
- V. Экологик ҳуқуқлари асослари



Ҳар бир гуруҳ топширик олади ва 3 минут давомида муҳокама қилишади, сўнгра ҳар гуруҳлардан биттадан вакил ўқитувчи столига келишади ва тайёр “Меню”ни олиб қайтишади. Бу узун қирқилган қоғозлар – “Тиллар” бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ нормалари баён қилинган бўлади. Гуруҳ вакили тиллардан танлаб олади ва ўз гуруҳига олиб келади, кейин бошқа талаба шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 минут давомида топширик муҳокама қилинади ва чизмайлаштирилади. Бу жадвал қўлда тайёрланиши ҳам мумкин ёки жавоблар оғзаки оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Бошқа гуруҳ вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гуруҳ ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб беради.

9. “КИЧИК ГУРУҲЛАРДА БОСМА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ” МЕТОДИ

Кичик гуруҳларда ишлашнинг яна бир самарали методи – бу нашр қилинган материаллар билан ишлаш ҳисобланади. талабаларнинг зарурий ахборотларни излаб топишлари учун, назарий билимларни мустаҳкамлаш ёки таснифлашлари учун, назарий материалларни чуқур англаб олишлари учун бу методдан фойдаланиш яхши самара беради. Аудитория 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ бир хил ёки турлича мазмундаги топшириқлар, газеталар, журналлар, фотоальбомлар, бюллетенлар олишади.

Зарурий материаллар: А – I Форматли оқ қоғоз, қайчи, елим.

Топшириқлар:

А) газеталардан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотларни топинг ва куйидаги тартибда уларни жойлаштиринг.

- 1) фуқаролик ҳуқуқлари
- 2) сиёсий ҳуқуқлар

3) иктисодий ҳуқуқлар

4) ижтимоий ҳуқуқлар

5) маданий ҳуқуқлар


Б) инсон ҳуқуқларини жорий этиш шаклларини намойиш этинг. Жорий этишнинг 4 гуруҳи мавжуд:

- риоя қилиш;
- бажариш;
- фойдаланиш;
- қўллаш.

Ҳар бир гуруҳ (улар 4 та) топширик олади, газетадан керакли материалларни топади, мақолаларни, суратларни қирқиб олади ва плакатга елимлайди, зарурий матнни шарҳлайди. Ҳар бир гуруҳ ўз сардорини аниқлайди ва улар иш якуни тўғрисида ҳисобот берадилар. Бошқа гуруҳ талабалари саволлар беришади ва ишни баҳолашади.

Бу методни қўллаш давомида талабалардан барча материаллар йиғиб олинади, аксинча талабалар газеталардаги бошқа қизиқарли мақолаларни ўқишга киришиб кетадилар ва сардорлар фикрларига кулоқ солмайдилар. талабалардан эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этилади, ортиқча қоғоз қирқиш, елимлаш, аудиторияни ифлослантиришга йўл қўйилмайди.

10. “ДЕБАТ” МЕТОДИ



Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад муаммонинг ечимини топишда талаба ўзгаларни ўз ёндашувининг тўғрилигига ишонтаришдир. Ўз фикрини аниқ ва мантикий баён этиш, бунинг учун эса ишонарли далиллар ва хулосалар топиш кўникмаларини шакллантиришда дебатлар ўтказиш самарали метод ҳисобланади.

Улар талабаларда ижтимоий фикрни ўзгартиришга таъсир этиш қобилияти мавжудлигига ишонч туйғуларини ривожлантиради.

Методик тавсиялар:

Дебатлар мавзусини англаб етишлари учун талабаларга шароит туғдирилади. Бунинг учун эса мавзунинг резолюция шаклида ифодалаш керак бўлади. Маълумки, *резолюция* ҳар доим мавжуд ҳолатни ўзгартиришни талаб этади. Мисол учун, қабул қилинган: “*Ўзбекистон Республикасида олий жазо – ўлим бекор қилинди*”

Машғулотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, муҳандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади.

Дебатда катнашиш учун иқтидорли талабалар танланади ва улар икки гуруҳга ажратилади: резолюцияни қўллаб-қувватлайдиган ва уларга қарши чиқувчи иштирокчилар дебатларни ўтказиш қоидасини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак. Гуруҳ сардори регламентга риоя қилишни қузатувчи – ёрдамчини тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” (3-5та ҳолатга асосланган; мантикий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун талабаларга етарлича вақт берилади. Уларга муаммонинг кўламини англаш ва баҳсда ўз фикрини сақлаб қолишлари учун аниқ, мантикий аргументлар тайёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан биргаликда талабалар қарши томон билдирган фикрларни қандай бўлиши мумкинлигини тахмин қилишлари ва олдиндан бу фикрларни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим.

Баҳслашув натижасида талабалар нималарни қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етсагина дарс самараси тўғрисида гапириш мумкин.

талабаларни шундай далил-исбот топиш кўникмаларини эгаллашга ўргатиш керакки, натижада билдирилган фикрни қарши томоннинг муҳокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина талабалар тенгдошларининг қарашларини ҳурмат қилишга ёки хусусий тасаввурларини аудиториядошнинг фикри олдида ожиз эканлигини тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўникмалари шакллана боради.

Дебатларни ўтказиш тартиби:

1. Ўқитувчи ва дебат иштирокчилари аудиториядан жой олишади. қулай бўлиши учун резолюцияни қўллаб-қувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига жойлашишгани маъқул.

2. Ўқитувчи қисқача муҳокама мавзусини ва иккала резолюция вариантларини баён қилади, сўзга чиқувчилар учун вақтни белгилайди.

3. Ўқитувчи дастлаб резолюцияни қўллайдиганларнинг биринчисига сўз беради ва ундан конструктив аргументларни баён қилиш сўралади. Иложи бўлса сўзга чиқувчилар тартибини ҳар бир гуруҳ аъзолари учун олдиндан белгилаш керак. Ўқитувчининг ёрдамчиси гапирувчи учун ажратилган вақтнинг тугаганлигини эслатиб туради.

4. Ўқитувчи резолюцияни қўллайдиган гуруҳ талабаларини биринчисига сўз беради ва у ўз фикрини етарлича аргументлар ёрдамида асослаб беради.

5. Ўқитувчи биринчи гуруҳнинг иккинчи рақамли талабасига сўз беради, сўнгра иккинчи гуруҳнинг иккинчи рақамли талабаси ўз фикрларини резолюция бўйича баён қилади. Шу ҳолат барча дебат иштирокчилари навбатма-навбат чиқиш қилгунларига қадар давом этади.

6. Кейинги босқичда ҳар бир иштирокчига қарши томоннинг далиллари инкор этиб ташлашга ва улар танқидига жавоб беришга имконият туғдирилади.

7. Масала талашиб давомида янги аргументларни келтириш мумкин эмас. Баҳсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлашади.

8. Талабалар бу босқичда резолюцияга нисбатан у ёки бу мавқени эгаллаш сабабларини баён қилишади. Ўқитувчи бу сабабларни аудитория доскасига ёзиб бориши ҳам мумкин. талабалар бу сабабларга тегишли са-

волларга жавоб беришлари ҳам мумкин, бироқ ўз мавқеининг тўғрилигини оқлашга киришиб кетмасликлари керак.

9. Иштирокчилар шундай аргументларни кўрсатиш керакки, биринчидан уларнинг қарашлари муаммо ечимига зид ҳам бўлиши мумкин, иккинчидан, барчани ўйлашга мажбур этсин, учинчидан, хайратда қоларли даражада ифодаланиши лозим.

10. Дебат дарс сўнгида талабалар қарши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши оқибатларини баҳолашиши керак. Шунингдек, ҳар икки томондан ўртага ташланган қарашларни ҳаётга тадбиқ этиш жамият учун қанчалик фойдали ёки зарарли эканлиги ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

11. “ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ” МЕТОДИ



Вазифаси. Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз олдига турган муаммоларни оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу боисдан талабаларни дарсларда кўпроқ баҳсли тортишувларга сабаб бўладиган муаммолар ечимини топишга жалб этиш лозим.

Баҳсли саволларни ечиш жараёнида талабаларда тинглаш, мулоқат олиб бориш, турлича фикрларни таққослаш, бошқа киши тақдирига бефарқ қарамаслик каби хислатлар шакллана боради, масалаларни ечиш ва тегишли ҳукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилиятлари ривожланади, маълум кетма-кетликда тафаккур юргизиш, тўғри ечимларни топиш малакалари ўзлаштирилади.

Ўтказиш усули. Мунозарали саволларни аналитик-синтетик таҳлил қилиш ва объектив фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун талайгина методика мавжуд. Рўй бераётган воқеликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Талабанинг ўз фикрини эркин ифодалаш.

Талабага ечимини топиш учун таклиф этилган муаммо бўйича ўз ўрнини аниқлаб олиши учун имкон берилади. Мисол учун, Тошкентда 16 февраль воқеалари нима учун содир бўлганлиги тўғрисида. Муаммога талабадан жавоб олиш учун қатор саволлар билан мурожаат қилиш мумкин: Сенинг фикринг қандай? Бу ҳақда сен нималарни ўйлайсан? ва бошқа.

2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.

талабаларнинг билдирган фикрларини янада аниқлаштириш мақсадида уларга қўшимча тарзда қуйидаги саволлар берилади: Бу билан нима демокчисан? Ўз фикрингни тушунтира оласанми? Бу нима дегани?

3. Талабаларнинг фикрларини асосланганлигини текшириш.

Бу ерда қуйидагича саволларнинг берилиши ўринлидир: Нима учун сен айнан шундай деб ўйлайсан? Сенинг мавқеингни тасдиқловчи қандай асослар бор? Нима учун сенда шундай таассурот туғилди? қандай аргу-

ментларни билдирган фикринг фойдасига келтирасан? Сенинг фикрингни нима исботлайди? ва ҳоказо.

4. Бошқалар фикрини ўрганиш.

Инсон ўз фикрининг ожизлигини ҳар доим ҳам тан олавермайди ва суҳбатдошининг фикрига ҳурмат ва эҳтиром билан қаравермайди. Айниқса бу ҳолатни кўпроқ ўсмирларда кузатиш мумкин. Шубҳасиз, кўп ҳолларда бунинг аксини ҳам кўриш мумкин. Шу билан биргаликда қатор мураккаб муаммоларнинг ечимини топишда ўзгалар фикрини эшитиш ва тинглаш кўникмаси жуда асқотади. Бу кўникмани талабаларда шакллантиришни хоҳласангиз, марҳамат, қуйидаги саволлар билан муружаат қилинг: ўз фикрингизга муқобил бўлган ҳолатни баён қила оласизми? Бу ҳақда бошқалар нима дейин мумкин? Танқидга учрашингиз мумкинми?

5. Ўз ҳолатини ва ўзгалар фикрини таҳлил этиш.

Бу ҳақда нафақат ўсмирлар, балки катталар ҳам кўпинча ўйлашмайдилар. талаба хусусий фикри билан тўғри келмайдиган фикрларни ҳам ўзаро таққослаш, илмий асосланган ҳолатни аниқлаш учун фикрлар қарама-қаршилигини таҳлил этиши керак. Шу мақсад учун қуйидаги саволлар асқотиши мумкин: ўз фикринг ожизлиги нимада? қарши томоннинг далил-исботи нима учун кучли ёки нима учун кучсиз? қандай фикрлар сизнинг мавқеингизни мустаҳкамлайди ёки уни кучсизлантиради?

Ўрганилаётган муаммо бўйича ҳар иккала фикрларнинг мантикий оқибатларини ўрганиш учун саволлар: агар сизнинг ғоянгиз қабул қилинса, нималар рўй бериши мумкин? Бу жамиятга қандай таъсир кўрсатади? Унинг натижаси келажакка фойда берадими?

6. Муаммо бўйича ечим қабул қилиш.

Бу “танкидий фикрлаш” методининг сўнги босқичи ҳисобланиб, талабалар томонидан билдирилган турлича фикрлар қайтадан баҳоланади ва мутаносиблик аниқланади. Бунинг учун: қайси натижа энг қулай ва ишончли? Кимнинг чиқиши мақсадга мувофиқ бўлди? Сиз баҳсга қандай нуқта кўйган бўлардингиз? ва ҳоказо.

Изоҳ: Бу метод кўпроқ ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришда қўл келишини таъкидлаш жоиз. Ҳуқуқий таълим ёшларга жамиятда, жамоада, оилада ўз ўрнини топишлари учун кўмаклашади, атрофда рўй бераётган воқеаларга танкидий кўз билан қараш ва объектив баҳолаш имконини беради. “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани қатор қарама-қаршиликларнинг тафовутларни ўрганади.

Аслида қонунлар тафовутларни ечиш учун хизмат қилади. Ҳуқуқни ўрганиш талабаларга жамиятда рўй бераётган тафовутли саволларни ўз ёшига мувофиқ чуқур ўрганишга, ўзини ўзбекисгон фуқароси деб ҳис этишга ундайди.

“STREET LAW” дастуридан жой олган яна қатор методларни (медиация, қазусларни ўрганиш, визуалли материаллар билан ишлаш, ҳаёлий саёҳат, дунё суди ва бошқа) таржима ва таҳлил қилиш, тартибга келтиришни лавом эттириш мумкин эди. Бироқ яқин келажакда бу дастур таржима

килиниб, алоҳида китоб шаклида нашр этилишга умид боғлаб қоламиз.

Бу методлардан дидактик жараённинг қайси босқичида фойдаланиш керак? Шубҳасиз, мавжудлик алгоритмида (МА) – талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда – мустақил ўз-ўзини ўқитишда, яқка тартибда, кичик гуруҳларда фойдаланилади. Уларни танлаш мезонлари эса ўқитувчига маълум: мавзудан кўзланган мақсадга, мазмунига мос келиши, талаба ва ўқитувчининг имкониятлари, вақт ўлчови, мавжуд ўқув-моддий база ва бошқалар. Энг асосийси, яқуний натижани таъминлайдиган ва кафолатлайдиган педагогик муҳит яратилиши лозим.

3.4. Олий касбий таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш мезонлари

Талабалар билан янги мавзуни ўрганишга киришар экан, олий таълим муассасаси ўқитувчиси олдида ҳар доим савол туғилади: метод қандай танланади, қайси дидактик материаллардан фойдаланиш керак, ўқув вазифаларини қайси усуллар билан самарали ечиш мумкин? Ҳар бир машғулот турининг педагогик мақсадларига эришиш учун ўқитувчи ўзининг интеллектуал салоҳиятини сафарбар этиши, илғор педагогик тажрибадан фойдаланиши ва ниҳоят, методни танлаш ҳақиқий ижодий актга айланиши лозим.

Умумий ҳолда методнинг танланиши таълим ва тарбиянинг дидактик мақсадлари билан аниқланади. Бироқ турли хил педагогик вазиятларда ўқитувчи ва талабалар ўртасида фаолият турлари ўзгариб, ўзаро алмашишиб туради. Табиийки, бу фаолият турларига мос ҳолда ўқитиш методлари ҳам ўзаро чоғиштирилади.

Ўқитувчининг янги мавзуга тайёргарлик кўришида методлар ва методик усулларни танлаш – бу уларнинг ўзаро алмашинувини (чоғиштиришни) вақт ва дидактик мақсад бўйича мувозанатлаштириш демакдир. Пировард натижада талабаларнинг аклий ва амалий фаоллигининг юқори даражасини таъминлашга шароит яратилади. Тўғри қўлланилган методлар объектив воқеликка оид билимларни чуқурлаштиради ва яхлит ҳолда машғулотнинг илмий-назарий даражасини оширади. Кетма-кет сараланган ўқитиш методлари маълум даражада билиш ва касбий қизиқишни ривожлантиришга, мустақил амалий фаолиятни фаоллаштиришга олиб келади.

Методларни таълим жараёнининг ўзаро боғлиқ зиддиятларини ечиш усуллари сифатида талқин қилар эканмиз, биз методларни бирмунча теран тизимлаштиришнинг предметли асосини ва мазмунли мантиқини пайқаб оламиз. Педагог ўқув жараёнини режалаштиришда шу асосда аниқ кетма-кетликдан, методларнинг энг мақбул жамламасидан материалнинг ўзига хослигини, талабаларнинг тайёргарлигини, вақт омили ва

курснинг умумий таълимий ва тарбиявий мақсадларини инобатга олган ҳолда фойдаланиши зарур.

Ўқитиш фаолиятининг ҳар қандай актида ҳар доим бир нечта методлар чоғиштирилади, улар педагог ва талабаларнинг бир хилдаги ўзаро ҳаракатларини турли томондан тавсифлаган ҳолда бир-бири билан сингишиб кетади, чунки ўқитиш методлари мақсадга мувофиқли ва мазмунли фаолиятдан ташқарида мавжуд эмас. Бундай пайтда фақат айтайлик, оғзаки, ёки фақат изланувчан, ёки фақат дедуктив метод қўлланилади, дейиш мумкин эмас. Аслида бу методлар ўқитишнинг муайян актида жамулжам чоғиштирилади ва агар, гарчи, биз ҳозирги ҳолатда муайян методни қўллаш тўғрисида гапирар эканмиз, бу – биринчи навбатда (бошқа методлар ёрдамида) ўқитишнинг ҳозирги босқичи учун устун бўлган дидактик вазифаларни ечади, деган фикрни англатади. Мисол учун, мивзу мазмунининг имкониятларини ҳисобга олиб бош вазифа ўқув-билиш фаолияти кўникмаларини шакллантириш, ўқишда мустақилликни ривожлантириш бўлса, унда биз биринчи галда бошқа методлар ёрдамида жорий этиладиган эвристик (изланувчан) методларни қўллаймиз. Бошқа назиятда, кўрсатмали тасаввурларни кўришга оид қабуллашни ривожлантириш: ёки ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш вазифаси ечилаётган бўлса, биринчи ўринга кўрсатмали методлар чиқиб олади.

Ўқитиш методларини қўллаш тўғрисидаги бундай диалектик тасаввур катор методларни, шу жумладан чет эл дидактикасига оид интерфаол методларни ҳам яхлит таснифлашга чоғиштириш имконини беради, ўқитиш методларини сунъий чеклашга ёки уларнинг ҳар бирини айрим ҳолда карашга йўл қўймайди

Бундай ёндашувни ифодалашимизда муҳим мантикий коида – ягона асос бўйича таснифлаш зарурати бузилмайди, чунки бу коида бир нақтнинг ўзида айни бир воқелик учун катор таснифларнинг мавжуд бўлиш имкониятларини йўқка чиқармайди, аксинча ўзида бирмунча яхлит тасниф элементлари сифатида интерфаол методларни ҳам бирлаштиради.

Педагогнинг интерфаол методлар хилма-хиллиги ва ҳар бирининг тилба билан ўзаро ҳаракати кўп томонлама бўлиши ҳақидаги тасаввурлари қанчалик бўлса, сайлаб олинadиган методлар мажмуаси шунчалик ранжан, жонли, ҳаракатчан, анланган бўлади. Шу боисдан интерфаол методлар тизими педагогларни иккилантириб қўйиши, кийин аҳволга солиши мумкин эмас. Ўз фаолиятида улар ягона бир методни танлаш билан чегариланмайди, балки улардан қўпларини чоғиштириш йўлини излайди ва бунда интерфаол методларни ўзида акс эттирувчи тизим ҳам уларга ёрдамлашиши лозим.

Ўқитиш самараси интерфаол методлар яхлитлиги даражасига қонуний боғлиқ бўлиши ҳақида етарлича асосли гапириш мумкин. Интерфаол метод нечоғлиқ ўқитишнинг муайян актини тавсифласа, у шунчалик кўп

Ўқитиш самарасини таъминлайди. Мисол учун, педагог асосий метод сифатида “мунозара”ни танлайди ва уни ўтказиш мантиқини куради, шунингдек мунозара давомида талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “аклий ҳужум” дан фойдаланади, бу эса қутилган самарани беради.

Ўқитиш методларини тавсифлашга оид ёндашувларни торайтириш ўқув фаолияти тузилмасида рационализмни⁸ қайталашига олиб келиши мумкин, ҳолбуки билиш назариясида ҳис-ҳаяжон ва ақл-идроқка асосланган бирлигини таъминлаш зарурати алоҳида таъкидланади. Шу боисдан ўқитиш методларини тасвирлашга яхлит, қўп томонлама ёндашиш – бу нафақат методик ёки амалий муаммо, шу билан бирга ечими ўқитиш жараёнига тизимли ёндашувни тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган муҳим методологик ҳаракат ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз интерфаол ўқитиш методларини танлашни такомиллаштиришнинг бирини муҳим шартини – уларни тизимлашнинг ўқув жараёнини режалаштириш муолажалари амалиётида қўллаш билан боғлиқликни аниқлаштирадиган яхлит ёндашувини тавсифладик.

Интерфаол ўқитиш методларини танлашнинг кейинги муҳим шартини уларни энг мақбул чоғиштириш мезонларини ҳисобга олишни такозо этади.

Педагогикада анъанавий методларни танлаш мезонлари катта сонда ишлаб чиқилган, кейинги йилларда дидакт олимлар ишларида улар йиғирмадан ортик келтирилади. Биз уларни назарий таҳлил қилиш асосида, шунингдек 60 дан ортик олий ўқув юрти ўқитувчилари билан ўтказилган сўров натижалари таянган ҳолда интерфаол методларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб қуйидаги мезонларни алоҳида ажратиб кўрсатамиз.

Интерфаол методларни танлаш мезони уларнинг *таълим ва тарбия, ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигидир*. Бу мезон турли хил методларнинг у ёки бу доирадаги вазифаларни ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда уларнинг имкониятлари турличадир.

Ўз тажрибамизга таянган ҳолда интерфаол методларнинг ўқув-тарбиявий масалаларни ечишдаги қиёсий имкониятларини 5-жадвалда келтираемиз.

Жадвалдан кўриниб турибдики, интерфаол методларнинг барчаси талабаларда фикрлаш мустақиллини таъминлайди, ўқитишда бир қопилликни ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимларнинг ролини бирмунча оширади.

2. Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг *таълим мазмуни хусусиятига мос келишидир*. Метод мазмунинини ҳаракатланиш шакли (Гегель) сифатида ҳам аниқланади. Шу боисдан бу

8. Рационализм – гафаккурни ҳиссий тажрибадан ажратиб қуядиган фалсафий оқим.


мезоннинг ҳисобга олиниши шубҳасиз. Бир метод ёрдамида мавзу мазмуни тўларок очиб берилса, бошқиси уни ижодий ўзлаштиришга имкон туғдиради, учинчиси – бу мазмун учун яроксиз бўлиши мумкин. 7- чизма ҳар бир интерфаол методнинг муайян мазмун турини ўзлаштиришдаги ролини кўрсатади.

5-жадвал

Интерфаол методларнинг талаба шахс сифатларига таъсири

№	Интерфаол ўқитиш методлари	Шакллантириш			Ривожлантириш				
		Назарий билимлари	Фактик билимлари	Ақлий меҳнат кўникмалари	Абстракттафаккурни	Кўр-газмали тим-солли тафаккурни	Тафаккурлаш мустақиллигини	Ўзқилини	Билишга кизиқлини
1	Ақлий ҳужум	+	+	-	+	-	+	+	-
2	Ажурли арра	+	+	+	+	+	+	+	+
3	Мунозара	+	+	-	+	-	+	+	+
4	Ўз ўрнини топ	-	+	-	+	+	+	-	-
5	Дебат	+	+	+	+	+	+	+	+
6	Меню	+	+	+	+	+	+	-	+
7	Танкидий фикрлаш	+	+	+	+	-	+	+	+
8	Кичик гуруҳларда ишлаш	+	+	+	-	+	+	+	+
9	Кластер	+	+	+	+	+	+	-	+
10	Синквейн	+	+	+	+	+	+	-	+

Изоҳ: +! – масалани бирмунча муваффақиятли ечади; + – масалани асосан ечади; + – – масалани бирмунча заиф ечади; – – масалани еча олмайди.



7-чизма. Интерфаол методларнинг таълим мазмуни билан алоқаси

Биз асосий интерфаол методларни ажратиб кўрсатдик, бироқ уларнинг рўёбга чиқариш шакллари жорий этиш воситалари каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, ажурли арра, менюлар оғзаки сўз, дарслик ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, кластер, синквейн, ўз ўрнини топ каби методлар ўқитувчининг олдиндан кўрсатиб берган фаолият усуллари тақрорлашни такозо этади.

3. Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг талабалар ўқув имкониятларига тўлиқ мос келишидир, яъни самарали ўқув фаолияти учун ички ва ташқи шарт-шароитларнинг бирлигини таъминлашдир.

Олиб борилган кузатишларнинг кўрсатишича, реал ўқув имкониятларини ўрганишда қуйидаги шартларни аниқлаштириш керак бўлади: талабаларнинг мустақил фаолиятга тайёргарлиги (ўқув ишларини режалаштириш, машгулот мақсади ва вазифаларини тўлиқ белгилаб олиш кўникмаси, ўз-ўзини назорат, тесқари алоқа ўрнатиш ва кўшимча дидактик жараёни қуриш); талабаларнинг ижодий фаолиятга тайёргарлиги (фикрлаш мустақиллиги, ўқув материалидаги асосий ғояни илғаб олиш кўникмаси, топшириқ шартларини белгилаш ва уни ечиш методларини мустақил топиш кўникмаси); ўқишга муносабати ва бошқалар.

Аудитория тайёргарлигининг юқори даражаси интерфаол методларнинг улушини бирмунча оширишни, репродуктив воситаларни камайитишни талаб этилади. Аксинча, аудиторияга тайёргарлиги паст даражада бўлган талабалар билан ўқитиш методини танлашнинг ўзгача тактикаси қўлланилади, бу ерда маъруза, тушунтириш, кўрсатмалилик методларининг мавқеи ортади.

4. Интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланишда педагогнинг хусусий имкониятлари мос келиши лозим. Бу мезон педагогнинг ўқитиш методлари назарияси ва амалиёти билан, ўқитиш жараёнининг қонуниятлари билан, билиш назариялари (ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш, бихевиоризм, генштальт назария ва бошқалар) билан, таълим мазмуни назарияси билан ва бошқа мавжуд қонунлар билан қуролланган даражасини ҳисобга олади. Маълумки, дарснинг дидактик мақсадларига турли методлардан, уларнинг ўзаро бириқувидан оқилона фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, методлар компенсаторлик (бири йўл қўйган камчилик бошқаси эвазига йўқотилади, яъни меъёрланади) имкониятларига эга. Бироқ бу жараёни уюштириш, вақт ва куч сарфини тежаш – бир томондан, талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш – бошқа томондан, интерфаол методлардан фойдаланишнинг кун тартибига қўймоқда.

Бугун ОТМ ўқитувчилари интерфаол методлар тўғрисида етарлича билимларга эгами? Бу саволга жавоб топиш мақсадида 10 саволдан

иборат махсус сўровнома тузилди ва респондентларга тарқатилди. Улар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари (100 та) бўлиб, А. Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги Олий инженерлик Педагогика институтига ўз малакасини ошириш учун келишган. Сўров 2008-2009 ва 200-2010 ўқув йиллари давомида ўтказилди ва таҳлил қилинди. Натижалар, айтарлик, қувонарли эмас. “Интерфаол методлар номенклатурасини (номларини) ёзинг” деган саволга сўралганлардан 87 фоизи “ноғўғри”, 11 фоизи “қисман тўғри”, ва 2 фоизи (4 киши) аниқ (“тўғри”) жавоб беришди. Тўғри жавоб “соҳиблари” билан ўтказилган индивидуал суҳбатлардан маълум бўлишича, улар илгари “Сорос” фонди орқали олдин малакаларини оширган ўқитувчилар бўлиб чиқишди.

Профессор-ўқитувчиларни бу “инкироз”дан соқит қилиш мақсадида “Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари” мавзусида 2 соатлик маъруза “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” курси доирасида биз томондан ўқилди ва улар таркатма дидактик материаллар билан таъминланди. Албатта, интерфаол методлардан фойдаланиш ўқитувчидан қатор шароитларни бажаришни тақозо этади. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

5. Интерфаол методларни танлаш мезонларидан яна бири – уларнинг ўқув жараёнини *ташқил этиш шакллари* билан мос келишидир. Дарвоқе, ўқитишнинг ялпи (фронтал), гуруҳли ва индивидуал шакллари турлича методларни талаб этади. Мисол учун, дебат методи икки талаба (ёки икки гуруҳча) ўртасидаги баҳс ҳисобланса, “аклий ҳужум”да гуруҳдаги барча талабаларнинг иштироки зарур бўлади. Шу билан биргаликда бу мезон мавзунинг мураккаблик даражасига мос ҳолда шакл ва методнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилади.

6. Интерфаол методларнинг *педагогик технология принциплари*га мос келиши умумлаштирувчи мезон ҳисобланади. Маълумки, педагогик технология ҳам маълум қонуниятлар асосида лойиҳаланади ва ўқув жараёнини ташқил этишга асос яратади, жорий қилинган эса яқиний натижани талабанинг у ёки бу мавзунинг ўзлаштириш мустақиллигини. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб туради. Уларни педагогик технология принциплари деб аташ мумкин. Интерфаол методлар ёрдамида педагогик технология асоси – дидактик жараёни қуришда ана шу принципларга таянилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу мезонларнинг барчаси ўзаро боғлиқ ва жамулам қўлланилади, бир-бирига сингишиб кетади. Улардан у ёки бу кетма-кетликда фойдаланишнинг ишончилиги тўғрисида экспертлар баҳоси бирор бир аниқ тақлиф кирита олмаса-да, юқорида номланган мезонларнинг барчасидан фойдаланиш зарурати ҳақида ишончли фикрни

асослаб берди, ёхуд улардан бирортасининг иштирок этмаслиги методларни танлаш муолажасининг самарали кечиши, яхлитлигини таъминламайди.

Интерфаол методларни танлаш ва муайян ўқитиш технологиясини мавзу мақсадига мувофиқ тарзда конструкциялаш фикримизча, куйидаги боскичларни қамраб олади:

1. Ўрганилаётган ўқув материалларининг мазмунини таҳлил қилиш. Таълим мазмуни элементи сифатида ўқув материалининг сифатли хусусиятлари аниқланади (билимлар, фаолиятни амалга ошириш усуллари – кўникма ва мавжуд ижодиёт тажрибаси). Таълим мазмунининг ҳар бир элементи учун ўзлаштиришнинг алоҳида фаолият тури мос келади, бинобарин, ўқитиш методларининг муайян гуруҳи ҳам танланади.

Ўқув ахборотнинг мантикий тузилмаси характери (яхлит ёки қисми) ва психологик табиати (мантикий-исботли, ҳаяжонли-тимсолли, аниқ-ҳаракатли характери) белгилаб олинади.

Билув топшириқларининг мазмунли жамламасини ажратиш мақсадида материалнинг ички йўналишлари, томонлари, тафовутлари таҳлил қилинади.

2. Ўрганилаётган материалнинг талабалар учун янгилик даражасини ва билимларни эгаллашда уларнинг мустақиллик даражасини вақт омили ва вариантларни мазмуни таҳлиллаш асосида ажратилган билув натижаларини мақбуллаштириш масалаларини ҳисобга олиб аниқлаш.

3. Таълимнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб ўқитишнинг айни боскичидаги тарбиявий ва ривожлантирувчи масалаларни ечиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ажратилган вариант (топшириқ)ларни таҳлиллаш ва баҳолаш.

4. Умумий масалаларни ечишда методлар ва усулларни бир-бирига қўшилиш кетма-кетлигини мувофиқлаштириш.

Шундай қилиб, интерфаол методларни саралаш мезонларидан яна бири – бу *таълим оловчилар фаолияти характери*ни мураккаблаштириш ва уларнинг мустақиллигини аста-секин оширишдир. Бирок ҳар бир янги саволларни, мавзу ва бўлимларни ўрганишда методларни қўллашнинг мураккаблик даражаси бўйича бирмунча соддасига қайтиш лозим бўлади.

IV– қисм. ОЛИЙ МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИННИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

4.1. Педагогика фани методологияси ва методологик муаммолари

Фаннинг методологик муаммоларига барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ҳам мамлакатимизда билимнинг бу соҳасига қизиқиш кучайиб бормоқда. Ижтимоий ҳаёт давомийлиги ва фан ривожининг юқори абстракция поғонаси мураккаб, ечими бирмунча қийин бўлган саволларни юзага чиқармоқда. Табиийки, уларни илмий билишнинг эскича ёндашувлари ёрдамида ҳал этилиши мушкул. Методология ҳам амалиёт талабларидан ортда қолиши, ижтимоий кадриятларнинг ўзгариш қонуниятларига боғлиқ ҳолда ривожланмаслиги мумкин эмас.

Биринчи навбатда янги методларни излаб топиш жараёни давом этмоқда, мавжудларини тубдан такомиллаштириш, илмий билиш мантиқини лойиҳалаш, тадқиқотлар самарасини оширадиган техникавий қурилмаларни яратишга эътибор қаратилмоқда. Бошқа томондан, методологиянинг дунёқараш жиҳатлари – чуқур назарий умумлашма, башоратлаш, фан стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг мавқеини ошириш жамият ислохотларига мос равишда амалга оширилмоқда. Бу жараёнларнинг тезлашувига сабаб ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳолис бўлиш, миллий истиқлол мафкурасини омма онгига сингдириш, бунда оммавий коммуникациянинг барча воситаларидан фойдаланишга тўғри келаётганлиги сир эмас.

Методология (юнонча – методлар ҳақидаги таълимот) ижодий жараён сифатида илмий билиш йўллари ва воситаларининг, илмий тадқиқот қонуниятларининг назарий муаммолари билан шуғулланади. Бироқ, у қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ фикр билдириш анча мушкул. Ҳарқалай методология олимларнинг илмий фаолиятини таҳлил қилиш, улар қўллаётган метод ва воситаларнинг умумий хусусиятлари, уларни таққослаш ва тизимлаштириш замирида юзага келган. Демак, методология илмий билиш фаолиятининг моҳиятини ҳам очиқ беради.

Методология тушунчаси мураккаб ва ҳар доим ҳам бир хилда талқин қилинавермайди. Биринчи навбатда у кенг маънода – фан методологияси сифатида қўлланилиб, барча илмий фанлар учун илмий билишнинг фалсафий таянчи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, методология фан сифатида объектив борлиқни билиш ҳақидаги таълимот (назария)дир. Тор маънода эса аниқ илмий фанлар (шу жумладан педагогика) учун илмий билиш назарияси англатади. Демак, методологик билимларнинг умумий тизимида методология ўрнини аниқлаштириш учун мавжуд методологик даражаларни тўғри фарқлай олиш керак экан.⁹

9. Баъзи манбаларда методологиянинг тўрт даражаси қайд этилади: фалсафий, умумметодологик, аниқ илмий методология, тадқиқот методикаси ва техникаси

Аниқ фанлар методологияси умумий методологияга таянган ҳолда: 1) унинг талабларини муайян фан объектини ташкил этадиган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга тадқиқ этади; 2) ўзида билишнинг аниқ илмий методлари ҳақидаги назарияни ўрганилаётган ҳодиса ва жараён қонуниятларининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда мужассамлаштиради.

Педагогика бошқа ривожланган фанлар қатори ўзининг алоҳида предметиға, назарий принциплариға эға ва алоҳида тадқиқот методларини билувға тортилган объектив воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини ҳисобға олган ҳолда қўллаиди. Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик олимларнинг педагогика методологиясига оид илмий мақолалари гоҳи-гоҳида кўзға ташланиб турибди (Сайидахмедов Н., Чориев А., Қодирова Р).

Методологик муаммоларни ишлашдаги силжишларнинг мавжудлигиға қарамадан, қатор назарий-методологик муаммолар ечимсиз қоляпти, етарлича тадқиқ қилинмаепти. Фикримизча, методологик муаммоларни ишлаб чиқиш камида икки шартни ҳисобға олишни тақоза этади:

Биринчи шарт – педагогикани бирмунча долзарб муаммолари билан мактаблар ва халқ таълими муассасаларининг амалий вазифалари ўртасидаги алоқадорликни кучайтириш лозим. Бу бизни соҳолистик назариялаштиришдан, умумий мулоҳазалашдан оғохлантириб туради. Асосий эътиборни шундай тадқиқот йўналишлари ва муаммолариға қаратиш лозимки, натижада педагогика фанларининг ҳаётий муҳим масалалари ечимини топиш учун методологик ёндашувлар билан бизни қуроллантирсин, таълим ва тарбиявий жараёнларнинг амалий вазифалари ечимини таъминласин.

Иккинчи шарт – методологик муаммоларни ишлаб чиқишға бирмунча малакали, тажрибаға эға, илмий жиҳатдан зуваласи пишиқ бўлган республикамиз университет ва институтларида, илмий-тадқиқот ташкилотларида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни жалб этиш лозим. Бу ишға келажакда, эҳтимол, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бош бўлиши мумкин, бугун алоҳида тадқиқот йўналишлари бўйича мавжуд кучларни мувофиқлаштирувчи вазифасини ўғаяпти. Афсусуки, ҳозирча бу институт таркибида методология ва педагогика назарияси муаммолари бўйича шуғулланадиган бўлим (лаборатория)нинг ўзи йўқлиги ташвишли ҳолдир.

Методологияға эътиборнинг кучайиши, кун тартибида турганлигининг объектив омиллари мавжуд: мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамияти қурилмоқда ва таълим тизимимиз жамият тараққиётиға мос ҳолда тубдан алмаштирилди. Таълимнинг янги модели муваффақияти кўп жиҳатдан педагогик тадқиқотлар натижасида, умуман, фаннинг ривожланиш даражасиға боғлиқдир.

Дастлаб педагогик тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамияти билан, уларнинг мантиқи билан, методологик тавсифи билан боғлиқ саволлар аниқлаштирилмоғи лозим:

- педагогиканинг назарий тадқиқотлари самарасини ошириш;
- педагогик тажрибани ўрганиш ва натижаларидан фойдаланиш;
- педагогик тажриба-синов, унинг табиатини, методикасини ойдинлаштириш;
- фан ютуқларини таълим ва тарбия жараёнига тадбик этиш муаммолари;

тарбияга жамулжам ёндашиш, бунда мафкуравий тарбиянинг аҳамияти;

- педагогика фанни миллий ва умуминсоний тажрибалар асосида ривожлантиришнинг методологик жиҳатлари ва б.

Бугун ана шу саволлар доирасида турли хил даражадаги мутахассислар билан фикр алмашишни матбуот (конференция) орқали йўлга қўйиш вақти келди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, педагог назариячилар замонавий илмий тараққиёт “думи”га осилиб қолмаслиги, аксинча, унинг олдинги сафида бўлиши лозим. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шуни тақоза этяпти. Демак, мавжуд “билимлар” билан яшаш, замонавий талаб ва эҳтиёжларга бефарқ қараш мумкин эмас. Янги давр, замон ва макон кўрсаткичлари янги-янги саволларни олдимизга қўндаланг қилиб қўяверади.

Бундай шароитда табиийки, “таянч” нукта амалиёт бўлиши лозим, яъни замонавий ўзбек таълими ҳолати – ҳақиқий ҳақиқат мезони ҳисобланади. Амалиёт таъсири остида назария илмий кашфиётларнинг асосий омилига айланади. Фақат кенг ва ҳар томонлама амалиёт “тор жойлар”ни, амалий фаолиятнинг камчилигини ва етилмаганлигини ва айни вақтда педагогик воқеликни билишга қодир.

Бу соҳадаги вазият умумий ижтимоий ҳаётдаги барча муаммолар қатори мураккаб ва бир хилда эмас. Миллий дастурни амалга оширишдаги қийинчиликларни инкор этиш инсофдан бўлмади: молиявий, маънавий, ташкилий, мафкуравий ва бошқалар. Бироқ, асосий эъгибор қуйидагига қаратилиши зарур: мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг тарихий аҳамияти – бу таълимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган – “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда) – принципга амал қилган ҳолда инсонийликка йўналтириганидир. Инсоний устуворлик таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципи сифатида Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўз фодасини тўлиқ топган: “Таълим ва тарбиянинг инсон-парвар, демократик характерда эканлиги” (3-модда).

Хўш, педагогика фани учун бу нимани англатади?

Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, “битирувчи”ни тайёрлашдан “эркин шахс”ни шакллантириш (ривожлантириш)га ўтиш, бунинг учун зарурий ташкилий, методологик, методик шарт-шароитларни яратишни уқтиришни таъкидлаш жоиз. Эркин фикрга эга инсон, маълумотли шахс нафақат ижтимоий тизим ичида ҳаракатланади, балки уни ўзгартиришда ҳам фаол бўлади. У олам ва одам муносабатларини умуминсоний кадриятлар контекстида қабул қилади.

Бугун мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш механизми ишга тушди, у фуқаролик очик жамиятни яратишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Баъзи бир эскича “сирпаниш”ларни эътиборга олмасак, бир хил фикрлаш (стереотип)ни енгишга қаратилган ғоялар ва ҳаракатлар таълим соҳасидаги асосий принципларга таянилган ҳолда амалга ошириляпти. Қатор ўқитувчиларимиз педагогик ғоялар тарғиботчисига айланишди, ўзлари ҳам бевосита тарғиботчилик фаолиятини намойиш қилмоқдалар, тасдиқланган дастлабки материаллар билан эмас, балки ўз хусусий режаси асосида иш юритмоқдалар. Янгиликка, эркинликка, мустақилликка интилиш ҳозирги замон ўқитувчисининг шахс сифатлари таркибига кириб улгурди, энди анъанавий ўқитиш тизими ўз ўрнининг миллий истиқлол ғояси билан суғорилган ва қатъиян илмий асосда ташкил этилаётган янги педагогик тизимга бўшашиб берапти. Педагогик амалиётнинг турли томонларини қамраб олаётган кучли инновацион импульс ҳаракати давом этмоқда: таълим мазмунини йириклаштириш, натижаларини олдиндан белгилаш, ўқитишни психологиялаштириш, компьютерлаштириш, интерфаол ўқитиш ва тарбия методлари, таълимни бошқаришга қаратилган ёндашувлар вужудга келди.

Педагогика соҳасидаги тадқиқотлар ишлар кўлами узлуксиз кенгайиб борапти, ундаги иштирокчи олимларнинг сони ортмоқда. Бунга Олий Аттестация Комиссияси бюллетенида эълон қилинаётган рўйхат орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шунга қарамасдан илмий-педагогик ижодиётнинг муҳим муаммоларини ўрганиш суғ ривожланияпти, методологик муаммолари кўп ҳолларда назардан четда қоляпти.

Бу саволни тўлиқ ҳажмда ўрганишга имкониятларимизнинг чегараланганлигини ҳисобга олиб, унинг алоҳида томонларини ётиришга ҳаракат қиламиз:

- I. Педагогика предмети ва унинг чегараси.
 - II. Педагогика методологияси
 - III. Педагогиканинг илмий тили.
 - IV. Педагогик тадқиқотларнинг методологик тавсифи.
 - VI. Тадқиқотчининг методологик маданияти.
- Бу йўналишларга қуйида қисқача изоҳ берилади.

I. Педагогика предмети ва унинг чегараси.

Тадқиқотнинг бу йўналиши кўпларда баъзи эътирозларни чиқариши

мумкин. Педагогика предмети ва унинг чегараси аллақачон аниқланган, деб ўйлашади: у – тарбия ҳақидаги фандир. Бу таъриф педагогикага кўп асрлар олдин берилган, маълум маънода анъанавий таъриф дейиш мумкин. Афсуски, бу изоҳ бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмайди, қатор ҳолларда чалкашликка олиб келади, фаннинг таъсир доирасини то-райтиради. Гап шундаки, педагогик адабиётларда “тарбия” терминининг ўзи турлича изоҳланади: 1) кенг ижтимоий – инсонга ўраб турган ижтимоий муҳит таъсири кўзда тутилади; 2) кенг педагогик – ўқув тарбия жараёнини бутунлай қамраб оладиган мақсадли фаолият назарда тутилади; 3) тор педагогик – тарбия деганда махсус тарбиявий ишлар тушунилади; 4) бирмунча торроқ – тарбиявий куч йўналтирилган майдонча, масалан, ватанпарварликни тарбиялаш (ахлоқий тарбия), бадий тасаввурларни шакллантириш (нафосат тарбияси) – (Ю.К.Бабанский).

Педагогика таълим ҳақидаги ягона фан сифатида ҳам эътироф этилади, бу фан вакиллари у ёки бу таълимий фаолият билан шуғулланидилар (В.В.Краевский). Шундай экан, педагогикани таълим ва тарбия ҳақидаги фан сифатида талқин этиш тўғри бўлади. Бу ўз навбатида шахсни мақсадга мос ҳолда шакллантиришнинг икки қанотини англатади. Шу сабабдан бирмунча аниқ таъриф куйидагича бўлиши мумкин: педагогика – бу шахсни мақсадли шакллантириш ҳақидаги фандир.

Маълумки, шахсни шакллантиришда ирсият, муҳит, педагогларнинг мақсадли фаолияти, инсоннинг хусусий фаолияти ва ўз-ўзини тарбиялаш каби омиллар катта имкониятларга эга. Таклиф қилинаётган таъриф фаннинг мавқеини пасайтирмайди, аксинча, унинг қатор афзалликларини санаб ўтиши мумкин: биринчидан, педагогик фаолият ўрнини шахсни ривожлантириш ва тиклаш омиллари (ирсият, муҳит ва б.) орасида белгилаб боради; иккинчидан, педагогик жараён сифатида таълим ва тарбия аҳамиятини мувозанатлаштиради; учинчидан, “тарбия” атамаси қайси маънода – тор ёки кенг – ишлатишини кўрсатиш заруратидан соқит қилади.

Шахсни шакллантириш муаммоси бугун социология, фалсафа, психология, этика ва бошқа қатор фанлар шугулланишади. Агар социология тарбияни ижтимоий ривожланишнинг омили сифатида қараса, психология тарбияга шахсни руҳий ривожланиш воситаси тарзида мурожаат қилади. Этика тарбия масалаларини ахлоқий тараққиёт нуқтаи назаридан талқин қилади. Бу фанлардан педагогиканинг фаркли ўлароқ, у шахсни шакллантиришнинг икки табиатини тадқиқ қилади, уларнинг тузилмасини аниқлаштиради, қонуниятларини ишлаб чиқади, таълимий-тарбиявий фаолиятлар технологиясини лойиҳалайди.

Педагогика фани предметини аниқлаш унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва ўзаро таъсир доирасини ўрганиш бўйича тақиқотлар олиб борилиши лозим. Бу муаммо ҳозирча умумий тарзда ёритилган бўлиб, асли-

да кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам мантикий боғланишлар жиҳатдан тавсифномаси ишлаб чиқилиши лозим. Бусиз педагогиканинг ички “чегара”сини белгилаш, соҳасини аниқлаш, балки предметини ифодалаш ҳам мураккаблашади. Бугун эркин Шахсни мақсадли шакллантириш педагогиканинг бош мақсади сифатида чуқур аналитик таҳлилга тортиши, методологик жиҳатдан баҳоланиши лозим.

Ҳар бир фаннинг ривожланиш доирасини тадқиқотларни табақалаштириш ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқдорлигининг хилма-хиллигига боғлиқ ҳолда муҳокама қилиш мумкин.

Мустақиллик йилларида педагогика фанлари тизими ҳам бирмунча кенгайиб бормокда (қаранг: Н.Сайидахмедов. Педагогикада янгича фикрлаш. –Т, 2002.). Бу демаки, педагогика фанининг ўз объекти, предмети, илмий тушунчалар таркиби, уларнинг мантики, назария ва амалиёт мутаносиблиги каби қатор саволларни янгича талқинда ифодалаш зарурати мавжуд. Бошқача айтганда, таълим соҳасидаги ўзгаришлар педагогикани ўрганадиган фан парадигмасини алмаштириш ғоясини вужудга келтиряпти.

Педагогик парадигма илмий фаолият модели сифатида бир томондан таълимда фанлараро тадқиқотларнинг нуфузи ошаётганлигини, педагогика фанининг интегратив функцияси кучаяётганлигини кўрсатса, бошқа томондан таълим-тарбия қонуниятларини ўз предмети сифатида қабул қилган ягона фан сифатида педагогиканинг назарий мавқеини ошириш ва макомини аниқлаштириш вазифасини илгари суради.

Шундай қилиб, педагогика инсонни ўрганади, бунда ўрганиш жиҳатлари сифатида педагогик ҳодисалар ва педагогик фактлар қабул қилинади.

Педагогик ҳодиса – бу педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро таъсир жараёнида кечадиган ва муайян педагогик мақсад ва вазифалар ечимини аниқ эттирадиган ҳодисадир. У ўзида реал жараёнларнинг шундай томонларини мужассамлаштирадигани, натижада биз бевосита уларни қабул қиламиз, кузатамиз, ёритамиз ва муракаблигини, ўзаро алоқаларини ва тежкор ўзгарувчанлигини тавсифлаймиз.

Педагогик факт – бу кузатилаётган педагогик воқеанинг ҳақиқатдаги маълумотлар, педагогик ўлчов натижаларидир. У бевосита ҳиссий қабуллаш натижалари ҳисобланмайди. Педагогик ҳодиса илмий билимларнинг маълум тизимига айлангандагина илмий факт сифатида эътироф этилиши мумкин.

Педагогика предмети – бу инсоннинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш ва шахсини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида унга ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитга мақсадли йўналтирилган таъсирни амалга оширувчи педагогик жараёндир.

Педагогика фан сифатида таълим ва тарбия моҳиятини, қонуниятларини,

Йўналишларини ва истикболларини инсоннинг бутун ҳаёти давомида ривожланиши омиллари ва воситалари сифатида ўрғанади. Шу асосда педагогика ўқув-тарбия жараёни назариясини ва ташкил этиш технологиясини, бу жараён субъектлар фаолиятининг шакл ва методларини, уларнинг ўзаро таъсир усуллари ва стратегиясини ишлаб чиқади.

II. Педагогика методологияси

Педагогика фани ривожининг ҳозирги босқичида алоҳида долзарб методологик масалаларни ечиш билан чегараланмасдан хусусий билимлар тизими сифатида педагогика методологиясини аниқ белгилаб олиши зарур. Бу биринчидан педагогик назариялар ишончлилиги таъминласа, бошқа томондан методологик билимларсиз педагогик (ёки ихтиёрий бошқа) тадқиқотларни самарали ташкил этиш ва ўтказиш мумкин эмаслигини уқтиради.

Бугун педагогика методологиясига, унинг предметига нисбатан турлича ёндашувлар вужудга келмоқдаки, уларнинг моҳиятини қисқача тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Методология функцияси асосида аниқлаш

Методология алоҳида фан сифатида икки функцияни бажаради: дескриптив (ифодаловчи) ва перскриптив (меъёрловчи). Биринчиси объектни назарий жиҳатдан ифодалашни кўзласа, кейингиси – тадқиқотчининг ишлаши учун мўлжал олишга шарт-шароит туғдиради. Бу икки вазифанинг мавжудлиги педагогика методологиясини ҳам икки гуруҳга ажратишни тақоза этади – назарий ва меъёрий.

Педагогиканинг назарий методологиясига қуйидагиларни киритиш мумкин: методология таърифи; фан методологиясининг умумий тавсифи, унинг даражалари; методология билимлар тизими ва фаолиятлар тизими сифатида; педагогика соҳасидаги тадқиқий фаолиятни методологик таъминлаш манбалари; педагогик тадқиқот объекти ва предметининг методологик таҳлили.

Меъёрий асоси қуйидаги саволлар доирасини қамраб олади:

- педагогикани объектив борликни маънавий ўзгартиришнинг бошқа шаклидан фарқли илмий асослаш;
- педагогика соҳасидаги ишларни фанга тааллуқлилигини аниқлаш: мақсаднинг ўзига хослиги; махсус тадқиқот объектини ажратиш; махсус билиш методлари ва воситаларини қўллаш; атамаларнинг бир хиллиги; педагогик тадқиқотларни гуруҳларга ажратиш;
- тадқиқот тавсифномаси: муаммо, мавзу, унинг долзарблиги, тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, фаразлари, ҳимоя қилинадиган ҳолатлар, янгиликлар, фан учун муҳимлиги, амалиёт учун муҳимлиги;
- педагогик тадқиқот мантики;
- педагогика фанлари тизими, уларнинг ўзаро алоқаси.

Тадкикот муаммоси бўйича қабул қилинган директив ва меъёрий ҳужжатлар ҳам бевосита методологиянинг меъёрий асосини ташкил этди.

2. Фалсафий асос мавқеидан аниқлаш

Фалсафий нуқтаи назардан методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ва қуриш принциплари ва усуллари тизими, шунингдек, бу тизим ҳақидаги таълимот (назария) сифатида қабул қилинади. Аниқроғи, методология предмети – фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги назария демакдир.

Бу ерда қайси фаолият ҳақида фикр юритилляпти? Илмий фаолият назарда туғилляптими ёки педагогик фаолият?

Бу саволларга жавобни қуйидаги таҳлил натижа асосида топиш мумкин.

Агар ўқитувчи кундаги одатий номаҳсул (репродуктив) фаолият билан машғул бўлиб, ҳар доим ўзи ўзлаштирган бир хилдаги технология билан иш кўрса, “дарс берувчи” сифатида фаолият кўрсатса, бу ерда методология ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Аксинча, маҳсулдор (продуктив) фаолият намойиш этиб, мисол учун, илмий-тадқиқий педагогик фаолият кўрсатса ёки ўзининг хусусий муаллифлик ўқитиш тизимини яратса, шубҳасиз, методологик фаолият вужудга келади. Кейинги ҳолатда икки қарама-қарши тушунча – лойиҳа ва рефлексия – асосий ўринга кўтариляпти. Маълумки, ҳар қандай маҳсулдор фаолият лойиҳалаш кўникмаларини талаб этади. Илмий-тадқиқий ишларнинг қуйидаги босқичлари – зиддиятларни аниқлаш, муаммони ифодалаш, фаразларни қуриш ва ҳ.к. – мантиқан тадқиқот лойиҳалаш усулидир.

Амалий педагогик фаолиятда ҳам таълим (тарбия) тизимларини лойиҳалаш ишлари амалга оширилади. Бунга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган янги таълим тизими, уни ривожлантириш концепцияси (“портлаш эффекти”) мисолида иқроп бўлишимиз мумкин.

Ижодий фаолиятни ташкил этишда ҳар доим рефлексия – лойиҳанинг, жараён ва натижаларнинг доимий таҳлили муҳим ўрин тутати.

Хулоса сифатида илмий-педагогик тадқиқот методологияси ҳам, амалий педагогик фаолият методологияси ҳам қуйидаги уқлик яхлитлигида қурилиши мумкинлигини таъкидлаш лозим:

«лойиҳа технология (илмий-тадқиқий ёки педагогик) – рефлексия».

Бу ёндашувларга таяниб ҳамда мавжуд адабиётлар таҳлили асосида педагогика методологиясини қуйдагича ифодалаймиз:

Педагогика методологияси ўзида педагогик назария асослари ва тизимаси ҳақидаги билимлар тизимини, педагогик ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ қилишнинг ёндашувларини, педагогик воқеликни ҳаққоний ифода

этадиган ахборотларни олиш усулларини, шунингдек, бу билимлар тизимини қўлга киритиш буйича фаолият тизимини мужассамлаштиради.

Кўриниб турибдики, бу таърифда илмий билишнинг икки жиҳати – билимлар тизими ва илмий-тадқиқий фаолият камраб олинган. Ёки икки фаолият тури – методологик тадқиқот ва методологик таъминот ҳисобга олинапти. Агар биринчисининг вазифаси педагогика фанлари ривожининг қонуниятлари ва йўналишларини, педагогик тадқиқотларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш принципларини, уларнинг тушунчалари таркибини аниқлаштирса, иккинчиси – методологик билимлардан тадқиқот дастурларини асослашда ва сифатини баҳолашда фойдаланишни англазади.

Шу билан биргаликда педагогик муаммоларнинг умумназарий муаммолар билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, биринчиси “қандай қилиб методологияни педагогикага қўллаш мумкин” деган саволни аниқлаштирса, иккинчиси – умумназарий саволлар эса педагогиканинг предмети, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, таълим ва тарбия моҳияти каби умумий саволлар ечимига қаратилади.

III. Педагогиканинг илмий тили

Замонавий фан ривожига боғлиқ ҳолда фан тилининг методологик масалалари ҳам кун тартибда туради. Фанда тилдан фойдаланиш муаммоси илмий фан сифатида педагогикани ҳам четлаб ўта олмайди.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида амалий фаолиятда ва билиш жараёнида икки асосий вазифани бажаради: 1) инсонлар ўртасида алоқа воситасини ўтайди; 2) тафаккур шакли сифатида тўпланган билимларни қайд этиш ва сақлаш, тизимлаштириш учун зарур ҳисобланади.

Маълумки, тил билан қатор фанлар – лингвостика, психология, семиотика (белгилар ҳақидаги фан), фалсафа шуғулланади. Методология тилни илмий билимларни ифодалаш, уларни қайта ишлаш, илмий ахборотларни тўплаш ва сақлаш воситаси сифатида ўрганади.

Педагогика бошқа фанлар қатори табиий тил (миллий тил)да илмий ахборотларни шакллантириш, ишлов бериш, сақлаш ва узатишнинг универсал воситаси сифатида фойдаланади. Одатда табиий тил деганда кундалик ҳаётда фойдаланадиган тил тушунилади, у фикрларни ифодалаш шакли ҳисобланиб, одамларнинг бир-бирини ўзаро тушунишини таъминлайди.

Биз табиий тилда турли даражадаги тушунчаларга таянамиз. Тушунча – бу предметларнинг умумий ва ўзига хос сифатлари ҳақидаги фикрдир. Тушунча асосида предметлар ўхшашлиги ва фарқлари аниқланади.

Албатта, тушунчалар моҳиятини англашда одамлар ҳам бир-биридан фарқланади. Шу боисдан табиий тил сўзлари ҳам бир хил эмас, улар амалий фаолиятда турлича муҳимлик касб этади ва мулоқот жараёнида текисланиб, аниқланиб бораверади.

Ҳар қандай фан, жумладан педагогика ҳам аниқ тушунчалар тизи-

мини талаб этади. У табиий тил асосида яратилади ва илмий тили, яъни педагогиканинг тушунчавий-тоифалари тизими шаклланиб боради. Тоифа тушунчадан бир боскич юкори туради ва айни вақтда ўзида уларнинг белги ва хусусиятларини саклаб қолади. Шу боисдан тоифа тушунчадир, бироқ барча тушунча тоифа бўла олмайди.

Педагогиканинг илмий тилини шакллантириш мураккаб жараён, у ханузгача коникарли даражада гадкик қилинган эмас. Бу фан ҳам бошқалари қатори ҳаётий тилдан кўплаб атамаларни қабул қилади (“шакл”, “метод”, “тарбия” ва б.). Унинг вазифаси атамалардан бир хилдаги тушунчаларни шакллантиришдир.

Шу боисдан мумкин қадар тушунчаларни фаол илмий мулоқот таркибига киритиш учун аниқлаштириш, чегаралашга ҳаракат қилинади.

Педагогикада илмий тилнинг лугат заҳираси янги, махсус терминлар ва тарърифлар билан бойиб боради (“педагогик технология”, “инновацион фаолият” ва б.), баъзан у бошқа фанлар эвазига ҳам бўлиши мумкин (“бошқариш”, “ахборот технологияси”) ёки эски тарърифлар янги талқинда ифодаланади. Мисол учун “ўқитиш методи”нинг анъанавий таръифи (белгиланган мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳаракат усуллари) гўё ўзгармайдигандек эди. Бироқ Гегел таълимотига кўра, метод ҳаракатдаги объектни ўрганиш усулидир. Шунга асосан, ўқитиш методига берилган энг сўнгги ва янги таръиф куйидагича: ўқитиш методи – бу ҳаракатдаги ўқув материални ўрганиш бўйича ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолият усуллари.¹⁰

Фойдаланилаётган атамаларнинг аниқ таръифи ва махсус педагогик лугатнинг шаклланиши педагогика фани тилига мос ҳолда амалга оширилиши зарур. Бу фаннинг ўзига хос томони шундаки, унинг тили одатий (кундалик) тилга жуда яқин бўлгани учун тушуниш бирмунча енгил кечади. Шул сабаб махсус педагогик тадбирлар нафақат ўқитувчи ва тарбиячига тушунарли, балки ота-оналар ва кенг жамоатчилик ҳам тез ҳазм қилишади. Бошқа томондан одатдаги тил билан илмий тилнинг яқинлиги фан сифатида педагогика учун хусусий бўлган методик характердаги жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Махсус педагогик атамалар сифатида қўлланилаётган тушунчалар индуктив тарзда ҳаммага тушунарли (таълим, тарбия, ўқитиш ва б.), улар ўта аниқликни талаб қиладиган вазиятларни вужудга келтирмайди. Шу боисдан бу тушунчалар табиий тилда тавсифланган ҳолда турлича таръифланади ва ўз навбатида аниқлигини бир қадар йўқотади. Фикримизнинг исботи учун “тарбия” тушунчасининг моҳиятини ойдинлаштиришга қаратилган таръифларни келтириш мумкин. Бироқ тушунчаларни аниқ таръифлаш илмий педагогик ғояларни муваффақиятли ривожлантириш учун зарурий шарт ҳисобланади.

10. Г.И.Саранцев. Метод обучения как категория методики преподавания // Педагогика, 1998. №1. – С.28-34

Белгилар ёрдамида аниқ илмий тилни яратиш педагогикада ҳам кузатилади. Педагогика ўз тадқиқотлари натижаларини нафақат ёзма равишда, балки чизма, жадвал, шкалалар орқали ҳам ифодалайди. Кейинги вақтларда педагогик ҳодисалар таҳлил учун кибернетика, информатика, математик мантик фанларнинг тушунча ва рамзларидан кенг фойдаланилмоқда.

Эришилган ютуқ билан фан тилининг ривожланиши тўхтамайди, у вақт ўтган сайин ривожланиб бораверади. Шубҳа йўқки, педагогика фанларининг илмий тилига оид методологик саволлар эътибордан тушмайди, қолаверса, ҳар бир илмий термин жиддий тадқиқотлар натижалари асосида вужудга келади. +ўлланилаётган атамаларнинг бир хиллиги маълум илмий соҳада ҳодисаларни бирхилда тушунишга имкон беради, билишнинг бугунги таракқиёти кеча эришилган ютуқларга таянади, яъни, ҳаммасини янгидан бошлашга ҳожат қолмайди.

IV. Педагогик тадқиқотларнинг методологик тавсифи

Методологиянинг педагогика учун муҳимлиги, бир томондан фан ривожининг умумий хусусиятлари билан, бошқа томондан, педагогик билимлар ривожининг ўзига хослиги билан, учинчи томондан, билиш босқичларининг мураккаблиги билан белгиланади. У ўзининг ривожланиши давомида бойиб боради, тажриба орттиради, объектив воқелик ҳодисаси сифатида тарбиянинг муҳим қонуниятлари ва тамойилларини очиқ беради.

Педагогик тадқиқотларнинг замонавий йўналишлари долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим масалаларнинг янгича ечимларини излаб топиш жараёнининг тезлашуви, айти вақтда истиқболли муаммоларнинг нуфузи ошиб бораётганлиги билан тавсифланмоқда. Бунда икки йўналишдаги тадқиқотлар алоҳида кўзга ташланади: 1) умумий характердаги йирик тадқиқотларни талаб этадиган кенг доирадаги муаммони ўрганиш; 2) мураккаб педагогик жараёнларнинг ички, нозик қирраларини топишга имкон берадиган тор муаммолар ечимига қаратилган чуқур деталли.

Биринчи йўналиш тарафдорлари педагогик жараённинг барча унсурлари ўзаро алоқада ва уларни ажратиш ярамайди, деган аргументга таянишади, педагогик тажрибани яхлит ўрганиш зарурлигига урғу беришади. Бирок улар қуйидаги ҳолатни назардан четда қолдиришади: педагогик жараён ўзининг бор муносабатлари билан олиб қаралганда педагогика фани объекти ҳисобланади. Иккинчи йўналиш вақиллари педагогик жараённинг алоҳида унсурларини (метод, шакл ва б.) ўрганишга уринган ҳолда қуйидагини унутишади: ўқув-тарбиявий ишлар тизимидан юлиб олинган ҳеч бир восита тўлиқ ҳисобланмайди.

Бугунги куннинг жиддий методологик муаммоси – бу замонавий таълимнинг педагогик тадқиқотларга оид илмий муаммоларда ишонарли ва самарали акс эттиришдир.

Бажарилаётган тадқиқотларда учрайдиган умумий камчиликлар:

- мавзуларнинг долзарб педагогик муаммолар ечимига қаратилмаганлиги, уларда янги, концептуал ғояларнинг йўқлиги;
- фаразларнинг исбот талаб қилмайдиган ҳолатда ноаниқ ифодаланиши;

жиддий ҳулосаларнинг йўқлиги, уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ноаниқлиги;

- шаблонлик (бир қолипдагилик);
- тавсияларнинг амалиётда қўллаш имкониятлари йўқлиги ва б.

Тадқиқотчилик фаолиятида мақсадга томон ҳаракатланишда “тормоз”лайдиган асосий омиллар:

- малаканинг етарли эмаслиги;
- умрни яшаб бўлган собиқ совет педагогикаси ғояларидан ғоявий штампдан соқит бўла олмаслик;
- мустикал ёндашувнинг йўқлиги;
- тадқиқот методларидан тўғри фойдалана олмаслик ва б.

Янги педагогик билимлар сезиларли даражада шу кунга қадар таркиб топган тушунчаларнинг анъанавий тизими гирдобидан чиқиб кетди. Бундай шароитда педагогика фанининг ўз предмети, чегараси ва характери, илмий билимларни эгаллаш, уларни амалиётга қўллаш каби саволларни янгича талкинда қўймоқда Бошқача қилиб айтганда, методологик муаммоларни номзодлик ёки докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ қилишга эҳтиёж туғилмоқда. Улар каторида:

- педагогикада илмий факт муаммоси;
- тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш технологияси;
- атамаларни бир хиллигини таъминлашнинг методологик шартлари;
- ўқитиш таркиби, тузилмаси ва функцияларини илмий асослаш;
- назария ва амалиёт каби фундаментал тадқиқотлар ҳам ўз ечимини кутяпти.

Тадқиқот тақдири методларга боғлиқлиги сир эмас. Педагогик тадқиқотлар методи агар педагогик ҳолисаларнинг объектив моҳиятини тўғри ифодаласа, агар у педагогика предметининг ўзига хослигига жавоб берса, шубҳасиз, илмий деб эътироф этилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда педагогик тадқиқот методлари учун методологик баҳо зарур бўлади. Афсуски, уларни ёритишга бағишланган ишлар кам, борлари ҳам рус тилидалиги, ўзбек тилида бу соҳа бўйича бирорта йирик педагогик нашрнинг йўқлиги тадқиқотчилар учун маълум қийинчиликларни туғдирмоқда.

Методологик тадқиқотларнинг вазифаси педагогикани ўзига хос бўлмаган ёт методлардан саклаш ва илмийлик нуқтаи назардан бирмунча самарали методларни аниқлашдан иборат бўлади. Тадқиқотлар ҳар доим синов на хатолар “гирдоб”ига йўлиқишади, фанда “гнесеологик кўрсаткич” йўқ,

деган фикрга қўшилиш қийин. Тадқиқот синовсиз ва хатосиз бўлмайди, алббата, олимлар баъзи ҳолларда қоронғу ўрмондагидек адашадилар, бироқ ҳақиқий метод шам каби йўлни ёритиб туради (Бекон).

Тадқиқот методи объектив ҳаракатдаги қонуниятларни маълум воситалар (ёзма, шаклий-мантикий, ёки математик) орқали қуриш учун зарурий ва етарлича фактик материални қўлга киритишни таъминлаши зарур. Ҳар бир метод ўз моҳияти ва умумлашмалари даражаси билан муайян тадқиқот объекти ва предметига тегишли бўлади. Баъзи ҳолларда 15-20 яқин синалувчиларни ўрганишиб ёки бир-икки синф билан тажриба ўтказиб, тадқиқотчи ўз хулосаларини “бутун инсоният”га тарқатади. Инчунун, худди шу тадқиқот мақсадига мос келадиган, бироқ дастлабки методга боғлиқ бўлмаган метод билан янги тажриба-синовни параллел ёки кетма-кет ташкил этиш зарур. Яқин натижаларнинг ўхшашлиги ёки уларнинг йироқлиги методларнинг ишончилигини исботлаб беради.

Шундай қилиб, муҳим методологик вазифалардан бири аниқ илмий тадқиқот методлари ва методик техника ҳақидаги назарияни янада ривожлантириш ҳисобланади. Бу назария мазмунига қарадиган саволлар доираси:

- умумий методология;
- конструктив тадқиқот методларни гуруҳлаш;
- тадқиқий жараён тузилмаси;
- педагогик тадқиқотларнинг асосий жиҳатлари;
- тадқиқотларнинг методик техникаси ва б.

VI. Тадқиқотчининг методологик маданияти

Педагогик тадқиқотларнинг самарадорлиги тадқиқотчининг методологик маданиятига тўғри пропорционалдир. Шу боисдан бу тушунча интеграл сифат кўрсаткич ҳисобланиб, тадқиқотчидан ўзида хусусий илмий фаолиятни таҳлил қилиш кўникмасини, маълум концепция (назария)ни илмий асослаш ва ижодий қўллаш қобилиятини эгаллашни талаб этади.

Бугун ҳар бир педагогик тадқиқот қоидага кўра, жорий этилгунга қадар илмий асосланиши шарт: дастлабки ҳолат; тадқиқот мантики; қутилаётган натижалар, уларга эришиш методларини белгилаш; истеъмолчилар билан ҳамкорлик ўрнатиш; уни жорий этиш шартларини ишлаб чиқиш; иқтисодий манфаатдорлик ва ҳ.к.

Педагогик тадқиқот илмий фаолиятнинг мураккаб тури ҳисобланиб, у ишончли қўлларда – методологияни чуқур ўрганган, илмий тадқиқот методлари билан қуролланган Шахс томонидан муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Олимнинг қиёфаси, руҳияти ва тийнати ҳақида махсус адабиётларга батафсил ёритилган, айниқса, унинг қуйидаги сифатлари алоҳида қайд этилади: ҳақиқатга, номаълумни билишга жиддий интилиш; кузати-

лаётган ҳодиса ва жараёнларни таснифлаш қобилияти ва кузатувчанлик; илмий тафаккурнинг аналитик-синтетик жамланмаси ва б. Тадқиқотчи тафаккурининг характери ҳақидаги савол бирмунча мулоҳазалидир. Бу мураккаб жараённи тўлиқ тасвирлашга даъвогарлик қилмаган ҳолда унинг қуйидаги жиҳатларига эътиборни қаратамиз:

Объективлик қаралаётган ҳодиса ва жараёнларнинг қандайдир бегона, ёт тадқиқот учун муҳим бўлмаган таассурот ва таъсирлардан ҳоли бўлишни, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини, ундаги ўзгаришларни ҳолисона ифодалашни таъминлайди.

Аниқлик тадқиқотнинг барча муолажалари учун тегишлидир: педагогик ҳодиса ва жараёнларни кузатиш ва қайд этиш; фикрлар таҳлил ва умумлашмаси; турли манбалардан олинган илмий ахборотлардан фойдаланиш ва б.

Танқидийлик бошланғич маълумотларни соғлом баҳолашни, тажриба натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлаш билан фаразлар ва назарияларни қуришдаги шубҳанинг узлуксиз ва қонуний даражаси билан, агар улар янги фактларга зид келиб, далилларни тўғри ва чуқур тушунтира оладиган концепция топилса, улардан воз кечиш қобилияти билан тавсифланади.

Муайянлик ва изчилик қабул қилинган атамаларнинг бир хиллигида, тадқиқот мантиқига амал қилишда, шарт-шароитларни ҳисобга олишда, илмий аппарат тушунчаларининг боғлиқлигида намоён бўлади.

Тизимлилик ўраганаётган ҳодиса ва жараёнларни у ёки бу белгилар асосида таснифлашга интилишда, тасаввурлар, тушунчалар ва қонуний алоқаларни ўрнатишда, концепцияларни, назарияларни шакллантиришда юзага чиқади.

Хуллас, илмий тафаккур тадқиқотнинг бошланғич нуқтасини белгилашда объективликни, муайянликни, аниқликни нозик, эҳтиёткорона чагинтиришни, ҳақиқатни билиш йўлининг тўғрилигини, тажриба натижаларини, назарий хулосаларни танқидий текшириб кўришни тақоза этади. Бошқача айтганда, тадқиқотчининг методологик маданиятини шакллантиришда рефлексия – ўз хусусий илмий фаолиятини таҳлил қилиш кўникмаси асосий ўрин тутар экан.

Юқорида таъкидланганлар турли соҳа вакилларининг илмий тафаккурига тегишлидир. Шу билан бирга педагог-тадқиқотчилар ўзига хос баъзи бир хусусиятлар билан фаркланиб туради.

Биринчидан, у етарлича педагогик тажрибага эга бўлиши, камида беш-ўн йил педагогик жараённинг “ичида қатнаши” керак. Шундагина, бу жараённинг сиру-синоатларидан воқиф бўлади, унинг нозик, тор жойларини топади, муаммони илғай олади, мавжуд зиддиятларни шакллантиради ва янги ечимни қидира олади.

Иккинчидан, педагогик муаммонинг долзарблиги респондентлар фи-

крига таянган ҳолда аниқланади. Бу жуда муҳим босқич ҳисобланиб, афсуски, кейинги вақтларда ёш тадқиқотчилар назаридан, уларнинг илмий раҳбарлари (маслаҳатчилари) диққатидан четда қолиб кетяпти. Нағижанда кечагина фан номзоди бўлган шахс бугун докторантурада таҳсил олади. Эътибор беринг: орадан “бир кун” ўтди, холос. Бундай “ясама” олимларнинг педагогика фани учун “хизматини” ҳазм қилиш қийин. Бу ёшлар фанда “шошилмасин” деган қонуни ифодаламайди, аксинча, ҳақиқий фан фидойилари учун мустақил диёримизда “яшил чирок” порлаб турибди.

Шогирдни тарбиялашда кучли шахслар кўмагига таяниш бизда қадимдан синалган усул. Устоз ўзининг заиф томонларини шогирдига ошқор қилмаган ҳолда ўзидан-да кучлироқ устоз ҳузурига юборишни лозим топган¹¹.

Яна бир жиҳат: педагогик тадқиқотлар натижаларининг нисбийлиги масаласи. Гап шундаки, агар физика, кимё ва бошқа соҳалар бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари такрорийлик хусусиятига эга бўлади, яъни қайтадан қурилган тажриба натижалари дастлабки кўрсаткичларни қайд этиш мумкин. Бу ижобий ҳолатни педагогик жараёнда кузатиш мумкин эмас, чунки у тез ўзгарувчан жараёндир.

Педагогик тадқиқотчи объектлар (ўқитувчи, тарбиячи, ўқувчи ва б.) билан иш кўради ва тажриба ўтказишда ундан эҳтиёткорлик талаб этилади, айниқса, ўқувчи-ёшлар қалбига, дунёқарашига, эркин фикрлашига синов давомида путур етмаслиги лозим.

Хуллас, педагогик воқеликни тўғри акс эттиришда тадқиқотчи соғлом фикр соҳиби бўлиши учун методологик маданиятни эгаллаши шарт экан.

Шундай қилиб, мавзу ниҳоясига етар экан, қуйидагиларни қайд этишни ўзимизга лозим топдик:

А) мавжуд муамолар, шубҳасиз, илмий-педагогик ҳамжамият диққатини жалб этади ва тегишли хатти-ҳаракатларни юзага чиқаради;

Б) педагогикани ўрганадиган фан парадигмасининг мақбул йўналишларини аниқлаш долзарб масала бўлиб, мутахассислар салоҳиятини бирлаштиришни талаб этади;

В) педагогик тадқиқотларни методологик муаммолар ечимига йўналтириш, педагог-олимларни методология “релье”ига ўтказиш, “портлаш эффекти” манзилига олиб боришни тезлаштиради.

4.2. Олий касбий таълимда умумдидактик принципларнинг алоҳидалиги

Ўқув фани мазулари бўйича материал мазмунини саралаш бирмунча мураккаб педагогик муаммолар сирасига қиради. Ўқитувчи машғулот олиб бориш давомида муайян дидактик принципларга, талабларга ва ме-

11. Машраб хурфирқиликка ташна эди. Биринчи устози Мулла Бозор Охунд (XVII аср) Машрабни ўзидан кучлироқ бўлган Хидоятуллох Офок Хожата жўнатади. Сабаби Бозор Охунд шогирдининг фикрлашини бўғиб қўйиши, ўзи билмаган ҳолда унга зарар етказиши мумкин эди. Натижада Машраб Офок Хожа ҳузурида валий былиб етишади.

зонларга таяниб иш кўради. Шу боисдан бу тушунчаларнинг моҳиятини кўрсатиб ўтиш зарур. Кўпсонли адабиётлар (айниқса дидактик) таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, муаллифлар у ёки бу ташунчани турлича изохлашади ва турли хил таъриф беришади. Бу вазиятдан чиқиб кетиш йўли – “Фалсафий лугат”га мурожаат қилиш керак бўлади.

Ушбу лугатга биноан “*принцип*” тушунчасини яна бир марта ойдинлаштирамиз: “бошланғич етакловчи ғоя, ахлоқнинг асосий қондаси... Мантиқий жиҳатдан принцип мураккаб тушунча, қайсидир ҳолатнинг умумлашмасини ва ушбу принципни абстракциялаш соҳасининг барча ҳодисаларига ёйилишини гавдалантирадиған тизим асосидир.”

“*Мезон*” тушунчаси юқоридаги манбага кўра “баҳолашни амалга оширадиган белги, ниманингдир таърифи ёки таснифи” ҳисобланади. Демак, принцип мезонга нисбатан брмунча умуммеъёрий аҳамият касб этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, таълим мазмунига нисбатан принциплар таълим мазмунини шакллантирувчи фаолиятнинг бир қадар умумий йўналишларини кўрсатса, мезонлар конструкциялаш муолажаларини, ўқув материални саралашни, унинг кетма-кетлигини жорий қилади.

Кейинги тушунча “*манба*” – бу “ниманингдир бошланишини, бирор нарсанинг каердан пайдо бўлишини кўрсатади” ва шу боисдан аёнки, объектлар, мазмун ва моҳият у ёки бу даражада таҳлим мазмунига айланади, ўқув предмети мазмунини шакллантирувчи манбалар бўлиб хизмат қилишга ҳақлидир.



8-чизма. Ўқув материали мазмунини саралаш кўрсаткичлари

Ва ниҳоят, *омил* деганда ҳаракатлантирувчи куч, “қандайдир жараёнда ёки ходисада рӯй берадиган жиддий вазият” тушунилади. Шундай қилиб, таълимга нисбатан омиллар – бу алоҳида ҳолатлар бўлиб, тадқиқотчи таълим мазмунини аниқлашда улар билан иш кўради. Энди таълим мазмунини саралаш жараёнини чизма кўринишида келтирамиз (8-чизма).

Бу чизмада келтирилган таълим мазмунини шакллантирувчи умумий принциплар махсус тушунтиришни талаб этади ва улар таркибига қиради:

- *таълим мазмунининг ижтимоий ривожланиш талабларига мослик принципи* – ундан кўпинча таълим мазмунига нафақат билимларни, балки инсон фаолиятининг ижодий тажрибасини ва инсоният томонидан таркиб топган кадриятлар тизимига шахсий муносабат тажрибасини таъминловчи қисмларни ҳам қўшиш зарурати келиб чиқади;

- *ўқитишнинг мазмунли ва жараёنли томонлари бирлиги принципи* – кўпинча предметли мазмуннинг тигиз яхлитлигини, шунингдек бу мазмунни таълим олувчилар томонидан эгаллаш усуллари аниқланиши;

- *турли даражаларда таълим мазмунининг тузилмалари бирлиги принципи* – кўпинча ўқув материални баён қилишнинг илмий тилини ёки фан ривожининг абстракция поғоналарини ҳисобга олишни тақоза этади (қаранг: VI– қисм, 6.1.).

Таълим мазмунини аниқлаштиришда юқорида қайд этилган принциплардан ташқари *дидактик принциплар* ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунга ўрганилаётган ўқув предметининг ўзига хослиги, бу ўқув предмети фаннинг қандай ғносеологик тахминийлигига тегишлиги билан боғлиқ бўлган хусусийдидактик принциплар ҳам қиради. Биз бу ерда умумдидактик принципларни тўлароқ муҳокамага тортамиз, чунки олий таълим мазмунини аниқлаштиришда уларга таянилади. Бунинг учун бажарилган фойдаланамиз.

Бу принципларнинг олий касбий таълим тизимида юзага келиш жараёнининг ўзига хослигини аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Умумий ўрта таълимга нисбатан илмийлик принципи мазмунига ўқув билимларининг илмийларига мос келиши ва ўқувчиларни илмий билиш методлари билан таништириш қиради. Бу тизимда биринчи компонент устуворлик касб этади. Ўқитиш амалиётида айнан унга кўпроқ диққат жалб қилинади, иккинчиси эса ҳанузгача “кадр” орқасида қолиб келяпти, бу нафақат мактаб, балки олий таълим тизимидаги жиддий камчилик ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, *таълим мазмуни илмийлиги деганда таълим мазмунининг сифатли тавсифини тушуниш керак, у таълимнинг замонавий фан даражасига мос келишини, таълим олувчиларда умумилмий билиш методлари тўғрисида ишончли тасаввурларни ҳосил қилишни ва илмий билиш жараёнининг муҳим қонуниятларини намойиш қилишни тақозалайди.*¹²

12. Зорина Л.Я. Принципи обучения –М., 1970

Умумдидактик принциплар талқини

Умумдидактик принциплар	Умумдидактик принципларнинг аънавий талқини
Илмийлик	Уқув материалнинг замонавий фанлар даражасига мослиги. Илмий билишнинг умумий методлари ва қонуниятларнинг акс этиши
Изчиллик ва кетма-кетлик	Талабаларнинг билув имкониятларини, олдинги тайёргарлигини, бошқа предметлар мазмунини ҳисобга олувчи мазмунли-мантикий алоқаларнинг ифодаланиши
Тизимлилик	Илмий назариянинг ички алоқаларига мос келадиган, ўзида умумилмий атамаларни, билимлар тузилмаси ҳақидаги илмларни ва илмий билиш методлари ҳақидаги илмларни жамловчи методологик билимлар тизими орқали тузилмали боғланишларнинг ифодаланиши.
Фанлараро алоқадорлик	Назарияларни, қонунларни, тушунчаларни, қардош предметлар учун умумийликни, билишнинг умумилмий методларини ва методологик принципларни келишилган тарзда ўрганиш, фаолиятнинг умумий турларини ва муносабатлар тизимини шакллантириш.
Ўқитиш назарияси ва амалиётининг ҳаёт билан боғлиқлиги	Уқув материали мазмунига муайян фаолият турларини, шунингдек инсоний фаолиятнинг у ёки бу соҳасида кечадиган ҳодисалар ва табиат ҳодисаларини кузатиш ва тушунтириш билан боғлиқ амалий характердаги материални қўшиш.
Қўрсатмалилик	Талабаларга ўрганилаётган объект ва ҳодисаларнинг у ёки бу тимсолини тақдим этиш; моделлаштириш, иделлаштириш, фикрий эксперименталлаш билан боғлиқ фаолиятларни қўшиш.
Тушунарлилик	Уқув материали ҳажми ва мураккаблиги талабанинг яқин ривожланиш зонасига мос келиши.
Индивидуallasштириш ва табақалаштириш	Ўқитиш мазмунида талабаларнинг қобилиятларини, қизиқишлари ва касбий интилишларини, ўз-ўзини ўқитишга бўлган мотивацияларини ҳисобга олиш

Уқишга мусбат муносабатни ва мотивацияни таркиб топтириш	Материалнинг янгилиги; фан ва техника тарихига оид маълумотлардан фойдаланиш; ҳаётдаги илмий билимлардан, уларнинг ҳаётий аҳамиятларидан фойдаланиш; янги ютуқлар ва ихтиролар ҳақидаги материални ўқув курсларига қўшиш
--	--

Бу таърифда келтирилган учта белгини таълим мазмунининг қаралаётган принципга мос келиш мезонлари сифатида қабул қилиш мумкин ва ўқув материалига хусусий предметли билимларни, илмий билиш методлари ҳақидаги билимларни, шунингдек талабаларнинг ўқув-билув фаолияти усулларига мос келадиган тарихий-илмий билимларни қўшишни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, бундай уч қисмли англашувни олий мактаб учун ҳам *илмийлик принципини* аниқлаштиришда сақлаб қолиш мумкин, бироқ урғуларни жиддий ўрин алмаштириш билан. Бу хулосани деталлаштирган ҳолда қайд этиш лозимки, илмийлик принципини бундай тушуниш олий таълимнинг ихтисослаштириш ва табақалаштириш жараёни бирмунча равшан ифодаланган юкори босқичига мос келади, кичик босқичи учун эса жиддий аниқланишни талаб этади. Ўз олдимизга савол қўяйлик: олий таълим ўқув жараёнининг қуйи босқичида фундаментал предметларни (фанларнинг замонавий таснифидаги “фундаментал фан” атамасига мос равишда) ўрганишда баён қилинаётган тизимига сўнги йиллар илмий ютуқларининг мослик талабларини бажариш мумкинми? Фикримизча, йўқ: ўқув фанининг бирор бир бўлимини ўқитиш жараёнида у ёки бу қонун ёхуд тушунчанинг пайдо бўлиши улар фанда пайдо бўлганидан сезиларли орқада қолиши объектив вазият. Мисол учун, XX асрнинг бошида, 1905 йилда Эйнштейннинг биринчи ишилари эълон қилингандан бошлаб олий ўқув юртлирида нисбийлик назариясини ўрганишга киришиш мантиқсиз уриниш эди.

Олий ўқув юртининг қуйи босқичларда ўқитиш мазмуни замонавий фан даражасига тўлиқ мос келмайди, албатта – бу ҳақиқат ҳар бир талабага, олий маълумотлига аён. Ва, шунинг учун, юкорида келтирилган таърифнинг биринчи банди фикримизча, қайта ифодаланиши зарур – таълим фаннинг замонавий даражасига мос эмаслиги, балки таълим мазмунида фундаментал илмий ютуқларнинг мумкин қадар акс этиши зарур, бусиз ҳозирги давр мутахассисининг мавжудлигини тасаввурлаш мумкин эмас. Шу билан бирга таълим мазмунида асрлар олдин яратилган илмий ҳақиқатларнинг бўлиши ҳам қонуний ҳуқуққа эга. Ўқув предметига замонавий ўқув материалининг у ёки бу бўлагини қўшиш зарурати даражаси эса муайян омиллар мажмуи билан аниқланади, улар ичида: фикрлашнинг тарақийлашув даражаси ва уни ўрганиш вақтидаги талабалар билим даражаси, илмий билимлар тизимида бу материалнинг ўрни ва бошқа.

Но илож вазиятга тушиб колишни хоҳламаган ҳолда, танқид қилинган ҳолат учун изоҳ берамиз.

Биринчидан, юкорида баён қилинганлар, асосан, таълимнинг қуйи босқичларига ва унда ўрганилаётган ўқув предметларига тегишли.

Иккинчидан, олий таълим муассасасининг қуйи босқичида ўрганилаётган ўқув фанларида материал турли замонавийлик даражасида тақдим этилиши мумкин. Фикримизча, у мос контекстда тарих, фалсафа, география, биология (гарчи кейингиси кам даражада), чет тилини ўқитишда бирмунча оғриқсиз узатилиши мумкин. Математика, физика, химия ва бошқа қатор предметларни ўрганишда эса замонавий материал, қоидага кўра, талабалардан ахборотлар, ҳаволалар, асосий натижалар хабарлари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган, реал мавжуд ва юкори сифатга эга бошқа даражадаги билим ва тасавурларни талаб этади, бироқ объектни тўлақонли ўрганишга имкон берадиган классик материал каби эмас.

Олий мактаб дидактикасида ўқитишнинг илмийлик принципи таълимнинг қуйи босқичи учун характерли бўлган фундаменталлик принципи билан қўшилиб кетади. Унинг асосини талабаларда билимларнинг етарлича кучли назарий базасини, сифатли умумтаълим тайёргарликни, кенг умумий ва касбий савияни таъминловчи таянч университет дастурларини у ёки бу даражада амалга ошириш имконияти ташкил этади.

Фундаменталлаштиришнинг асосий компонентлардан бири, А.М. Новиковнинг фикрича, “касбий таълим дастурларида умумтаълим компонентларини кучайтириш” ҳисобланади (14,71). Ҳозирги вақтда инсонларнинг касбий фаолияти деярли барча соҳаларда кўпроқ нокасбий ёки касбий фаолият устидаги компонентлар – талқин қилиш (интерпретация) кўникмаси ва натижалар таҳлили, коптобтердан, маълумотлар базасидан фойдаланиш, чет тилини эгаллаш каби умумтаълим тайёргарликка тегишли бўлганлар билан бойиб боряпти. Шу боисдан келажакда касбий мактаб кўпроқ, афтидан, ўзида ёшлар умумий таълимини давом эттириш функциясини адо этиши мумкин. Айни пайтда бугуннинг ўзида қуйидаги саволни ўртага ташлаш ўринли – умумий ва касбий таълим ҳозирги шароитда бир бири билан муқобил ҳисобланадими? Илмий адабиётларда, олимларнинг чиқишларида тез-тез “умумий олий таълим”, “умумий касбий таълим”нинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикрлар жаранглаб туради.

Бироқ бу йўналиш ёшлар ва катталар таълимига бўлган талабларни алмаштиради – умумтаълим корхоналарининг вазифаси нафақат у ёки бу даражада ёшларга умумий таълим ва касб бериш, балки ёшларда бутун ҳаёти давомида мунтазам, узлуксиз таълим, янги-янги мутахассисликлар ва ихтисосликлар олишга заминни шакллантиришдир.

Фундаменталлаштиришнинг яна бир жиҳати олий таълим тизимида базисли ихтисосни ўрганиш ҳисобланади (14,47). У бугун таълимий ком-

понентнинг кудратли катлами бўлиб, уни умумий таълимга ҳам, касбий таълимга ҳам кўшиш мумкин эмас. Бу компонентлар бугун ҳар қандай касбий фаолият учун зарур. Улар шартли “базисли ихтисос” номини олишди. Бу “муфассал” кўникмаларни эгаллаш демакдир: компьютерда ишлаш, маълумотлар базаси ва банкидан фойдаланиш, экология, иктисод ва бизнес, молиявий билимларни билиш ва тушуниш, технологияларни трансфералаш кўникмаси (технологияни бир соҳадан бошқасига кўчириш), маркетинг ва сотув малакаси, ҳуқуқий билимлар, патентли-лицензия соҳаси билимлари, интеллектуал бойликни ҳимоялаш кўникмаси, корхоналарнинг мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсата олишининг метъерий шартларини билиш, технология ва маҳсулотларни тақдимлаш (презентация) кўникмаси, чет тилини билиш ва ҳақоза.

Шундай қилиб, олий таълимни фундаменталлаштириш талабаларнинг умумназарий, умумтаълим, умумилмий тайёргарлигини чуқурлаштириш ва уларнинг касбий тайёргарлиги йўналишини кенгайтиришни тақозалайди.

Илмийлик принципи билан ўқитишнинг тизимлилик принципи узвий боғлиқ. Тизимлилик – бу талаба онгида илмий назария ичидаги билимлар ўртасидаги боғланишларга мос тузилмани алоқаларнинг мавжудлигини тавсифлайди. Л.Я. Зоринанинг тадқиқотларида кўрсатилишича, таълим олувчиларнинг тизимда илмий назарияга мос фан асослари бўйича билимларни эгаллаши учун фан асослари бўйича таълим мазмунига яна методологик билимларни қўшиш зарур. Методологик билимлар уч гуруҳдан иборат: умумилмий атамалар, билимлар тузилмаси ҳақидаги билимлар, илмий билиш методлари ҳақидаги билимлар.

Дидактикада билимларни олти турга ажратишади, уларни таълим олувчиларда шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади: *назария, қонун, тушунча, илмий факт, эксперимент ҳақидаги билимлар ва амалий билимлар*.

И л м и й б и л и ш методлари билан танишиш талаби ўқитиш мазмунида эмпирик билиш методлари (кузатиш, тажриба-синов) ва назарий билиш методлари (моделлаштириш, идеаллаштириш, фикрий эксперимент)ни қўшиш заруратини тақоза этади.

Ҳар бир савол бўйича таълим мазмунига кирувчи қоидалар фан методологияси бўйича билимлар ҳолатини каноатлантириши шарт ва таълим олувчида бу савол бўйича яхлит тасаввур шаклланиши учун етарлича бўлиши ва улар ўқитиш жараёнида дасуриламал бўлиб хизмат қилиши лозим.

Алоҳида дидактик принцип сифатида эътироф этилган *фанлараро алоқадорлик* принципи ўқув фанлари мазмунида табиатда мавжуд ва замонавий фанлар тан олган диалектик ўзаро боғланишлар ўз аксини топиши лозимлигини тақоза этади. Илмий фанларнинг эквиваленти си-

фатида фанлараро алоқаларнинг методологик асоси илмий билимларни интеграциялаш ва табақалаштириш жараёни ҳисобланади. Бу принципнинг психологик асоси тизимлараро ассоциацияларни вужудга келтириш ҳисобланиб, реал оламнинг кўптурли предметлари ва ҳодисаларини ўзаро яхлитликда ва карама-қаршиликда, уларнинг кўптомонлилиги ва зиддиятдалигини акс эттиришга имкон беради.

И.Д. Зверев ва В.Н. Максимованинг фикрича, фанларни интеграциялаш тажрибаси умумий таълим мазмуни тузилмасининг учта асосий компонентларида, ҳар бир ўқув предметиди ўз ифодасини топиши керак: фанлараро алоқалар таъсири остида шаклландиган билимлар тизимида; фанлараро алоқаларда жорий этиладиган ўқув-билув фаолиятида таркиб топадиган кўникмалар тизимида; турли предметлардан билимларни синтезлаш жараёнида ўқув билиш билан шаклландиган муносабатлар тизимида;

Фанлараро алоқаларни амалга ошириш, шундай қилиб, назарияларни, қонунларни, тушунчаларни, жинсли предметлар учун умумийликларни, умумилмий методологик принциплар ва илмий билиш методларини уйғунликда ўрганишни, тафаккурлашнинг умумўқув усулларини мувофиқлаштирган ҳолда шакллантиришни тақоза этади.

Ушбу муаммога оид салмоқли назарий ишланмаларнинг мавжудлигига қарамасдан, объектив борлиқнинг бир ҳодисасини “ўрганувчи” қатор ўқув фанлари талабалар онгини турли ўқув предметларидан олинган ва мутлоқ бир бири билан боғланмаган маълумотлар билан тузгнатиб ташлайди. Мисол учун, педагогика олийгоҳлари талабалари таълим ва тарбия қонуниятлари ҳақида педагогика курсидан олган маълумотларни миллий истиқлол мафқурасини халқимиз онгига сингдиришда таълим ва тарбия шакллари билан ўзаро боғланишини аниқлашда қийинчиликка дуч келишади. Ёки бўлмаса, тиббиёт академияси талабалари атомлар тузилиши ва хусусиятлари ҳақида физика ва кимё курсидан олган маълумотларни биология ва биофизикадан олган мембрананинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар билан ўзаро алоқасини келтириша олишмайди.

Олий касбий таълида фанлараро алоқалар муаммоси ҳақида фикр юритар эканмиз, интегратив ўқув курслари ҳақида тўхташ керак бўлади. Улар ичида бирмунча таниқлиси муаллифларнинг “Замонавий табиатшунослик концепцияси” курси ҳисобланиб, анъанавий ўқув фанларидан: физика, кимё, биология, географиядан атроф-олам ҳақидаги билимларни, шунингдек методологик ва тарихий-илмий билимларни у ёки бу даражада узвий чоғиштиради. Бироқ бу курс асосан барча ўқув фанларини алоҳида ўрганмайдиган гуманитар мутахассисли талабалар учун мўлжалланганини таъкидлаш жоиз.

Шу боисдан умумлашманинг юқори даражали билимлари, методологик тўлдирувчанлик бундай ҳолларда тайёрланмаган муҳитга тушади, жид-

дий мазмунли асослардан маҳрум қилади. “Замонавий табиатшунослик концепцияси” каби курсларни табиий-математик предметларни ўрганиш босқичининг сўнгида ўқитиш мақсадга мувофиқ: бу ҳолда улар атроф олам ҳақидаги шундай билимларни шаклланишини реал таъминлайдики, ҳақли равишда уни яхлит интегратив, тизимли деб номлаш мумкин бўлади.

Олий мактабда ўқитишнинг *касбий йўналтирилганлик принципи* алоҳида аҳамият касб этади. Бу мамлакатимиз олий таълим тизимининг кучли фундаментал асосга эга эканлиги билан анъанавий “машҳурлиги”, ўқитишнинг юқори босқичига қараб аста-секинлик билан “торайиши” (конуссимон) ва талабани амалий касбий билимларга олиб бориши билан изоҳланади.

Бу принципни тушунтиришда ўзаро фарқланадиган фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар ушбу тушунчани умумтаълим, умумтехник ва фундаментал фанлар ва ишлаб чиқариш таълими ўртасидаги фанлараро алоқаларнинг турли кўриниши, деб тушунишади. Улар бу принципнинг моҳиятини умумтаълим ва умумтехник билимларни касбий тайёрлашнинг у ёки бу соҳасига қўллаш, деб ҳисоблашади. Бирмунча кенгрок ёндашув куйидагича: касбий йўналтирилганлик тушунчасига қиради – шахснинг касбий йўналиши (меҳнат фаолиятига ва аниқ касбга), умумий таълимнинг касбга йўналтирилганлиги ва касб таълимининг касбий йўналтирилганлиги (А.А. Пинский, А.Т. Глазунов).¹³

Табиий-илмий ўқув фанлари мазмунига нисбатан гап касбий йўналтирилганлик принципининг олдинги икки ташкил этувчиси ҳақида бориши керак, улар бирликда ва ўзаро боғланишда қаралиши лозим. Унга қиради:

- ўқув предметининг мантикий яхлитлигини сақлаган ҳолда умумтехник ва махсус фанлар мазмунини таҳлил қилиш асосида ўқитиш мазмунига касбий аҳамиятга эга материални киритиш;
- ўқув предмети мазмунига касбий муҳим кўникмалар ва фаолият турларини киритиш.

Бирок касбга йўналтирилганлик принципини жорий этишда баъзи негатив йўналишлар мажуд, улардан бири фундаментал блок – физика, кимё, математика ва бошқа ўқув курсларини барвақт касблаштиришдир. Кейинги вақтда ҳатто талабаларнинг бўлғуси фаолиятини “лойиҳалайдиган” баъзи фундаментал фанларни махсус номлаш пайдо бўлди. Мисол учун, тиббиёт олий таълим муассасаларида “Тиббий физика” курси пайдо бўлдики, унинг атамалари ва реал мазмуни мутлоқ бир бири билан мос келмайди. Шу каби уриниш кимё курсини – “Тиббий кимё” деб номлашда ҳам кузатилди. Бундай бевақт “касблаштириш” шунга олиб келадик, тиббий ва физиологик билимларга эга бўлмаган талабалар, уларни физика курсидан олишади. Бунда мутлоқ тайёр бўлмаган таянчга на физикавий,

13. Китоб бўйича ҳавола: Пурышев Н.С. Дифференциация обучения физике. – М., 1994.

на биологик, на тиббий мададга эга бўлмаган маълумотлар тушади – амалда “префизиология” курси ўқилади. Айни пайтда врачга зарур бўлган физика фанларининг фундаментал компонентлари ошкора йўқ ва мутлако шакллантирилмайди. Бу ҳолат, зарардан ташқари, ҳеч вако келтирмайди.

Китоб мултифларидан бири қатор йиллар давомида бўлажак ҳуқуқшуносларга “Педагогика” курсидан дарс берди (20с.) ва шунга амин бўлдики, бу ерда педагогика фанини “қасблаштириш” – “Ҳуқуқий педагогика”ни ўқитиш мақсадга мувофиқ экан. Дастлабки ўқув йилларида муаллиф бўлажак ҳуқуқшуносларга педагогиканинг умумий асослари, тарбия назарияси ва дидактика, таълим муассасасини бошқариш бўлимлари мавзуларида маъруза ва семинар машғулоти олиб борди, бироқ бу ижобий натижалар бермади: талабаларда фанга нисбатан ҳурматсизлик кайфиятини келтириб чиқаради. Гап шундаки, одатда ҳуқуқшунослар педагогик фаолият кўрсатишмайди, ва шу боисдан, талабалар педагогикани иккинчи даражали, ҳагго ўқув режасида ортиқча фан, деб ҳисоблашади. Маърузачи кейинги йилларда фаннинг ўқув режасини мутлоқ ўзгартирди – “Ҳуқуқий педагогика” фани ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқди. Гарчи мавзулар бўйича ўқув материалларини саралаш қатта кийинчиликлар туғдирсада, бу фанга талабаларда кизикишнинг ортишига дарс жараёнида уларда пайдо бўлаётган саволлар, бўлиб ўтган диалог, диспут ва муҳокамалар, рейтинг баллари кўрсаткичлари гувоҳлик беради. Афсуски, ҳозирча ҳуқуқий педагогика фани дарслиги ёзиш масаласи ечилмай қоляпти.

Қасбий йўналтирилганлик принципини ҳуқуқшунослик институтлари таълимида амалга оширишни ўқитувчи шундай ташкил этиши керакки, натижада талабалар эгаллаган қўникмаларини жорий қилган ҳолда бўлажак фаолиятини тақлид қилишсин:

- текшириляётган (ноқонуний) ҳодисанинг кечиш характерига омиллар ва шароитларнинг таъсир даражаси ва роли таҳлили, улардан энг муҳимларини аниқлаб олиш;

- бир ҳолат учун муҳим саналган омил ўзининг аҳамиятини йўқотиши, ёки аксинча, эътиборсиз бўлган омил турли ўзгаришларда муҳимлик қасб этиш шартларини аниқлаш;

- графикада, жадвалда, диаграммада, гистограммада ва илмий билимларни тақдим этувчи бошқа кўрсатмали воситаларда келтирилган тажрибавий маълумотларни изоҳлаш.

Талабаларда бўлажак қасблари учун муҳим саналган фикрий қўникмалар ва шахс сифатлари курснинг фундаменталли йўналишини предметли асосда шакллантириш! негизда амалга ошиши, бир томондан, талабани бўлажак қасбий функцияларини муваффақиятли бажаришга тайёрлашни жорий этади, бошқа томондан – ҳар қандай йўналишдаги илмий билимларни ўзлаштириш ва мустақамлашни таъминлайди.

Олий қасбий таълимнинг алоҳидалигини акс эттирувчи ўзига хос при-

нципларга ўрганаётган билимнинг кўпсонли маъноларини англаш асосида ўқув жараёнини талабанинг ўз-ўзини ўқитишга йўналтириш принципини қўшиш мумкин. Бу дегани онгига турли фанлардан ўрганилган катта сондаги объектлар, ходисалар, жараёнларни жамғара бориб, шуниндек улар ўртасидаги хилма-хил сабабли-окибатли боғланишларни аниқлаш тажрибасини орттириб, талабанинг асосий фикрга келишини англатади: билимларнинг чуқур маъноларини тушуниб етиш, бу маъноларни хусусий аҳамиятли сифатида қабул қилиш. Бунинг барчасини ўқув жараёнида аниқ амалга ошириш ўқитувчининг талабалар ўзлаштирилаётган билимларни бир маротабалик ва багомом тугалланган тизим сифатида эмас, балки “очиқ” (тугалланмаган) тизим сифатида тасаввурлашини тақоза этади. Бу биринчи галда талаба томонидан олдин ўрганилганнинг бирмунча чуқур мулоҳазалаш учун очиклигини, бу ўрганилганнинг янги қирраларини, жиҳатларини, хусусиятларини, алоқаларини, нозик фарқларини топишни билдиради.

Бошқа томондан, бу очиклик у ёки бу сабаблар билан олий ўқув юртида ўқитилаётган фанларнинг дастурларда акс этмаган янги билимлар учун аскотади. Шунга боғлиқ равишда ўқитувчи:

- талабалар ўрганаётган фан бўлимлари унинг мазмунини батамом камраб олмаслигини, шунингдек бўлажак касбий фаолиятининг баъзи соҳаларида ўрганаётган предметни бирмунча чуқур ва кенг эгаллаш заруратини уларга уқтиради;

- олий таълим жараёнига ечими ностандарт ёндашувларни талаб этувчи, шунингдек талабаларда билиш қизиқиши ва билиш мустақиллигини максимал рағбатловчи бажариши ўзок муддатли бўлган муаммоли характердаги топшириқларни қўшишга, ва шу асосда уларнинг олий ўқув юрти ўқув дастурлари ромидан чиқадиган (ҳам мазмунан, ҳам жараёнли) мустақил билув ва амалий кидирувини таъминлашга интилади.

Шундай қилиб, олий таълимда ўқитиш принциплари ҳақидаги мулоҳазамизни тугатар эканмиз, 6-жадвалда кайд этилган қатор принциплар атайин тушунтирилмаганини эслатамиз, чунки уларнинг изоҳланиши ўрта мактаб дидактикасидан кам фарқланади ва жуда ўхшаб кетади.

4.3. Ёш ўқитувчиларга олий мактаб ўқув жараёнида учрайдиган билув тўсиқлари ҳақида

Бу муаммога хоҳлайдими ёки йўқми, педагогик фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчи қайси кафедрада ишлашидан қатъий назар, дуч келиши муқаррар. Шу боисдан унга қўл урдик ва бунда биз ретроспектив таҳлилдан фойдаландик, яъни хусусий педагогик фаолиятимиз тажрибалирига таяндик.

Билув қийинчиликлари нима ва уларни қандай енгил мумкин – бу

савол олий таълим учун ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Муаммо ҳали-ҳануз охиригача ишлангани йўқ, шу боисдан у аниқ методика даражасида ҳам, умумпедагогик даражада ҳам чуқур ва синчиклаб тадқиқ қилишни талаб этади: улар қай даражада ўқитувчи ва талабаларнинг “ракиби” ҳисобланишади, қай даражада – “иттифокчиси”, яъни дастурлар, дарсликлар ва қўлланмалар ишлаб чиқишда текширилмасдан қўллаш мумкин бўлади. Бунда, бир томондан, фовкулудда мураккаб материалга талабанинг кизиқишини “ўлдирмаслик”, бошқа томондан – ўқув жараёнини муаммосиз, эскирган, бирор бир кучайган фаолиятни талаб қилмайдиган ҳолатга айлантормаслик лозим. Энг умумий ҳолда билув қийинчиликларини ўқув материалнинг турли қисмларини, ўрганилаётган объектлар, ҳодисалар ўртасидаги моҳиятли алоқаларни ва боғланишли муносабатларни англашда, онгли равишда ўзлаштиришда, қайта ишлаб чиқишда ва маҳсулли фойдаланишда ўқув жараёнида турли сабаблар бўйича юзага келадиган тўсиқлар сифатида аниқлаш мумкин.

Кўпинча билув қийинчиликларини, ақлий фаолиятнинг номаҳсул усулларини ягона, айрим ҳолларда юзага келучи феномен сифатида изоҳлашмайди. Кўпроқ аксинча: нотўғри, бўзиб кўрсатилган, юзаки бўлган ёндашувлар, билимлар, тасаввурлар кўпчилик таълим олувчилар онгида ўтириб қолади, ўқитувчининг кўпсонли хатти-ҳаракатига қарамай бу нуқсонлар йилдан йилга доимийлик касб этган ҳолда такрорланиб туради. Албатта, муайян англашмовчиликлар ва хотоликлар турли хусусий методикаларнинг тадқиқот предмети ҳисобланишади, бироқ, афсуски, аниқ қийинчилик ҳали-ҳануз аниқ “хусусий” мавқе билан таҳлил қилинади, предметли-мазмунли таҳлил билан ўралишиб қолади, бироқ муайян турдаги қийинчиликнинг пайдо бўлиши сифатида тизимлаштирилмайди ҳам, тенглаштирилмайди ҳам ва шу боисдан олдиндан кўриш қийин бўлган қандайдир факт сифатида қаралади, ёхуд бундай башорат учун ҳодисаларни тизимли тоифавий педагогик таҳлили – турлича моҳиятли, юзада ётмайдиган хусусиятлар ва жиҳатларни аниқлаштириш зарур. Ҳақиқат юзасидан айтиш лозим: кейинги йилларда бу кенг тарқалган ҳодисанинг умумпедагогик жиҳатларини излаб топишга бўлган қатор уринишлар амалга ошириляпти. Мисол учун, А.И. Пилипенко билимлар тизимидаги англашмовчиликларга хос тирик хотоликлар сабаблари сифатида билув тўсиқлари ҳақидаги тасаввурни ривожлантиради, турли тўсиқларни тизимлаштиради ва уларни турларга ажратади:

1) тафаккурлашнинг ўрамли тўсиқлари (талабалар мақсадга мувофиқлигини ўйлаб ўтирмасдан, англамаган ҳолда қатор тўсиқларни енгашади);

2) тилли англашув тўсиқлари (талабалар у ёки бу моҳиятли алоқа ва муносабатларни бузиб кўрсатилган сўзни ифодалаш билан атамаларнинг ҳаётий ва илмий аҳамиятини адаштиришади);

3) тарихий турдаги тўсиқлар ва ҳақоза (15).

Олий мактаб битирувчисининг бўлажак реал касбий, ижтимоий ва бошқа фаолият турларида тўғри ечим қабул қилиш шарт бўлган ҳар қандай вазият турли йўналишдаги омиллар таъсирини танлаш ва баҳолаш контекстида ифодаланиши лозим. Ва бу жараёнда хатоликларга йўл қўйиш хавфи муқаррар – у қанча катта бўлса, мумкин бўлган хатоликлар олий мактаб ўқув жараёнида шунча кам моделлаштирилади. Бу хавфни қандай қилиб минимумга келтириш мумкин? “Тўғри ўқитиш керак, шунда билув кийинчиликлари муаммоси бўлмайди” – бундай фикрларни муаллифлар оппонентлардан бир неча марта эшитишган. Барча ҳаётий тасодифларда “тўғри” ўқитиш керакми? Бу ҳақда ўйлаб, фақат аччиқ уф тортиш мумкин.

Энди муҳокама қилинаётган феномен учун асосий назарий ҳукми ифодалаш вақти етиб келди: ўқув материални тушуниш ва ўзлаштириш қонуниятлари мавжуд, бироқ тушуниб етмаслик ва ўзлаштирмаслик қонуниятлари ҳам мавжуд; чин билимларни шакллантириш усуллари мавжуд, бироқ уни формал тушуниш (англаш)ни йўқотиш контекстида. Шу боисдан ўқув жараёнини барча даражада – мазмун даражасида ҳам, ўқув фаолияти шакллари даражасида ҳам – лойиҳалашда билимларнинг қайси элементлари шаклланишини кўрсатиш билан бир қаторда қандай янглиш қарашлар ва тасаввурлар вужудга келишини ва талабаларда ҳосил бўлиш муқаррарлигини, уларни қандай тузатишни, у ёки бу усул бутуннинг яхлитлик контекстида қараладиган қандай ноҳолис хулосаларга олиб келишини, улар қандай қилиб олдиндан бартараф этилишини ҳам эътиборга олиш керак.

Бу тезисни аниқ тилга ўтказиб, ўқитишда объектив мавжуд бўлган билув тўсиқларини инкор қилиб бўлмаслигини таъкидлаймиз, ва, бот устига, оппонентларнинг танкиди нечоғлик каттик бўлмасин, бу тўсиқлар қайсидир даражада ҳатто ўқитувчиларнинг иттифокчисига айланиши зарур: талабаларни йўл қўйилган ёки потенциал мавжуд бўлган ўз хусусий хатоларини фаҳмлаб олишга оид фаолиятга қўша бориб, хусусий хатоларини аниқлаш ва танкидий таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириб бориб, ўқитувчи уларни бўлғуси касбий ва ижтимоий фаолиятга реал ва мақсадга мувофиқ тайёрлайди.

Шундай қилиб, қаралаётган муаммонинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда унинг ташкил этувчиларини ёйишга ҳаракат қиламиз (7-жадвал).

7-жадвалдан кўришиб турибдики, билув тўсиқларининг мавжудлигини олий мактаб таълимида мутлоқ табиий ҳол эканлигини қисман аниқлаш ради, чунки қайсидир ўқув материални ўзлаштириш жараёнида талаба муайян бир кийинчиликка дуч келмаслигини тасаввур қилиш кийин – бу мутлоқ ҳақиқатдан йироқ ва ўқув жараёни ҳар қандай маънодан айрилади. Бироқ бу ҳолат кун тартибидан талабаларнинг тўсиқларни бартараф этиш “технологияси” ҳақидаги, уларнинг у ёки бу ўқув натижасига эришиши

“технологияси” га оид саволни олиб ташламайди. Бу саволга яқинлаша бориб, биз, у доимий ва амалда ҳеч қачон охиригача ечиб бўлмайдиганлар қаторига кириши ҳақида ўзимизга равшан ҳисоб берамиз ва айтиш пайтида тадқиқотчилар салоҳиятини талаб этишини таъкидлаймиз.

7-жадвал

Билув тўсиқлари

<p>1. Кечаётган жараёнлар ва ҳодисалар моҳияти ҳақида китоб (дарслик) муаллифлари ва ўқитувчилар томонидан юзага келтирилган хато, формал тасаввурлар.</p>	<p>А. Талабаларнинг кучсиз бошланғич билим даражаси билан тақозаланган билув тўсиқлари, шунингдек, ўқув фани материали мазмунининг мураккаблиги билан боғлиқ кийинчиликлар.</p>
<p>2. Ўқув-билув масалаларини мустақил ечиш жараёнида талабаларда учрайдиган мутлоқ табиий ва қонуний билув тўсиқлари</p>	<p>Б. Талабаларнинг у ёки бу мантиқий амалларни бениқсон бажара олмаслик, бирор бир билув стратегиясидан фойдалана олмаслик қўникмаси билан боғлиқ билув тўсиқлари</p>

Ушбу муаммога хусусий қарашимизни тақдим этишга ва билув тўсиқлари билан боғлиқ вазият турларининг баъзи таснифларидан бошлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчи турни қуйидаги асосий фикр билан белгилаш қулай: талаба инмадан бошлашни билмайди (қўйилган саволга жавоб, тақлиф қилинган масала ечими, зиддиятларни ҳал этиш). Бундай вазият билан ҳар бир ўқитувчи кундалик амалий фаолиятида дуч келади ва унинг ечим вариантлари, қисман, қуйидагича бўлиши мумкин:

- ўқитувчининг мураккаб саволларни кичик-кичик саволларга “майдалаши” талаба жавобини бошланғич саволга нисбатан бирмунча енгиллаштиради ва мини-жавобларнинг у ёки бу занжирда “боғланиши” охир-оқибат дастлабки мураккаб бўлмаган савол жавобини топишга олиб келади;

- талабага илк тушунарсиз бўлган савол ўрнига – бирмунча хусусий ҳарактерга эга, жавоб олиш осон ва, асосийси, талабани маҳсулдор ёндашув ёки методга ундашга имкон берувчи, берилган “катта” муаммони тўғри ечишга олиб келишга қодир бўлган бошқасини тақдим этиш;

- ўқитувчи талаба учун тушунарсиз масала ечимининг бошланғич босқичини ўзига олади ва шу билан мустақил талабалик қидирувни рағбатлайди.

Қаралаётган вазиятларнинг иккинчи турига биринчи турдаги шаклида қаралган вазиятларга ўхшашлари киради, улар талабага тақлиф қилинаётган билув топшириқларини ечишнинг қандайдир “тралик” босқичда вужудга келади – бундай ҳолатда талабанинг ҳаракати тақминан вазиятларнинг биринчи турини бартараф этишдагига ўхшайди.

Келтирилган таснифни давом эттиришдан олдин, қайд этиш жоизки, тўсиқларни бартараф этиш жараёнида ўқитувчи фаолиятининг

муҳим компоненти талабалар билув фаолиятининг характерини ва алоҳидалигини диққат билан кузатиш ва, хусусан, турлича кўринишдаги билув тўсиқларини аниқлаш ҳисобланади, улар ичида:

а) талабаларнинг дарсликларда, кўлланмаларда, маъруза матнларида тақдим этилган ахборотларни қабул қилиш мослиги мезонларининг бузилиши билан билан шартланган тўсиқлар;

б) талабаларнинг ўтилатган курс материални онгли равишда ўзлаштириш учун зарур бўлган, илгари олий ва ўрта мактаб курсларида ўтилган ўқув материали қисмларини “йўқотиши” оқибати ҳисобланган тўсиқлар;

в) ўқув мақсадларига эришиш давомида талаба учраши муқаррар ва муайян куч сарфи эвазига бартараф этиш мумкин бўлган “табiiй” тўсиқлар.

Таъкидлаш жоизки, турли кўринишли тўсиқларни бундай ташхислаш ва ўз вақтида илғаб олиш олий мактаб ўқитувчисининг педагогик маҳорати кўрсаткичи ҳисобланади ва натижа сифатида унинг касбий маҳорати даражасига гувоҳлик беради.

Ва ниҳоят, бизнинг нуктаи назаримизга кўра, билув тўсиқлари билан боғлиқ бирмунча қизик бўлган учинчи турдаги вазиятларни қараймиз, уларга муайян зиддиятларни бартараф этиш зарурати натижасида талабаларда вужудга келадиган тўсиқлар қиради: ёки ўқитувчи томонидан махсус конструкцияланган ва талабаларга тақлиф қилинган масалаларда ва уларга берилган саволлар мазмунида тақдим этиладиган ёки талабалар ўқув-билув фаолиятида у ёки бу тарзда қонуний тўқнаш келадиган тўсиқлар. Мисол учун, талабалар қатор сабабларга кўра хусусий мулоҳазалаш давомида у ёки бу масалани ечиш вақтигача олдин маълум бўлган ёки ўзлаштирилганлари билан мутлоқ мос келмайдиган натижалар олишади. Бу турдаги тўсиқларни йўқотиш йўллари, ўқитувчи ва талабанинг зарурий ҳаракатларини таснифлаш ва баъзи таянч вариантлар кўринишида тақдим этиш қулай – пайдо бўлиш алоҳидалиги сатҳида ҳам, тўсиқларни бартараф этиш механизми сатҳида ҳам.

III-а. Талаба ўқув-билув фаолияти давомида саволга жавоб беришда ёки масалалар ечишда аналогия (ўхшашлик) методидан фойдаланади ва олинган натижаларнинг ушбу фан соҳасида маълум ва қатъиян ўрнатилган илмий билимлар билан мос келмаслигига дуч келади. Бундай ҳолда вужудга келган тафовутни бартараф қилишнинг махсуслиги варианты аниқ аналогиядан фойдаланишнинг қонунийлигини (тўғрилигини) таҳлил қилиш ҳисобланади, бунда мантиқда қабул қилинган мезонларга таянилади:¹⁴

- қандайдир объектдаги ёки жараёндаги умумий белгилар сони ва унинг ўхшаши мумкин қадар катта бўлиши керак;
- бир хилдаги белгилар аҳамиятли бўлиши керак;
- бир хилдаги белгилар мумкин қадар бошқа-бошқа бўлиши керак;
- агар ўрганаётган объект ёки жараён ва аналог (ўхшаши) қатор жид-

14. Гетманова А.Д. Логика. М.: Высшая школа, 1986. С. 51

дий белгилар билан фаркланса, унда бу кўп ҳолларда бундай белгиларни “кўчириш”ни такозалайдиган аналоглардан фойдаланиш хатоликларга олиб келади.

III-б. Талаба бир нечта натижавий фикр килади, кейин ундан қатор оқибатларни олиб чиқади ва поёнида ўзидаги мавжуд билимларга зид бўлган бирор бир хулосага келади. Бундай ҳолда қатор мантикий “чекловларни” санаш мақсадга мувофиқ бўлади, талаба уларни хусусий мулоҳаза юритишда ташхислаши зарур:

1. Натижани тасдиқлашдан асосланишини бир маъноли тасдиқлашга боришда ишончли хулосани олиш мумкин эмас. Оддий мисол келтирамиз:

- Тезланиш билан ҳаракатланаётган электр заряди электромагнит тўлқинлари кўринишида энергияни нурлантиради.

- Электромагнит тўлқинлари қайд этилди.

- Бу фазонинг ўрганилаётган ҳажмида тез ҳаракатланувчи электр заряди мавжудлигини англайди.

Афтидан, олдинги икки хулосадан учинчиси келиб чиқмайди, чунки электромагнит тўлқинлари манбаи ҳаракатдаги заряд бўлмайди, балки кайсидир бошқа объект.

2. Салбий асослашдан бориб ишончли хулоса олиш мумкин эмас.

- Агар одам йўталса, унда у касал.

- Баъзи бировлар йўталмайди.

- Бу унинг касал эмаслигини билдиради.

Шубҳасиз, учинчи тасдиқ олдинги иккисидан келиб чиқмайди.

III-в. Талаба у ёки бу билув топшириklarини ечиш жараёнида ҳодисанинг сабабини аниқлайди, кейин эса қатор мантикий тўғри қадамлардан сўнг, у қўлга киритган натижалар олдин ўзлаштирган билимларга мос келмаганига дуч келади. Бундай ҳолда текширилаётган ҳодиса сабаблари сифатида у ёки бу ҳолатни белгилаш қонуниятларини аниқлаш зарур. Буни батафсил тушунтирамиз.

Мисол учун, баъзан сабаб қуйидагига ўхшаш мулоҳазалашдан келиб чиқиб ўрнатилди: “агар тасодифлар, улардан ҳодиса пайдо бўладими йўқми, фақат бир бўлиб ўтган вазиятда фаркланади, қолган барча ҳолларда ўхшаш бўлади, унда вазият ана шу ҳодисанинг сабабидир.”¹⁵ Бундай мулоҳаза, бизнинг фикримизча, ўрганилаётган ҳодисанинг сабабини бир хилда ўрнатишга имкон бермайди, чунки биринчидан, тадқиқотчи таҳлилга тортадиган вазиятлар сони чегараланган (албатта), ва шу боисдан у ҳеч қачон текширилаётган ҳодисанинг кечиш характерига ўз диққат марказидан четда қолган, ҳисобга олинмаган вазиятлар таъсир кўрсатишига охиригача ишонч ҳосил қилмайди. Иккинчидан, баъзан қайсидир икки ҳисобга олинган вазият “ўхшашлиги” фақат қатор (тадқиқотчи таҳлил қилган) ҳолларда улар турли йўналишли (қарама- қарши) таъсирларга эга бўлади ва бир-бирини тўлдиради, тадқиқотчи зиддиятга дуч келган бундай ҳолатда эса ўзаро бир-бирини тўлдириш бузулиши мумкин.

15. Гетманова А. Д. Логика.-М.: Высшая школа, 1986. С. 175.

III турдаги вазиятларни муҳокама қилишни яқунлаган ҳолда тақдим этилган таснифни тўлиқ эмаслигини таъкидлаймиз: улар қаторига талабаларга маълум бўлган, фикр юритиш давомида олинган, тўликсиз индукция методидан фойдаланишда таърифланган шошилишч умумлашма натижасида вужудга келадиган сохта тавофутларни ҳам, шунингдек шартли жорий қилишдан шартсиз натижага ноқонуний ўтиш оқибати сифатида (асосий фикрнинг таъсир доирасини ноқонуний кенгайтириш) ҳам, ва, албатта, дастлаб баъзи тасдиқ асосида қабул қилинган, аслида ундай бўлмалиги бирмунча синчков таҳлилда аниқланадиган мазмунли хатоликлар натижаси сифатида ҳам киритиш мумкин. Келтирилгандан, умид қиламизки, билув тўсиклари олий таълим жараёнида икки функцияни бажариши кўришиб турибди: бир томондан улар баъзи маънода ўқув жараёнини “тормозлайди”, бошқа томондан – турли ўқув курслари мазмуни материалида учрайдиган билув тўсикларини бартараф этиш бўйича талабалар тафаккури ва фаолиятини шакллантириш воситаси ҳисобланади, улар олий ўқув юртини тугатишгач, ишга киришда иложсиз қатнашадиган фаолиятни қайсидир даражада тақлид қилишади. Кейингиси, фикримизча, ўқув материали мазмунини, шунингдек уни ўзлаштириш воситаларини сралашда ҳам муҳим саналади. Ўйлаймизки, тўсикларнинг тўлиқ йўқлиги (гарчи, бу эришиб бўлмайдиган абстракция) билан уларнинг талабаларни ўқув-билув фаолиятида олдинга силжишга имкон бермайдиган сони ўртасидаги қандайдир “оралиқни” танлаш лозим.

Билув тўсиклари ҳақида гапиришни давом эттирган ҳолда яна бир муҳим мисол келтирамиз, бу бевосита талабаларнинг учинчисини йўқотишнинг мантикий қонуни имкониятларини нотекис кенгайтириш билан боғлиқ бўлиб, классик иккиқиматли мантиқи куйидагича жаранглайди: “икки қарама-қарши мулоҳазадан бири тўғри, бошқаси ёлғон, учинчиси эса берилмаган.”¹⁶ Гап шундаки, бу қонун билув қаерда “катъий” вазият билан иш кўриши зарур бўлса, ўша жойда қўлланилади: ёки – ёки, чин – ёлғон; кўпчилик ноқлассик мантикларда бу қонуннинг қўлланиш соҳаси сезиларли чекловга эга. Мисол учун, маълумки билимлар манбаига асосланган ўқитиш методларига (Б.Е. Райков, Е.Я. Голант, Е.Н. Перовский) – маъруза, тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, оғзаки йўриқнома, намойиш, иллюстрация, лаборатория иши, масалалар ечиш кабилар қиради. Бирок улар таниқли дидакт И.Я. Лернернинг фикрича, билув фаоллиги даражасига асосланган тасниф – изоҳли-тасвирли, репродуктив, эвристик, муаммоли, тадқиқотчилик методларининг шакл ва воситалари ҳисобланади. “Улардан бири восита ролини ўтаса, бошқалари – методларни жорий қилиш шакли ролини, учинчиси эса – ҳар иккаласининг ролини бажаради. Билим «манбалари» методлар таснифининг асоси бўлаолмайди, чунки улар билув фаолиятини амалга ошириш усулларини тақозаламайди.”¹⁷ Бунга ўхшаш мисоллар етарлича сонда, ва билув тўсиклари айнан моҳиятнинг

16. Гетманова А.Д. Логика.-М.: Высшая школа, 1986. С. 109

17. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. -М.: Педагогика, 1981. – С. 136.

икки кийматли мантикига бўйсинмайдиган ҳолатларда вужудга келади – бу эса кўпсонли номутаносибликларни келтириб чиқаради.

Ёш ўқитувчилар учун билув тўсиқлари борасида нима типик хато ҳисобланади? Тажриба кўрсатадики, бу – талабаларга билмаганини зудлик билан, тезда ва батафсил тушунтиришга ҳаракат қилиши билан ечимни топиш муаммосини ўзига олиш, талабани мустақил ўйлаш зураратидан соқит қилиш, аниқроғи уни “аяш” истагидир. Ўйлаймизки, ёш ўқитувчи бизнинг китобни ўқигач, бу фақат тез натижага олиб келадиган, кам қаршиликли йўл эканлигини тушунади, бироқ талаба кейинги ўқув топширғини бажаришда шунга ўхшаш тўсиқка дуч келади ва яна ўқитувчидан ечишни сўрайди, ва бу шундай давом этаверади. Бошқа йўл асосан олганда аниқ, бироқ ўқитувчи учун бирмунча катта қийинчиликлар билан “техник” жорий қилинадиган – у педагогик маҳоратни ҳам, чидам-лиликни ҳам, муваффақиятсизликка йўлиққанда умидсизланмаслик кўникмасини ҳам, реал мақсадга эришишга катта хоҳишни талаб этади.

Баъзи бир билув тўсиқлари турларини бирмунча кенг муҳокамага тортамыз. Асосий диққатни талабаларга узатилаётган ахборотларнинг ноқулайлиги орқасида вужудга келадиганларига эмас, балки бу ноқулайлик ромидан четга чиқадиган ва ўқув жараёнида пайдо бўладиган, ҳагто материални тушунарли ва содда тушунтиришга кодир тажрибали ўқитувчиларда ҳам, саводли жорий қилинган дарслик ва қўлланмаларда ҳам учрайдиганларига қаратамыз. Биринчисини ўқув ахборотларини англашдаги тўсиқлар деб атаймиз, иккинчисини – мустақил ҳаракадаги тўсиқлар.

Кейин исига, мисол учун, масалаларни ечишда “методлар синтези” деб номланувчи тўсиқлар киради – бундай вазият метод ва усулларнинг баъзи бир рўйхатига эга бўлишига қарамасдан, талаба уларни у ёки бу тарзда чоғиштириб қўллаш зарурлигини унутганда пайдо бўлади ва масала ечишда қийналади. Вазиятдан чиқиб кетишнинг стандарт усули ёхуд талабани ечим ахтариш жараёнида қисман ўқитувчининг кўмаги орқали кенг мулоҳаза юригишга рағбатлантириш, ёки бошдан элементлар бўйича ечишни тақозалайдиган – ҳар бири талаба учун озми-кўпми кучи етадиган қадамлар йиғиндиси кўринишидаги масалалар тизимини ишлаб чиқиш, ўтишлар эса дастлаб ўқитувчининг ёзма ёки оғзаки йўриқномаси билан ростланади – бунда аста-секинлик билан бу йўриқноманинг қиммати камайиб бориши кузатилади. Бу дастлаб эталон сифатида қаралиб, талабага тақдим этилган вазиятлар ва уларни таҳлил қилиш методларининг фарқлиниши аста-секинлик билан ошиб борувчи ечимли масалалар сонига қўшилишга имкон беради ва айни пайтда талабада мустақил топиш кўникмасини, ностандарт ёндашувлар ва уларни амалга ошириш усулларини шакллантира боради.

Шунга ўхшаш тўсиқлар ҳақида юқорида фикр юритилган эди – бу аниқ шартларда умумлашган назарий билимларни қўллаш заруратидан келиб

чикадиган тўсиқлар; талаба мантиққа зид натижаларга олиб келадиган хусусий мулоҳазаларининг боришини “ёйиш”га имкон бермайдиган “тафаккурлашнинг ўрамли” тўсиқлари (А.И. Пилипенко буйича); талаба у ёки бу сабабларга кўра қандайдир предметга, ҳодисага нисбатан кўркувни ҳис этган вақтдаги мотивацион тўсиқлар. Албатта, бу тасниф тўлик эмаслигини тушунамиз: унда турли асослар аралашиб кетган, тўликлик мезонларини бажаришнинг кафолати йўқ, бироқ муаммони мантиқан тугалланган шаклда тақдим этиш имкониятига биз ҳозирча эга эмасмиз ва келажакда бу ишни бажарамиз. Ҳозир эса олий таълимда эндигина фаолият юргизаётган ёш ўқитувчилар диққатига қуйидагиларни қайд этамиз: ўқув жараёнига кириша бориб, унутманг, талабаларнинг қандайдир материални эгаллашидаги қийинчиликни ўзингизга “ағдариш” (бугунги кунда) бемаъниликдир. Агар бундай “ағдариш”нинг маъноси бор бўлса – буни ўзгармас факт сифатида равшан англаган ҳолда ўзингизда бўлиб ўтган давр учун қилиш зарур (мен, аввалиги биринчи босқич, иккинчи босқич ва ҳақоза талабаси, менга қайсидир материал қисмини ўрганиш, ўзлаштиришни тақлиф қилган эди, ана шуни мен ўз талабаларимга ҳозир тавсия қиламан).

Бундан олий мактаб ўқитувчисининг педагогик маҳорати талабанинг тушунмаслигига, ўзлаштира олмаслигига, уддалай олмаслигига нисбатан бағрикенглик (чидамлик, шафқатлик)нинг оқилона даражаси ҳисобланиши, ўз талабаларига нисбатан хотиржам, текис товуш оҳангини таъминлаган ҳолда бир нарсани турли йўллар билан тушунтиришга қодир, улар билан қийин эгалланаётган материал устида қайта-қайта иш-лашга тайёр, талабанинг ўқув режасида қаралган таълимий йўналишнинг алоҳида бандларини эгаллашида шерик бўлиши келиб чиқади. Олий мактаб ўқитувчисининг педагогик маҳорати кўрсаткичи яна талабаларнинг ўқув материалининг у ёки бу қисмини (мустикал ёки ўқитувчи раҳбарлиги остида) ўрганиш, у ёки бу кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида вужудга келадиган маҳсулли ва ёрдамчи тўсиқларни олдиндан кўриш қобилияти ҳисобланади.

Ва ниҳоят, сарлавҳада келтирилган муаммонинг яна бир муҳим жиҳати – у ўқув билувида учрайдиган тўсиқлар билан боғлиқ, мисол учун, талаба-гуманитарчи табиийилмий ёки техникавий фанларни ўрганали (бўлғуси ҳуқуқшунос – математикани, бўлғуси врач – физикани ва ҳақоза) ёки бўлажак “технар” – умуммаданий ва гуманитар. Бу ерда ўқитувчи кучли гноселогик нақл фанлари (кимё, физика, математика ва б.) билан гуманитар фанлар ўртасидаги кескин фарққа боғлиқ билув тўсиқларининг ниҳоятда кўплигини тушуниши лозим ва шу боисдан гуманитарни табиийилмий билиш методлари билан таништира бориб, бирор бир курсни “қисқартириш”га йўл қўйиш мумкин эмас.

V– боб. ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАОЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ¹⁸

5.1. Ўқув материални узатишда маърузанинг ноанъанавий турлари

Олий ўқув юртларида ўқув материални оғзаки баён қилишда, асосан билимлар манбаига таянадиган ўқитиш методлари таснифидан фойдаланилади. Улар ичида **маъруза**¹⁹ алоҳида ўрин тутди. Маъруза ўқув курсининг етакчи халқаси сифатида назарий материални баён қилиш усули ҳисобланиб, талабаларнинг яхлит ва тугалланган ҳолатда билимларни қабул қилишини таъминлайди. Маъруза ўқув фани бўйича тизимланган илмий билимларни бериши, муайян фан ва техника соҳасининг ривожланиш ҳолати ва истиқболларини очиши, таълим олувчиларнинг диққатини бирмунча мураккаб, муаммоли саволларга жалб этиши, уларнинг фаол билиш фаолиятини рағбатлантириши ва ижодий фикрлашини шакллантириши лозим.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртларида ўқув материални маъруза орқали баён қилишга тарафдорлар билан бир қаторда қаршилар ҳам мавжуд. Улар қуйидаги ҳолатларни таъкидлашади:

- маъруза ўзгалар фикрини суэт қабул қилишга ўргатади, таълим олувчиларининг мустақил фикрлашини камайтиради;
- маъруза мустақил шуғулланишдан воз кечтиради;
- дарслик мавжуд бўлмаган ёки кам бўлган ҳоллардагина маъруза керак;
- талабаларнинг аксарияти нотикнинг сўзларини механик тарзда ёзиб олади. Бу индивидуал ўқитиш принципига зиддир.

Олий таълим тизимидаги ўқитиш тажрибаси кўрсатишича, маърузадан воз кечиш талабалар тайёргарлигининг илмий даражасини камайтириб юборади, семестр давомида ўқишнинг тизимлилигини ва бир маромдалигини бузади. Шунинг учун маъруза аввалгидек олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг етакчи шакли ва ўқитиш методи сифатида қолади. Кўрсатилган камчиликлар кўпинча ўрганилаётган материални саралаш, тўғри методикани танлаш, маърузани бошқа макбул ўқитиш методлари билан бириктириш ҳисобига йўқотилиши мумкин. Маълум даражада бу қарама-қаршиликлар таъсирчанлиги ўқув жараёнида маъруза ўқишнинг ноанъанавий турларидан фойдаланиш имкониятларини очиб беради. Улар қаторига муаммоли маъруза, маъруза-маслаҳат, маъруза-магбуот конференция, маъруза икковлон, маъруза-суҳбат, маъруза-муношра, маъруза-тадқиқот, маърузада тесқари алоқа техникасини қўллаш, визуалли маърузалар қиради.

18. Ушбу боб С. Бозорова билан бирга ёзилган

19. «Маъруза» сўзи лотинча «lection» - ўқиш маъносини аниглади.

1. Муаммоли маъруза. Агар анъанавий маърузада кўпинча тушунтириш, иллюстрация, изохлаш, мисоллар келтиришдан фойдаланилса, муаммоли маърузада – ҳодисаларнинг ҳар томонлама таҳлили, воқеликни илмий баён қилиш асосий ўрин эгаллайди. Бундай маъруза муаммоли саволларни қўйиш ёки муаммоли масалаларни кўрсатиш йўли билан кетма-кет моделлаштириладиган муаммоли вазиятлар мантиқига таянади. Муаммоли вазият – талабалардан фаол билиш фаолиятини талаб этадиган муаммоли саволларни келтириб чиқариш йўли билан яратилган зиддиятли мураккаб шароитдир.

Муаммоли савол ўзида диалектик зиддиятни мужассам этади ва ечими учун маълум билимларни қайта тиклашни эмас, балки фикрлаш, таккослаш, изланиш асосида янги билимларни эгаллашни ёки ўзлаштирилган билимларни ижобий қўллашни талаб этади.

Муаммоли масалаларнинг муаммоли саволдан фарқи кўшимча кириш ахборотига эга бўлади ва зарурат туғилса уни ечиш учун баъзи шартлар берилади.

«Муаммоли савол» ва «муаммоли масала» тушунчалари бир-биридан шартли ажралади ёки муаммоли саволлар масалаларгача ўсиб бориши, масалалар эса саволларга бўлиниб кетиши мумкин.

Муаммонинг мураккаблик даражаси талабаларнинг тайёргарлигига, ўрганилаётган мавзу ва бошқа ҳолатларга боғлиқ. Муаммоли масалалар ечимини ва муаммоли саволларга жавобни ўқитувчи (баъзан талабалар кўмагига таянган ҳолда) бажаради.

Ўқитувчи зиддиятларни ечибгина қолмасдан, ечим мантиқи ва методикасини кўрсатиши, ақлий фаолият усулларини намойиш этишда мураккаб ҳодисаларни билишнинг дидактик методидан келиб чиқиши лозим. Бу жараён вақт талаб этади, шунинг учун ўқув материални ёритиш ва маъруза «сценарий»сини тайёрлаш бўйича ўқитувчининг олдиндан иш олиб бориши талаб этилади:

Бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

- Курс негизини ташкил этадиган асосий калитли материал таҳлили ва саралаш.

- Асосий муаммоларни таънаш ва уларни муаммоли вазиятларга айлантириш (3–4 дан ошмаслик лозим).

- Ҳар бир муаммоли вазиятни ечиш мантиқи ва методикасини атрофлича ўйлаб кўриш.

- Билимларнинг яхлит тизимига маъруза мазмунини жойлаштириш ва уни методик таъминлаш.

- Маърузани овозда ёки «ичида» (овоз чиқармай) такрорлаш (машқ қилиш).

- Маъруза материални баён қилиш методикаси ва мазмунини сўнгги бор тайёрлаш ва тузатиш.

Шундай килиб, муаммоли характердаги маърузада талабалар нотик билан «бирга фикрлашиш» жараёнида бўлишади ва натижада муаммоли масалаларни ечишда ҳаммуаллифга айланади. Бу эса якуний натижаларга олиб келади:

биринчидан, шу тарзда эгалланган билимлар талабаларнинг мулкига, яъни қайсидир даражада маърифат маслагига айланади;

иккинчидан, ўзлаштирилган билимлар чуқур ёдда сақланади, энгил фаоллашади (таълимий самара), янги вазиятларга бирмунча энгил кўчиш хусусиятига эга бўлади (ижодий фикрлашнинг ривожлантириш самараси);

учинчидан, муаммоли масалаларни ечиш заковатни ривожлантиришнинг ўзига хос тренажери сифатида кўрилади (ривожланиш самараси);

тўртинчидан, бундай маъруза курс мазмунига қизиқишни ортттиради ва касбий тайёргарликни кучайтиради (бўлажак фаолиятга психологик тайёрлаш самараси).

II. Маъруза-маслаҳат. Машғулотнинг бу шакли аниқ ифодали амалий йўналишга эга мавзуларни ўрганишда қўл келади. Бундай маърузани ўтказишнинг бир нечта вариантлари мавжуд. Улардан баъзиларини куйида баён қиламиз.

Вариант 1. Машғулот кириш маърузаси билан бошланиб, ўқитувчи талабалар диққатини қаралаётган ҳолатларнинг амалиётда қўлланиши билан боғлиқ қатор муаммоларга қаратади. Сўнгра талабалар саволлар беришади. Машғулотнинг асосий вақти (ўқув вақтининг 50 % гача) саволлар жавобига қаратилади. Машғулот сўнггида кичик мунозара, эркин фикр алмашиш ўтказилиб, ўқитувчининг якуний сўзи билан тугалланади.

Вариант 2. Эълон қилинган машғулотдан бир неча кун олдин ўқитувчи талабалардан ёзма равишда саволлар йиғиб олади. Машғулотнинг биринчи қисми маъруза кўринишда ўтказилиб, ўқитувчи ўз имкониятига қараб бу саволларга уларни тўлдирган ва ривожлантирган ҳолда жавоб беради.

Иккинчи қисми эса талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб бериш, эркин фикр алмашиш шаклида ўтади ва ўқитувчининг якуний сўзи билан тугалланади.

Вариант 3. Талабалар машғулот материалларини олдиндан олишади. У нафақат таълимий, балки яна инструкторив (йўриқнома) характерида бўлади, яъни ўзида амалий фойдаланишга мос методик кўрсатмани акс эттиради.

Талабалар материални ўрганишлари ва нотик-маслаҳатчига ўз саволларини тайёрлаши зарур. Машғулот саволларга жавоблар эркин фикр алмашиш шаклида ўтказилади.

Ўқитувчи машғулотнинг якунини оддий хулоса шаклида ёки қаралаётган материалларнинг қўлланиш амалиётини умумлаштирувчи якуний сўз билан тугаллайди.

Вариант 4. Машғулотнинг биринчи қисми муайян лавозимли шахс ёки жамоанинг илғор иш тажрибаси ҳақидаги қисқача ахборот кинофильм, видеофильм, диафильм кўриш шаклида олиб борилади. Талабалар бу тажрибани бирмунча тўлиқ ёритувчи материал (китоб, рисола, таркатма)ларни олдиндан олишлари мумкин. Машғулотнинг иккинчи қисми таълим олувчиларнинг саволларига жавоб шаклида тузилади.

Вариант 5. Машғулот жамоавий маслаҳат шаклида олиб борилади, бунда биргина ўқитувчи эмас, балки ўрганилаётган соҳа буйича юкори малакали мутахассисларнинг иштироки ҳам зарур бўлади.

Жамоавий маслаҳатнинг бундай шаклидан бирмунча долзарб ва йирик муаммоларни қарашда фойдаланиш яхши самара беради.

Маъруза-маслаҳат шаклидаги машғулот самарадорлиги талабалар бераётган саволларнинг кўплиги ва предметли мазмунининг кенглигига боғлиқ.

Дастурли маъруза-маслаҳат талабаларни муаммо муҳокамасига фаол иштирок этишга мажбурлайдиган шакл ҳисобланади. У одатдаги жамоавий маслаҳатдан фаркланиб ўқитувчининг ўзи талабаларга саволлар тузади ва тавсия этади.

Тайёрланган саволларга дастлаб талабалар жавоб беришади, кейин эса нотўғри жавобларнинг таҳлили ва муҳокамаси ўтказилади. Ўқитувчи юзга келган савол ва нотўғри жавобларга тушунтириш беради.

Дастурли маъруза-маслаҳат бир муаммога бағишланган циклли маъруза машғулотларидан кейин ташкил этилиши мумкин. Унда кўйилган саволларга жавоб бера бориб, талабалар ўз тажрибаларини жалб қилган ҳолда олган билимларини фаоллаштиради ва муаммони англаб олганини, аниқ ҳолатларда ўз билимини тўғри қўллай олиш кўникмасини кўрсатади.

Маъруза-маслаҳатнинг афзаллиги шундан иборатки, у машғулот мазмунини талабаларнинг амалий қизиқишларига кўн жиҳатдан яқинлаштиради, қайсидир даражада ҳар бир талабанинг ўқув методикасини англаб олишини ҳисобга олиб, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштиради.

Маъруза-маслаҳатнинг кўрнинишларидан бири маъруза-матбуот конференция ҳисобланади.

Маъруза–матбуот конференция талабалар билимларини бенуқсон тўлдириш ва улар тайёргарлиги даражасини ташхислаш учун хизмат қилади. У ташкилий жиҳатдан қуйидагича ўтказилади: Ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилиб, талабалардан қаралаётган муаммо буйича ёзма равишда саволлар беришни сўрайди. Икки-уч дақиқа давомида талабалар қизиқарли саволларни тузиб, ўқитувчига беради. Бундай машғулот ўтказишнинг бир варианты сифатида саволлар ўқитувчи топширигига кўра олдиндан ўтган маъруза босқичида тайёрланиши ҳам мумкин. Ўқитувчи

уч-беш дакика давомида саволларни уларнинг мазмунига қараб саралайди ва маърузани бошлайди. Маъруза қўйилган саволларга жавоблар йигиндиси ва кетма-кетлиги сифатида ёки баён қилиш жараёнида шаклланади. Маъруза сўнггида ўқитувчи талабалар қизиқиши ва билимларини жавобларда қай даражада акс этганлигини таҳлил қилади. Агар баъзи жавоблардан улар каноатланишмаса, ўқитувчи махсус ажратилган вақтда уларни батафсил очиб беради.

Бундай маърузаларни ўтказиш қуйидаги ҳолларда мақсадга мувофиқ:

- дастур бўлимини ўрганиш бошида, гуруҳ эҳтиёжлари ва қизиқишлари даражасини, унинг моделларини, таълим олувчиларнинг имкониятларини аниқлаш мақсадида;

- ўрганишнинг ўртасида, маъруза талабаларни курснинг муаммоли жиҳатларига жалб қилишга ва билимларини тизимлашда йўналтирилган ҳолда;

- дастур бўлимини ўрганишнинг сўнггида, ўзлаштирилган мазмунни ривожлантиришнинг истикболларини аниқлашда қўлланилади.

«**Маъруза-икковлон**». Бундай маъруза икки ёки ундан ортиқ ўқитувчилар томонидан олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтказилади ҳамда интеллектуал ва психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўқитувчилар маърузанинг муаммоли саволларига турлича қарашларни асослаган ҳолда мунозарага киришади, талабаларни фаоллаштиради ва илмий баҳслашишга замин яратади.

Предметли «маъруза-икковлон» бир ўқув фани ўқитувчилари томонидан ўқилади, предметлараро «маъруза-икковлон»ни икки турли фан ўқитувчилари ўтказишади.

«Маъруза-икковлон» туридан қатъий назар, уни тайёрлашнинг муҳим жиҳати педагог-шерикларни танлаш, уларнинг психологик ва интеллектуал жиҳатдан бир-бирига тўғри келиши, лаёқатлилиқ даражасининг тахминан тенглиги, фанлараро алоқалардан фойдаланишга педагогик тайёргарлиги ҳисобланади.

Бундай маъруза асосий элементлари мулоҳаза қилиш, режиссура (педагог вазиятлар ва ўқитувчи роли йигиндиси сифатида тушунилади) муаммоларини қайд қилиш ҳисобланган сценарий ёзишни талаб этади. Сўнгги элементи – аудитория фикрини башорат қилиш бўлиб, уни ўтказиш икки ёндашувга таянади: «контраст» (турли қарашлар) ёки ўзаро тўлдириш асосида ўқитиш.

«**Маъруза-суҳбат**». Бу бирмунча кенг тарқалган ва айни вақтда ўқув жараёнига талабаларни фаол жалб этишнинг нисбатан оддий шаклидир. У диалог, полилог усулларини оқилона қўллаш орқали талабаларни ўқитувчи билан жадал суҳбатга чорлашни талаб этади. Бундай ҳолатда фаоллаштириш воситалари сифатида аудиторияга бериладиган алоҳида саволлар, аста-секин тортишув (диспут)га ўтадиган мунозарани ташкил

этиш, мукобил ҳолатни ҳосил қилиш учун шароит яратиш кабиларни киритиш мумкин. Унинг бир неча кўриниши мавжуд: маъруза-мунозара, маъруза-очик тортишув, маъруза-семинар (полилог).

Ушбу шаклнинг одатдаги маърузадан фарқи шундаки, у талабалар диққатини мавзунинг муҳим саволларига жалб қилади, аудиториянинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ўқув материални баён қилиш мазмуни ва методини аниқлаб беради.

Жамоавий ўқитиш шароитида бу шаклнинг самараси ҳар бир талабани фикр алмашиш жараёнига жалб этишнинг имконияти йўқлигидан камайтирилади. Айни пайтда гуруҳли суҳбат фикрлар доирасини кенгайтиришга ва жамоа тажрибасини ҳамда талабалар билиминини ишга солишга шароит яратади.

Талабаларнинг маъруза-суҳбатга фаол қатнашишини таъминловчи баъзи усулларни қараб чиқамиз:

1. Аудиторияга саволлар маъруза бошида ва уни ўтказиш давомида тавсия этилади. Бундан мақсад, талабалар билиминини текшириш эмас, балки қаралаётган муаммо бўйича уларнинг фикрлари ва хабардорлик даражаси ҳамда навбатдаги материални қабул қилишга тайёргарлигини аниқлашдан иборат.

Саволлар аудиториядагиларнинг барчасига берилади. Талабалар жойларида туриб жавоб беришади. Вақтни тежаш мақсадида саволларни шундай ифодалаш лозимки, натижада жавоблар тўлақонлигига эришилсин.

Жавобларнинг фарқланишини ёки яқдиллигини ҳисобга олиб, ўқитувчи навбатдаги чиқиш тезисини бирмунча ишончли баён қилиш имкониятини қўлга киритган ҳолда ўзининг кейинги мулоҳазаларини тузади. Саволлар оддий ёки муаммоли характерга эга бўлиши мумкин.

Талабалар ўқитувчи томонидан берилган саволга мустақил фикрлаб яқуний ҳулосага келишади, муҳокамага тортилган муаммоларнинг аҳамияти ва муҳимлигини тушуниб олишади, бу эса ўз навбатида уларнинг материалга бўлган кизиқиши ва уни қабул қилиш даражасини оширади.

Машғулотнинг бу шаклида ўқитувчи ўзининг саволлари жавобсиз қолмаслигини кузатиб бориши лозим, акс ҳолда улар риторик характерга эга бўлади ва талабалар фикрини етарлича фаоллаштиришни таъминлаб қолмайди.

2. Жамоавий тадқиқотга таклиф. Ўқитувчи талабаларга биргаликда жараён ва ҳодисаларнинг қонуниятларини ифодалашни таклиф этади. У бунда аудиториянинг тажриба ва билимига мурожаат қилади. Киритилган таклифларни аниқлаштириб, тўлдириб, жамоа тажрибасини назарий асослайди, уни тизимлаштиради ва биргаликда ишлаб чиқилган теzis шаклида талабаларга «қайтади».

Шундай қилиб, нафақат тўлиқ ахборотларни талабаларга узатиш, балки

ки уларни кўрсатма сифатида қўллаш заруратига ишонтириш ҳам амалга оширилади.

Маъруза-мунозара. Ўқитувчи маъруза методикасини баён қилишда ўз саволларида талабаларнинг берган жавобларидан фойдаланиш билан бирга ўзаро мантикий билимлар интервалида эркин фикр алмашишни ташкил этади. Бу ўқув жараёнини жонлантиради, аудиториянинг билиш фаолиятини фаоллаштиради ҳамда баъзи талабаларнинг негатив кўрсатмалари ва нотўғри фикрларини йўқотиш мақсадида ўқитувчига режиссурадан фойдаланган ҳолда гуруҳнинг жамоавий фикрини бошқариш имконини беради.

Мунозара учун саволлар тўғри танланганда ва мохирона мақсадга йўналтирилган тарзда бошқарилганда ижобий самарага эришиш мумкин. Муҳокама учун саволларни танлаш ўқитувчи томонидан талабаларнинг тайёргарлик даражаси ва аудитория олдида қўйиладиган дидактик масалаларга боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Маъруза – «ғаламис» (хатолари олдидан режаланган маъруза).

Маъруза ўқишнинг бу усули машғулотда талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради, маърузанинг назоратловчи функциясини оширилишига йўл очади.

Бундай маърузанинг ўзига хос томони шундаки, ўқитувчи кириш қисмида машғулот мавзусини эълон қилади ва баён қилинаётган материалда хатоларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот беради (хатолар сони айтилмайди). Хатолар турли кўринишга эга бўлади: мантикий, хулқий, дунёқарашга оид, таъриф, тушунча ва ҳоказо. Ўқитувчи уларни алоҳида плакатга ёзади ва тесқари томонини талабаларга кўрсатади. Маъруза тугагач, талабаларда ўз билимлари натижаларини ушбу плакатнинг олд қисми билан таққослаш имконияти мавжудлигини эълон қилади.

Талаба маъруза давомида барча режалаштирилган хатоларни аниқлаши ва уларни дафтарига белгилаб бориши шарт. Маъруза тугашидан 15-20 дақиқа олдин талабалар аниқлаган хатоларнинг батафсил таҳлили ва тўғри жавобларнинг асосланиши амалга оширилади.

Ўқув ахборотларини ўзлаштириш кафолати сифатида психологик «четки конун» га таяниш хизмат қилади: маъруза сўнггида материални тўғри англаб етилганлиги аниқлаштирилади, яъни тўғри жавобларни таъкидлаш тавсия этилади.

«Хатоси режаланган» маъруза талабалар диққатини фаоллаштиришга имкон туғдиради (ҳамма лаёқатли бўлиб кўринишга уринади), уларни жавобларни тўғри фойдалашга ўргатади ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлигини назорат қилади.

Маъруза-тадқиқот. Маърузанинг кириш қисмида умумий билув топшириқлари шундай қўйиладикки, натижада талабалар ўқув муаммоларини тўлалигича англаб олишади, ўқитувчи билан биргаликда мавзунинг

тадқиқ қилишни талаб этадиган ҳолатларини ажратиб олишга йўналтиради.

Маъруза жараёнида умумий масала мавзунинг асосий йўналиши бўйича хусусий билув топшириқлари ёрдамида аниқланади ва чуқурлаштирилади.

Маърузанинг тугунли босқичларида 4-6 тагача муаммоли саволлар ва 7-9 тадан ортиқ муаммоли топшириқлардан фойдаланилади, уларнинг ҳар бири асосий муаммони ечишда, керакли ҳолатларни аниқлаштиришда, жиддий алоқа ҳамда муносабатларни аниқлаштиришда муҳим роляга эга ҳисобланади.

Бунда асосий масала фикрлар ҳаракатининг усуллари ва мавжуд материалларнинг таҳлил қилиш методикасини очиб бериш ҳисобланади. Бундай маърузаларда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш воситаларини саралаш муҳим аҳамият касб этиб, нафақат назарий қисмни, балки материални узатиш ва тадқиқ қилиш методикасини, билув элементлари сифатида дидактик ва тадқиқот усуллари эгаллашга, илмий изланишга ва мазмунли муҳокама қилишга ёрдам бериши лозим.

Машғулот ёки маърузанинг якуний қисмида назорат саволлари ҳамда мантиқий ва амалий топшириқлардан бирмунча кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу амал ўзлаштириш даражасини аниқлаш, назорат қилиш, мустақил ишларни янада чуқурлаштириш учун методологик аҳамият касб этадиган муҳим ҳолатларни англаб етиш мақсадида бажарилади. Натижада ўзлаштириш даражаси ва мавзуга чуқур мустақил ишлов бериш асосида талабаларда тадқиқотчилик фаолияти кўникмасини такомиллаштириш учун муаммо билан ишлаш кўникмаси текшириб кўрилади.

Маърузада тесқари алоқа техникасини қўллаш. Бундай маърузани ўтказишда дастурли ўқитиш учун махсус жиҳозланган аудиториядан фойдаланилади. Ҳар бир талабанинг шахсий ЭҲМи ўқитувчи компьютерига уланади. Шу тариқа берилган саволларга талабалар гуруҳининг жавобларини техник воситалар ёрдамида олишга имконият яратилади.

Саволлар маърузанинг ҳар бир бўлимини баён қилишдан олдин ва якунида берилади. Биринчи ҳол талабалар муаммони нечоғлиқ илғаб олганликларини билиш учун зарур. Агар аудитория асосан кириш саволларига тўғри жавоб беради, ўқитувчи қисқача тезис баёни билан чегараланиши ва маърузанинг кейинги бўлимига ўтиши мумкин. Агар тўғри жавоблар сонни қўйиб қўйилган даражадан паст бўлса, маърузанинг зарур бўлими ўқилади, сўнгра талабаларга баён қилинган материални эгалланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган янги саволлар берилади.

Назорат натижалари қониқарсиз бўлган тақдирда ўқитувчи материални узатиш методикасини алмаштирилади ва ўқилган бўлимига яна қайтади.

Визуал маъруза. У ўқилмайди, балки кўрсатилади. Бунда асосий

Ўқитиш методи-кўргазмали намоён. Кино, теле ва видеокадр, слайдлар ҳамда дискдаги ахборотлар блоки ўқитувчи томонидан шарҳланади.

Шундай қилиб, олий мактаб амалиётида синаб кўрилган маъруза турларини шарҳлашга ҳаракат қилдик.

5.2. Семинар машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари

Семинар олий таълим тизимида ўқув материални муҳокама қилишнинг асосий методларидан бири. Семинарлар ўқув фанини чуқур ўрганиш, таълим оловчиларда ахборотларни мустақил излаб топиш ва таҳлил қилиш малакасини сингдириш, илмий тафаккурлаш, ижодий мунозарада фаол қатнашиш, тўғри хулоса чиқариш, ўз фикрини аргументли баён қилиш ва ҳимоялаш кўникмасини шакллантириш мақсадида ўқув дастури мавзулари(бўлимлари)нинг бирмунча мураккаб саволлари бўйича ўтказилади.

Семинар республикамиз олий ўқув юртлари ўқув режасида мавжуд бўлиб, умумий илмий дунёқарашни кенгайтиришга, таълим оловчиларни танлаган фан соҳалари бўйича муҳим муаммолар ва тадқиқотлар билан танишгиришга ёрдам беради.

Олий ўқув юртлари амалиётида семинарларнинг асосан уч тури тадбиқ этилади:

- муайян систематик курсни чуқур ўрганишга имкон берувчи;
- асосий ёки бирмунча муҳим мавзу (муаммолари)ни ўрганишга ёрдам берувчи;
- маъруза билан боғланмаган тадқиқий характерли (махсус семинарлар).

Ўтказиш вақтига боғлиқ ҳолда юқорида кўрсатилган семинар курс мавзулари ва бўлимлари бўйича жорий, оралик ва якуний назорат орқали баҳолаш амалга оширилади.

Семинар мувафакқиятига талабалар фаоллиги ва семинардан олдин ўтказиладиган маърузада асос солинади, маърузали курс, унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, таъсирчанлиги кўн жиҳатдан семинар даражасини белгилаб беради. Агар маърузада қўйилган муаммолар ҳақиқатдан ҳам талабаларни қизиқтирса, улар мустақил ишлаш ва семинарда ижодий баҳсни ташкил этишга вақтни аямайдилар. Семинар самарасини таъминловчи асосий омил – аудиториянинг муаммо муҳокамасига қизиқишидир.

Олий таълим тизимида семинар ўқитувчи раҳбарлигидаги гуруҳли машғулот эканлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг асосий вазифаларини белгилаш мумкин:

- маъруза ва мустақил ишларда олинган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;

- ўқув материали бўйича талабаларнинг мустақил ишлари самарасини ва натижавийлигини текшириш;
- аудиторияда ўқув материални умумлаштириш ва баён қилиш кўникмасини таълим олувчиларга сингдириш;
- муҳокама қилинаётган савол бўйича ўз мулоҳазасини ифодалаш, асослаш ва баён қилиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш кўникмасини ҳосил қилиш;

Семинар – фаол ўқитиш методи сифатида талабаларнинг махсулдор ўзгартирувчи фаолиятини вужудга келтириши лозим. У таълим олувчиларда мустақил ишлаш кўникмаси, назарий маъруза режаси ва тезисини тузиш, муфассал ахборотни тайёрлаш ва аудитория олдида чиқиш қилиш, мунозара ҳамда муҳокамада иштирок этиш малакаларини мустаҳкамлаши ва ривожлантириши лозим.

Шундай қилиб, семинар маърузада эгалланган билимларни нусхалашдан иборат бўлиб қолмасдан, унинг вазифалари бирмунча мураккаб жараёнлардан иборат бўлади.

Ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг семинар машғулотига тайёрланиш жиҳатларини қараб чиқамиз.

Семинар муваффақияти ўқитувчининг назарий, педагогик ва методик тайёргарлиги, унинг семинар машғулотини тайёрлаш бўйича ташкилотчилиги, шунингдек, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда машғулотда уларнинг фаоллигига боғлиқ.

Семинарда тайёргарлик ўқитувчининг дастлабки ҳужжатларни ўрганиши, семинар мақсади ва вазифаларини, талабаларнинг тайёрланиш вақтини аниқлаш билан бошланади. Натижасида ўқитувчида семинарнинг дидактик ва тарбиявий мақсади, ҳар бир қатнашчиси бажарадиган иш ҳажми, маърузада кўрилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши керак. Семинарни ўтказиш олдида талабаларга берилган режа мустақил ишларни ташкил этиш учун асосий методик ҳужжат ҳисобланади.

Танланган методикага боғлиқ ҳолда режа турли тузилмага эга бўлади., Унинг мажбурий компоненти сифатида мавзу машғулотининг дидактик ва тарбиявий мақсадлари, ташкилий методик кўрсатма, ўрганиш лозим бўлган ўқув саволлари, маъруза, ахборот, реферат мавзулари ва фойдаланилаётган адабиётлар рўйхати киради.

Семинарда муҳокама қилинаётган ўқув саволлари режа асосини ташкил этади. Агар семинар муфассал суҳбат методи билан ўтказилса, семинар режаси қуйидаги талабаларга мос келиши керак:

- шакли бўйича муаммоли бўлиши, яъни муайян мавзу тафовутини очиб бериши; муаммо моҳиятини қамраб олиши ва айни вақтда кенг қамровли бўлмаслиги, бироқ ўз чегарасида катъиян ажралиб туриши лозим;
- маърузанинг режаси ва курс дастурига мос бандининг ифодаси сўз-

ма-сўз такрорланмаслиги, талабларнинг илмий ва касбий йўналганлиги ҳисобга олиниши;

• семинар мавзуси мазмунини тўла ёки муҳокама қилинаётган муаммо-лар таърифи акс этган жиҳатларини қамраб олиши керак.

Бундай талаблар, агар семинар режасида қаралган бўлса, реферат (маъруза, ахборот) мавзуларига ҳам қўйилади.

Семинарда қўрилаётган материал ҳажми унга ажратилган вақт ва саволлар сони билан аниқланади. Икки соатли машғулот учун улар, 2-3 тадан ошмаслиги керак. Бунда тавсия қилинаётган адабиётлар тури ва ҳажми ҳақидаги саволни ҳам ечиш керак бўлади. Асосий адабиётлар рўйхатига қаралаётган мавзунини бевосита очиб берадиган дастлабки манбаларни киритиш зарур. Ўз-ўзидан маълумки, бунда талабалар икки соатлик семинарга 4-6 соат тайёргарлик қўриши ва бу вақт давомида 60 варақ матнни ўқиши, фикрлаши ва дафтарига қайд этиши мумкин, яъни семинарга тайёрланишда талабаларга тавсия этиладиган адабиётлар ҳажми минимал бўлиши лозим. Акс ҳолда ўқитувчининг ўзи таълим олувчиларни саёз ва формал тайёрланиш йўлига бошлайди.

Қўшимча адабиётлар бирмунча тайёрланган, қаралаётган муаммо бўйича алоҳида билимга эга талабалар учун мўлжалланади. Қўшимча адабиётлар рўйхатига монографиялар, тўплам мақолалари ва даврий нашрлар киритилади. Ўқув адабиётлари ҳақида ўқитувчи маърузада эслатиб, қисқача гавсиф берса ва талабаларни қизиқтирса мақсадга мувофиқ бўлади.

Семинар машғулотининг «ташкилий методик кўрсатма» бўлимида семинар ўтказиш таркиби, талабаларнинг чиқиши (маърузалар, ахборотлар) давомийлиги, унга тайёрланиш давомида маслаҳат бериш тартиби қўрсатилади.

Семинаррежасини олдиндан бериш—ҳар бир талаба учун муваффақият билан тайёрланиш гаровидир. Агар бу вақтга келиб маърузада қаралаётган муаммо ўрганилган, муаммоли вазиятлар яратилган, қизиқиш уйғотилган бўлса, таълим олувчиларнинг навбатдаги машғулотга тайёрланиши фаоллашади.

Маълумки, ҳар бир талабанинг семинарга тайёргарлик қўриши бўйича амалий ишлари тўрт босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқичда семинар режасига кўра мавзу, мақсад ва саволлар аниқланиши зарур. Бунда ҳар талабанинг семинарда ўз ўрни ва вазифаси (реферат тайёрлаш, чиқиш қилиш ва б.) ишлаш ҳажми ва тартиби белгилаб олинади, ҳар бир савол бўйича қандай манбалар талаб этилади, асослаш учун қандай материал тайёрланади, қандай қўшимча материалларни киритиш лозим бўлади, уларни қаердан излаш зарур — барчаси қўриб чиқилади.

Семинарда тайёргарликнинг иккинчи босқичи тавсия қилинган адабиётларни тўплаш ва танишишдан иборат.

Учинчи боскич манбаларни чукур ўрганиш боскичи.

Тўртинчи (якуний) боскич конспект билан батафсил ишлашни такозо этади: яна бир марта конспекти ўқиб чиқиш, унда белгилаш (сарлавхани кайд этиш, бирмунча муҳим қисмларга ажратиш ва б.)ни амалга ошириш, якуний режани тузиш.

Барча боскичларда талабалар бевосита ўқитувчи раҳбарлигида (пастки курслар учун жуда муҳим) ёки маслаҳат режимида ишлашади.

Семинарга тайёргарлик кўришнинг биринчи боскичида жамоавий маслаҳат олиб бориш мақсадга мос келади. Талабаларнинг тавсия этилган адабиётлар билан чукур ишлаши давомида ўқитувчи якка тартибда маслаҳат ва суҳбат ўтказади. Бу боскичда асосий маъруза ва ахборотларни тайёрлашни, шунингдек олдинда турган машгулот учун чиқиш (нутқ) ни назорат қилади.

Ўқитувчи талабаларнинг семинарга тайёргарлиги ҳақида ҳосил қилган тасавури асосида семинар машгулотининг ишчи режасини ишлаб чиқишга киришади.

Педагогик тадқиқотлар таҳлили асосида, бундай сценарийни тузишда ҳар бир машгулотда бутун курс мобайнида муаммоли масала мураккаблигининг ўсиб бориши ва мақсадли тизимлилик принциплари асосий ҳисобланади.

Баъзи педагоглар ишчи режа (сценарий) ўқитувчини семинар ўтказишда чеклаб қўяди, деб ҳисоблашади. Бирок, бу унчалик тўғри эмас. Семинарга пухта тайёргарлик олдиндан тайёрланган материалдан ҳар қандай вазиятда ҳам тезкор бошқариш имкониятини беради. Сценарийда белгиланганларнинг ҳаммасидан педагог фойдалана олмас, аммо мавжуд материал ҳар қандай вазиятда ўзини эркин ҳис этиш имконини беради.

Семинарнинг иш режаси ва методик ишланма қайси шаклда ифодаланса мақсадга мувофиқ? Бу саволга бир хилдаги жавобни педагогик адабиётларда учратиш қийин. Бунда, ўқитувчининг ўзи мослашган шакл энг қулай ҳисобланади. Шунга қарамай, олий ўқув юртларида ишлаш амалиёти семинар иш режаси ва методик ишланмаси муайян ўқув муассасасида қабул қилинган талабларга мос равишда чизмайлаштирилиши ва титул варақаси чиқиш маълумотлари билан, кириш, асосий ва якуний қисмдан иборат бўлиши тавсия этилади. Семинар иш режасида ўқитувчининг қисқача кириш сўзи, савол ва чиқиш (нутқ)лар бўйича вақт тақсимоти, саволларга ишлов бериш тартиби, якуний сўз мазмунини акс этади.

Вақт ҳисоби. Ўз-ўзидан маълумки, икки соатли ва тўрт соатли семинар учун вақт ҳисоби турлича бўлади. Бунда ўқитувчи кириш сўзига – 5 дақиқа, талабалардан бирининг чиқишига – 15-20 дақиқа, жойида туриб чиқиш қисми – 10 дақиқача, янги саволларни қўйиш, талабалар йўл қўйган ноаниқлик ва хатоларни тузатишга, семинар бўйича якуний сўзга – 25-30 дақиқа атрофида вақт сарфлаши мумкин.

Шундай қилиб, семинарни ташкил этиш, бошқариш ва яқунлашга ҳаммаси бўлиб ажратилган ўқув вақтининг 25 фоизи сарфланади. Қолган вақтни ўқитувчи қаралаётган саволлар мураккаблигига боғлиқ ҳолда тақсимлайди.

Семинар саволлари бўйича материалга ишлов бериш тартиби ишчи режанинг мазмунли қисми асосини ташкил этади. Режанинг айнан шу бўлимини ишлаб чиқишда ўқитувчининг ижодий малакаси намоён бўлади.

Режа саволларини муҳокама қилиш тартиби турли хил бўлиши мумкин, у семинар шакли ва таълим оловчилар гуруҳи учун кўйиладиган мақсадларга боғлиқ. Олий таълим тизимида кўпроқ учта схемадан фойдаланилади: реферат-маърузали, савол-жавобли ва аралашмали.

Рефератли-маърузали схемада ҳар бир савол бўйича дастлаб талабалардан бири тайёрлаган реферат ёки маъруза тингланади, савол-жавобда эса талабалардан бирининг чиқиши (нутқи), кейин эса батафсил суҳбат ташкил этилади. Аралашмали шаклда саволлардан бирортаси бўйича реферат (маъруза), бошқалари бўйича эса талабалар чиқиши эшитилади. Муҳокама сўнггида асосий маърузачи умумий хулоса қилади.

Семинар ҳақиқатан ҳам фаол бўлиши учун, мунозара характерига эга, бироқ бошқарилувчан бўлиши лозим. Бунинг учун мунозара сценарийсини ўқитувчи олдиндан ўйлаб, пухта ишлаб чиқиши, ишчи режада керакли савол, мисол ва сюжетлар белгилаб олиниши керак.

Машғулотнинг ўқитувчи аниқлаган дидактик масалаларини ечишда семинар ўтказишни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бир қатор педагог олимлар фикрича, семинар ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади. Ҳақиқатан ҳам у талабанинг машғулотга тайёргарлигини текширишдан бошланади. Текшириш семинар шакли ва уни ташкиллаштиришга боғлиқ ҳолда турли кўринишда ўтказилади. Баъзи ўқитувчилар талабалардан адабиётларни ўқиганлиги; уларда саволлар тугилганлиги ёки ким машғулотга тайёр эмаслиги ҳақидаги саволлар билан талабаларга мурожаат қилишади ва шу билан чегараланишади. Бироқ, улар гуруҳ психологиясининг алоҳидалигини ҳисобга олишмайди: тайёрланмаганлар тўғриси айтишга уялишади, ўқитувчи эса ҳамма тайёр деган нотўғри хулосага келади. Кўпинча бундан ҳам ноқулай вазиятга тушиб қолади ва вақтнинг сезиларли қисмини «ноаник» саволларга сарфлашга мажбур бўлади.

Албатта, ўқитувчи гуруҳни яхши билса, тўғридан-тўғри сўрайди: «Бугунги машғулотга ким тайёрланиб келмаган?» Бу талаб мунтазам ва қатъиятли бўлиши лозим. Зарур ҳолатда кечикмасдан, узил-кесил ва жиддий баҳо берилиши лозим.

Ўқитувчининг кириш сўзи қисқа бўлишдан ташқари қатъий, ўзига жалб эта оладиган, муаммоли бўлиши лозим. Талабаларни мавзу саволлари муҳокамасига йўналтириш учун кириш сўзи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- мазмунан ўтилган мавзунинг бутун курс билан алокани кўрсатиши;
- қаралаётган муаммонинг илмий йўналиши унинг амалиёт билан алоқасини таъкидлаши;
- таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлиги билан алоқасини кўрсатиши;
- шаклан ниҳоятда лўнда, мантикий тузилганлигини намойиш қилиши ва шу билан бирга юксак ҳаяжонли-психологик кайфиятни таъминлаши лозим.

Семинар саволлари бўйича талабаларнинг чиқиши қаралаётган саволни англаб етиш даражаси бўйича фаркланадиган реферат, маъруза ёки хабар кўринишида бўлиши мумкин.

Реферат – ўрганилган асар, монография, даврий нашр мақолалари, шунингдек қаралаётган соҳадаги шахсий тажриба мазмунининг қисқача баёни (ёзма-ёки оғзаки баён шаклида).

Маъруза ва ахборот – талабаларнинг барча ўрганилган материални умумлаштириши асосида қаралаётган саволларнинг бири бўйича қисқача чиқиши (нутқи).

Семинар режаси бўйича талабаларнинг маърузалари, асосий чиқишлари кафедрада эълон қилиниши мақсадга мувофиқ. Кафедрада чиқиш қилиш янада масъулият юклайди. Кафедрага талабалардан «чизмай оппонент»ни белгилаш тавсия этилади. Чиқишга ҳоҳиши борлар жойидан туриб гапириши мумкин. Бунда фаоллик таъминланади, муҳокама жонли ўтади, алоҳида чиқишга вақт сарфланмайди.

Талабаларга қўшимча саволлар – семинарнинг боришини асосий бошқариш воситаси ҳисобланади. Улар ёрдамида ўқитувчи чиқишни ёки мунозарани керакли изга йўналтиради.

Семинар боришида педагог аниқлаштирувчи, муқобилли, ёрдамчи (эсга солувчи) саволлардан фойдаланади.

Аниқлаштирувчи саволлар – семинарда чиқувчининг айтилган фикрини аниқлаштиришга, уни равшан ва раво ифодалашга мажбурлайди. Табиийки, ўқитувчи аниқловчи саволни талабалар йўл қўйилган хатоларга эътиборсиз бўлган тақдирдагина беради.

Ёрдамчи ёки йўналтирувчи саволлар – муҳокама ёки баҳсни керакли оқимга олиб қиради. Бундай ҳолатда ўқитувчининг методик маҳорати ва муомаласи алоҳида ёрқин намоеён бўлади.

Муқобилли саволлар – мустақил фикрлашга қўйилган масалага яқин, чунки қўшимча асослаш ёки алоҳида ҳолатлар мазмунининг таҳлил қилиш талабларини ўз ичига олади. Улар маърузачи хулосаларининг ноаниқлиги боис юзага келадиган мантикий хатоларни аниқлашга имкон беради. Шу мақсадда ўқитувчи маърузачига ёки бутун аудиторияга муурожаат қилган ҳолда қуйидаги саволларни бериши мумкин: Ўз далилингизнинг тўғрилигини қандай исботлайсиз? Хулосангизни асослаш учун

қандай кўшимча исботлар келтирасиз? Ўртоқларингиз томонидан илгари сурилган далиллар тўғрими, улар етарлими? Муқобилли саволлардан фойдаланган ҳолда, ўқитувчи аудиториянинг фаоллигини ошириши мумкин.

Муаммоли саволлар – бу билимларни чуқурлаштириш учун фойдаланиладиган методик усуллардир.

Семинар машғулоти ўтказишда мунозара ва баҳс этикаси муҳим аҳамият касб этади. Юқорида кайд этилганидек, семинар бу жамоавий фикрга таянадиган ўқитиш методи бўлиб, унинг фарқли томони – каралаётган соҳага оид жамоавий аклий фаолиятни фаоллаштириш, мураккаб илмий савол ва муаммоларнинг кутилмаган ечимларини топишдан иборат.

Семинар машғулоти фаоллаштириш мақсадида кўпчилик олий ўқув юртларида бошқа ўқув машғулотларида ўзлаштирилган методлар: тақриз килиш, илғор тажриба таҳлили, жорий воқеалар таҳлили, масала ва машқлар, амалий топшириқлардан фойдаланилади.

Семинар машғулотларини ўтказиш методикасини жонлантириш ва хилма-хиллиги талабалар ўртасида ўқув топшириқларини олдиндан таксимлашни тақозо этади. Масалан, ҳар бир талаба, машғулот давомида маърузачи, кўшимча маърузачи, оппонент, тақризчи ва б. ролида чиқиши мумкин. Семинарда талабаларнинг кизикликларини фаоллаштиришдаги ижобий натижалар «шахсий ҳисоб» ўйинли дақиқани олиб киришга имкон беради: таълим олувчиларнинг чиқиши, тўлдириши, савол ва жавоби, шунингдек семинарда иштирок этишнинг бошқа шакллари олдиндан аниқланган табақалаштирилган баллар билан рағбатлантирилади.

Семинар машғулотида педагог фаолияти ижобийдир ва уни олдиндан ҳеч қандай йўриқнома тўлалигича белгилаши мумкин эмас. Бироқ, амалиётда синалган қатор қоида – маслаҳатлар мавжудки, уларни ОТМ ўқитувчиларига тавсия килиш мумкин.

Семинарда қўйилган масалаларни эркин муҳокама килиш учун ижобий муҳитни яратиш ҳисобланади. Муҳими, талаба семинарда ўзининг хусусий, баъзан тортишувли фикри билан чиқиб, ўқитувчи ва ўртоқларини тўғри тушунишга, ютуқларини хайрихоҳлик билан кутиб олинишига ёки хушмуомалали танқид қилинишига ишониши керак. Шу боисдан қўйилган муаммони муҳокама килишда семинар раҳбарига ўз нуқтаи назарини билдиришга шошиш тавсия этилмайди. Талабада тўғри хулосага келиш қобилияти йўқлиги аниқлангандагина ўқитувчи уни асослайди.

Семинар муваффақияти ҳар доим талабанинг фаоллигига боғлиқ, шунинг учун ўқитувчининг иккинчи вазифаси – уни барча чоралар билан ривожлантириш ва рағбатлантиришдир. Таълим олувчиларга «фаоллик – бу нафақат нутқ сўзлаш ва мунозара, балки тинглаш кўникмаси ҳам» деган фикрни сабот билан сингдириш тавсия этилади. Талабаларни

эшитиш кўникмаси сўзлашиш кўникмасидан кам бўлмаган муҳим сифат эканлигига ишонтириш зарур.

Талабаларни ўртоқларининг чиқишларига эътиборли ва танкидий муносабатда бўлишига эришиш муҳим. Бу учун чиқиш (нутқ) маъруза ёки рефератнинг мазмуний таҳлили маъруза ва рефератнинг ўзига қараганда кам аҳамият касб этмаслигига улар ҳар тарафдан одатланишади. Барча ҳолларда талабаларнинг аудитория билан доимий алоқаси ўрнатилиб, эркин чиқиш қилишга эришиш лозим.

Педагог учун ҳар бир чикувчини диққат билан эшитиш ва ишчи дафтарига белгилар қўйиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу белгилар семинар якунини ўтказишда ва ҳулосада аскотади. Талабаларнинг маъруза ёки чиқиш қилиши вақтида ўқитувчи фикр ва тўлдириш билан аралашмагани маъқул. Бу табиийки, нима гапирилаётган бўлса, барчасини бефарқ тинглаши шарт, дегани эмас. Қайси ҳолатларда чикувчи нутқига аралашув мақсадга мувофиқ? Биринчи навбатда, муҳокама қилинаётган саволдан аниқ узоқлашганда, мавзу бўйича асосий масаладан четлашганда, асабийлашганда, ҳақиқатни бузишга йўл қўйилганда, фанни нотўғри талқин қилганда ва билмасдан адашган ҳолатларда. Талаба фикрини такрорлаганда ва чиқишини ҳеч тугатаолмаган тақдирда ҳам тўхтатиб қўйиш мумкин.

Семинарда ўқитувчининг методик маҳорати ва назарий тайёргарлиги машғулот давомида саволлар муҳокамасини қандай йўналтираётганлиги, талабаларни ижодий мунозарага қай тарзда жалб этаётганлиги, яъни суҳбатни қандай ташкил этаётганида намоён бўлади. Семинар боришида ўқитувчига ким чиқиш қилаётганлигига эътибор қаратишдан ташқари, имкон қадар, сўз билан имо-ишора билан айтилаётган фикрнинг заиф жойига ўз муносабатини билдирмаслиги тавсия этилади. Чиқишнинг муваффақиятли гарафлари қараш, бош кимирлатиш ва бошқа усуллар билан рағбатлантирилиши лозим. Аудиторияда ўз-ўзидан юзага келган мунозарадан асосий муаммоларни ечиш йўлида фойдаланишни уддалаш керак.

Семинар боришида пайдо бўлган саволларни мумкин қадар талабаларнинг ўзлари ечганлари маъқул. Фақат танг ҳолларда ўқитувчи бу вазифани ўзига олиши мумкин. У аудиториянинг барча имкониятлари намоён бўлгунча, мураккаб саволга жавоб беришдан ўзини саклаши лозим.

Ҳар қандай семинар гуруҳида фаоллар шаклланади ҳамда ҳар бир семинарда чиқишга шай туради ва етарли мазмунда ўз вазифасини бажаради. У ўқитувчининг таянчи, бироқ уни «стратегик заҳирада» ушлаб туриш, кези келганда семинар машғулотининг бирмунча муҳим пайтларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, семинар раҳбарининг методик техникаси моҳияти қуйидаги вазифалардан иборат:

• аудиторияда табиий, эркин муҳит яратиш ва шу асосда кизгин фикр алмашиш, баҳс ва мунозарани семинар режаси бўйича ташкиллаштириш;

• таълим олувчиларнинг фаоллигини барча чора-тадбирлар билан ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларни ўртокларининг чиқиши (нутқи)га синчковлик ва танкидий муносабатда бўлишга тайёрлаш;

• саволларни муаммоли қўйиш ва улар ечимини ҳаётий қарама-каршиликларни очиб бериш асосида таъминлаш;

• талабаларнинг эркин нутқиға эришиш, ўз чиқиши ва гуруҳдаги ўртокларининг чиқишларини мантикий таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятини шакллантириш.

Семинар ҳам бошқа ҳар қандай машғулот туриға ўхшаб, кўргазмали воситалар ва иллюстратив материаллардан кенг фойдаланишни такозо этади. Педагогик тажрибалар натижаларининг таҳлиliga кўра, фақат кўргазмали воситалар билангина таълим олувчиларға юкори даражада ҳаяжонли таъсир этишға эришиш мумкин.

Кўп ҳолларда кўргазмали воситалар ичида плакат, компьютерли тасвир, слайд, диафильм (диапозитив) ва видеоёзувлардан фойдаланилади. Улар талабаларнинг мантикий фикрлашиши учун таянч бўлиб хизмат қилиши, мураккаб абстрактли илмий тушунчаларни эгаллашни енгиллаштириши, чикувчиларни интизомли бўлиши ва ўқув вақтини тежашға имкон беради.

Ўқитувчининг якуний сўзи семинар мазмуни билан аннкланади ва куйидагиларни акс эттиради:

• ҳар бир талабанинг ва умуман гуруҳ чиқишини баҳолаш;
• саволларни муҳокама қилиш даражасини баҳолаш;
• муҳокама қилинаётган муаммолар моҳиятининг қисқача мазмуни, уларнинг назарий ва методик аҳамияти;

• семинар давомида етарлича ёритилмаган саволларға жавоблар;
• чиқишларнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш, шу билан бирға талабалардан бирининг, эркин ва мустақил фикрлаганлигини ёки чиқиш қилганлигини таъкидлаш;

• хоҳловчиларға қўшимча адабиётлар тавсия этиш;
• кейинги семинарға тайёргарлик кўриш бўйича истаклар:

Семинар якуни бўйича хулоса 10 дақиқадан ошмаслиги лозим. Тил қисқа, аниқ ва катъий; фикр мумкин қадар лўнда бўлгани маъқул. Нутқда панд-насиҳат ва ўғитға йўл қўймаслик лозим.

Ўқитувчининг методик маҳорати, назоқати ва салоҳияти айнан якуний сўзда бирмунча эркин намоён бўлади.

Олий таълим тизимида семинар машғулотларнинг ноанъанавий турлари

Кейинги вақтда педагогик нашрларда семинар ўзининг мавжуд долзарблигини йўқотганлиги тўғрисидаги ташвишли хабарлар пайдо бўлаёпти. Бу камчилиқни қандай йўқотиш мумкин? Йўли битта: семинарларда баҳс-мунозарани кучайтириш, яъни семинар машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда турли тафовутларни очиб бериш ва ечишга асосланган муаммовий элементларни киритиш, ноанъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш зарур. Шу боисдан семинар машғулотларининг турли кўринишлари моҳияти ва алоҳидалигини кўриб чиқамиз, улар республика олий ўқув юртларида кенг миқёсда қўлланилиши мумкин.

Муаммовий унсурли семинар. Муаммолилик принципи асосида ташкил этилган семинарда махсус сараланган муаммоли вазиятлар ёрдамида ўқитувчи бошқарадиган талабалар фаолияти қўйилган саволларга жавобларни фаол излашга ва мустақил фикрлашга ундайди.

Муаммоли семинарнинг таркибий элементлари ўқув муаммоси, муаммоли вазият, муаммоли савол ҳисобланади. Семинар мавзусининг тугунли саволларини ажратиб, ўқитувчи уларни аудиториянинг диққатини фаоллаштириш, ечимларни биргаликда излаб топишни таъминлашга йўналтирилган ҳолатда кетма-кет бирлаштиради.

Семинарда қаралаётган саволларнинг муаммолилиги, мутахассиснинг бўлажак фаолияти учун ҳаётий муҳим, реал вазиятлардан фойдаланиш асосида ташкил этиладиган ўйин семинари билан таъминланиши мумкин.

Бундай ҳолларда фойдаланиладиган муаммоли саволлар икки турда бўлиши мумкин. Биринчиси, таълим олувчиларни семинар мавзулари қаралаётган мазмундан келиб чиқадиган методологик хулосаларни тушунтиришга, шунингдек тарихий тажрибани англаб етишга қўмақлашади. Бу турдаги муаммоли савол ва масалаларни қўйиш ва ечиш кўпинча талабаларнинг ўқув-татқиқий ишларининг бошланишига олиб келади. Муаммоли саволларнинг иккинчи тури талабаларда ҳодиса ва воқеликларни таҳлил қилиш учун методологик принциплар сифатида назарий маълумотларни мустақил қўллаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш билан боғлиқ.

Семинар машғулоти давомида қайсидир муҳокама қилинаётган муаммо бўйича мунозарани ушлаб туриш ва кизгин баҳс ўрнатиш учун ўқитувчи талабаларга тўлдирувчи ва аниқловчи саволлар беради. «Ким тўлдиришни хоҳлайди?» нақлидаги лоқайд шаклли саволлар билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бундай саволлар шакл жиҳатдан муаммоли характерга эга бўлиши лозим. Асосийси, шу каби саволларни қўйишда талабаларда муаммоларни очиб бериш кўникмасини ҳосил қилишга эришилади.

– муаммоли саволларни қўйиш ва муаммоли вазиятлар яратиш ўқитувчининг илмий салоҳияти ва методик маҳоратига қўшимча талаблар

келтириб чиқаради. Муаммоли семинарларни ўтказиш-кўзланган мақсад эмас, балки предметни чуқур ўрганишнинг муҳим воситаси эканлигини доимо эслаш зарур. Муаммоли семинарлар машғулотда талабалар сузглигини, шунингдек мақсадга юзаки интилиш каби бефойда сўз талашини йўқотади.

Семинарларни ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказишнинг барча ҳолатларида диалектикага, реал ҳаётий зиддиятларни очиб беришга эътибор қаратилади. Қарама-қаршиликларни ечишга йўналтирилган семинар ҳеч қачон зерикарли бўлмайди, ҳар доим кизикарли ва ибратли бўлади.

«Сукротча» ўқитиш методи асосидаги семинар

Ўз номига кўра метод қадимги юнон файласуфи Сукротга тегишли бўлиб, суҳбатдошини савол-жавобга жалб этган ҳолда фикрлашга ўргатади. Бундай семинар машғулотлари ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги ижодий фаолиятининг тез мослашувчан шакли ҳисобланади. Берилаётган савол уларни доимо фикрлашга, ўз мавқеи ва ғоясини исботлашга ҳамда ҳимоялашга мажбур этади. Ечим учун индуктив умумлашма зарур бўладиган муаммоли вазиятлар яратиш керак бўлади. «Сукротча» метод моҳияти талабаларнинг ўзлаштиришлари лозим бўлган асосий тушунча ва таърифларни мустақил равишда аниқлашдан иборат. Бунда ўқитувчи кетма-кет саволлар бериб, талабаларни зиддиятларни ошкор қилишга бошлайдиган суҳбат ташкил этади. Табиийки, саволлар догматик (ақидали) тасдиқларга танқидий муносабат принципи асосида тузилади. Зиддиятларни ечиш билан сохта билимлар йўқотилади, хавотирлик эса аклни ишга солиб, талабада ҳақиқатни излашга рағбат уйғотади. Шундай қилиб, «сукротча» ўқитиш методидан фойдаланилаётган педагог вазифаси муайян тарзда сараланган саволлар ёрдамида талабага тўғри жавобни топишга кўмаклашиш ва айни вақтда уни ноаниқ тасаввурлардан муҳокама қилинаётган предметга оид мантикий аниқ билимларга йўналтиришдан иборат.

Бундай суҳбатлар учун иккита алоҳида жиҳат характерли: «Сукротли индукция» – ундовчи саволлар шундай тузилиши керакки, натижада, уларга жавоб беришда талаба аста-секин фикрининг ноаниқлиги ва тўлиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилсин.

«Сукротча истехзо» – талабанинг ўз ишончига қарама-қарши ҳолатда муҳокама қилинаётган саволни ёлғондан билмаслигини таъкидлаётган ўқитувчи мавқеининг ҳазил тарикасида берилишидир.

Бу ўқитиш методи ўқитувчи ва талабанинг машғулотта кунт билан мустақил тайёрланишини такозо этади, натижада тадқиқотчилик кўникмаси ва малакалари шаклланади. «Сукротча» методдан семинар давомида фойдаланиш талабалар билимидаги камчиликларни аниқлашга, ўрганилаётган ўқув фанига кизикишнинг ортишига имкон яратади, билимларни фаол эгаллашга эришилади, мустақил ишлаш ва мунозарага киришиш ривожлантирилади.

«Ақлий ҳужум» методи асосидаги семинар

«Ақлий ҳужум» методи – бу бир гуруҳнинг қисқа муддат ичида мураккаб интеллектуал масалаларни ечиш бўйича юқори даражадаги ижодий фикрлашидир. У фикрий жараёнларнинг уйғунлигини, бошланғич қараш ва андазалардан мавҳумлашишни ҳамда аниқ мақсадга қаратилганликни таъминлайди. Методнинг асосий моҳияти ҳар қандай, ишончли бўлмаган, ҳаёлий, мантиққа мос келмайдиган жавобларни ҳеч бир танқидсиз таҳлил, таққослаш ва танлаш асосида энг тўғри вариантни танлаб олишдан иборат.

Семинар иштирокчиларининг иш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ечимини топиш зарур бўлган муаммони ифодалаш, жамоа бўлиб ишлаш шартларини аниқлаш, ечимни излашда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини эълон қилиш, ишчи гуруҳларни шакллантириш.

2. «Ақлий ҳужумда» «интеллектуал машқ» – олдиндан тайёрланган саволларга жавобларни тез излаш ва ноанъанавий масалалар ечимини топиш машқи орқали кузатилиши мумкин. Машқ жараёнида талаба чекловчи омиллар таъсиридан қутилади, психиологик тўсиқ ва тортинчокликни, хато қилишдан қўрқишни олиб ташлашга эришади, шунингдек, илгари сурилаётган ҳар қандай тавсияларни танқид қилишдан ҳам ўзини тийиб туришга ўрганади.

3. Олға сурилаётган ғоялар таҳлили – ўрганиш, таққослаш, баҳолаш асосида экспертларнинг энг яхши ғояларни танлаши.

4. Жамоа бўлиб ишлаш натижалари тўғрисида ахборот, энг яхши ғояларни баҳолаш ва уларни очик ҳимоялаш, самарали ечим қабул қилиш.

Семинар босқичларида ишлаш учун одатда қуйидаги шарт ва қоидалар қўйилади:

- илгари сурилган ғоялар генерациялаш босқичида танқид остига олинмайди: тўсатдан танқид – у қандай кўринишда – қараш, имо-ишора ва ҳаракатда бўлмасин ғояларни сўндиради;

- «ақлий ҳужум»да ҳамма тенг, устуворлик ва шахсий муаллифлик йўқ, ким гапирганлиги эмас, нима ҳақда гапирилганлиги муҳим;

- ижодий қидирув ўрнатилган муаммо ечими учун энг мақбул ғояларни генерациялашга йўналтирилади, четга чиқишга йўл қўйилмайди;

- илгари сурилган ғоя аниқ ва лўнда ифодаланади; -айтилган фикрлар бир-бирларини такрорланмаслиги лозим, бироқ уларни комбинациялаш, умумлаштириш ва ривожлантириш мумкин;

- ғоялар синтези асосланиши конструктив шаклда – уларни аниқлаган гуруҳ билан эмас, балки бошқаси билан ўтказилади;

- энг мақбул ғоя танланади.

«Ақлий ҳужум» қатнашчилари учун ишларни тартибга солиш мақсадида ташкилий қоидалар ўрнатилиши мумкин:

▪ талабалар гуруҳларга бўлинади: гоёлар раҳбари, генераторлар, таҳлилчилар;

▪ чиқиш вақти – 3 дақиқагача;

▪ барча гоёларни генерациялаш учун эркин, қулай муҳит ўрнатишга интилади.

«Ақлий ҳужум» семинар машғулотларининг методик усулларидан бири, шунингдек уни ўтказишнинг мустақил методи сифатида қўлланиши мумкин.

«Айлана стол» методи асосидаги семинар

Бу метод – диалог (мулоқот)нинг кўринишидир. У ўқитувчи ёки жалб этилаётган мутахассислардан муаммони жамоа бўлиб муҳокама қилиш принципини жорий этишни, мунозара давомида исботлаш ва ишонтириш элементларини ўзаро бирлаштиришни талаб этади. «Айлана стол» етакчиси (у ўқитувчи бўлиши шарт эмас) маълум баҳс юритиш кодекси принципини таъминлашга интилади (қатнашчиларнинг ўзаро интеллектуал сабр-тоқатлилиги ва ишонч, объективлик, фаоллик, очиқлик, оқилона юмор, ҳаяжонланишнинг муайян даражаси, самимийлик).

«Айлана стол»ни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби методнинг ўзига хослиги билан аниқланади. Семинар мавзуси, бошланиш вақти ва давомийлиги ўз вақтида маълум қилинади. Талабаларга мавзу доирасида уларни кизиктирадиган саволларга тайёрланиш тавсия этилади. Семинар ўтказиш жойига алоҳида аҳамият берилади, метод номининг ўзи доира ёки қатнашчилар тенг кўрадиган қандайдир ўзгача жойлашиш зарурлигини таъкидлайди.

«Айлана стол» учун сценарий ишлаб чиқилиб, унда мумкин бўлган кетма-кетлик, чиқиш мазмуни ва регламенти белгиланади. Унга тайёргарлик кўриш тавсия этилади ва мунозара сўнган ёки кизгин тус олмаган ҳолатда рағбатлантиришни қўллаш олдиндан белгиланади.

Етакчи семинар машғулоти мавзусини айтади, таълим берувчиларни таништиради, аудиторияда уларнинг мутахассислиги маълум қилинади, иш тартиби тушунтирилади. Кейин саволлар бериш таклиф этилади, ҳар бир саволни мутахассисга етказилиб, жараён бошқарилади ва охирида қисқача яқун ясалади.

«Айлана стол» ўқув предметининг алоҳида бўлимлари бўйича ихтисослашган ўқитувчилар иштирокида ҳам, шу мақсадда таклиф қилинган мутахассислар билан ҳам ўтказилиши мумкин.

Бу методдан маъруза-маслаҳатда ҳам фойдаланиш мумкин, аммо, ўқитувчи бўлиб бир киши эмас, балки бир нечта мутахассислар иштирок этади, шунингдек, хона жиҳозлари, иштирокчиларнинг жойлашуви ва мулоқот усули ҳам аҳамиятлидир.

Аниқ вазиятлар таҳлили асосидаги семинар

Ушбу метод семинар машғулотида ўқитувчи касбий амалиётдан

олинган аниқ вазиятларни яратишдан иборат. Бундай ҳолатда талабалардан таклиф қилинган вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва қўйилган масаланинг амалий ечимини топиш талаб этилади. Бу метод семинарда қатор вазифаларни жорий этишга имкон беради: татқиқ қилиш, ўрганиш, баҳолаш, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш.

Талабалар аниқ вазиятларни ечишда одатда реал амалиётдагидек ҳаракат қилишади: уни таҳлил қилишда ўз тажрибасидан фойдаланиб, ўқув жараёнида эгалланган таҳлил қилиш усули, воситаси ва мезонларини қўллашади. Бунда талабалар кўпинча ўзлари аввал тўғри ва етарлича ишончли ҳисоблашган баъзи қарашлар, баҳолаш мезонлари ва ечим танлаш, таҳлил методлари самарасиз эканлигини пайкаб олишади. Аниқ вазиятлардаги анъанавий ёндашувлар аста-секин қўзланган натижани бермайди, таълим олувчилар томонидан номаҳсул сифатида рад қилинади. Ишлаш усули ва йўсинларининг янги тизими шаклланади. Талабаларнинг қарашлари ўзгаради, улар олдин бажара олмаган ишларнинг уддасидан чиқишади. Мутахассислар касбий фаолиятида дуч келадиган учта асосий вазият тури мавжуд:

Стандартли вазият маълум даражада типик (намунавий) бўлиб, тез-тез такрорланади, бир хилдаги манба ва сабабларга эга, ижобий ҳамда ижодий характерли бўлиши мумкин.

Кескин вазият фаолият учун типик эмас, тўсатдан, тасодифан бажарилади, дастлабки ҳисоб ва режаларни бузади, моддий ва иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатда зудлик билан аралашувни талаб этади.

Экстремал вазият (ёки фавқулодда ҳодиса) ноёб, аввал ўхшаши бўлмаган, режалаштирилмаган моддий ва инсоний ресурсларни жалб этишни талаб этади.

Семинарда аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методини қўллаш амалиёти қуйидаги аниқ вазиятлардан фойдаланади:

Вазият-иллюстрация ўзида амалиётдан аниқ мисолни намойиш қилишни талаб этиб, унда лавозимли шахсларнинг ҳатти-ҳаракати механизми ва қонуниятлари, техник масалаларни ечишнинг намунавий алгоритмлари, раҳбарлик, таълим ва тарбия метод ва усуллари юзага чиқади. Масалан, муайян иш турини ташкил этишда етакчи мутахассислардан бирининг иш тажрибаси ёритиладиган вазият таҳлилини кўрсатиш мумкин.

Вазият-масъул талабаларнинг махсус ахборот манбалари, адабиёт ва лугатлар ёки тадқиқот иш натижаларига мурожаатсиз ечилмайди. Вазият бўйича барча қатнашчиларнинг фаолияти орқали таълимий самара таъминланади. Бундай вазиятларда талабалар лугатли маълумотларни ўрганиши ва зарурий ҳисобларни бажариши лозим.

Вазият-муаммо амалий фаолият олдида асосли ҳисобланган муаммоли

масалани камраб олади. У таълим олувчиларга воқеликнинг кино-, теле-, видеофрагментини, қандайдир факт, воқеа, жараёнларнинг ҳолатини оддий папка кўринишидаги ҳужжатлар ёки таклиф этилган мутахассисларнинг чиқиши шаклида акс эттирадиган суҳбатнинг магнит ёзуви, интервью, маъруза, ҳужжатлар тўплами (чизма, чизма, диаграмма) тарзида тақдим этилади.

Вазият-баҳо аниқ воқеаларни намоиш қилади ва улар бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни тақдим этади. Бунда талабалар вазият манбаси, механизми, аҳамияти, оқибатлари ва қабул қилинган чоралар, лавозимли шахс ҳаракати ҳамда жамоа таъсирланишини баҳолаш учун топшириқлар олади.

Бу методдан фойдаланишда машғулот мавзусига мос сюжетларни излаб топиш, шунингдек, машғулотнинг бирмунча самарали варианты ва вазиятни тақдим этиш шаклини танлаш жиддий қийинчилик туғдиради. Сюжет топилиб, ишлов берилгач талабалар учун савол-топшириқларни ифодалаш зарур:

- Сизга таклиф этилган вазиятда нима рўй беради, қандай баҳолайсиз?
- У нечоғлик намунавий?
- Шунга ўхшаш ҳодиса билан олдин тўкнаш келганмисиз?
- Ушбу вазиятда ким томонидан ва қандай хатоликларга йўл қўйилди?
- Бу хатоларнинг келиб чиқиш сабаби нима?
- Қандай меъёр, қоида, қонунлар бузилган?
- Ушбу вазият қатнашчилари қайси директив ҳужжатлар ва меъёрий ҳолатларга таяниши зарур эди?
- Сиз агар ушбу вазиятга гувоҳ бўлсангиз унинг иштирокчиларига қандай маслаҳат берадингиз?
- Қандай йўл тутиш керак? Ечимни қандай ҳал қилиш керак?
- Агар сиз рўй берган воқеада бевосита иштирокчи бўлсангиз қандай ечим, ҳаракат ва қадам қўйган бўлардингиз?
- Ўз ҳаракатингизни асосланг.

Келтирилган вариант ва топшириқлардан ташқари ўқитувчи мавзу мазмуни ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзига хос масалаларни тайёрлайди. Ўртача вазиятда топшириқ ўзида беш-етти саволни акс эттириши лозим. Амалиётнинг кўрсатишича, семинар машғулотларида бундай вазиятлардан икки-учтасини ечиш мумкин.

Семинар машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг юқорида санаб ўтилган турлари фаол ўқитиш шакллариининг барча захирасини йукота олмайди. Айтилганлар билан биргаликда семинар-суҳбат, семинар-бахс, махсус семинар, ўқув-мавзуий мулоқот, семинар-ўқув саёҳати, семинар-тадқиқот ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Семинар машғулотларини ўтказишнинг касбий ўйин шакли таракқиётга йўл туётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Барча санаб ўтилган семинар метод ва шакллари талабаларнинг билиш фаолиятига ижодий тус беради, машғулотнинг мунозаралилигини таъминлайди, ўқитишнинг тарбиявий вазифаси ва принципини жорий этади.

5.3. Амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш асослари

Олий ўқув юртларида семинарлар билан биргаликда ўқитилаётган ўқув фанларининг ўзига хос алоҳидалигига мос ҳолда турли шаклларда олиб бориладиган амалий машғулотлардан кенг фойдаланилади.

«Амалий машғулот» тушунчаси нихоятда кенг талкин қилиниб, ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган ва илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш ва ўқув режадаги у ёки бу предмет бўйича муайян иш методларини эгаллашга йўналтирилган барча машғулотлар тушунилади. Амалий машғулотларга нафақат умумилмий курслар бўйича масалалар ечиш машқи, балки умуммуҳандислик ва махсус фанлар бўйича машғулотлар, лаборатория ишлари қиради. Амалий машғулотларнинг турли шакллари олий ўқув юртлари ўқув юкмасининг энг ҳажмли қисми саналади.

Амалий машғулотлар – назария ва амалиёт алоқасини таъминловчи, талабаларда маъруза ва мустақил ишлар давомида олинган билимларни қўллаш кўникмаси ва малақасини ишлаб чиқишга таъсир этувчи ўқитиш методидир.

Амалий машғулотлар ўзида намуналари маърузаларда берилган турли амалий масалаларни ечиш бўйича машғулотларни камраб олади. Натижада ҳар бир талабада алоҳида масалаларни ечишга муайян касбий ёндашув ва интуиция шаклланиши лозим. Шунинг учун қандай ва қайси турдаги масалалар танланиши, ўрганаётган курсда улар вақт бўйича қандай жойлаштирилиши, қандай уй вазифалари орқали мустаҳкамланиши олий таълим тизими учун муҳимдир. Амалий машғулотлар учун машқ ва масалалар тизимини саралаб, ўқитувчи ўрганилаётган фан предмети ва методлари ҳақида яхлит тасаввур беради ҳамда методик функция етакчи сифатида намоён бўлади.

Ўқитиш тизимида маъруза ва амалий машғулотларнинг кетма-кетлиги муҳим аҳамият касб этади. Маъруза талабаларни амалий машғулотга тайёрлашнинг биринчи қадами ҳисобланади. Унда қўйилган муаммолар амалий машғулотларда аниқ ечим ва ифодасини топади. Ҳар бир амалий машғулот анъанавий режада ривожлантирувчи, мустаҳкамловчи ва б. вазифаларни бажариши билан бирга кейинги маърузани фаол қабул қилиш учун тайёрлов машғулоти функциясини ҳам ўташи керак.

Шундай қилиб, маъруза ва амалий машғулотлар нафақат вақт бўйича

катъий алмашилиб туради, балки муаммоли вазиятлар билан методик боғланишда бўлади. Маъруза таълим олувчиларни амалий машғулотга, амалий машғулот эса – навбатдаги маърузага тайёрлаши лозим. Таъриба амалий машғулотда қаралаётган материалдан қанча узоқ бўлса, ўқитувчига талабаларни ижодий изланишга чорлаш шунча қийин бўлишини таъкидлайди.

Ўқитишнинг дастлабки босқичида маъруза ва амалий машғулотларнинг келишилмаганлиги жиддий, айниқса хавфли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Маърузачи ва амалий машғулот ўқитувчиси бир саволга турли нуктаи назарда– хилма-хил таърифлар, қисқартмалар, белгилашлар ва баъзида алоҳида фактларни турли кетма-кетликда баён қилишга асосланган ҳолда гапиришади. Бу талабаларни чалкаштириши, курсни эгаллашга зарар келтириши, унинг самарасини пасайтириши, материални қабул қилиш жараёнини қийинлаштириши мумкин.

Ҳар қандай ўқув фани бўйича амалий машғулотлар – бу жамоавий машғулотдир ва гарчи назарий саволни эгаллашда индивидуал таълим муҳим ўрин тутса-да, ўқитишда гуруҳ фикрига таянадиган жамоавий машғулот катта аҳамиятга эга. Машғулот давомида ўзаро ишонч ва самимий муҳит ҳукм суриб, талабалар эркин ҳолатда бўлишса ҳамда ўз мулоҳазаларини очик билдиришса натижа анча самарали бўлади.

Педагогик тажрибанинг кўрсатишича, амалий машғулотларда фақат масала ечиш, график қуриш ва б. амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш билан чегараланиш ярамайди. Талабалар ҳар доим курснинг етакчи гоёси ва унинг амалиёт билан алоқасини кўришлари лозим. Машғулот мақсади талабаларга тушунарли бўлиши ўқув ишларига ижобий таъсир этади, касбий фаолият тажрибасини эгаллаш заруратини тасдиқлайди, уни реал ҳаёт билан боғлайди. Бундай шароитда ўқитувчининг асосий вазифаси талабаларга асосий илмий гоё, концепция ва ҳолатларнинг амалий моҳиятини кўрсатиб боришдан иборат бўлади.

Амалий машғулот мақсадлари:

▪ таълим олувчиларда назарий характердаги билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;

▪ талабаларга амалий масалаларни ечиш усулларини ўргатиш, уларни ҳисоблаш ишлари, графикавий ва бошқа тур топшириқларини бажариш кўникма ва малакаларини эгаллашга йўналтириш;

▪ уларни илмий-техник адабиёт, хизмат ҳужжати ва чизмалари билан ишлашга, лугат ва илмий адабиётлардан фойдаланишга ўргатиш;

▪ мустақил шуғулланиш кўникмасини шакллантириш, яъни ўзини-ўзи ўқитиш, ривожлантириш, баҳолаш метод ва усулларини эгаллаш.

Талабаларни касбий тайёрлаш тизимида амалий машғулотлар мустақил таълимга ажратилган вақтнинг катта қисмини эгаллайди. Маъруза курсига қўшимча сифатида улар берилган ихтисослик бўйича малакали

мутахассис тайёрлаш асосини шакллантиради. Бундай машғулотлар мазмуни ва уларни ўтказиш методикаси шахснинг ижодий фаоллигини таъминлайди, талабаларнинг илмий тафаккури ва нутқини ривожлантириб, билимларини текшириб кўришга имкон яратади, шу билан боғлиқ машқ, семинар ва лаборатория ишлари тезкор тескари алоқанинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу туфайли амалий машғулотлар нафақат билув ва тарбиявий функцияларни бажаради, балки таълим олувчиларни ижодкор мутахассис даражасига кўтарилишини таъминлайди.

Маърузада талаба англашнинг муайян даражасига эришади, унда ўрганилаётган ҳодисаларга ёки реал муҳит предметиға нисбатан маълум алоқа ва муносабатлар ўрнатилади, ҳали мустақкам бўлмаган ассоциациялар ва ўхшашликлар шаклланади. Амалий машғулотларнинг моддий асоси ўқув фанлари учун характерли бўлган такрорий ҳаракатларни бажариш йўли билан шаклланган алоқа ва ассоциацияларни барқарорлаштиришдан иборат.

Агар амалий машғулот жараёнида такрорий ҳаракатлар ўқув материал мазмунининг хилма-хиллиги (бошланғич маълумотларнинг ўзгариши, ўқув топшириғига янги элементларни қўшиш, уларни ечиш шартларини алмаштириш ва б.) билан кузатилиб, машғулот вақти оқилона тақсимланса кўзланган мақсадға эришилади. Маълумки, бир хилдаги андазали такрорлаш билимларни тўлиқ англаб етишға олиб келмайди.

Амалий машғулотға, олий таълим тизимида қўлланилаётган бошқа ўқитиш методлари ва бажараётган функциясига қараб илмийлик, тушунарлилик, шакл ва мазмун бирлиги, бошқа ўқув машғулотлари ва амалиёт билан узвий алоқадорлик талаблари қўйилади.

Ўқитувчининг амалий машғулотни ўтказишға тайёрланиши бошланғич хужжатлар (ўқув дастури, ишчи режа ва б.)ни ўрганишдан бошланади ва машғулотни ўтказиш режасини чизмаийлаштириш билан тугайди.

Ўқитувчида бошланғич хужжатларни ўрганиш асосида амалий машғулот мақсад ва вазифалари ҳамда ҳар бир талаба бажариши лозим бўлган иш ҳажми тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Бу учун ўқитувчига (ҳатто у ушбу курс бўйича маъруза ўқийдиган бўлса ҳам) олдинда турган амалий машғулот нуктаи назаридан маъруза мазмунини қайтадан қараб чиқиш тавсия этилади. Аниқ масала ва машқлар мисолида яна бир марта тушунча, ҳолат ва қонуниятларни ажратиб кўрсатиш ҳамда намойиш этиш лозим. Шундай қилиб, эгаллаш лозим бўлган мазмунни саралаш амалға ошади.

Амалий машғулотнинг муҳим элементи ечиш учун тавсия этилаётган ўқув топшириғи (муаммо) ҳисобланади. Ўқитувчи амалий машғулот учун мисол(масала ва мантиқий топшириқ)ларни саралар экан, ҳар сафар дидактик мақсадни аниқ тасаввур қилиши лозим: ҳар бир масалани ечиш натижасида қандай қўникма ва малака сингдирилиши ва у таълим

олувчилардан қандай тиришқокликни талаб этиши, масалаларни ечишда талабалар ижодкорлиги нимада намоён бўлишини билиши керак.

Амалий машғулотларнинг камчилиги — кўпинча уларда ечиладиган масалалар йиғиндиси асосан оддий мисоллардан иборат бўлиб қолишидир. Бу масалалар битта қонидани намойиш қилишга хизмат қиладиган ва амалиётга фақат уни қўллай оладиган соҳа билан характерланади. Бундай топшириқлар зарур, уларсиз мумкин эмас, бироқ улар кенг камровли бўлиши шарт, яъни талаба бирмунча мураккаб, кейинчалик эса ишлов беришга имкон яратадиган масалаларни ечишга ўта олсин.

Агар талабалар машғулотнинг ўқув имкониятлари тугаганлигини англаб етса, унга бўлган қизиқиши йўқолади. Бундай психологик муҳитни ҳисобга олган ҳолда, машғулотни шундай ташкиллаштириш муҳимки, талабалар ҳар доим бажарадиган топшириқларнинг мураккаблиги ошиб бораётганлигини ҳис этишсин. Бу таълимда хусусий муваффақиятни англашга олиб келади ва уларнинг билиш фаолиятини ижобий далиллайди.

Ўқитувчи машғулотни талабаларнинг ижодий ишлар билан машғул бўлиши, ўз қобилиятларини юзага чиқариш имкониятларини ярата олиши мумкин бўлган ҳолда тўғри ва аниқ ечимни излаш йўли билан олиб бориши лозим. Шунинг учун машғулотни режалаштиришда ва индивидуал топшириқларни ишлаб чиқишда ўқитувчига ҳар бир талабанинг тайёргарлиги ва қизиқиш даражасини инобатга олиш керак бўлади. Педагог бундай ҳолларда талабаларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини буғмаган ҳолда зарурий ёрдамни ўз вақтида кўрсата оладиган маслаҳатчи ролини ўтайди.

Дастлаб талабаларга репродуктив фаолиятга мўлжалланган, хотирада англаш ва мустаҳкамлаш учун маърузада берилган ҳаракат усулларини оддий қайта тиклашни талаб этадиган енгил масала (мантикий топшириқ)лар бериш тавсия этилади. Бундай масалалар таълим олувчиларнинг кичик ҳажмда (бир маъруза чегарасида) ўрганилган материалнинг алоҳида саволларини тўғри тушунаётганини назорат қилишга кўмаклашади. Бунда маърузада кўрилган намуна бўйича масалаларни ечиш устуворликка эга бўлади.

Кейин ўқув масалалари мазмуни мураккаблашади, қайта ўзгартирувчи фаолиятга мўлжалланган масалалар тавсия этилади. Улар талабадан нафақат ўзига маълум бўлган ҳаракатларни қайта ишлаб чиқиш ва такрорлашни, балки унинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилишни, масала шартлари ва илгари сурилган фаразлар асосида олинган натижалар таҳлилига боғлиқ ўз мулоҳазасини билдиришни тақозо этади.

Мавзунинг алоҳида қисмларига оид бу турдаги масалалар ўрганилган методларни қўллаш кўникмаси ва малакасини ривожлантиради ҳамда уларнинг мавжудлигини назорат қиладди. Кейинроқ масала (мантикий топшириқ) мазмуни янада мураккаблашади: дастлаб уларнинг ечи-

ми маҳсулдор фаолиятнинг баъзи элементларини, кейин эса – тўлик маҳсулдор (ижодий) фаолиятни талаб этади. Бундай масалалар умуман мажмуий ҳаракатга эга бўлади ва мавзу ёки курс материални ўрганиш даражасини назорат қилиш учун мўлжалланади.

Мураккабликни тобора ошириш асосида ўқитувчи талабаларнинг ўқув фани учун характерли бўлган муҳим метод ва усулларини эгаллашга эришади.

Ўқитувчининг амалий машғулотни ўтказишга тайёрланиши куйидагича:

- таълим олувчиларнинг маърузада баён қилинган ва улар мустақил ўрганган назарий материални изоҳлаш билимларини назорат қилувчи саволларни саралаш; саволлар шундай мантиқий тартибда жойлашиши лозимки, натижада талабаларнинг жавоблари яхлит назарий асос бўлган машғулот ядросини яратсин;

- мисол ва машқлар учун материал танлаш. Масалаларни саралашда ўқитувчи куйидагиларни ҳисобга олиши шарт: нима учун айнан шу масала танланди, (масалаларнинг танланиши тасодифий бўлмаслиги керак); таълим олувчи бу масалани ечиш билан нимани олади (танланган масалалар ечимида бевосита амалий натижани олдиндан кўра билиши керак); мавзу ва ўқув фанини эгаллаш учун талабага унинг ечими нима беради (ҳар бир масала ечимига ўқитишнинг галдаги «зинапояси» сифатида қараши, у ниҳоятда мураккаб, бироқ енгил ечиладиган ҳам бўлмаслиги тўғрисида ўйлаши керак);

- сараланган масалаларни ўқитувчи томонидан ечилиши (таълим олувчиларга тавсия этилган ҳар бир масала олдидан ечилган ва методик ишланган бўлиши керак);

- масалалар, шунга ўхшаш амалиётда учрайдиган мисоллар ечимидан хулосалар тайёрлаш, якуний чиқиш (нутқ)ни ишлаб чиқиш;

- машғулотга, ҳар бир масала ечимига ажратиладиган вақтни тақсимлаш;

- масалалар ечими учун зарур бўлган кўргазмалар материал (плакат, чизма, чизма)ни саралаш, доскада чизма ва ёзувларни жойлаштириш, шунингдек турли хилдаги намоишларни ўйлаб кўриш.

Амалий машғулотлар, қоидага кўра, бир гуруҳ билан ўтказилади, шу боисдан уни ўтказиш режасида ушбу гуруҳдаги талабаларнинг индивидуал хусусиятлари эътиборга олиниши лозим. Бу вақтни тақсимлашга, ечиш учун таклиф этилаётган масалалар мураккаблиги ва сонига ҳам тегишлидир.

Ўқитувчи мавзуга оид амалий масала(мантиқий топширик)лар тизимини яратиб, аниқ машғулот учун зарурий масалаларни танлаб, уларнинг ҳар бирини ечиш вақтини ҳисоблаб, амалий машғулотни ўтказиш режасини ишлаб чиқади.

Қайси шаклда унинг иш режасини ифодалаш мақсадга мувофиқ? Энг макбули педагогнинг ўзи кўниккан шакл мақсадга мувофиқ. Педагогик тажриба тахлили бундай режа ўзида машғулот ўтказиш учун умумий бошланғич маълумотлар ва унинг мазмунли қисмини камраб олишини кўрсатади.

Амалий машғулот ўтказиш режасида қуйидаги саволларга жавоблар берилиши керак:

- уй вазифаларини текширишга қанча вақт сарфлаш зарур?
- талабалардан назария бўйича сўровга қанча вақт сарфланади ва қандай саволлар берилиши керак?
- қандай мисол ва масалалар доскада ечилади ва қайси кетма-кетликда?
- у ёки бу масалада нимага эътиборни қаратиш лозим?
- ҳар бир масала бўйича чизма ва ҳисоблаш ишлари қандай жойлаштирилади?
- назария бўйича кимдан сўраш лозим ва масалани ечиш учун доска ёнига кимни чақириш керак?
- доскага чақирмасдан ечиш учун қайси масалалар тавсия этилади?
- қайси масалалар «кучли» талабаларга таклиф этилади?
- уйда мустақил ечиш учун қандай масалалар берилиши керак?

Амалий машғулотни ўтказиш тартибини қараб чикамиз.

Амалий машғулот кискача кириш сўзи ва назорат саволлари билан бошланади. Кириш сўзида ўқитувчи мавзунини эълон қилади, мақсад ва машғулотни ўтказиш тартибини тушунтиради. Сўнгра ўтган машғулотда ўқитувчи фойдаланган кадрларни экранда тезкор намойиш қилиш билан ушбу машғулотга тегишли маъруза материали талабалар хотирасида тикланади.

Талабалар олдида назарияга оид қатор назорат саволлари қўйилади, бу билан ўқитувчи таълим олувчилар диққатини ушбу машғулотда оид ўқув материалга қаратади. Назорат саволларининг барча гуруҳ олдида қўйилиши методик жиҳатдан тўғри, кейин эса маълум вақт ўтгач аниқ бир талаба чақирилади.

Амалий машғулот турли схемада ўтказилиши мумкин. Баъзи бир вазиятда талабаларнинг ҳаммаси масалани мустақил ечади, ўқитувчи эса қатор оралаб уларнинг ишларини назорат қилади. Айрим ҳолда ўқитувчи уларга зарурий тушунтириш беради ва ижодий фикрлашга чорлайди.

Бошқа вазиятда доскага чақирилмаган талаба ўқитувчи назоратида масалани ечади ва ўз ечимини шарҳлайди. Бироқ бундай ҳолатда педагогнинг вазифаси қолган талабаларни мустақил ўйлаб ва ишнинг моҳиятини англаб ечимни тушунтиришга ундашдан, аксинча, доскада ечилган масалани механик тарзда кўчиришга йўл қўймасликдан иборат.

Барча вазиятларда нафақат масалани ечиб тўғри жавобни олиш, балки

муайян билимларни мустахкамлаш, билимларнинг чуқурлашишига эришиш, ижодкорлик намунасини намойиш қилиш муҳим ҳисобланади. Талаба жавобни олишга интилиб, формулалардаги белгиларни ўйламасдан, механик ҳолатда қўймаслиги, аксинча, ҳар бир масала ечими чуқур фикрий жараёнга айланиши керак.

Амалий машғулотда ҳар қандай педагогнинг вазифаси ўз предмети(фани)ни ўқитиш билан бирга – инсонни фикрлашга ўргатишдир. Айнан шу ерда ўқитувчи ўз педагогик иктидорини намойиш қилиш имкониятига эга бўлади.

Талабаларни ҳар қандай масалани муайян схема бўйича педагогик мақсадга мувофиқ босқичма – босқич ечишга ўргатиш жуда муҳим. Бу уларда муҳим касбий сифатларнинг ривожланишига олиб келади.

Амалий машғулотлар ичида айниқса, техника олий ўқув юртларида гуруҳли машғулот деб номланувчига алоҳида ўрин ажратилади, унда турли техника объектлари, уларни ишлатиш шартлари ва қоидалари, амалий фойдаланиш йўллари ўрганилади.

Бундай машғулотларни ташкил этишда ўқув мақсадларига муваффақиятли эришиш учун қуйидаги асосий талаблар бажарилади:

- талабаларнинг ҳаракатлари маъруза ва семинар машғулотларида олдин қўйилган методика ва методларга мос келиши ;
- талабаларнинг ҳаракатлари бўлажак касбий мажбуриятларига юқори даражада яқинлашиши;
- кўникма ва малакаларни босқичма-босқич шакллантириш; билимдан кўникма ва малакага, оддийликдан мураккабликка интилиш;
- тренажерларда ёки ҳаракатдаги техникаларда ишлашда мавжуд ҳужжат ва технологик хариталардан ва б. фойдаланиш;
- индивидуал ва жамоавий кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилиш.

Ўқитувчининг амалий машғулотларга тайёрланиши кафедрада ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича бошланғич ҳужжатларни ўрганишдан бошланади. Улар асосида ўқитувчида талабалар бажараётган машғулот мақсад ва вазифалари, иш ҳажми, шаклланиши керак бўлган кўникма ва малакалар даражаси тўғрисида маълумот бўлади.

Ҳар бир амалий машғулотда, талабалар учун махсус топшириқлар ишлаб чиқилиб, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиши бўйича методик илова берилиши таъминланади. Бундай топшириқлар шакли бир-биридан муайян фарқ қилувчи олий ўқув юртларида ишлаб чиқилган талаб, машғулотнинг дидактик мақсади, шунингдек уни ўтказиш алоҳидалигига боғлиқ ҳолда танланиши мумкин. Бироқ, бу топшириқларни ишлаб чиқишнинг умумий ёндашувлари мавжуд бўлиб, уларга батафсил тўхталамиз.

Таълим олувчилар учун махсус топшириқлар икки асосий бўлимдан иборат бўлади. Биринчи бўлимда ўқув саволлари берилиб, уларга ишлов

бериш учун талабалар тайёрланган бўлиши лозим. Саволлар мавзуий режа билан аниқланади ва ўқув режасидаги ишлар мазмунини камраб олади. Иккинчи бўлимда талабаларнинг машғулотга мустақил тайёрланишида нимани ўрганиши, нимани бажариши, нимага тайёр бўлиши, қайси ўқув тугунларига ишлов бериш лозимлиги кўрсатилади. Бундан ташқари машғулот ўтказишнинг умумий тартиби ва жойи, шунингдек хавфсизлик чоралари кўрсатилади.

Машғулотга оид иловаларда қўлланма ва йўриқномалардан кўчирмалар (шу жумладан техника хавфсизлиги бўйича), графикавий ишлар ва бошқа зарур луғат материаллари кайд этилади.

Ўқитувчининг амалий машғулотни олиб боришда асосий методик ҳужжати методик кўрсатма ҳисобланади.

Топшириқнинг биринчи бўлимида келтириладиган машғулот мақсадларини (дидактик ва тарбиявий) ифодалашда диққатни талабаларда нафақат ишни бажариш кўникмасини ҳосил қилишга, балки уларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратиш лозим. Иккинчи бўлимнинг асосий мазмуни ўқув вақти ҳисобидан ёки ўқув тугунларида таълим олувчиларнинг графикавий ишларидан иборат бўлади. Муайян шароит (ўқув вақти давомийлиги, ўқув соатлари сони)ни ҳисобга олган ҳолда, ўқув соатларига ишлов бериш учун ажратиладиган вақт академик соат давомийлиги билан катъий боғлиқ эмас ва шу боисдан улар ўртасида махсус танаффуслар қаралмайди. Таълим олувчилар диққатининг бир объектдан бошқасига кўчирилиши учун ўқув саволларини алмаштириш ёки бир ўқув саволидан бошқасига ўтиш вақтидан фойдаланилади.

Машғулот раҳбарига тегишли методик тавсияларда ўқув методик материалларга ишлов бериш тартиби, ўқув гуруҳлари таркибининг аниқлаш, ишчи ўринларини алмаштириш кетма-кетлиги кўрсатилади. Бунда машғулот ўқув саволлари, техника хавфсизлиги бўйича билимларини текшириш методикаси (инструктаж ўтказиш) ва техник воситаларнинг ишлаш режимини сақлаш аниқланади, рационал ишлаш методи, техникада амаллар ва ҳаракатларнинг бажарилиши келтирилади.

Иловалар сифатида одатда амалий машғулотларда қараладиган топшириқлар билан боғлиқ ҳужжатлардан фойдаланилади.

Талабанинг ишчи ҳужжати машғулотни ўтказиш режаси ҳисобланади. Унда кириш қисмининг қисқача мазмуни (тезис) ифодаланади: машғулотга тайёрликни текшириш, мавзу, ўқув мақсади ва саволларини эълон қилиш, техника хавфсизлиги бўйича йўриқнома, ўқув жойларини тақсимлаш ва уларда ишлаш кетма-кетлигини аниқлаш.

Режанинг асосий қисмида таълим олувчиларнинг ҳаракатлари тартиби ва ўқитувчининг машғулот мақсадига самарали эришишга, шунингдек талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган методик усуллар ажратилиб кўрсатилади.

Ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда техника ва ўқув жойларини тайёрлаш, зарурий ҳужжат (чизма, технологик харита ва б.) ларни саралаш ва буюртма бериш амалга оширилади.

Ўқув лабораторияси раҳбари билан куйидаги саволлар келишиб олинади: қайси техник жиҳоз қандай вақтга тайёр бўлиши керак, иш ўринларида қандай назорат-ўлчов жиҳозлари бўлиши керак, таълим олувчиларга қандай маълумотлар берилиши лозим, қандай техникавий ҳужжатлар билан уларни таъминлаш керак ва ҳоказо.

Асосий вазифа техник жиҳознинг ишлаш қобилияти ва унинг техник тавсифномада келтирилган меъёрлар билан мос келиши, шунингдек назорат-ўлчов жиҳозларининг мавжудлиги ва тайёргарлигини текширишдир. Текшириш давомида техникани ишлатишнинг ўзига хослиги ва ҳолати қайд этилади. Текшириш натижалари машғулот раҳбарига маълум қилинади. У билан келишув асосида техникадан амалий фойдаланиш хусусиятини ҳисобга олиб, қисман тузатиш ўтказилади. Тузатишни муайян ҳужжатларда бажарилган ўзгаришларни ифодалаш билан барча гуруҳлар учун ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Амалий машғулотларни ўқув гуруҳларида бир ёки икки ўқитувчи лабораториянинг муҳандис-техник ходимларини жалб қилиб ўтказиши мумкин. Иккинчи вариант бир неча ишчи ўринларнинг мавжудлиги ва индивидуал ўқитиш зарурати ҳисобга олинганида бирмунча самарали бўлади.

Техника олий ўқув юртлирида амалий машғулот олиб боришнинг алоҳидалигига эътиборни қаратамиз.

Машғулот бошида мавзу, ўқув мақсади ва режаси эълон қилиниб таълим олувчиларда мотив уйғотилади. Сўнгра техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказилади. Ўқитувчи электр ускуналари, электромагнит нурланиш манбалари, заҳарли суюқликлар ва б. билан ишлашда хавфсизлик қоидаларини ва эҳтиёт чораларини кўрсатади. Блокларни очиш, уларни алмаштириш, ишлатиш ҳужжатларида кўрсатилган амалларни бажариш тартибини бузиш мумкин эмаслигига эътибор қаратилади. Талабалар инструктаж тугагач, «техника хавфсизлиги бўйича инструктаж журнали»га имзо қўядилар.

Ўрганилаётган техника намуналари бўйича талабаларнинг маъруза ва мустақил тайёрланиш давомида шаклланган назарий билимларини текшириш мақсадга мувофиқдир.

Икки-уч талабанинг билимлари текшириб кўрилгач, ўқитувчи машғулот ўтказиш тартибини эълон қилади. Барча тузилмали компонентларни бажариш босқичларга бўлинади, ҳар бир босқич амалларини бажариш учун аниқ вақт белгиланади. Машғулотнинг ўқув саволлари, асосий босқичлари, уларни бажариш учун ажратиладиган вақт доскада ёритилади.

Амалий машғулот ўқув гуруҳларини кичик гуруҳларга ажратишни талаб этади. Бу бўлинишни ўқитувчи топширикни бериш олдидан амалга оширади, ҳар бир гуруҳ сардори белгиланади (бу ишни гуруҳдаги талабалар ҳал қилишгани маъқул). Бунда кичик гуруҳларнинг ўқув саволларига ишлов беришда узаро ҳаракатланиш тартиби (иш жойи бўйича таксимлаш, алмашиш тартиби ва б.) доскада келтирилиши лозим.

Машғулотнинг асосий қисмини амалий иш ташкил этади. Талабалар техникани ишлатиш бўйича йўриқнома, амалий кўрсатма ва бошқа ўқув қўлланмалардан фойдаланган ҳолда ҳаракатларни бажаришади. Улар мустақил ишлашади, ўқитувчи эса улар фаолиятини ўқув мақсадларига эришишга йўналтиради.

Машғулот жараёнида раҳбар ҳаракатларни бажариш метод ва усуллари ҳамда йўл-йўриқларини кўрсатади, улар кетма-кетлигини, алоқадорлигини тушунтиради, характерли хатолардан огоҳлантиради.

Айрим ҳолларда таълим олувчилар йўл кўйган хатоликлар ўзлари учун узоқ вақт эса қоладиган дарс бўлиши мумкин. Асосийси, аниқланган камчиликлар техника хавфсизлиги қоидаларидан четга чиқишга, ортикча энергия ва моддий харажатларни сарфлашга олиб келмаслиги лозим.

Ишни фаоллаштириш учун бир неча муаммоли вазиятларни машғулот давомида тайёрлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улар ечиб бўлингач муҳокама ўтказилади, уларда иштирок этган талабалар ҳаракатлари қисқача баҳоланади.

Амалий машғулотларни ташкил этишда шаклланаётган билим даражасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, меъёрий ҳужжатларни эгаллаш даражасини аниқлаш бўйича раҳбарлар учун ягона мезонлар ишлаб чиқиш зарур.

Машғулот жараёнида ўқитувчи якунлаш учун материал йиғади, уни дастлаб кичик гуруҳлар бўйича ўтказишни мўлжаллайди: талабалар эришган ютуқ ва камчиликлар кўрсатилади, кейин барча ўқув гуруҳи бўйича ўтказилади. Сўнгги босқичда ишдаги умумий ютуқ ва камчиликлар, мустақил ишлаш давомида кўникма ва малакаларни янада такомиллаштириш йўллари қайд этилади.

Яқун сўнггида ўқитувчи мустақил ишлаш учун топшириклар бериб, талабаларнинг саволларига жавоб беради.

Лаборатория практикуми амалий машғулот тури сифатида

Лаборатория практикуми – олий ўқув юртлари ўқув жараёнининг ажралмас элементи бўлиб, таълим олувчилар илк марта муайян соҳада мустақил амалий фаолият билан тўкнаш келадилар.

Бошқа амалий машғулот турлари каби лаборатория машғулотлари ҳам талабаларнинг маъруза ва семинарларда олган назарий билимларини амалиётда қўллаш ўртасидаги боғловчи ҳалқа ҳисобланади.

Бу турдаги машғулотлар назарий тадқиқот ва амалий ишлар элементларини бириктиради.

Лаборатория ишларини бажариб бўлиб, талабалар дастур материалларини яхши ўзлаштириб оладилар, чунки кўпгина мавхум кўринган таъриф ва формулалар бутунлай аниқлаштирилади, назария билан амалиёт ўзаро кесишиб, умумий ҳолда фаннинг мураккаб тушунчаларини аниқлашга эришилади.

«Лаборатория» сўзнинг маъноси (лотинча labor – меҳнат, иш, кийинлик) бу тушунчанинг илмий ва ҳаётий масалаларини ечиш учун олдин номаълум бўлган йўл ва воситаларни излаб топишга ақлий ва жисмоний кучни ишлатиш билан боғлиқлигини кўрсатади.

Олий таълим тизимида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида кейинги вақтда мажмуий лаборатория ишлари кенг тарқалмоқда. Улар техник фонда ўтказилиб, бўлажак мутахассис ишлайдиган реал шароитга яқинлаштирилади (турли хил жиҳоз ва қурилмалар асосида)

Лаборатория машғулотлари талабаларнинг мустақил амалий иш турларидан бири бўлиб, эксперимент ўтказиш йўли билан касбий тайёргарлик манфаати учун назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш амалга оширилади.

Талабалар билан лаборатория машғулотларини ўтказилганда қуйидаги мақсадларга эришилади:

– маърузада баён қилинган қонун ва ҳолатларни лаборатория шароитида амалий ўрганиш йўли билан назарий курс билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;

– илмий тажриба ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллаш;

– илмий тадқиқотларни ташкил этишни режалаштириш ва ўтказишнинг дастлабки малакаларини шакллантириш.

Олий таълимга тегишли барча ҳужжатларда бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш воситаси сифатида лаборатория машғулотларини янада такомиллаштириш ва фаоллаштириш зарурати кўрсатилади. У мазмунни ошириш, лаборатория жиҳозларини янгилаш ва методик таъминотни ташкил этиш йўлидан бориши лозим.

Ўқув курсини шакллантиришда бирмунча мураккабликни амалий ўзлаштиришга лойиқ бўлган материални саралаш келтириб чиқаради. Лаборатория машғулотини шакллантира бориб, амалий ўқитишнинг лаборатория шароитида бирмунча ечилиши қулай бўлган қисмини ажратиш муҳим ҳисобланади. Бундай машғулот учун ўқитувчи материал саралайди, унинг асосида ўқув эксперименти (тажриба-синов)ни қўйиш мумкин бўлади, шу билан бирга барча тажрибаларнинг асосий вазифаси ҳодисалар (ўрганилаётган техникавий объектларда ёки табиатда кечадиган

ган ички жараёнлар) моҳиятини ўрганишдан иборатдир. Айни пайтла бу материал таълим олувчиларни махсус тайёрлашга мосланиб, замонавий илмий тадқиқотлар методикасини очиб бериши керак.

Лаборатория машғулотларида намоёиш қилинадиган дастур саволларини ажратишда биринчи навбатда ҳар бир саволнинг ўрганилаётган ўқув фани доирасида тузилмасини шакллантиришдаги ўрни қандай, талабалар учун у ёки бу муаммони тажриба—синовсиз эгаллаш қайси даражада қийин эканлигидан келиб чиқиш лозим.

Ўқув фанларидан лаборатория машғулотларида ушбу фанларнинг асосий қонуниятларини намоёиш қилишга, моддалар тузилишини ўрганиш ва жараёнларини таҳлил қилиш учун ўлчашнинг физик методларини қўллашга, объект ва ходисаларни ҳар томонлама ёритиш ва тушунтириш қўникмаларини талабаларда ҳосил қилишга имкон берадиган материал олиб чиқилади. Махсус предметлар бўйича бўлажак мутахассислар ўз амалий ва илмий фаолиятларида бажарилиши керак бўладиган ишлар ўтказилади.

Албатта, лаборатория машғулотларини ташкил этишда кафедралар нафақат ўзининг предметли вазифаларини, балки бошқа кафедралар ўқув масалаларини ва яхлит тарзда таълим олувчилар фаолиятини муайян йўналишнинг бўлажак мутахассислари сифатида эътиборга олишлари зарур. Тажрибавий тайёргарликни амалга оширишда кафедралар ўртасида узвийлик биринчи навбатда ўқув дастурларининг ва хусусан — лаборатория машғулотларида дастурларнинг қатъий мувофиқлиги асосида таъминланади. Лаборатория практикуми соҳасида предметларро алоқаларнинг ўрнатилиши қуйидаги йўналишларда олиб борилади: тушунча, таъриф ва катталикларнинг белгилари барча ўқув фанлари бўйича ягона тизимни ташкил этиши учун мослаштирилади; бу тушунчаларни жойи ва вақти бўйича киритиш тартиби келишилади, яъни таъминловчи предметлар ва ўрганилаётган предмет бўйича асосий курс маърузалари таълим олувчиларни ушбу лаборатория ишида қаралаётган ечимларни ўз нуктида тайёрлашга асос бўлади.

Шундай қилиб, лаборатория практикуми тузилишининг ўзи йўналиш курсининг бошқа ўқув фанлари билан мантиқий боғланишларни ўрнатиши, талабалар ушбу фанни ақс эттирадиган яхлит тизимни барча тузилмалари билан ўзлаштириши лозим.

Лаборатория практикуми дастурини ишлаб чиқишда фавқулодда эътиборга олинishi керак бўлган ҳолат, олий ўқув юртлари битирувчиларни намунавий материални яхши ўзлаштиришларига қарамадан, уни ўзларининг асосий фаолиятларида ҳар доим ҳам қўллай олишмаслигидир.

Шундай экан, техника олий ўқув юртларида лаборатория практикумига қўйилган асосий талаб — ўқув материалининг мазмуни ва машғулотни ташкил этиш шакллари шундай танлаш лозимки, улар таълим олувчи-

ларнинг билиш фаолиятини ривожланишига, илмий ва амалий масалаларни ечишда ижодкорлик ва мустақилликни таъминлашга ёрдам берсин.

Лаборатория машғулотларининг самараси кўпгина таркибий қисмларга: ўқитувчининг назарий, амалий ва методик тайёргарлигига, машғулотни тайёрлаш бўйича ташкилий қобилиятига, лаборатория базаси ва методик таъминот ҳолатига, шунингдек таълим олувчининг тайёргарлик даражаси ҳамда уларнинг машғулотдаги фаоллигига боғлиқ.

Лаборатория машғулотларини ташкил этиш шакллари биринчи навбатда талабалар ва лаборатория ишлари сонига, дастурли материал мазмуни ва ҳажмига, шунингдек ўқув хоналарининг сифимлиги ва жиҳозларнинг тайёргарлигига боғлиқ. Олий ўқув юртларида ушбу шартларга боғлиқ ҳолда лаборатория машғулотларини ўтказишнинг куйидаги шаклларида фойдаланилади: фронтал (ялпи), циклли, индивидуал (якка тартибда) ва аралашмали.

Лаборатория машғулотларини ўтказишнинг ялпи шакли ишни барча талабаларнинг бир вақтда бажаришини талаб этади. Уни қўллаш ўқув материални бирмунча чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради, чунки лаборатория ишларини бажариш жадвали маъруза ва ўқув машғулотлари билан мос тузилади. Бунда машғулотларни ўтказишнинг юқори методик даражаси таъминланади, чунки ҳар бир машғулотда ўқитувчи диққати бир ишга қаратилади. Бироқ бу шакл катта сондаги бир турли, баъзан қиммат турадиган жиҳозлар ва универсал стендларни талаб этади, уларни жойлаштириш учун эса катта лаборатория майдонлари керак бўлади.

Баъзи олий ўқув юртларида лаборатория ишларини цикллар бўйича ташкил этишдан фойдаланилади. Бунда иш маъруза курсининг муайян бўлимига мос келадиган бир неча циклларга бўлинади. Бир цикл 4-5 ишни бирлаштириб, бир турдаги стендларда амалга оширилади. Талабалар ишни жадвал бўйича бажаришади, бир циклдан бошқасига ўтишади. Ташкил этишнинг циклли шаклига мувофиқ лаборатория практикумлари дастурида нисбатан вақт бўйича бир хилдаги давомийликка эга аниқ белгиланган бўлимлари мавжуд бўлган ўқув фанлари бўйича тузилади.

Лаборатория базаси бўйича имкониятлари катта бўлган олий ўқув юртларида ишларни ташкил этишнинг индивидуал шакли жорий этилади, бунда ҳар бир талаба дастурда белгиланган ишларни жадвал асосида ўрнатилган муайян кетма-кетликда бажаради. Бундай ҳолда талабалар бир вақтда турли мавзулар устида ишлаши мумкин. Лаборатория ишлар кетма-кетлиги маъруза курси кетма-кетлиги билан мос келмаслиги мумкин, бироқ бунда талабаларнинг аниқланган илмий қизиқиш ва майлларини ҳисобга олиш мумкин бўлади. Ушбу ташкилий шакл маърузаларни кенгайтириш ва талабаларга илмий тадқиқотлар учун катта имкониятлар тақдим этиш каби афзалликларга эга.

Олий ўқув юртларида кўпроқ юқорида қайд этилган шаклларнинг

кулайидан фойдаланишга имкон берадиган лаборатория машгулотларини ўтказишнинг аралашмали шаклидан фойдаланилади. Ўқитишнинг бошида ўқитиладиган курсларда ялпи шакл қўлланилади, кейин циклли ва индивидуал шаклга ўтилади. Барча ҳолларда кафедра ҳар бир лаборатория ишини талабалар томонидан мустақил бажарилишини таъминлашга интилади. Лаборатория ишларини бажаришда талабаларнинг мустақиллигини аста-секин ошишини таъминлашга қаратиб, кафедра улар фаолиятини бўйсиндиришнинг турлича даражасидан фойдаланади ва табиийки машгулотни ўтказиш методикасига ўз таъсирини ўтказди.

Лаборатория машгулотларини ўтказишда уларни бажаришга бўлган учта ёндашувни қайд этиш жоиз:

- таълим олувчиларнинг андозали ҳаракатлари, қачонки уларда лаборатория практикуми бўйича қўлланмада акс этган стандартли шароитларда ишлаш кўникмалари юзага чиқади;

- қисман изланувчан фаолият, қачонки талабалар етарлича мустақил ҳаракат қилишади, ўқитувчининг кўрсатмаси ёки раҳбарлиги остида мураккаб бўлмаган ижодий масалаларни ечишади;

- талабаларнинг фаол ижодий ҳаракатлари қачонки, улар эгаллаган билимлар заҳирасидан фойдаланиб, реал шароитга яқин ҳолатларда ҳаракатланиш қобилиятини намоён қилишади.

Албатта ўқитишни жадаллаштиришнинг ҳозирги шароитида учинчи ёндашув устуворлик касб этиши лозим, бироқ биринчи ва иккинчи ёндашувни тўлиқ инкор қилиш ярамайди. Шу боисдан лаборатория ишларини қуйидагича:

- биринчи босқич талабалари учун – фаолиятни катъий бўйсиндириш билан;

- иккинчи ва учинчи босқич талабалари учун – фаолиятни бўйсиндиришни кучсизлантириш билан, қисман – изланувчан методдан фойдаланиш билан;

- юқори босқич талабалари учун – тўлиқ мустақиллик шароитида тадқиқий характердаги лаборатория ишлари фақат ўқитувчининг четдан назорати орқали режалаштириш тавсия этилади.

Лаборатория машгулотларига тайёрланишнинг ўзига хослиги

Лаборатория машгулотига тайёргарлик бошланғич ҳужжатларни ўрганиш, машгулот мақсад ва вазифаларини тайёрланиш учун талабаларга ажратиладиган вақтни аниқлаш билан бошланади.

Лаборатория ишига тайёргарлик кўриш давомида ўқитувчи лаборатория машгулотларининг муаммоси, ҳажми ва мазмунини тушунтиради, қайси тушунча, таъриф, назариялар ушбу тажриба – синовда намоён қилинишини машгулот давомида талабалар қандай кўникма ва малакаларни эгаллашини, қандай билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришни

аниклаб олади. Бунда ўқитувчи ўқитишнинг қайси босқичида лаборатория ишига тайёрланиш вазифасини қўйишни, қандай қилиб талабаларда билиш фаолиятини фаоллаштиришга эришишни ҳал этиши керак.

Лаборатория ишига тайёргарлик кўриш масаласи маъруза ёки амалий машғулотда талабалар уни ўтказишга сифатли тайёрланиши мумкин бўлган вақт ҳисоби билан қўйилади. Бир вақтда уларга кафедрада ишлаб чиқилган «Лаборатория иши учун топширик» ва «Лаборатория ишлари тавсифи» берилади. Ўқув-методик материаллар, барча лаборатория практикумини ўтказувчи ўқитувчи томонидан тайёрланади.

Кўрсатилган методик материалда назария бўйича қисқача маълумот, ишни бажариш тартиби, ҳисобот мазмуни, тайёрланиш учун саволлар ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати акс этади. Шунингдек, унда талабалар ишга тайёргарлик кўришида, тажриба-синов жараёнида ва олинган натижаларга ишлов беришда ечиши лозим бўлган вазифалар қайд этилади.

Ҳисоботни чизмаийлаштириш тартиби ҳақидаги кўрсатмада ҳисобот шакли, олинган натижаларни назария билан таққослаш тартиби ва хатolikларни баҳолаш, хулоса ва натижаларни шакллантириш, шунингдек ишни ҳимоя қилиш тартиби аниқлаштирилади.

Қатъий риоя билан машғулот ўтказишда иш тавсифи – бу талабалар ҳаракатланиши лозим бўлган ҳақиқий қадамлар рўйхатидир. Муаммони – мулжалли асос бўйича ишлаш тавсифи анъанавийдан бирмунча фарқланади ва ўзида лаборатория иши номи ва мақсадли йўл-йўриқни ечишга тортилган илмий муаммо моҳиятини тажриба-синовни ўтказишнинг тахминий тартибини, шунингдек қутилаётган натижани ҳисоботга ва иш бўйича хулосаларга қўйилган умумий талабларни тайёрлаш учун саволлар тавсия қилинган адабиётларни қамраб олади.

Талабаларнинг лаборатория ишига тайёрланиши дарслик ва маъруза матнларидан фойдаланган ҳолда мустақил ишлар соати ҳисобидан олиб борилади.

Тайёрланиш жараёнида талабалар лаборатория иши билан мустақамланадиган назарий материални, уни ўтказиш методикаси, мақсад, мазмуни, жиҳозлардан фойдаланиш қоидалари ва ишдаги хавфсизлик чораларини билишлари шарт. Бундан ташқари ишни бажариш учун керакли чизма, жадвал ва графикларни тайёрлаши лозим.

Талабаларни машғулотга чизмаий қўйиш ўтказилган коллоквиум натижаси ҳисобланади. Ишни ўз вақтида бажаришни таъминлаш учун кафедра одатда коллоквиум ва ишни топширишнинг «назоратли муддати»ни қўяди. Бу муддатлар шундай таъминланадигани, талабалар ўз фаолиятини мустақил ва сифатли режалаштириш имкониятига эга бўладилар. Айни вақтда ўқитувчи ушбу машғулотга тайёргарликни давом эттиради: таълим олувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этади, яқка тартибда ва жамоавий ўқув маслаҳати ўтказиши, жиҳозларнинг тайёрлигини текширади, шунингдек, лаборатория машғулотини ўтказиш режасини

ишлаб чиқади. Лаборатория иши режасини мазмунли қисм мужассамлаштиради: кириш қисми, тажрибани ўтказиш ва натижаларига ишлов бериш тартиби, машғулот босқичлари бўйича вақтнинг умумий ҳисоби (қурилмани йиғиш, тажриба ўтказиш, ҳисобот таҳлили ва чизмайлаштириш) машғулотнинг якуний қисми.

Кириш қисмида мавзу, мақсад, ишни бажариш тартиби ва ҳисоботни чизмайлаштириш кўрсатилади. Лабораторияни бажариш қадами режада фақат умумий кўринишда акс этади.

Тажриба-синовни ўтказиш тартибини аниқлаб, иш кетма-кетлигини, тахминий вақт ҳисоби, ушбу қурилма билан ишлашнинг алоҳидалиги, хавфсизлик чоралари, талабалардан мустақил ечишни ёки ижодкорликни намоиш қилишни талаб этадиган савол ва масала (муаммо) ларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Якуний қисм ишни хулосалашга ва кейинги машғулот учун топшириқларни белгилашга ажратилади.

Лаборатория машғулотини ўтказиш талабаларнинг коллоквиум топшириши билан кузатилади. Коллоквиум (лотинча *Colloquium* – сўзлашув суҳбат) – ўқитувчининг таълим олувчилар билан суҳбатлашишидир.

Коллоквиум мақсади – назарий материални ўзлаштириш чуқурлигини, лаборатория иши билан намоиш қилинадиган ҳодисалар моҳиятини тушуниш даражасини назорат қилиш; лаборатория ишини ўтказишда фойдаланиладиган жиҳоз ва қурилмалар билан ишлай билиш малакасини текшириш; тажриба ўтказиш тартиби ва қутилаётган натижалар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш кўникмасини текшириш; техника хавфсизлиги ва ишни ўтказишда ускуналарни ишлатиш қоидалари эгалланганлигини текширишдир.

Шундай қилиб, коллоквиум ўтказишда индивидуал суҳбатлашниш йўли билан ўқитувчи талабалар қай даражада маъруза материали ва тавсия қилинган адабиётларни ўрганганлиги, назарий материални қайси даражада ўзлаштирганлиги ҳамда қаралаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунганлигини баҳолайди.

Асбоб-ускуналарни, тажриба ўтказиш тартибини билиш ва қутилаётган натижаларни тасаввур қилиш, тажриба-синов маълумотларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш кўникмасини текшириш, биринчидан, тажриба давомидаги кўпол хатоларни йўқотишга; иккинчидан, талабаларда илмий тадқиқотлар ўтказишда сонли ва сифатли умумлаштириш малакасини ҳосил қилишга; учинчидан, тажриба натижаларини баҳолашга имкон беради ва зарур саналган иш маданиятини ривожлантиришга кўмаклашади.

Коллоквиум – назорат шакли бўлиб, талабаларга ёрдам бериш тури ва мустақил ишларни рағбатлантириш методи. Ўқув режасининг имкониятларига боғлиқ равишда коллоквиумлар ўқув вақтида, ўқув вақтидан ташқари вақтда ва лаборатория ишлари ўтказилаётган вақтда ўтказилади.

Лаборатория ишларини ўтказишнинг алоҳидалиги

Лаборатория ишлари таълим олувчилар томонидан мустақил бажарилади. Демак, ўқитувчи ва ўқув лабораторияси таркиби (кафедра) машғулот давомида нечоғлик назорат қилиши эмас, балки қанчалик талабалар ҳаракатларини илмий ва методик бошқаришни амалга ошириши муҳим.

Ҳаракатларни бошқариш, бир томондан талабаларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини юзага чиқишини таъминлайди, иккинчи томондан эса – ҳар бирини диққатдан қочирмасликни, керакли дақиқада зарурий ҳолатдагина ёрдамга келишини таъминлайди. Бирок бу ҳолатда ўқитувчи фақат йўналтирувчи саволлар билан чегараланиши тўғри ёрдам бермаслиги мумкин.

Талабаларга тўғридан-тўғри ёрдам, кўрсатма ва маслаҳатлар чорасиз ҳолатлардагина берилади. Педагог назоратчи эмас, гарчи унинг вазифасига табиийки, талабалар ишларини кузатиш ҳам кирса ҳам, авваломбор у илмий раҳбардир.

Пастки курсларда ўқитувчи лаборатория машғулоти давомида таълим олувчиларнинг қатъий буйсиндирилишини амалга ошира бориб, ўзининг одатдаги педагоглик вазифасини бажаради. Курс қанча юқори бўлса, шунчалик буйсиндириш даражаси сезиларли камаяди ва ўқитувчи роли маслаҳатчи вазифасига кўчади.

Лаборатория ишларига тайёрланиш ва бажариш жараёнида талабалар тажриба билан боғлиқ барча зарурий маълумотларни ўз ишчи дафтарларига ёзиб боришади. Бунда тажрибада кўйилган мақсад ва вазифалар, тузилмали схема ва топширикни бажариш методикаси қайд этилади. Дафтарга тажрибани бажаришдаги барча кузатишлар, шунингдек, натижалар хулоса кўринишига мос жадвал, график тарзда ва тажрибалардан олинган натижалар тавсифи келтирилади. Тажриба натижаларига ишлов бериш олдиндан бажарилиши керак, сўнгра талабалар ҳисоботни чизмаийлаштиришга киришишади.

Ҳисобот қоидага кўра уч қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисмда лаборатория иши номи, ишни бажариш мақсади кўрсатилади, жиҳозларнинг техник маълумотлари тавсифи берилади (жиҳозларнинг номи ва турлари, шкала чегаралари, бўлим баҳоси) ускуналарнинг тузилмали схемаси келтирилади.

Ҳисоботнинг иккинчи қисми эксперимент давомида олинган тажриба маълумотларининг ҳисоблаш натижаларини қайд этишга бағишланади. Кузатиш ёки ҳисоблаш натижалари асосида текширилатган ҳодиса таҳлилини ўтказишга имкон берадиган графиклар қурилади.

Учинчи қисмда ҳисоблаш формулалари ва иш бўйича хулосалар келтирилади. Ҳисобот сўнгида сана, бажарувчи ва лаборатория ишини қабул қилган ўқитувчи имзоси қўйилади.

Лаборатория машғулотлари иш натижалари ва олинган хулосаларни

химоя қилиш билан яқунланади. Баъзи олий ўқув юртларида бундай химоя барча талабалар гуруҳи олдида ташкил этилади, агар лаборатория иши тўлиқ мустақил бажарилган бўлса, олинган хулоса билан ўртоқлашилади. Бунда кўплаб саволлар берилиб, мулоҳаза юритилади, бу эса ўрганилаётган ўқув фанининг чуқур ўзлаштиришга замин яратади.

5.4. Ўқув машғулотларини ўтказишнинг ўйин методлари

Олий ўқув юртлари педагогик амалиётида қўлланиладиган ўйинлар фаол ўқитиш методлари сирасига киради, чунки унда талабанинг маҳсулдор – таълимий фаолияти устуворлик касб этади.

Ўқув ўйинлари учун алоҳидалик:

- ечимнинг кўп вариантлилиги ва муқобиллилиги, улардан бирмунча самаралисини танлашни амалга ошириш талаб этилади;
- ноаниқлик шароитида ва шартли амалиёт муҳитида ечимни қабул қилиш зарурати;
- стандарт ҳолатдан фарқ қиладиган ўйинни ўтказиш шартларининг хилма-хиллиги, уларнинг мутахассиснинг бўлажак фаолиятида учраши;
- қисқа муддатда ўйиннинг ўтказилиши, вазиятларни бир неча қайта такрорлаш имконияти;
- қабул қилинаётган ечим нағижаларининг кўрсатмалилиги;
- назарий билимларни амалий касбий фаолият билан интеграцияси, мутахассислик бўйича малакаларнинг ҳосил қилиниши;
- индивидуал ўқитиш имкониятларининг мавжудлиги.

Ўйинда талабаларнинг маҳсулдор ижодий изланиш тафаккури умумий ҳолда эмас, балки бўлажак касбий фаолиятини бажаришга нисбатан ривожланади. Ўйин давомида ечим номақбул деб топилса, уни алмаштириш имконияти мавжуд, бу учун орқага қайтилиб зарури қабул қилинади, унинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш учун синалган усул билан гаққосланади. Бунда талабаларга турли ролларда бўлиш ва ўз ечимларини таклиф қилишлари учун имконият бериш мақсадида ўйин вазият бир неча марта қайта такрорланади.

Ўқув ўйинлари талабаларда мустақил ишлаш кўникмаси, ижодий фикрлаш қобилияти ва жамоани бошқариш, ечим қабул қилиш ҳамда уни бажаришни ташкил этиш малакаларини ривожлантиради ва мустаҳкамлайди.

Ўйин давомида талабаларда қуйидаги кўникма ва малакалар ҳосил қилинади:

- ечим қабул қилиш учун зарур ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- тўлиқ бўлмаган ёки ишончли ахборотлар етарли бўлмаган шароитда ечим қабул қилиш, қабул қилинган ечим самарасини баҳолаш;
- муайян турдаги масалаларни таҳлил қилиш;

▪ бўлажак касбий фаолиятнинг турли соҳалари ўртасида боғланишлар ўрнатиш;

▪ жамоада ишлаш, гуруҳли фикрлаш усулларидан фойдаланиб, биргалликда келишилган ечим ишлаб чиқиш;

▪ жараён ва ҳодисаларни татқиқ қилишда тизимли ёндашувдан самарали ижодий фойдаланиш асоси сифатида абстракт ва тимсолли фикрлаш.

Ўйинли ўқитиш методи кўп функционалли ва инсоннинг турли психологик хусусияти ва сифатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун қўлланиши мумкин: касбий йўналтирилганлик, ақлий мустақиллик у ёки бу фаолият соҳасидаги билим, кўникма ва малакалар: билиш ва касбга оид масалаларни ижодий ечиш, ташкилотчилик ва коммуникатив сифатлар, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш ва б. Ўйинли ўқитиш вазибалари ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим: инструменталли – кўникма ва малакаларни шакллантириш; гностик – билим ва тафаккурни шакллантириш; ижтимоий-психологик – талабада коммуникатив сифатларни шакллантириш. Таъкидланганлар билан бир қаторда ўйинли ўқитишнинг диагностик, мотивацион, моделлаштирувчи, ташкилий ва креатив, назорат ва тузатиш функциялари жорий этилади.

Ўйинли ўқитиш методи – нафақат қатнашчиларнинг фаоллиги билан, балки анъанавий методларга нисбатан талабаларнинг қатта интеллектуал ва психологик муҳит билан ҳам фарқланиб туради. Ўқитувчи ўйинли машғулот ишлаб чиқиб, режалаштириши асосида унинг дидактик хусусиятларини аниқ тасаввур қилиши ва ҳисобга олишлари зарур.

Ўқитувчи учун дидактик ўйинлар кўп меҳнат талаб қиладиган машғулот туридир. Уларни ўтказишга тайёрланиш ўқитиш жараёнини чуқур англаш орқали педагогдан кўп вақт сарфлашини талаб этади. Педагогик тажрибалар таҳлили, 15 кишилик гуруҳ билан 1 соат муайян вазиятлар устида ишлаш ўртача мураккабликда 12-15 соат тайёргарлик ишларини талаб этади.

Савол туғилади: ўйин методлари мураккаблиги билан, ишлаб чиқишга кўп вақт ва куч сарфланиши билан сермашаққат эмасми? Анъанавий тарзда маърузалар ўқиш, амалий машғулотларни ўтиш енгил-ку? Агар ўйиннинг барча афзалликларини тарозига қўйсақ, унда уларни қўллашдан келадиган фойда, ишлаб чиқаришдаги харажатларни сезиларли даражада қоплаши мумкин. Албатта, ўйинларни ишлаб чиқишнинг мақбуллиги ўқув фанларининг ҳажми, уларни ўрганишда ечиладиган мақсад ва вазибаларга, талабаларни касбий тайёрлаш ҳиссасига боғлиқ бўлади.

Ўйинларни ўтказиш методи сифатида баҳолашда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниши зарур:

• биринчидан, ўйинлар бошқа ўқитиш методларига нисбатан битта рад этиб бўлмайдиган афзалликка эга: олинган билимларни танлаган касбга мувофиқлигини таъминлаш хусусияти;

• иккинчидан, бир марта ишланган намунали ўйин қатор йиллар давомида ўқитишнинг самарали инструменти сифатида талабаларнинг бир неча авлодларига хизмат қилиши мумкин. Албатта ўйинлар мазмуни фаннинг мазмуни ўзгаришига мос равишда янгиланиб бориши лозим;

• учинчидан, ўқитишнинг ўйин методлари талабанинг касбий фаолиятни эгаллаши ва билимларни тўғридан тўғри аралашувсиз ёки педагог ёрдамисиз ўзлаштиришни таъминлайди, бу фаолият мазмуни кизиқтиришнинг кучли воситаси ҳисобланади;

• тўртинчидан, шартли амалиёт ҳолатида масъулиятли ечим қабул қилиш кўникмасини эгаллашнинг мақсадли эканлигини баҳолаш кийин. Ўйинда бўлажак мутахассисларнинг мустақил касбий фаолиятга ўтишда юзага келадиган фаол хатоликларини йўқотиш мумкин;

• бешинчидан, ўйинда ўқитиш жараёни тадқиқот вазифалари билан самарали бириктирилиши мумкин, бу ҳолат талабаларга ҳаракатдаги тадқиқотчиллик методикасини намоёни қилишга имкон беради. Шу боисдан ўйинни ўтказиш режасини ишлаб чиқишда тадқиқотга тегишли бўлган қатор савол (муаммо)лар, шунингдек, ўйин катнашчиларидан алоҳида гуруҳни ажратиш ва унга хусусий натижаларни ўлчаш ва қайд этиш вазифасини юклаш олдиндан қаралади;

• олтинчидан, бўлажак мутахассис учун муаммони қўйиш, ечимни гуруҳ бўлиб танлашда индивидуал устуворлиги ва уни жорий этишни келишиш тажрибасини эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади;

• еттинчидан, ўйин гуруҳли тафаккурлашни ривожлантиради, жамоа таркибида ҳаракатланиш кўникмасини таркиб топтиради.

• саккизинчидан, ўйинлар (синов стендида текшираётган каби) бошқаришнинг янги шакл ва қондалари тузилмасини, меъёри ва методикасини синовдан ўтказишга шароит яратади.

Шундай қилиб, ўйинлар кенг дидактик имкониятларга эга. Улар ёрдамида фавқулодда кенг спектрдаги кўникма, малака ва касбий шахс сифатларини шакллантириш мумкин. Бу эса ўйинга тайёргарлик ва ўтказишнинг қандай ташкил этишига, унинг асосига ўқитувчи (ёки ишлаб чиқарувчи) томонидан қандай мотивлар қўйилишига боғлиқ.

Ўйинли ўқитиш методларининг юқори самарадорлиги анъанавий метод билан таққослаганда жиддий афзалликлар билан фаркланади. Уларнинг баъзиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– қабул қилинган ечим натижаларининг аниқлиги: ўйинда батафсилликка аҳамият бермаслик, информацион салмоқдан ишга таалукли бўлмаган реал жараёнлар хусусиятларидан келиб чиқадиган «шовқин»ларни ўчириш мумкин;

– вақтнинг ўзгарувчанлик кўлами: ўйин «тез» ёки «секин»тарзда воқеа боришини бошқаришга имкон беради. Шартли амалиёт ҳолатида тузиладиган ўйинда, бир неча соат ёки бир неча йил «яшаш» мумкин;

– кўрсатманинг ўзгариши: ўқитиш давомида малакаларнинг тўпланиши билан тажрибани такрорлаш: бир вазиятнинг ўзини ҳар гал ечимга янгича ёндашган тарзда бир неча марта қайта ўйнаш мумкин;

– камраб олиш кўламини ўзгартириш имкониятини мавжудлиги турли шароитларда жиддий ечимларни излаб топиш муддатини етарлича қискартириш мумкин.

Ўқув режасига ўйин дарсини киритиш ечими мутахассис бўйича ўқитишнинг умумий графикасини ишлаб чиқиш босқичида қабул қилинади. Бундан олдин мутахассис тайёрлашнинг тугунли нукталари ва уларга оид ўйинли ўқитиш методини қўллаш мақсадга мувофиқ белгилаб олинади. Уларни ўқув режага шундай жойлаштириш лозимки, ҳар бир машғулот бир фан бўйича эмас, балки бир неча аралаш ўқув предметлари бўйича билимларни жамлашни талаб этсин. Бунда ўйин машғулотлари пастки курслардан юқорига ўтиши давомида такомиллашиб бориши, мумкин қадар амалиётда учрайдиган реал воқеаликларни камраб олиши шарт.

Республикамиз етакчи техника олий ўқув юр்தларининг педагогик амалиёти кўрсатадики, ҳар бир семестрда 2-3 ўйинни режалаштириш ва ўтказиш, бунда аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, касбий ролларни ижро этиш, имитацион машқлар бажариш каби ўйин машғулотларини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўйинни ўтказиш вақтини режалаштиришда машғулотлар жадвалига қўйиладиган умумий талаблардан ташқари қуйидаги жиҳатларни кўзда тутиш лозим:

- ўйин асосий курс маърузалари ўқилган ва талабалар унда иштирок этишлари учун назарий жиҳатдан тайёр бўлгач, режалаштирилгани маъқул;

- ўйин учун алоҳида бошқа машғулотлар билан юкланмаган кунларни ажратиш тавсия этилади, сабаби қатнашчиларнинг диққат ва эътибори ўйинда тўпланиши лозим. Агар ўйин 2 ёки 4 соатга мўлжалланган бўлса, унда уни ўқув кунида яқунлаш мақсадга мувофиқ, чунки талабалар ўйиндан кейин роллардан тез чиқиб кетиб, бошқа ўқув фанларига тезда ўтиша олмайди;

- ўйин таълим олувчиларнинг кўп вақти ва диққатини олади, шунинг учун ўтказиш вақти семестрда бажариладиган ишларнинг умумий жадвали билан мослаштирилиши зарур.

Ўқув ўйинларини ўтказишда инфорацион таъминот муҳим роль ўйнайди, у қатор ташкил этувчилардан иборат:

- ўйин машғулотларига киритиладиган вазиятларнинг тавсифи;
- ўйинни ўтказиш вақти ва унинг мураккаблиги ҳамда аҳамиятини ҳисобга олган натижаларни баҳолаш мезонлари;
- ўйин машғулотларини режалаштириш ва ўтказиш ҳужжатлари;
- меъёрий ва сонли маълумотлар.

Ўйинли вазиятлар ўйин машғулоти дастурининг асосини ташкил этади ва батафсил унинг тавсифини камраб олади.

Ўйинни ўтказиш вақтида ўқитувчи ва талабаларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва вазифалари, алоҳида босқичлар кетма-кетлиги, мазмун ва вақт бўйича тақсимланиши, қадам ва босқичлар катнашчиларнинг ўзаро ҳаракатланиш тартиби қайд этилади.

Ўйинни инфор­ма­цион таъминлашнинг муҳим таркиби ҳужжатлаштириш ҳисоб­ла­ниб, катнашчиларга қабул қилинадиган ечимларни синчиклаб ўрганиш учун бериладиган дастлабки ва режали ҳужжатларни ва бу ечимларни бажариш натижалари қайд этилган ҳисобот ҳужжатларини му­жас­самлаштиради.

Меъёрий ва сонли маълумотлар, ўйин машғулотида катнашчилар фойдаланадиган ҳужжатларнинг махсус тўпла­ми­дан иборат бўлади.

Ўйин самараси ўқитиш методи сифатида анъанавийдан кўра, моддий техник таъминотга боғлиқ бўлиб, унинг таркибига аудитория, ўйин учун махсус жиҳозлар, маълумотларни акс эттирувчи воситалар, бошқариш воситалари, тренажерлар, ҳисоблаш техникалари ва б. киради. Табиийки, моддий техник таъминот таркиби ва жойлашиш ўйин машғулоти шакли, катнашчилар сони ва бошқа қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Ўйинларни ўтказиш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш да­во­мида қатор муаммоларга дучор келинди: ўйин раҳбари бутун ўйин давомида талабаларни узлуксиз ишчи юклама билан таъминлаши зарур. Тақомиллашув кўпчили­к ечимларнинг изчил қабул қилиниши, ўйинни бошқаришнинг мантикий тартиби билан боғлиқ.

Яна бир муаммо ҳар бир ўйин иштирокчисининг индивидуал иш­ла­рини объектив баҳолаш ҳисобланади, ўйин натижаси кўп ҳолларда аниқ бир талаба фаолияти билан боғлиқ эмас. Бу муаммо ўйинда ўқитувчининг фаол иштироки билангина ечилиши мумкин, бу ҳолатда талаба қобилияти тўғрисида бирмунча тўлиқ тасаввур ҳосил қилиниши ва бу хулосалардан натижаларни баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Ўйин жараёнининг самарасини оширишда ўйиннинг якуний босқичи, айниқса хулосани муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади. Қатор олий ўқув юр­т­ла­ри (ЎзМУ, ТошДТУ, ТошДПУ, НавДКИ) тажрибасининг гувоҳлик беришича, агар ўйин сўн­ги­да муҳокама ўтказилмаса ўйин давомида эгалланган кўникмалар тезда йўқолади. Ўз навбатида ўйин на­ти­жасида олдиндан у ёки бу натижаларнинг сабабларини очиб берадиган якуний муҳокама ўйиннинг ўзи сингари жуда зарур ҳисобланади.

Якуний муҳокамани конференция методи билан ўтказиш мақсадга му­во­фик бўлиб, ҳар бир талабада бундай машғулотнинг методик зарурати тўғрисида ўз фикрини билдиришга имкон туғилади. Албатта конференция ўқитувчининг чиқиши билан якун топади, бунда нафақат умумий якун яса­лади, балки ҳар бир ўйин иштирокчиси – талаба фаолияти баҳоланади.

Ўқув машғулотларининг турли хил ўйин методлари ва шаклларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари

Олий ўқув юртлари педагогик амалиётида бирмунча кенг тарқалган ўйин машғулотлари шакл ва методларининг мазмун ҳамда тузилмасини ёритишга ҳаракат қиламиз:

Ишбилармонлик ўйинлари

Ишбилармонлик ўйини – ўйин машғулотларининг бирмунча мураккаб шакллари билан бири, бу жараёнда жамоавий касбий фаолиятга таклид қилинади. Ўқув жараёнида ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш кўлами ва хилма-хиллигининг педагогик имкониятларини тасаввур қилиш учун уларнинг таснифини икки характерли белги бўйича келтирамиз:

Моделлаштирилаётган вазият табиати бўйича:

Рақиб билан ўйин (томонларнинг кураши). Бунда турли томонларнинг бир-бирига таъсири шароитида бошқариш жараёнлари моделлаштирилади.

Табиат билан ўйин. Атроф муҳитнинг ёки бошқариладиган объектнинг эҳтимолли атори шароитида бошқариш жараёни моделлаштирилади.

Ўйин-машқ. Вазиятларнинг ўз-ўзидан ихтиёрий ривожланиш динамикасида тизимни бошқариш жараёни моделлаштирилади. Ечим қабул қилиш кўникмалари, шунингдек, тизимнинг алоҳида халқлари ўзаро таъсир механизми ишлаб чиқилади.

Ўйин жараёни табиати бўйича:

Ўйнаётган гуруҳ талабалари ўртасидаги муносабатлар қарши курашиш табиатига эга бўлади. Бир гуруҳ ҳаракати бевосита ёки билвосита бошқа гуруҳ ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бунда гуруҳлар ўртасида мулоқотнинг бўлиши шарт эмас.

Гуруҳлар ўртасидаги ўзаро таъсир. Боғланишларнинг турли воситалари билан алоқа бундай ўйиннинг мажбурий элементи ҳисобланади.

Беллашув. Талабалар гуруҳи ўзаро алоқада бўлмайди, бир-бири билан бошланғич вазиятдан бошлаб боғланмаган ҳолатда ўйнашади ва ҳар хил натижаларга эришишади.

Автоматлаштирилган таълимий қурилма ва тизимлар асосидаги ўйин.

Ишбилармонлик ўйинлари бошқа ўйинларга хос умумий тавсифларга эга: улар ҳолатнинг ўзгарувчанлиги, кадамларнинг такрорланувчанлиги, ечим қабул қилиш вақтининг қисқалиги ва б.

Ишбилармонлик ўйинлари бошқа ўйин машғулотларидан қуйидаги муҳим жиҳатлари билан фаркланади:

1. Мутахассислар катта жамоавий касбий фаолиятини моделлаштиришни талаб этадиган муҳим ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-психологик муаммоларнинг мавжудлиги;

2. Барча ўйин жамоаси учун умумий мақсаднинг ва шу билан бирга ҳар бир ўйин иштирокчиси учун ўз ҳаракатлари билан муайян лавозимни бажара бориб, якуний натижаларни қўлга киритишга таъсир этиш имкониятининг мавжудлиги;

3. Информацион ноаниқ вазиятда реал ҳаётдаги каби тўхтаб қолиш, мураккаблашиш ва нуқсонларнинг мавжудлиги. Ечимлар кўпинча тўлиқ бўлмаган ахборотли шароитларида муайян таҳлика билан қабул қилинади. Демак, ахборотнинг тўлиқсизлиги ўйин жараёнида ечим қабул қилишда ҳисобга олинishi лозим.

4. Ўйин жараёнида ечимларнинг маълум кетма-кетликда қабул қилиниши ва жорий этилиши, уларнинг ҳар бири олдинги босқичда иштирокчи қабул қилган ечим ва бошқа катнашчилар ҳаракатларига боғлиқлиги.

5. Қуйидаги асосий вазифаларни жорий этувчи рағбатлантириш тизimini ривожлантириш зарурати ва мавжудлиги:

а) ҳар бир ўйин катнашчисининг ўз интеллектуал салоҳияти чегарасида ҳаракат қилишга ундаш;

б) зарур ҳолларда у ёки бу ўйин иштирокчиси кизиқишларини жамоанинг умумий мақсадига бўйсиндириш;

в) ҳар бир ўйин иштирокчисининг умумий мақсадга эришишда, жамоа фаолиятининг умумий натижасига қўшган шахсий ҳиссасини объектив баҳолашни таъминлаш.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган белгиларнинг бирортаси бўлмаса, машғулотни ишбилармонлик ўйини деб ҳисоблаш ярамайди, балки уни фаол ўқитиш шакллариининг бирига қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бошқаришнинг ўйинли тизими реал вазиятлардан жиддий фарқланади, чунки:

– бир вақтнинг ўзида барча цикл ёки бошқаришнинг барча жиҳатларини ифодалаш ва қабул қилинган ечимдан тортиб, ечимни жорий қилиш ҳақидаги ҳисоботгача бўлган тажриба-синовни бир неча марта такрорлашга имкон беради;

– ташкилий тузилмани шундай ҳисоб билан соддалаштириш лозимки, натижада ўйиннинг бориши ва ишлов берилаётган вазиятлар табиати кўп жиҳатдан ўйиннинг дидактик мақсадлари билан тақозоланади;

– бошқарувчан ишбилармонлик ўйини икки режали хусусиятга эга бўлиб шартлилик ва жиддийлик, ўйин фаолияти (роллари бажариш) ва ўйинга тегишли фаолият (муҳокама, катнашчилар сўрови, эътироз ва б.)ни солиштиришда юзага чиқади.

Шундай қилиб, ишбилармонлик ўйини деганда зарурий омилларни босқичма-босқич аниқлаштириш, ўйин давомида қўшимча олинadиган ва алоҳида қадамларида ишлов берилadиган ахборотни таҳлил қилиш шароитида ечим ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни тушунилади.

Ишбилармонлик ўйинини бир-бирига таъсир этувчи ўзаро боғлиқ аниқ вазиятлар тизими кўринишида тасвирлаш мумкин. Шунинг учун ечим факат бу таъсирлар ва якуний мақсадларни ҳисобга олгандагина қабул қилиниши мумкин. Бу эса ўқув жараёнини баъзи муайян вазиятларни караб чиқиш орқали ягона мақсадга бўйсиндирилган тарзда куришга имкон беради. Бунда маълум кетма–кетликни саклаган ҳолда улардан ишбилармонлик ўйинини ташкил этиш мумкин. Ҳар бир вазият ўзида ишбилармонлик ўйинининг маълум қисмини камраб олади ва мустақил машғулот сифатида алоҳида ўтказилиши мумкин.

Ишбилармонлик ўйинлари кенг дидактик имкониятларга эга бўлиб, куйидагиларни таъминлайди:

– турли ўқув фанларини ўрганишда олган билимларни мустаҳкамлаш ва амалиётда қўллаш (ўйиннинг интеграцион вазифаси), танлаган мутахассислик бўйича касбий фаолият ҳақида аниқ тасавурларни шакллантириш;

– реал жараёнларни самарали бошқариш, шу жумладан замонавий математик метод ва техник воситалар ёрдамида бошқариш кўникмаларини ривожлантириш;

– жамоавий касб фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини эгаллаш, таъминлаш ва хизмат кўрсатиш шахобчалари билан ўзароҳаракатни ташкил этиш кўникмаларини таркиб топтириш.

Ишбилармонлик ўйинларини ишлаб чиқишда ўйин мақсади ва объектини танлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу учун ўқув дастури бошка ҳужжатлар таҳлили асосида ўйинни ўтказишда қандай дидактик мақсадларга эришиш мумкинлиги аниқланиб қайд этилади ҳамда энг макбул ўйин объекти танланади.

Ўйин объекти танлангач, ўқитувчи бошқаришнинг ўйин тизими афзалликларини татқиқ қилади ва унинг фаолияти қонуниятларини очиб беради. Бу учун ташки муҳит таъсирини ечим қабул қилиш жараёнида қўлланилаётган математик метод, техник восита, графикавий модул, бошлангич маълумот, ахборотларни тақдим этиш шакли, хизмат ишларида қатнашувчилар функцияси ва таркибини қайд этиш муҳим ҳисобланади.

Қайд этилган қоидалар асосида ўйин модули, принципи ва механизми ишлаб чиқилади. Бу ерда ишбилармонлик ўйини модели – бу реал воқеликнинг муайян соддалашуви бўлиб, усиз ўйинни амалга ошириб бўлмаслиги таъкидланади.

Ўйинда ташки муҳит таъсири, у билан бўлган боғланишларни соддалашган ҳолатда тақдим этиш зарурияти ҳам ҳисобга олинади. Бунда ташки муҳит билан бўлган мавжуд алоқалар ўйинда муайян ўйин элементлари ва кўрсаткичларини шартли таъсири билан алмаштирилиши лозим.

Амаллар кетма-кетлиги ва уларнинг ўзаро алоқасини, нафақат ўйин жараёни, балки унга тайёргарликни, шунингдек натижалар таҳлили ва

камраб оладиган блок-схема кўринишда ифодалаш қулай. Ҳўин иштирокчилари бажараётган ҳар бир муолажа ўзида маълумотларни олиш, ишлов бериш, узатиш билан кузатиладиган ахборотли жараёни мужассам этади. Бу маълумотлар Ҳўин давомида фойдаланиладиган ҳужжатларда ўз аксини топади. Бунда, ҳужжатларни реал ҳолатда қўллашга мослаштиришга интилиш керак, чунки, улар ҳар доим ҳам мутлоқ ўхшаш бўлмаслиги ва ўзгаришларнинг ўтказиши ҳисобга олиниб соддалаштирилиши мумкин.

Ҳўинга оид ҳужжатларни тўлдиришда, оддий ва қулай бўлиши учун стандартли, олдиндан тайёрланган ҳужжатлардан фойдаланишни таъминлаш муҳим. Тўпланган ҳужжатлар асосида Ҳўин иштирокчилари томонидан жорий қилинадиган амаллар бирма-бир ишлаб чиқилади, яъни Ҳўин жараёнидан ҳар қайси иштирокчи бўйича бажарадиган амаллар йигиндиси ва кетма-кетлиги танлаб олинади ва қайд этилади. Бунда ҳар бир иштирокчининг ўзига юклатилган вазифаларни Ҳўиннинг қолган иштирокчилари билан боғлиқ ҳолда бажариши таъминланади.

Ишлаб чиқилган Ҳўин бутунлигича ёки қисмлари бўйича тажриба-синовдан ўтиши лозим. Бунда унинг амалга ошувчанлиги ва самарадорлик даражаси текширилиб кўрилади, ишлов бериш лозим бўлган саволлар аниқланади, босқичларга сарфланадиган вақт, Ҳўин тезлиги, такрорланувчанлик, кадам, амал ва муолажалар ўрнатилади. Экспериментал текширув натижалари бўйича Ҳўин охирига етказилади, Ҳўинни бошқарадиган ўқитувчининг тайёргарлиги ҳам таъминланади.

Тайёрланган ва текширувдан ўтган Ҳўин талаб даражасида чизмаийлаштирилиши лозим. Ҳўин бўйича асосий ҳужжат, йўриқнома ва кўрсатмалар йигиндиси ўқитувчи учун методик ишланма (кўрсатма) кўринишда тақдим этилади.

Ҳўиннинг барча ҳужжат ва методик кўрсатмалар тўплами одатда ОўЮ, кафедра, ўқув фани, Ҳўин номи, муаллиф ва ишланган йили кўрсатилган титул varaқасини камраб олади. У муаллиф ва қайси мутахассисликлар учун тайёрланганлиги ҳақида тўлиқ тасаввур бериб, Ҳўин мазмуни бўлимлар бўйича тақсимланган ҳолатда келтирилади.

Биринчи бўлим – Ҳўин мавзуси, унинг мақсади ва вазифалари. Бу бўлимда унинг вазифалари дидактик асосланади.

Иккинчи бўлим – ишбилармонлик Ҳўини ҳақида дастлабки ахборот. Унда имитацион моделлаштириш объекти кўрсатилади ва қисқача тавсиф асосида Ҳўин қоидалари кенг очиб берилади, Ҳўин жамоасининг тузилмаси (роллар, топшириқлар) барча босқичларда жорий қилинадиган вазифалари келтирилади.

Учинчи бўлим – Ҳўинни ўтказиш технологияси. Ҳўин давомида ишлов бериладиган амал ва ечимлар кетма-кетлигининг батафсил баёни ифода этилади.

Тўртинчи бўлим – бошқарув гуруҳини шакллантириш. Ўқитувчи

учун йўриқнома ва ўйинни бошқариш вазифалари тавсифи, фаоллигини баҳоловчи гуруҳ, шунингдек, эксперт гуруҳини ўз ичига олади.

Бешинчи бўлим – ўйинни бошқариш тизими. Ўйинни бошқариш бўйича ўқитувчи ва ўйин иштирокчиларига кўрсатмалар ва уларнинг лавозимли вазифалари тавсифини камраб олади. Ўқитувчи ва ўйин иштирокчиларининг иш фаоллигини баҳолаш бўйича гуруҳга йўриқнома келтирилади.

Олтинчи бўлим – рағбатлантириш тизими. Ўйин иштирокчилари томонидан қабул қилинадиган ечимлар сифатини баҳолашни, ўйин давомида амалга оширишга имкон берадиган материалларни ўз ичига олади (масалан балларда, бироқ бошқа баҳолаш мезонлари ҳам қўлланилиши мумкин).

Еттинчи бўлим – ўйин таҳлили. Ўқитувчи учун тайёргарлик кўриш, иштирокчилар билан ўйин таҳлилинини ўтказиш ва улар фаолиятини асосли баҳолашга имкон берадиган материалларни ифодалайди.

Иловаларда одатда барча фойдаланиладиган ҳужжатлар, зарурий тушунтиришлар шакллари билан, тавсия қилинадиган техник воситалар ва жадваллар рўйхати келтирилади.

Ҳар бир иштирокчи ўйиннинг барча босқич ва қадамларида жорий қилинадиган муолажалар кетма-кетлиги баён қилинган йўриқномани олиши лозим. Зарурий ҳолатдагина йўриқномада ёки иловаларда у ёки бу ҳисоб амалларини бажариш методи ва шаклларни тўлдириш қоидалари ёки керакли манбалар ҳавола қилинади.

Касбий ишбилармонлик ўйинларини шартли равишда имитацион, амалли, ролларни ижро этиш, инсценировка, психодрамма ва социодрамма методларига ажратиш мумкин.

Ўйинли ўқитиш метод ва шакллари орасида муайян вазият таҳлили, «аклий ҳужум», интеллектуал машқ кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Моҳиятини қайта такрорламаган ҳолда айнан ўйинли педагогик амалиёт мавқеидан уларни ўтказишнинг алоҳидалигини қараб чиқамиз.

Аниқ вазиятлар таҳлили методи. Талабаларнинг билиш фаолиятини аниқ вазиятлар таҳлили шаклида ташкил этиш машғулотнинг дидактик мақсадлари ва таълим олувчилар контенгентига боғлиқ бўлган қатор турлари мавжуд. Улар сирасига «микровазият» ёки маъруза давомида реал воқеликда мавжуд бўладиган конфликт вазиятлар, «клиника методи», вазиятли мисоллар ечиш ва бошқалар киради.

Ўқув ўйинлари амалиётида аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи бошланғич маълумотларларнинг қайд этилган бирикмаларини татқиқ қилишга асосланган. Топшириқлар ўйинчилар командасининг ва алоҳида иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатини ҳисобга олмайди, вазиятларни таҳлил қилиш жараёнида жамоавий ечим ишлаб чиқиш ҳам қаралмайди. Ушбу метод биринчи навбатда талабаларнинг индивидуал ишлаши учун мўлжалланган. У ўйинли моделлаштиришнинг бирмунча кенг тарқалган

шакли ҳисобланиб, касбий интуицияларни ностандарт вазиятларда ечимини топиш кўникмаларини, шунингдек у ёки ечимнинг келтириб чиқарадиган оқибатларини олдиндан кўра олиш қобилиятларини шакллантиришга имкон туғдиради.

Олий ўқув юртлари таълим амалиётида аниқ вазиятлар таҳлили методидан кўпинча бошқариш кўникмаларини такомиллаштириш учун фойдаланилади. Муайян тартибда материални саралаш ва машғулотларни тўғри ташкил этишда вазиятли масалалар иллюстрация сифатида ҳам, машқ сифатида ҳам, илғор тажрибани узатиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Олдинги бобда қайд этилганидек, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш методи амалий машғулотларда қўлланилади. Талабалар бўлажак фаолиятда учраши мумкин бўлган ноқулайлик ёки вазиятларнинг батафсил баёнини олишади. Баён сўнггида ҳаракатлар рўйхати келтирилади, улардан бири ёки бир нечтаси вужудга келган ноқулайликни бартараф этиш учун мақбул ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар рўйхати талабаларга нафақат муаммо ечимининг мавжуд вариантларини топишга, балки уларнинг ҳар бири келтириб чиқарадиган оқибатлар ва қутилмаган қўшимча мураккабликларни ҳаёлан кузатишга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, талаба масалани бир нечта усуллар билан ечиши ва мақсадга етаклайдиган ечим вариантларини берк вариантлардан фарқлашга ўрганиши керак.

Ўқитувчи талабаларга амалиётда олдиндан кўриб бўлмайдиган ва жиддий ечимларни талаб этувчи натижаларга олиб келувчи у ёки бу ноқулай вазиятларни мустақил равишда таҳлил қилишни тавсия этади.

Таълим олувчилар диққатини бундай ҳолатларга жалб этиш фойдали ҳисобланиб, экстремал шароитларда хусусий нуктаи назарни таркиб топтиришга кўмаклашади. Баъзан машғулотларда аниқ вазиятлар таҳлили методининг хусусий кўриниши «Клиника методи»дан фойдаланилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, машғулотда реал муаммони ечишга бўлган ёндашув батафсил таҳлил қилинади (Бу методнинг номи тиббиёт амалиётидан келиб чиққан). Муҳокаманинг барча иштирокчилари тенглик тамойили асосида ишлашади ва ўз фикрларини билдиришлари мумкин. Масалани ечиш босқичлари ниҳоятда аниқлик билан белгиланади, ҳар қандай ҳолатлар баҳоланади, ҳаракатлар режаси тузилади.

«Клиника методи» талабаларнинг олдиндан тузилган ва маълум дас-тур доирасидаги масалаларни ечишда машқ қилиш учун тавсия этилади. Унинг самараси ҳақида талабалар томонидан бирмунча тез йўл қўйиладиган хатоларни тузатиш ва қийинчиликларни енгишга ёрдам бергандагина сўз юритиш мумкин. Бундай ҳолда муваффақиятнинг бош шартини талабаларнинг касбий кизиқишлари билан бевосита боғлиқ масалаларни қўйиш ҳисобланади.

Аниқ вазиятлар таҳлили методининг яна бир тури ҳалокатли ҳолатларни муҳокама қилиш методи ҳисобланади. Бу ерда машғулотнинг

хар бир иштирокчиси ҳақиқий ёки тасаввур қилинган «ҳалокатли ҳолат» тавсифини олишади. Сўнгра фикрлашга вақт берилиб, гуруҳли таҳлил ўтказилади. Машғулот сўнгида муҳокамага яқун ясалади.

Дастлабки «ҳалокатли вазият» талабаларга оғзаки маълум қилинади, уни машғулоти иштирокчиларидан бири ўқийди, баъзида бундай вазиятга талабаларни олиб кириш учун кинофрагментдан фойдаланилади. Сўнгра барча қатнашувчилар кичик гуруҳларга бўлинади ва уни муҳокама қилишади. Қатъий ўрнатилган вақтда муҳокама иштирокчиларининг барчаси йиғилишади ва ҳамкорликда ўз ечимларини таққослашади.

Бу метод бўлажак мутахассисларда фаолиятни бошқариш ва назорат қилиш кўникмаларини ҳамда жамоада шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантиришга асос яратади. Метод жиҳозлардаги носозликларни тез тузатиш усулларини ишлаб чиқиш, тезкор фикрлашни ривожлантириш учун самарали ҳисобланади.

Ўқув жараёнида фойдаланиладиган аниқ вазиятлар турли белгилар бўйича таснифланади: янгилик даражаси бўйича (маълум, ўхшаш, ноъмаълум); қабул қилинадиган ечиш методи бўйича (андозали, модификацияланган, янги); қабул қилинган ечим босқичлари бўйича (оддий ёки бир кадамли, мураккаб, ечим учун бир нечта кетма-кет амалларни талаб этувчи, кўп кадамли); ихтисослашуви бўйича (технологик, тезкор бошқарилувчан, иқтисодий ва х.к.).

Ўйинли ўқитишни ташкил этишда «ақлий ҳужум» методининг ўзгарган шакллари

«Ақлий ҳужум» методи ижодий масалларни ечишнинг эмпирик аниқланган самарали усулларини ақс этади. Бу методнинг универсаллиги шундаки, агар етарлича оддий ва аниқ ифодаланган бўлса, деярли ҳар қандай муаммони ёки инсоний фаолият соҳасидаги қийинчиликларни тезда ўрганиш мумкин. Шу боисдан олий таълимда бу методдан кенг қўламда, айниқса ўйин шаклида кўпроқ фойдаланилади. Ўйинли ўқитишни амалга оширишда техника олий ўқув юртлирида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум»ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини турлича ўзгарган шаклларда кўриб чиқамиз.

«*Тугри ақлий ҳужум*» методи турлича шакл ва мазмунга эга бўлган ҳар қандай масалаларни ечиш учун қўл келади.

Масалани қўйишда икки жиҳатга алоҳида урғу берилади: яқунда нимага эришилади ва қўзланган натижани олишга нима ҳалакит беради? «Ақлий ҳужум» сеанси давомийлиги 1,5-2 соатни ташкил этади, шу жумладан иштирокчиларни сеанс қондалари билан таништириш (5-10 дақиқа), етакчи томонидан масалаларни қўйиш (10-18 дақиқа), «ақлий ҳужум»ни ўтказиш (20-30 дақиқа), танафус (10 дақиқа), ғояларнинг таҳрир қилинган рўйхатини тузиш (30-45 дақиқа).

Сеанс вақтида айтиладиган ғояларни қайд этиш учта усуллардан бири: стенографист ёрдамида; магнитофонлар ёрдамида; ҳар бир иштирокчи ўзи билдирадиган ғоясини ёзиб қўйиш билан амалга ошади. Кейинги метод олий таълим тизимида анча самарали ҳисобланади.

«Тескари ақлий ҳужум» методи масалаларни ечишга қаралаётган объект нуксонларининг бирмунча тўлиқ рўйхатини тузишга мўлжалланган. Бундай ҳужумлар объекти сифатида аниқ маҳсулот, технологик жараён ёки ўйин давомида қабул қилинган ечим олинishi мумкин.

«Тескари ақлий ҳужум» учун масалалар тузилмаси қуйидаги саволларга лўнда ва тугал жавобларни қамраб олишлари лозим: Объект ўзида нимани ифода этади? Унинг тайёрланиши, ишлатилиши ва таъмирланиши билан боғлиқ қандай нуксонлар маълум? «Тескари ақлий ҳужум» натижасида нимага эришиш мумкин? Нималарга диққатни қаратиш лозим?

Ўқитишнинг ўйин шаклидаги бу методи фавқуллода аудитория фаоллигини ошириб, ишлаб чиқилган ечимни танқидий баҳолаш учун қўл келиши мумкин. Ташкил этиш давомийлиги ва йиғилиш тартиби, ғояларни қайд этиш худди «тўғри ақлий ҳужум» ҳолати каби бўлади.

Иккаламчи «тўғри ақлий ҳужум». Унинг моҳияти шундан иборатки, биринчи «тўғри ақлий ҳужум» ўтказилгач, 2 соатдан 2-3 кунгача танаффус эълон қилинади ва кейин қайта такрорланади. Амалиётнинг кўрсатишича, айнан бир масала бўйича иккинчи бор «ақлий ҳужум» ўтказишда кўпинча бирмунча қимматли, амалий жиҳатдан фойдали ғоялар ёки сеанс ғояларини муваффақиятли ривожланиши юзага келади. Танаффус вақтида ижодий масалаларни ечишнинг кучли қурилмаси – инсоннинг қутилмаган фундаментал ғояларни синтезловчи оғн офиси ишга тушади.

«Тескари ва тўғри ақлий ҳужумлар» кўп ҳолларда техниканинг ривожланишини башорат қилиш, носозликларни аниқлаш ва йўқотиш учун ўтказилади. Ўйинли ўқув машғулотларида бу шаклдан муҳим техникавий ёки ташкилий муаммо бўйича жамоавий ечим ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун дастлаб «Тескари ақлий ҳужум» ёрдамида мавжуд ечимдаги барча нуксонлар аниқланади ва улар ичидан асосийлари ажратилади, сўнгра топилган камчиликларни йўқотиш мақсадида «Тўғри ақлий ҳужум» ўтказилади.

Башорат қилиш вақтини кенгайтириш учун бу циклни 2-3 кундан кейин такрорлаш мақсадга мувофиқдир, бу қаралаётган объектнинг ривожланишини икки қадам олдиндан қайта кўришга имкон беради.

«Тўғри ва тескари ақлий ҳужум» техник объектдаги ёки қабул қилинган бошқарув тизимидаги ишлаб чиқариш технологиясида ёки таҳлилий ечимлардаги нуксонларни башорат қилиш учун қўлланилади. Бунинг учун дастлаб «тўғри ҳужум» ўтказилади ва бирмунча истиқболли ечимлар аниқланади. Сўнгра бу ечимларнинг мавжуд камчиликлари «тескари ҳужум» билан аниқлаштирилади. Олдинги ҳолатдаги каби башорат қилиш вақтини ошириш учун бу циклни такрорлаш лозим.

«Ғояларни баҳолашдаги ақлий ҳужум» мураккаб конструкторлик, технологик ва ташкилий масалларни ечиш учун мўлжалланади. У уч боскичда амалга оширилади.

Биринчи боскич (биринчи йиғилиш). Бу боскичда «тўғри ақлий ҳужум» ўтказилади. Тузиб чиқилган ғояларнинг умумий рўйхати ҳар бир иштирокчига тарқатилади. У умумий рўйхатдан иккитадан бештагача мақбул ғояларни индивидуал саралаб олиш, уларнинг афзалликларини кўрсатиб бериш ва рўйхатни янги ғоялар билан тўлдириш вазифасини ўз ичига олади.

Иккинчи боскич (иккинчи йиғилиш). Ҳар бир иштирокчи ўзи танлаган (ёки таклиф қилаётган) 3-5 та ғоянинг афзалликларини кўрсатган ҳолда маълумот беради. Ҳар бир ғоя буйича қисқача (5-10 дақиқа) «ақлий ҳужум» ўтказилиб, таклиф этилган вариантларни такомиллаштириш ва нуқсонларни аниқлаш асосида янги ғоялар илгари сурилади. Муҳокама натижасига кўра ғоя, ютуқ ва камчиликлар қайд этилган жадвал тузилади. Ҳар бир иштирокчига жадвалдан бошқа бир ёки икки энг яхши вариантни танлаш ва у буйича ўз ечимини тақдим этиш топшириғи берилади.

Учинчи боскич (учинчи йиғилиш). Тақдим этилган ечимлар «яхши-сидан ёмонига» қараб тартиблаш мақсадида муҳокама қилинади. Улар ичидан энг самарали деб қабул қилинган таклифлар қабул қилинади. Бунда қабул қилинган ечимларга қўшимча қайта ишлов берилиши ва тафсилотлар билан аниқланиши мумкин.

«Ақлий ҳужум»нинг қараб чиқилган ўзгартирилган шакллари дан ўйинли машғулотларнинг аниқ вазиятларни таҳлил қилиш ва ролларни ижро этиш, ўйинли моделлаштириш (конструкциялаш) ва албатта, иш-билармонлик ўйинлари каби турларини ўтказишда кенг қўламда фойдаланилади.


VI- қисм. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ, НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

6.1. Педагогик технологияларни лойиҳалаш қонуниятлари

Кўзатишлардан маълум бўлишича, ОТМ ўқитувчиларининг фан мавзулари бўйича мақсадларини аниқ белгилашга, ўқув материалларини саралашга ва самарали дидактик жараёнини илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмайди. Ҳали-ҳануз улар фаолиятида изоҳли-тасвирли ёндашув – маъруза (семинар) машғулотлари устуворлик касб этмокда, асосий ўқув вақтини эгалламокда. Бундай шароитда эркин шахснинг шаклланиш тизими суст боради, мураккаб фикрлайдиган ва эркин фаолият кўрсатадиган кадрларни тайёрлаш каби ижтимоий буюртмани амалга ошириш қийинлашади. Ундан фарқли уларок технологик ёндашув таълим тараккиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ўзида аниқ дидактик маслаларни ва уларни ечиш технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан лойиҳаланган дидактик жараён – ўқув-билиш фаолияти тузилмаси ташкил этади. Ана шу жараёни ажратилган вақт доирасида амалга ошириш ўқитувчининг касб маҳоратига боғлиқ.

Дастлаб умумий ҳолда илмий асосда бошқариш ва ташкил этишга асосланган ва ОТМ ўқитувчиларининг ўқитиш жараёнида мавқеини аниқлаб берадиган педагогик технология тузилмасини ўрганиб чиқайлик (9-чизма).



9-чизма. Ўқитиш жараёнининг технологик тузилмаси

Асосий канал (1) ёрдамида ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув элементларининг мазмуни ўқитувчи томонидан талабаларга етказилади. Бу вақт давомида янги билимларини қабуллаш, ўзлаштириш ва мустақкамлаш мулоҳазалари, ўқув-билиш фаолиятини боқариш амалга оширилди.

Ўқув вақтининг асосий қисми (70%гача) талабаларининг ўз-ўзини бошқариш жараёнига сарф бўлмоғи лозим. Талабалар ўзларида ўзлаштирилмаган ўқув элементларини қўшимча ахборотлар манбаидан олишади. Бундай шароитни ОТМ ўқитувчиси ўз фани бўйича аудиторияда яратиши унинг ижодий маҳоратини белгилаб беради. Қўшимча бошқарилувчан ахборотлар манбаи сифатида китоб (дарслик, қўлланма, маърузалар матни, монография ва б), ЎТВ (ўқитишнинг техник воситалари), компьютерлар хизмат қилади.

Талабадан ахборотлар ўқитувчига тескари алоқа (3-канал) асосида узатилади. Бунда ўқитиш жараёни натижаси тўғрисида ўқитувчи тўлиқ маълумот олади. Бугун ўқитиш тизимида рейтинг айнан шу вазифани ўтиши учун жорий этилган.

Ўқитувчида талабаларнинг ўзлаштириш даражалари тўғрисида аниқ маълумотлар бўлсагина, у ўқув-билиш фаолиятини самарали бошқариши, таълимий ахборотларнинг технологик ҳаракатларини коррекциялаши мумкин бўлади. Бир хил ўқув фонди ва бир шароитида нима учун талаба А материалларини яхши ўзлаштиряпти, талаба В эса аксинча, сушт ўзлаштиряпти, деган саволга ўқитувчи жавоб топиши, бунинг учун у ўз фаолиятини тузатиши, яъни асосий ўқув материали асосида талабаларга ўзатилаётган ахборотлар мазмунининг оптимал тузилмасини режалаштириши лозим. Ана шу мақсад учун 2-канал ишга тушади. Фаннинг аниқ мавзуси бўйича белгиланган мақсадлари (тактик) ва бутун фан бўйича эгалланиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тизими (стратегик) олдиндан белгиланади. Демак, ўқитиш жараёни натижалари олдиндан аниқлансагина педагогик технологиянинг асосий принципи – яқуний натижанинг кафолатланиши таъминланади.


Шундай қилиб, қаралаётган технологик жараён тузилмасининг самарадорлигини ошириш учун:

- Талабаларга узатилаётган ўқув ахборотларининг мазмунини оптимал миқдорда аниқлаш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини самарали бошқариш ва ташкил этиш;
- Ахборотларни талаба томонидан ўзлаштиришнинг индивидуал ўзи-ўзини бошқариш жараёнлари имкониятларидан фойдаланиш;
- Ахборотларни ўзлаштириш даражаларини назорат қилишни ташкил этиш.

Педагогик технология амалиётга жорий этилаётган педагогик тизим лойиҳаси сифатида тингловчининг касбий-педагогик маҳоратини шак-

ллантиришга қаратилди. Шу жиҳатдан малака оширишга тегишли педагогик тизим лойихасини келтириш ва таҳлил қилиш фан мавзуларига оид ўқитиш технологияларини яратишга имкон беради (9-чизма). Бу тизим «ОТМ ўқитувчилари касбий-педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг назарий модели»да келтирилган эди.

Бу тизим ҳар қандай таълим турига хос бўлган педагогик тизим қонуниятларига бўйсинади ва қуйидаги инвариатив компонентлардан иборат: тингловчи (ОТМ ўқитувчиси); таълим мақсади; таълим мазмуни; дидактик жараёнлар; ташкилий шакллар ва педагог (МОИ ўқитувчиси).



10- чизма. Кадрлар малакасини ошириш тизими.

- 1 – тингловчи (ОТМ ўқитувчиси); 2 – таълим мақсади;
- 3 – таълим мазмуни; 4 – дидактик жараён;
- 5 – ташкилий шакл; 6 – педагог (МОИ ўқитувчиси).

10- чизмада келтирилган педагогик тизимда дастлабки уч унсур технологик жараённинг дидактик масалалари таркибига кирса, кейинги уч унсур – ўқитиш жараёни тузилмасини, яъни педагогик технология моҳиятини ифодалайди. Малака ошириш жараёнида ҳар бир дидактик масала ўзига тегишли технологиялар ёрдамида ечилади.

Агар педагогик тизимнинг «кириши»да тингловчининг касбий-педагогик маҳорати (билим, кўникма, ижодий фаолият тажрибаси, объектга муносабати) турли даражада қайд этилса (бу ҳақда кейинги фаслда тўлиқ сўз юритилади), «чиқиш»да якуний натижанинг олдиндан белгиланган қийматига эришиш кўзда тутилади.

Бевосита фан мавзулари бўйича ўқитиш технологияларини лойихалаш қоидаларини педагогик тизим доирасида қарашга киришайлик.

I. Фан мавзуси бўйича ўқув мақсадини белгилаш қонуни

Бу муаммони ҳал этишда асосий эътибор ўқув элементларини аниқ ўрнатишга қаратилади, натижада янги мавзу бўйича тингловчилар эгаллаши лозим бўлган билим, тушунча, жараён, ходисалар рўйхати тузилади. Шу билан биргаликда улар бошқа ижтимоий тажриба элементларидан ажралиб туриши лозим. Мисол учун, «Олий мактаб дидактикасининг асосий муаммолари» мавзуси бўйича қўйидаги ўқув элементлари алоҳида ажратилиб кўрсатилиши мумкин:

- Олий мактабда ўқитиш назариясининг умумий масалалари.
- Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти назарияси.
- Ўқиш (ўрганиш) назарияси.
- Таълим мазмуни назарияси.
- Ўқитиш методлари назарияси.
- Ўқитишнинг ташкилий шакллари назарияси.
- Ўқитиш воситалари назарияси.
- Ўқитиш жараёнида педагогик рағбатлантириш ва шахсни шакллантириш назарияси.

Мақсадни ташхисланувчан ўрнатиш борасидаги кейинги кадам – бу тингловчиларнинг ажратиб кўрсатилган ўқув элементлари бўйича билим даражаларини тегишли педагогик инструментарий (тест, оғзаки ва ёзма сўров, компьютерли назорат) ёрдамида ўлчаш ва баҳолаш ҳисобланади. Бу амални бажариш зарур, ақс ҳолда ОТМ ўқитувчиси машғулот давомида «америка»ни кашф этиши мумкин. Бошқача сўз билан ифодаланганда, ўқитувчи қайси ўқув элементларини бирмунча чуқур ва кенг ўрганиши, қай бирини саёз – эпизодик тарзда тушунтириш зарурлигини англаб етади ва ўз фаолиятини коррекциялайди. Шундай қилиб, мавзу мақсади аниқ ўрнатилиши мумкин, агар у:

- ўқув элементлари рўйхат тарзида аниқ ифодаланса;
- тингловчиларнинг билим даражасини ўлчаш инструментарийси мавжуд бўлса;
- тингловчининг бошланғич билим даражаси баҳоланса.

II. Фан мавзуси бўйича ўқув ахборотларини саралаш қонуни

Мавзу мақсадини белгилашда иштирок этган ўқув элементлари рўйхати бу босқичда ҳам иштирок этишади, бироқ улар матн кўринишини олиши шарт. Шу мақсадда ОТМ ўқитувчиси куйидаги ҳолатни инобатга олган ҳолда ўқув материалларини саралаш (маъруза ёзиши) шарт:

1. Ўқув материални баён қилишнинг шимий тили ёки фан ривожининг абстракция погоналари(β).

Ҳар бир фаннинг хусусий ривожланиш тарихи мавжуд. Олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари асосида фан тарақиётига асос солинади. Фан объектларидан ўқув элементлари ажратиб олинади ва ўқув дастури

тузилади. Шубҳасиз, ўқув элементлари фан объектларидан кичик бўлади ($\dot{Y} \dot{E} < \Phi O$).

Фан ривожининг абстракция пағоналари мавжуд ва ўқитувчи ана шу баён қилиш усулларидан бирига асосланиб алоҳида ўқув элементларига ишлов беради.

Биринчи абстракция поғонасида (феноменологик – $\beta = 1$) нарса ва ҳодисаларнинг баённи тасвирлаш чекланган. Объектларнинг муайян тартибли рўйхати келтирилган бўлади, уларнинг сифат ва хусусиятлари қайд этилади. $\dot{Y} \dot{E}$ оддий, одатдаги тилда тушунтирилади.

Иккинчи абстракция поғонада (аналитик-синтетик – $\beta = 2$) фан учун хусусий бўлган тушунча ва атамалар, қонуниятлар $\dot{Y} \dot{E}$ нинг асосий тарқибни ташкил этади. $\dot{Y} \dot{E}$ фан тилида баён этилади.

Учинчи абстракция поғонаси (башоратловчи – $\beta = 3$) фанга тегишли маълум ҳодисалар уларнинг сонли назариялари асосида тушунтирилади, асосий жараёнларни моделлаштириш, қонун ва хусусиятларни аналитик тасаввурлаш амалга оширилади. Ҳодиса ва жараёнларнинг кечиш муддати ва сони олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлади. Ривожланган фан тили вужудга келган бўлиб, $\dot{Y} \dot{E}$ баёни фанлараро боғланишлар асосида олиб борилади.

Тўртинчи абстракция поғона (аксиоматик – $\beta = 4$) нарса ва ҳодисаларни тушунтириш материалларнинг кенг қамровлиги, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тасвирланади. Фаннинг предметлараро тили (кибернетика, информатика ва б.) мавжуд бўлиб, улар ёрдамида илмий билимларнинг амалий йўналишлари қайтадан илмий асосланади.

Маъруза матнининг (ўқув материалининг) илмийлик даражаси ва бу кўрсаткич ёрдамида тингловчилар билим сифатини баҳолаш учун илмийлик коэффициенти киритилади.

$$K_{\beta} = \beta x / \beta t, \text{ каерда:}$$

βx – ўқитиш олиб борилаётган дарслик ёки методик қўлланма ёзилган абстракция поғонаси;

βt – фан соҳасида эришилган ва ўқув предметиин и юзага келтирилган абстракция поғонаси. Илмийлик коэффициенти қиймати: $1/4 \leq K_{\beta} \leq 4$ (8,72)

2. Талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражалари (α).

Ўз навбатида талабалар $\dot{Y} \dot{E}$ ни қайси даражада ўзлаштиришлари ёки қандай маҳорат билан бажаришлари керак? Бу саволга психологлар томонидан яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Ахборотлардан фойдаланиш характерига қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул (репродуктив) ва маҳсулдор (продуктив). Талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси номаҳсул фаолиятда *тапишув* ($\alpha=1$) ва *алгоритмик* ($\alpha=2$) даражада, маҳсулдор фаолиятида эса *юристик* ($\alpha=3$) ва *ижодий* ($\alpha=4$) даражада амалга ошиши мумкин.

Шундай қилиб, фан мавзулари бўйича дидактик масалаларни аниқ

белгилаш асосида самарали дидактик жараёни – технологияларни лойиҳалаш имконига эга бўлиш мумкин.

III. Дидактик жараёни лойиҳалаш қонуни.

Ўқитувчи фаолиятининг муҳим босқичи – бу дидактик жараён (ёки ўқув-билув фаолият тузилмаси)ни лойиҳалаш ҳисобланади. Айнан шу дидактик жараён педагогик технологиянинг асосини ташкил қилади ёхуд у белгиланган вақт ичида таълим (тарбия) мақсадига эришиш учун ЎЭ мазмунини таълим олувчиларга узатиш йўллари аниқлаб беради. Шу билан биргаликда дидактик жараённинг назарий асосларини яхши билмасдан туриб самарали педагогик технологияни яратиш мумкин эмас.

Хўш, дидактик жараён моҳияти нимадан иборат? Уларни лойиҳалашга қандай педагогик талаблар қўйилади? Психология ва педагогика фанида дидактик жараён мутахассис шахсини шакллантириш жараёни сифатида талқин этилади.

Дастлаб ўқитиш жараёни тузилмаси билан танишайлик.

Бу жараёни рамзий тарзда қуйидаги шартли формула билан ифодалаш мумкин.

$$\text{ЎЖ} = \text{ЎФ} + \text{ЎКФ},$$

қаерда: ЎФ – ўрганувчи бажарадиган ўқув фаолияти; ЎКФ – ўқитувчи бажарадиган ўргатувчилик фаолияти. Бу формула асосида жуда муҳим саналган №1 педагогик қонун қайд этиляпти: ўрганувчининг хусусий ўқув фаолияти ва унга ҳамоҳанг бўлган ўқитувчининг ўргатувчилик фаолиятдан ташқари ҳеч қандай ўқитиш жараёни мавжуд бўлмайди.

Қўплаб психологик-педагогик адабиётларни ва тадқиқотларни ўрганиш натижасида дидактик жараён ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги компонентлардан иборат эканлиги маълум бўлди: мотивация (М), ўрганувчининг ўқув-билиш фаолияти (ЎФ) ва уни педагог томонидан бошқариш (Б) унинг шартли формуласи:

$$\text{Дж} = \text{М} + \text{ЎФ} + \text{Б} \quad (8 \text{ 96}).$$

Бу жараён босқичларини ўрганишдан олдин юқорида келтирилган икки формулани ўзаро таққослаш зарур бўлади. Эътибор берсангиз, ўқитиш жараёни икки фаолият туридан – ўқитувчининг ўргатувчилик ва тингловчининг ўқув фаолиятдан иборат. Ўқитиш жараёнининг ана шу компонентлари дидактик жараённинг кейинги икки босқичи билан бир хил маъно касб этаёпти ёки бир хил фаолиятни ифодалайди. Бир биридан фарқи – дидактик жараёндаги дастлабки элемент – бу мотивация босқичининг мавжудлигидир. Ўқув-билув фаолиятининг мотивацияси ўқитувчи маҳоратига тегишли тушунчадир.

Дидактик жараён тузилмасини батафсил таҳлил қилишга киришайлик.

Мотивацион босқич. Мотивация – бу шахс ҳатти-ҳарактини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи куч, ҳиссиёт бўлиб, педагог уни бошқаришга ҳаракат қилади ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳисобга

олади. Уни амалда вужудга келтириш учун ўқитувчи ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таассуротли далилларни махсус йиғиши ва талабаларга ўқитилаётган предметнинг асосий ҳолатлари бўйича билимлар асосида нокулай вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини намоёниш қилиш керак. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳолда талабаларда ҳосил бўладиган мотивлар кучли ёки кучсиз бўлади. Демак, ўқитувчи ҳар бир дарс мақсади ва мазмунига мос келадиган мотивация меъёрини аниқлаши лозим бўлади. Педагогикада таълим олувчиларнинг дарсга қизиқтириш йўллари хилма-хилдир. Бирмунча самарали бўлган методика – бу муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида тингловчиларга тақлиф этиш ёки предмет мавзусини ифода эта оладиган махсус муаммоли топшириқлар берилиши керак.

Муаммоли вазиятлар ўзида тингловчининг қийинчиликни (муаммони) аниқ ёки хира англашини ифодалайди ва уни забт этиш янги билимларни, янги усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб этади. Агар тингловчида қийналишларни бартараф этиш йўлларини қидириш учун бошланғич билимлар етишмаса, у муаммоли вазиятларни қабул қила олмайди ва табиийки, тафаккурида кураш ва қарама-қаршилик жараёни кечмайди.

Мавжуд вазиятларнинг уч кўринишини келтириш мумкин:

1. *Вазият маълум.* Уни ҳал этиш учун шунга ўхшаш аниқ намуналар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда вариантни ечиш методи стандартли бўлиши мумкин.

2. *Вазият ўхшаш.* Бундай ҳолатда уни шунга ўхшаш бошқа вазиятлар билан таққослаш зарур. Улар бир бирига айнан ўхшаш бўлмаслиги мумкин, бироқ яхлит асосга эга бўлганлиги учун унинг кўринишини ўзгартириб қаралаётган вазиятга яқинлаштириб мақбуллаштирилади ва оқилона ечиш йўли топилади.

3. *Номаълум вазият.* Бундай вазият амалий фаолиятда учрамайди, уни бошқа қандайдир намуна билан солиштириш имкони йўқ. Шу боисдан ечимнинг янги методини излаб топиш зарур бўлади.

Муаммоли вазиятлар таълим мақсадини кўзлаб олдиндан конструкци-яланади ва ўқитиш жараёнининг маълум қисмига киритилади. Дидактик жараённинг мотивация босқичи эса муаммоли топшириқларни кўпроқ дарснинг бошланғич қисмига киритишни ва таълим олувчилар диққатини дарс мавзусига тўлиқ жалб этишни тақозо қилади. Талаба ҳам ўз навбатида ганиш вазиятлардан янги муаммоларни кўра олиши, объектнинг янги вазифаларини, объект тузилишини аниқлаб олиши, муқобил ечимларни топа билиши каби ижодий фаолиятни намоёниш қилиши керак.

Дидактик жараённинг мотивацион босқичи таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига кириб кетишини тезлаштиришга имкон беради. Бу фаолиятни керакли фаоллик даражасида ушлаб туриш учун уни ташкил этиш методлари ва усулларини ўқитувчи тингловчиларнинг ўзлаштириш сифатига боғлиқ ҳолда танлай олиши керак.

Дарс мавзусини тушунтиришда тарихий материаллардан фойдаланиш ҳам талабаларда кучли мотивларнинг вужудга келишига, билишга қизиқишини кучайтришга сабаб бўлади. Бирок ўқув материални баён қилишга тарихий ёндошиш қўшимча характерга эга бўлиши, мавзу бўйича эгалланаётган билимлар тизими ичида мантиқийлик сақланиши керак.

У ёки бу мавзуга оид қисқа метражли кинокадр ҳам кучли мотивацион омил ҳисобланиди. Бирок кинодарс ўқитувчи ва талабалар ўртасида бўладиган эвристик суҳбат мазмунига замин яратиши керак, шундагина уларда мавзунини ўрганишга эҳтиёж туғилади ва кўзлаган мақсадга эришилади. Ўқитувчи англаб етиши керак бўлган ҳолат шундан иборатки, дарсда мотивларни тингловчиларда ривожлантириш асосий мақсад эмас, балки тингловчининг билиш фаолиятини тезлаштириш воситаларидан бири саналади.

Ўқув фаолияти Талабалардаги мотивация характери кўп жihatдан уларнинг ўқув фаолиятига боғлиқ. Ўрганиш бу кенг маънода – талабаларнинг янги билимларни ўзлаштириш жараёнидир. Лекин ҳар қандай ўрганиш ҳам ўқув фаолияти бўла олмайди. Ўрганиш ўқув фаолияти даражасига кўтарилиш учун таълими олувчилар билимларни эгаллаш давомида уларни бойитадиган ўқув ҳаракатларининг янги усулларини ўзлаштириши, мустақил равишда ўқув топшириқларини белгилаши, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хусусий ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини билишлари керак.

Педагогик жараён билан шуғулланувчи ҳар бир кишига маълумки, билимларни талабалар томонидан эгалланиши уларнинг хусусий ўқув фаолияти (психологлар тилида – билиш фаолияти) натижаси туфайли рўй беради. Психологлар бу фаолият турини кенг камровда ўрганиб чиққанлар ва унинг билим, ҳаракатларни эгаллашга олиб келадиган турли кўринишдаги тузилмасини аниқладилар (Гальперин П.Я., Тализина Н.Ф., Чебишева В.В.). Бирок психология фани ҳанузгача ўқитишда таълими олувчиларнинг кетма-кет билиш ҳаракатларининг энг яхши таркиби тўғрисида яқдил фикрга келганларича йўқ. Бу таркиб ва талабаларнинг билишга оид ҳаракатларининг кетма-кетлиги мавжудлик алгоритми (МА) деб номланади. МА, биринчидан, бу ҳаракатларнинг қатъиян кетма-кетлигини, иккинчидан, уларнинг натижалари ҳам қатъиян олдиндан аниқланганлигини таъкидлайди. Шу боисдан МА моҳият жиҳатдан ўқув-билиш назарияларининг турига (элементар мулоқат, ассоциатив, бихевиоризм, гештальт, ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш) мос ҳолда турли кўринишга ва мазмунга эга бўлади. ҳар қандай МАНинг инвариатив элементи – бу ўқув жараёнида ўзлаштириш даражаси бўйича кетма-кет ҳаракатланишидир. Ҳаракат “қадам”нинг ўзи ва ҳар бир “қадам” мазмуни

танланган ўзлаштириш назариясига боғлиқ бўлади. Танлаш усули ва танланган ўзлаштириш назариясининг сифат мезонлари – ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги муҳим мўлжали ва унинг педагогик технологияси тавсифномаси ҳисобланади (8, 106).

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ўқув фаолияти фаолиятнинг умумий лойиҳаси бўйича курилади ва ўзида мўлжалли (йўналтирувчи), бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради. Унинг шартли формуласи:

$$\text{Ўф} = \text{Мх} + \text{Бх} + \text{Нх} + \text{Туз}$$

Бу ҳаракатларни талабалар бевосита ўқитувчи ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажаришлари мумкин. Ўқитувчи дастлаб талабадаги мавжуд ҳаракат турларини кузатиши керак. Ўқув ҳаракатларининг алоҳида ҳар бири ЎЭни ўзлаштиришнинг маълум босқичида намоён бўлади. Мисол учун, Мх ни бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириши қуйидагича амалга оширилади: а) ўқитувчи белгилаган тайёр топшириқларни тушуниб етиши; б) ўзи учун бу топшириқларни фаол қабул қилиши; в) мустақил равишда талабаларнинг ўқув топшириқларини ўрнатиши; г) бир қанча ўқув топшириқларини мустақил ўрнатиши.

Талабанинг мўлжалли ҳаракатлари (Мх) ўзлаштириш давомида шундай ахборотлар билан таъминланадики, улар талаба эгаллайдиган ҳаракат қонунлари ва усулларини умумий кўринишда ифода қилади. Одатда Мх ҳар бир ўқув топшириғини бажаришда маълум кетма-кетликка риоя қилишни тақозо этади ва бу ҳаракатлар тизими кўпинча йўриқли ҳаритада ўз аксини топади. Бу ҳариталар ёрдамида ўқув материалларини ўзлаштириш давом этади, бироқ энди бу жараён билиш фаолиятининг кейинги бажарувчилик босқичида рўй беради.

Бажарувчи ҳаракатлар (Бх) ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (таҳлил, ўзгартириш, такқослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларни операциянинг бир звеноси сифатида бажарилиши; в) бир масаланинг ечимига қаратилган ва йирик блокларга қўшилган ҳолда амалга ошадиган бир қатор ўқув ҳаракатларини бажариш; г) бу йирик блокларни англаш даражасида (кўникма) ёки “автоматик“ (малака) даражасида амалга оширилиши.

Ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясида талабанинг бажарувчи ҳаракатлари (Бх) ўқув-билув фаолиятининг турли шакллари кетма-кет алмаштирадиган амалларни босқичли жараён сифатида ташкил этишни тақозо этади, яъни: ташқи, моддийликдан (Мд) ички нутқ (Нт) шакли орқали ақлий (Ақ) ҳаракатга. Маевудлик алгоритмининг бу босқичи рағбий тарзда қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\text{Бх} = \text{Мд} + \text{Нт} + \text{Ақ}$$

Кейинги боскич – назорат қилувчи (Нх) ҳаракат мавзу бўйича ЎЭни ўзлаштириш даражси талабанинг ўз-ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва эталон билан солиштирилади. Агар ўзлаштириш даражаси паст ($K\alpha \leq 0,7$) бўлса, у ёки бу ҳаракат боскичида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи боскичида (Туз) аниқланиб, тузатишга оид дидактик жараён ташкил этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туз амали – бу шунчалик талабанинг машқ бажаришида ёки тест ечишида йўл қўйган хатоларини тузатиш эмас, балки бутун бир дидактик жараёни тузатиш, қайта куриш демакдир. Агар Нх ўқув фаолиятининг барча боскичлари учун реғишли бўлса, Туз ҳаракати зарурий ҳолда, яъни $K\alpha \leq 0,7$ бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Агар $K\alpha \geq 0,7$ бўлса Туз га ҳожат қолмайди ва кейинги боскичларга кадам қўйилади.


Ўқув фаолияти ҳаракатларининг барчаси талаба томонидан номахсул ва маҳсулдор даражаларда бажарилиши мумкин. Масалан, номахсул даражада талаба ҳаракати йўриқнома ёки намуна бўйича бажарилади ёки қабул қилинган усулларни бирмунча ўзгартирган ҳолда хато ва уринишлар ёрдамида амалга оширади.

Ўқув фаолиятининг муҳим тавсифномаларидан бири – унинг натижасидир: объектив – ечимнинг тўғрилиги; натижани олгунга қадар ҳаракат ва кадамлар сони; вақт сарфи; субъектив – тингловчи учун ишнинг муҳимлиги, яқундан субъектнинг қаноатланиши, куч сарфи ва бошқа.

Бошқариш Дидактик жараёнинг сўнгги таркибий қисми – ўқувбилиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Шуни қайд этиш жоизки, ҳар қандай ўқув фаолиятини бошқариш имконияти мавжуд. Бошқариш тизими икки – бошқарувчи ва бошқарилувчи объектдан иборат бўлади. Агар дидактик жараёнда ўқитувчи бошқариш субъекти ҳисобланса, талаба – бошқариш объектидир. Субъект узлуксиз тарзда таълим мақсадига мувофиқ объектга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказди. Объект ҳам ўз навбатида субъект томондан ўрнатилган мақсад ва вазифаларни тўғри англаб етиши ва унга эришиш чораларини кўргандагина ўқув фаолиятининг самараси тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади. Қуйида олий ўқув юртларининг ўқув-тарбия жараёнини бошқариш тизимини келтирамиз (11- қизма).

Педагогикада ўқув фаолиятини бошқаришнинг кибернетика фанида ишлаб чиқилган таснифидан фойдаланилади: очик, ёпик ёки циклик, ёйил-мали. Дидактик жараёни бошқаришда кўпроқ циклик турдаги бошқариш тизими қўл келади. Сабаби зарурий ўқув ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотар оқими ўргатувчидан тўғри алоқа ёрдамида ўрганувчиларга узатилади.

Асосий ҳаракатларни бажарилганлиги ҳақидаги маълумотлар эса тескари алоқалар ёрдамида ўрганувчидан ўргатувчига узатиш имконияти мавжуд бўлади. Демак, ўқув фаолиятини бошқариш циклик тарзда, яъни: “ўргатувчи – ахборот – ўрганувчи” тизими кўринишида амалга ошар экан.



11- чизма. Укув-тарбиявий жараёнини бошқариш субъекти(БС) ва объектларининг(БО) узаротаъсири (Р – ректор, Д – декан, К – кафедра мудир, Ў – ўқитувчи, Т – талаба).

Ёпик бошқариш доимо ҳар бир ўқув элементи бўйича ўқитишнинг асосий кўрсаткичларини ($\alpha, \beta, \tau, \gamma, \varepsilon$) талабанинг ўқув фаолияти жараёнида кузатишни ва бу кўрсаткичлар белгиланган меъёридан фарқ қилса фаолият учун зарурий тузатишларни амалга оширишни такозо этади.

Ўқитишда бошқаришнинг ёпик усулидан фойдаланишнинг бирмунча содда усули – бу талабани сўроқ қилиш ва ўқув материални ўзлаштиришда йўл қўяётган хатоларини зудлик билан тушунтириш, сўроқ натижаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча машқлар бажариш зарур.

Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, агар Ма фақат талаба томонидан бажарилса, бошқариш алгоритми (Б) ўқитувчи томонидан ёки талаба ҳам бажариши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи нафақат талабаларга топширик ёки машқ тавсия этади, балки уларнинг тўғри жавобларини (эталонларини) ҳам беради. Шунда талабалар ўз фаолиятларини текшириши ва ҳаракатларини тузатиш имконига эга бўладилар.

Шундай қилиб, дидактик жараёни (4-элемент) лойиҳалаш қонуниятларини юқорида баён қилдик. Бирок унинг ҳар бир босқичи илмий жиҳатдан асосланган ўқитиш методлари ва воситаларини танлашни талаб этади. Дидактик жараённинг ҳар бир босқичига мос келадиган ёки дидактик жараён назариясига асосланган ўқитиш методлари таснифи педагогика фанида 1983 йил ишлаб чиқилди ва педагогик амалиётга жорий этилди. Улар уч гуруҳ методларидан иборат: 1- гуруҳ – ўқиш ва меҳнатга рағбатлантирувчи ва мотивация методлари; 2- гуруҳ – ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари; 3- гуруҳ – ўқув-билиш фаолиятини бошқариш методлари (18).

Дидактик жараён самарадорлигини ёки педагогик технология мақбул-лигини белгиловчи омиллардан яна бири ўқитиш шаклларини ўқув фаолияти босқичларига мос ҳолда тўғри танлаш ва уларни оқилона чағиштириш принципи ҳисобланади.

Ташкилий шакллар Дидактик жараёни ташкил этишда ўқитувчи ўқув-билув фаолиятининг ташкилий шаклларини (5-элемент) ҳам таълим

мазмунига мос ҳолда танлай олиши керак. ПТни лойиҳалаш шартларидан бири ҳам “ташкилий шакллар“ни тўғри ташкил этиш саналади. Педагогикада ўқитишнинг ташкилий шакли деганда ўқувчи(талаба)лар ўқитиш жараёнида қўйилган ташки шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади.

Маълумки, олий таълим тизимида билув фаолияти аудиторияда (маъруза, семинар, лаборатория, ўқув маслаҳати, синов, имтиҳон) ва аудиториядан ташқарида (уйда, кутубхонада тайёргарлик, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, тўгарак ва бошқа) ташкил этилади.

Педагог ўқув фаолияти шакллари танлашда қуйидаги саволларга жавоб топиши керак: дидактик жараён иштирокчиси ким (ўқувчи, талаба, тингловчи) ва у қандай бошқарилиши керак (ўқув фаолиятини ўқитувчи бошқаради, автоматлашган аудитория ёрдамида ёки бошқа техник воситалар ёрдамида; кино-диафильм, компьютер, модели таълим ва ҳаказо).

Дидактик жараён у ёки бу техник воситалардан таълим мазмунига мос ҳолда узлуксиз қўллашни тақоза этади. Бу йўналиш ПТнинг мавжудлик шартларидан биридир.

Педагог Педагогик технологиянинг лойиҳачиси ҳам, уни амалиётга жорий этувчи ҳам педагог (6-элемент) ҳисобланиб, малакали мутахассис тайёрлашдек муҳим ижтимоий (давлат) буюртмасини бажаради. Хўш, педагогнинг педагогик тизимда тутган ўрни нимадан иборат?

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини (2-элемент) ташхисланувчан ҳолда аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада ажратилган вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараённи тузиш ва жорий этиш тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи белгиланган таълим мақсадига тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини (3-элемент) саралашда фаннинг абстракция поғоналарини (Кβ) ва ўзлаштириш даражаларига (Кα) мослигини инобатга олиши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараённи (4-элемент) тузиш талаблари билан таниш бўлиши ва унинг энг мақбул вариантини ҳар бир дарс мавзусига боғлиқ ҳолда лойиҳалашни керак. Бу талаблар жадаллаштириш ва табиатан монандлик принциpidир. Жадаллаштириш принциpi дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараённи қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияда жадаллаштириш принципини аниқлаб берувчи омил тингловчиларнинг маълум фаолиятни ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчи принцип ўқув-тарбиявий жараённи шундай ташкил этишга асосланадики, бунда мумкин қадар тингловчиларнинг кенг доирада тажриба (билим, кўникма ва ижодий фаолият) эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий заковатини ривожлантира оладиган механизм вужудга келсин.

4. Ўқитувчи дидактик жараёни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакллари (5-элемент) фойдалана олиши зарур. Бу педагогик тизимда элементларнинг маълум қонуният асосида боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш таълимда чизмаиятчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган талабанинг (1-элемент) таълим мазмунини ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар билан назорат қилиб бориши лозим. Олинган ахборотлар педагогик тизимни мақсадга мувофиқ гарзда бошқариш имкониятини беради ёки педагогик тизимдаги қайси элементнинг мазмунини тузатиш керак эканлигини белгилаб беради.

Шундай қилиб, педагогик технология тузилмасини амалиётга жорий этиладиган педагогик тизим мавқеидан ўрганиб чиқдик.

6.2. «Олий мактаб педагогикаси» фани мавзуларига оид педагогик технология лойиҳалари

Ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятини ривожлантирувчи педагог технологиялар лойиҳаларини яратишда икки хил ёндашув кўлланилди:

Биринчиси – педагог тизим асосида лойиҳаланган педагогик технологиялар, иккинчиси – талабаларнинг мустақил ўқув – билув фаолиятини интерфаол методлар ёрдамида ташкил этишга асосланган педагогик технологиялар.

Қуйида ҳар иккала ёндашув асосида “Олий мактаб педагогикаси” фани мавзулари бўйича технологиялар лойиҳалари келтирилади.

Машғулот 1.

Мавзу: “Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти назарияси”

1. Мавзунинг ташхисланувчан мақсадларини ўрнатиш.

Мавзу бўйича шакллантириладиган ЎЭ рўйхати:

1. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти.
2. Функционал дидактик тизим.
3. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти турлари.
4. Педагогнинг ўргатувчилик қонунлари.
5. Ўқув- билув фаолиятини ташкил этиш принциплари.
6. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти воситалари:

Назорат методи:

а) тингловчиларнинг бошланғич билим даражаси компьютерга киритилган тест топшириқлари ёрдамида ўлчанади.

б) тингловчилар билимларини (тест натижаларини) баҳолаш мезони сифатида ўзлаштириш коэффеценти ($K\alpha$) дан фойдаланилди:

$$0 \leq K\alpha = a/p \leq 1$$

II. Мавзу мазмунини саралаш.

Мавзу мақсадини аниқлашда келтирилган ўқув элементлари бўйича матн ёзилди. Бунинг учун:

а) мавзунини баён қилиш илмийлиги (абстракция поғоналари – $K\beta$) ва талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари ($K\alpha$) ҳисобга олинади.

Қуйидаги эвристик фаолият даражасига ($K\alpha=3$) мос келадиган ва иккинчи аналитик-синтетик абстракция поғонасида ($K\beta=2$) ёзилган ўқув матни келтирилади.

1. *Ўқитувчи ва унинг ўқитувчилик фаолияти* ҳар доим бирор бир аниқ ўқув предмети билан боғланган бўлади. Бироқ ўқитувчилар фаолиятида ўқув предметиға, ўқув муассаса туриға, таълим олувчининг ёшиға алоқадор бўлмаган ва таълим жараёнида ҳар қандай ўқитувчи фаолиятиға тегишли бўлган умумийлик ва характерли томони мавжуд. Бу – педагогнинг ўргатувчилик фаолиятидир. Демак, педагогнинг ўргатувчилик фаолияти – бу шундай фаолиятки: биринчидан, у ўқитиш жараёнида амалға оширилади; иккинчидан, умумий фаркланувчи чизғиларни мужассамлаштиради; учинчидан, ўқитиш жараёнида ўрганувчида билимлар, кўникма ва малакалар, билув фаолияти усулларини шакллантиришға, шунингдек, шахс ривожланишиға йўналтирилган бўлади.

Бундай ҳолатда ўқитишни ўргатувчи фаолият сифатида қараш мумкин, агар унда аниқ предмет бўйича ўқишнинг ўзига хос томонлари мужассам бўлса. “Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти” тушунчаси ўз моҳиятиға кўра муайян предметни такоза этувчи ва шу боисдан бирмунча аниқ ҳисобланган “ўқитиш” тушунчасиға нисбатан бирмунча умумийликка эға.

2. *Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти* маълум функционал дидактик тизим доирасида кечади. Шу боисдан ўқитувчи дидактик тизимлар ривожланиш тарихини, уларнинг у ёки бу педагогик воқеликни амалға оширишдаги мавқеини, самара беришини чуқур англаб олиши лозим.

Мавжуд дидактик тизимлар: 1. Анъанавий. 2. Аудиовизуалли. 3. Маслаҳатчи. 4. Ўқув китоби. 5. Кичик гуруҳ. 6. ЭХМ фойдаланиш. 7. Репитетор. 8. Дастурли бошқарув (В.П, Беспалько).

Бизнинг ўқитувчилик корпусимиз асосан I-дидактик тизим – анъанавий таълим билан иш кўрадилар, яъни бир вақтда 30–40 талаба билан шуғулланади. Табиийки, бу ҳолда бошқарув фақат ёйилмалли тарзда бўлади, ўқитувчи жисмоний жиҳатдан ҳар бир таълим олувчининг ўқув фаолиятини назорат қилиш имкониятиға эға эмас. Ахборотли жараён ҳам тарқоқ бўлади ва жараён қўлда бошқаришға асосланади (овоз, қараш, ҳаракат ва б.). Анъанавий дидактик тизим формуласи: **Ёй -Тр -Қл**. (ёйилмалли бошқарув – тарқоқ ахборотли жараён – қўлда бошқарилади).

3. *Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти* турлари дидактик тизим туриға боғлиқ ҳолда тасвирланади. Етакчи фаолият тури – бу ўрганувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади. Қолган барча педагогнинг

Ўргатувчилик фаолияти турлари маълум тартибда унга бўйсинади ва натижада умумий таъсир бирмунча кучаяди. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти турлари: ўқув жараёнини режалаштириш; билим, кўникма ва малакаларни тақдимлаш; фаолият усулларини шакллантириш; ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш; уни рағбатлантириш; ўқишнинг боришини назорат қилиш ва мазмунини ўзлаштиришни текшириш; педагогик ташхис; ўқув жараёнини коррекциялаш.

4. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти қонунилари:

1. Таълим ва тарбия бирлиги қонуни.
2. Таълимда ўқитувчи ва талабанинг ўзаро боғлиқлик ва шартлилик қонуни.
3. талабанинг ўқишда фаоллик қонуни. Ўрганувчи субъектининг хусусий фаолиятсиз таълим мақсадига эришиш мумкин эмаслиги.
4. Ўқитиш назарияси ва амалиётининг ҳаёт билан узликсиз боғлиқлик қонуни.
5. Талабани индивидуал имкониятларига мос равишда ўқитишда абстракт ва аниқлик муносабатлари.
6. Ўргатувчилик фаолиятининг якуний мақсадига эришишда таълимга тизимли ёндашув қонуни.

5. Ўқув -билиш фаолиятини ташкил этиш принциплари:

- 1) ўқув жараёни тизим сифатида ташкил этилиши, ундаги барча компонентларнинг боғлиқлик ва ўзаро ҳаракати таъминланиши лозим.
- 2) таълим талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг функционал дидактик тизими тарзида қурилиши лозим.
- 3) педагогнинг ўргатувчилик фаолияти турларининг ҳар бири аниқ ўқув фанини ҳисобга олган ҳолда бу фаолиятнинг асосий усулларига ажратилиши лозим.
- 4) педагогнинг муайян ўргатувчилик фаолияти ўз функциясини тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолияти функцияси билан органик бирлаштириши лозим.
- 5) барча ўқитиш воситалари ўрганувчининг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда таянч вазифасини ўташ керак.
- 6) Ўрганувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш талабанинг ўз-ўзини ташкил этиш билан ўзвий боғлиқ бўлиши лозим.

6. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти воситалари:

- а) тасвирли (чизмалар) воситалар;
- б) аудиовизуал воситалар;
- в) допроекторлар;
- г) ўқув кинолари;
- д) ўқув телекурсадуви;
- е) моделлар, макетлар, тренажерлар.

III. Мавзу бўйича дидактик жараёни куриш тартиби.

Дж = М + Уф + Б

1. Талабалар диққатини мавзуга жалб этиш мотивацияларини вужудга келтириш босқичи (10 дақиқа).

Ўқитувчи педагогик фаолият турлари (коммуникатив, конструктив, ташкилотчилик, тадқиқотчилик, техникавий ва б.) бўйича ахборотлар берилди ва улар ичида “педагогнинг ўргатувчилик фаолияти”га алоҳида урғу берилди ва унинг устувор фаолият эканлиги новатор ўқитувчилар (Ш.Амонашвили, В.Ф.Шаталов, С.Н. Лисенкова) мисолида тушунтирилди.

2. Ўқув фаолиятини ташкил этиш (60 дақиқа). Мавзу бўйича белгиланган ўқув элементларини ўқитувчи изоҳли баён қилади, бунда юқоридаги мавзу бўйича сараланган мазмунга таянилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш”.

I гуруҳ (5 киши) учун ЎЭ № 1: Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти.

Қўшимча ахборотлар манбаи: Н.В. Кузьмина. Основы вузовской педагогики /Учебное пособие. -М., 1972. С.И. Архангельский. Лекции по теории обучения в высшей школе. – М., 1974. “Педагогика” журанали., 2001 й, № 1-4.В.П. Попков, А.В. Коржуев Дидактика высшей школы. – М.: Изд-во «Академия», 2008.

II гуруҳ (5 киши) учун ўқув элементи № 2: Функционал дидактик тизим.

Қўшимча ахборотлар манбаи: В.П. Беспалько Слагаемые педагогической технологии. -М.: Педагогика,1989. Г.И.Хозяинов Формирование дидактической теории. – М., Из- во “Знание”, 1984. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. Т.: “Молия”, 2003.

III гуруҳ (5 киши) учун ЎЭ № 3. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти турлари.

Қўшимча ахборотлар манбаи: Н.В. Кузьмина Метод системного педагогического исследования. – Л., 1980. В.В. Краевский Соотношение педагогической науки и педагогической практики. – М., 1977. “Педагогика” журанали, 1998– 2000й.– № 1-5.

IV гуруҳ (5 киши) учун ЎЭ № 4. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти конунлари.

Қўшимча ахборотлар манбаи: И.Я. Лернер. Процесс обучения и его закономерности. – М., 1980. И.М Контар. Понятийно – терминологическая система педагогики. – М., 1980.

V гурух (3 киши) учун ЎЭ № 5. Ўқув - билув фаолиятини ташкил этиш принциплари.

Қўшимча ахборотлар манбаи: Баранов В. Сущность процесса обучения. – М., 1982. В.П. Беспалько. Слагаемые педагогической технологии. – М., 1989.

VI гурух (3 киши) учун ЎЭ № 6. Педагогнинг ўргатувчилик фаолияти воситалари.

Қўшимча ахборотлар манбаи: Университетнинг тегишли ўқув хоналарига экскурсия қилиш асосида улардаги техник воситалар таснифи билан танишиш.

“Мунозара”

Ҳар бир гурух ўқув элементлари бўйича тўлиқ ахборотларни эгаллаган мавзунга аёвсиз “хужум” қиладилар ва приовард натижада мавзуга тегишли маълумотларни атрофлича ўргандилар.

Дидактик жараённинг бошқарув қисмида ўқитувчи (ОТМ) фаолияти ёки бутун дарс давомида (60 дақиқа) талабалар ҳаракатини ЎЭ нинг рўйхатига мос келадиган босқичларда назорат қилади. Уларнинг бажарилишини кузатади ва муҳим тузатишлар киритади.

IV. Мавзу учун қулай ташкилий шакллар:

Жамоали-гуруҳли, яқка тартибда, ЎЭ нинг мазмунига қараб ялпи (фронтал) шакллар қулланилди.

Мавзу бўйича гуруҳларнинг ўзлаштириши $K\alpha = a/p$ ёрдамида аниқланди (натижалари ҳақида кейинги фаслда сўз юритилади).

Машгулот 2

Мавзу: Педагогика фани ва амалиётининг асосий тенденциялари ва ривожланиш йўналишлари

Бу машгулот бугун педагогика фани ва ўқитувчи-амалиётчиларни ҳаяжонга соладиган муаммолар донрасига ўзига хос кириб бориш билан характерланади. Олдиндан талабаларга топшириқ берилади: педагогик мавзудаги мақолаларни газета ва журналлардан қараш ва улардан кизикарлисини муаммо сифатида қайд этиш.

Дарснинг бориши

Машгулот доиравий стол шаклида ўтказилади, унинг иштирокчилари педагогика кафедраси ўқитувчилари билан биргаликда психологик тадқиқот вакиллари, методистлар бўлиши мумкин.

Саволларга жавоб бериш жараёнида талабалар қуйидаги моментларга алоҳида тўхталиши лозим:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга тадбиқ этишда педагогика фани вазифалари;
- педагогика фани ривожланишида янги йўналишларнинг туғилиши,

мисол учун, турли фанлар чоррахасида (таълим философияси, педагогик психология, ижтимоий педагогика, киёсий педагогика);

- олий мактаб ўқитувчилари билан тажриба -синов ишлари (педагогик технология марказлари, лабораториялар, муаллифлик мактаби);

- педагогик фикрлашнинг янги усули, фан ва амалиёт интеграллашувининг объектив жараёнларини ифодалаш; янги типдаги ўқитувчи-тадқиқотчи;

- замонавий педагогиканинг ечилмаган муаммолари;

- талабалар (олий ўқув юрти ўқитувчилари)нинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш борасида илмий-тадқиқотларида иштирок этиш истикболлари.

Тугунли ҳолатлар учун бошқа муаммолар ҳам бўлиши мумкин: асосийси – педагогика фани тирик, инсоний билимларнинг доимий ривожланувчи соҳаси ҳисобланади; ўқитувчининг ҳақиқий касбий лаёқати педагогик тафаккур ютуқларига мунтазам равишда мурожаат қилишни, тадқиқотчилик мавқеини тақоза этади.

Адабиётлар:

1. Янги педагогик тафаккур / А.В. Петровский таърифи остида. -М., 1989.
2. Шварцман К.А. Философия и воспитание М., 1989.
3. Сайидаҳмедов Н.С. Педагогикада янги таълим фикрлаш. Тошкент, "Истикбол", 2002.
4. Педагогика / Под ред. В.И. Пидкасистого М., 2002.

Машғулот 3

Мавзу: “Замонавий ўқитиш воситалари”

Кичик ижодий гуруҳларда ишлаш

Биринчи гуруҳ – аудио-видеоли воситалар;

Иккинчи гуруҳ – компьютер техникалари;

Учинчи гуруҳ – дастурли дарсликлар;

Тўртинчи гуруҳ – видео кўрсатувлар ёрдамида ўқув-билиш фаолиятини бошқариш муаммоларини ўрганадилар.

Талабалар ўз йўналишлари бўйича қўшимча маълумотларни илмий маслаҳатчилардан олишади, ҳамда методик кабинетларига, махсус кафедраларга бориб ўрганадилар.

Машғулотнинг бориши:

Машғулот “замонавий ўқитиш воситалари музейи”га ўқув саёҳат уюштириш шаклида ўтказилади.

“Экскурсия”:

1. Ҳар бир гуруҳ навбатма-навбат қолган гуруҳ тингловчиларига ўқитиш воситаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, улардан аниқ фан мавзулари бўйича фойдаланиш йўллари ва имкониятлар ҳақида гапириб беради.

Чет эл техник воситалари ҳақидаги маълумотлар ҳам бу ҳикоя мазмунига киритилиши эҳтимолидан холи эмас.

2. Олий мактаб дарс жараёнида ўқитувчиларнинг у ёки бу техник во-

ситаларидан фойдаланиш частотаси тўғрисидаги ахборотлар олдиндан ўтказилган микротадқиқотлар натижаларига кўра келтирилади.

3. Тингловчилар учун кўпгина маълумотлар маълум даражада илмий характерга эга бўлиши, реал воқеликни акс эттирмаслиги мумкин, чунки ОТМ нинг техник воситалар билан таъминланиш даражаси ниҳоятда паст. Бирок бундай ахборотларни киритиш педагогларни қайта тайёрлаш учун, уларнинг касбий тафаккурини ривожлантириш учун, бу соҳа бўйича жаҳон педагогик ютуқлар олдида мамлакатимиз ўқитиш даражасининг реал ҳолатини баҳолаш зарур. Бу эса ўқитувчини тез-тез бошқа давлатлар тажрибасига мурожаат қилишга, замонавий ўқитиш технологиясини ўрганишга, қолаверса, мустақил равишда дидактик воситаларни конструкциялашга ўргатади.

Машғулот 4

Мавзу: **Ўқув- тарбиявий жараёни режалаштириш ва педагогик башоратлаш**

Олдиндан тайёргарлик.

Тингловчиларга индивидуал топшириқлар:

- педагог-новаторларнинг (тингловчининг танлови бўйича) иш тажрибалари билан танишиш ва улардан бирининг касбий фаолиятини мантиқий, изчиллик асосида қуриш. Масалан, В.Ф. Шаталовнинг таянч сигналлари тажрибасини ёки И.П.Волковнинг ўқитишда ижодкорлик тажрибасини ва бошқа.

- институт (факультет)нинг тарбиявий ишлар режасини ва кураторнинг мавзуй режасини, ўқитувчининг ишчи дастурини педагогик мантик нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

- тингловчилардан бирининг тавсифномаси асосида унинг касбий ҳатти-ҳаракатлари стратегиясини педагогик таъсир объекти сифатида таклиф қилиш.

Машғулотнинг бориши:

Машғулот “педагогик конструкторлик бюроси” шаклида ўтказилиб, унинг мақсади аниқ объект таъсирига нисбатан яхлит ўқув- тарбиявий жараёни лойиҳалашдир.

Тингловчи объектнинг хусусиятлари ҳақидаги ўзининг педагогик имкониятлари, муҳит ва шароитнинг хусусияти асосида ўз фаолиятининг прогнозини тузади. Муҳокама жараёнида режалаштиришда акс этган ўқитувчилар ҳаракатининг мақсадга мувофиқлиги ҳозирда тушунча шакллантирилади.

Машғулотни ўтказиш кетма-кетлиги кўйидагича:

Диққатни педагогик иш фаолиятининг мақсади, мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг ўзвийлигига қаратган ҳолда жараён моделини тушунтириш.

Педагог-новаторларнинг педагогик фаолияти мантикини таҳлил

қилиш; улар таклиф этган тизимда мақсад билан восита, шакл ва методларнинг ўзвийлиги; новаторликда қўлланган воситалар самарасини баҳолаш тизими (ўрганилган адабиётлар асосида).

Педагог фаолияти мавқеи асосида факультет иш режаси таҳлили; бу мантикдаги ўзилиш нуқталарини топиш; педагогик ҳаракатларнинг ўз вариантларини тақдим этиш.

Реал объектга нисбатан тингловчининг берган тавсифи асосида «мақсадлар дарахти»ни биргаликда тузиш (шахс, гуруҳ, гуруҳ фаолиятлари ва ҳ.).

Ҳар бир тингловчининг ўз индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилган мақсадлар асосланиб, ҳаракатлар дастури (ўқув-тарбиявий ишлар режаси)ни тузиш.

Таклиф этилган режа ҳимояси. Аудиториянинг унга берган эксперт баҳоси.

Машғулот 5

Мавзу: Дарс – ўқитувчи ижоди

Олдиндан тайёргарлик.

Тингловчиларнинг якка тартибда дарс сценарийсини (режа ҳам эмас, конспект ҳам эмас, айнан сценария) ишлаб чикиб, дарс муаллифлик асослари сифатида тақдим этилади.

Мавзу ҳар бир тингловчи томонидан ихтиёрий, аммо асосланган тарзда танланади. Тайёрлашда маълумотлар учун дарснинг турли қирраларини ўзида акс этган адабиётлар тўплами тавсия этилади.

Дарснинг бориши

Машғулот сценарийларини ҳимоя қилиш шаклида ўтказилади. Жамоавий оппонент ролини тингловчилар гуруҳи бажаришади.

Ўқитувчига муаллифлик фикрини сўзлаш ва сценарийни тақдим этиш учун (15–20 дақиқа) вақт берилади. У олдиндан тайёрланган мантикий ва иллюстратив схема ва дастурларни, мусикали дақиқаларни жалб этиш мумкин. Унинг вазифаси дарснинг ривожланиш мантиқини, унинг композицион бирлигини, яхлитлигини асослаш ва очиб бериш, тингловчиларга ғоялар тизимини кўрсатиш ҳисобланади.

Сценарий тақдими тугагач, муаллимларга саволлар берилади, кейин эса оппонентлар («ок» ва «қора») чиқишиб, ўз вазифасига кўра дарснинг таклиф этилган вариантыдаги позитив ва негатив қирралари тўғрисида фикр юритишиди.

Дарсни таҳлил қилишнинг қатъий бир схемасини қўллаш номувофикдир; чунки ҳар бир ўқитувчининг имкониятлари чексиз, дарс тузилмаси эса турлича бўлади. Агар машғулотга ўқитувчи-амлиётчилардан, методистлардан таклиф этилса, у янада жонли ўтади. Улар ҳам оппонент сифатида дарс лойиҳасининг ҳаётийлигини тасдиқлаши ёки инкор қилиш мумкин.

Адабиётлар:

Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. – М., 1986.

- Лернер И.Я. Учебный предмет, тема, урок. – М., 1988.
Шубанский В.С. Педагогика творчества учащихся. – М., 1988
Кан-клик, Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – М., 1988
Фридмон Л.М. Педагогический опыт глазами психологов.– М., 1987
Сайдахмедов Н.С. Педагогикада янгича фикрлаш.-Т., 2002.
Педагогика /М.Х. Тохтаходжаева таҳрири остида.– Т.: “Иқтисод-молия”, 2007.

Юқорида келтирилган машғулотлар мазмунидан кўриниб турибдики, биз мавзу мазмунини тўлик ёритишни ўз олдидимизга асосий мақсад қилиб қўйганимиз йўқ, балки кўпроқ инновацион педагогик технологиялар асосида тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Бу йўналишда ишлар келажақда давом эттирилмоғи лозим, чунки тингловчиларнинг ўз-ўзини ўқитиш жараёнида касбий маҳоратининг мукаллашуви, у ёки бу педагогик вазиятларни мустақил еча олиш имкониятлари кенгай боради.

6.3. Тажриба - синов ишларининг таҳлили ва илмий-методик тавсиялари

Педагогик фаолият лойиҳасининг яхлит тизими сифатида технологиянинг асосий функцияси жараён сифатини ошириш, таълим олувчилар шахсини ривожлантириш вазифаларини мақсадга мувофиқ тарзда ечишдан иборатдир. Педагогик технологлар амалиётга педагог томонидан жорий этилади. Шу боисдан у нечоғлик технология моҳиятини, унинг илмий асосларини тасаввур этиши, уларни таълим-тарбия шароитларига мослаштириш кўникмасини эгаллаши ёки ўқув предмети бўйича индивидуал технологияларни ишлаб чиқиши нафақат таълимий жараён самарасини таъминлайди, балки педагогик технологиянинг касбий тафаккур усули ва ҳар бир педагогнинг алоҳида фаолияти маҳсули сифатида эътироф этилишига имкон беради.

Педагогик технология лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш ва илмий тавсияларни ифодалаш оммавий ижтимоий педагогик онгдаги воқеликларни ўз вақтида ҳисобга олиш учун назария ва амалиётнинг доимий алоқаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тажриба - синов ишлари 2008-2009 ва 2009-2010 ўқув А. Беруний номидаги ТДТУ қошидаги Олий инженерлик педагогик институти базасида ўтказилди. Тингловчилар – Республика Олий ўқув юртларидан малака оширишга келган психология ва педагогика фанлари профессор-ўқитувчилардан 100 киши иштирок этишди. Шунинг таъкидлаш жоизки, тингловчилар таркибида профессорлар, кафедра мудирлари, доцентлар, фан номзодлари, катта ўқитувчилар ва ассисентлар бор эди. Турлича илмий даража ва илмий унвон соҳиблари бўлган курс тингловчилардан дастлаб «кириш» тестини компьютер воситасида топширдилар. Тест топшириқлари ўз мазмунига кўра педагогик технология муаммоларига оид 10 та саволдан иборат эди, яъни:


1. Педагогик технология моҳияти
2. Педагогик технология ва методика.
3. Ўқитиш технологияларларига муносабатингиз.
4. Дидактик жараён тузилмаси.
5. Технологияларни лойиҳалаш маҳоратингизни баҳолаш (мақсадни ўрнатиш, метод ва воситаларни танлаш кўникмаси, ўқитиш жараёни моделини ишлаб чиқиш ва б.).
6. Педагогик тизим компонентлари.
7. Педагогик технология ва ахборот технологиясининг ўзвийлиги.
8. Янги педагогик технология принциплари.
9. Янги педагогик технологиянинг сифат кўрсаткичлари.
10. Тингловчилар билимини назорат қилишнинг объектив методлари.

Назорат натижалари топшириқларни ўзлаштириш коэффиценти ёрдамида аниқланди ($Ka = a/p$) ва ҳар бир тингловчининг бошланғич билим даражалари баҳоланади. Одатда ўзлаштириш коэффицентининг миқдори $0 \leq Ka \leq 1$ оралигида бўлади. Бу ерда $P = 10$ – тест топшириқлар сони; a – тўғри ечилган топшириқлар сони. Агар $Ka \geq 0,7$ бўлса, шубҳасиз, малака ошириш тизими очиқ тизим бўлганлиги учун тингловчига касбий-педагогик маҳоратини индивидуал шаклда оширишга рухсат берилди. Бирок педагогик технология асослари бўйича тингловчилар гуруҳларининг ўзлаштириш ҳар доим ҳам

$Ka \leq 0,7$ бўлганлигини кузатиш мумкин. 12- қизмада 2009 йил ноябрь ойида малака оширишга педагогика фани бўйича тингловчиларнинг тест натижалари билан танишиш мумкин. (Ka – гуруҳ тингловчиларининг ўртача ўзлаштириш коэффиценти).

ОТМ ўқитувчиларининг бир қадар педагогик технология моҳиятини тасаввур этишларини ижобий ҳол дейиши мумкин, бироқ улар ўртасида бу тушунчани турлича изоҳлашга бўлган ўринишларни кузатиш мумкин: «технология – белгиланган мақсадга эришиш усуллари», «ПТ – тингловчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали аниқланадиган мақсадни аниқлайди» ва бошқа. Натижада гуруҳнинг умумий ўзлаштириш коэффиценти – $Ka = 0,5$. «Ўқитиш технологияларига бўлган муносабатингиз» саволига ўқитувчилар, асосан, ижобий жавоб беришди ва улар ўқитиш жараёнини технологиялаштириш тарафдорлари ҳисобланишади.

Шу билан биргаликда «ўз-ўзини баҳолаш» натижалари (№5 топшириқ)нинг кўрсатишича, ОТМ ўқитувчилари технологик ёндашув асосида машғулотлар ўтказишга тўла-тўқис киришганлари йўқ ($Ka = 0,4$). Айниқса дидактик жараён тузилмасига оид савол тингловчилар учун «тош ёнгок» ҳисобланиб қолди ($Ka = 0$). Гап шундаки, бу тушунча кўп ҳолларда «ўқитиш жараёни» тушунчаси билан алмаштирилиб юборилди, холбуки, дидактик жараён ҳар қандай ПТнинг асоси ҳисобланади.




12-чизма. ОТМ ўқитувчиларнинг бошланғич билим даражалари («кириш»)

ОТМ ўқитувчилари учун бирмунча таниш ва етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлган феномен – бу тингловчилар билимини объектив назорат қилишга оид савол бўлди. Тингловчилар рейтинг тизимини ўтказиш технологияси билан таниш экан. Бунга асос – ОТМ да рейтинг тизимининг жорий этилиши дейиш мумкин. Кўпчилик ўқитувчилар (70% дан ортиқ) бу назорат турини қўллашда қатор объектив ва субъектив сабабларнинг мавжудлигини, шулардан асосийси – тингловчилар баҳоларини жамлашда ҳисоб-китобнинг кўпайиб бораётганлигини таъкидлайдилар. Албатта, бундай фикрлар ўқитувчининг педагогика назарияларини чуқур ўзгартирмаганлиги боис туғилишини таъкидлаш лозим.

Шундай қилиб, «кириш» тестларига асосланган ҳолда 20 соат ҳажмда «Замонавий педагогик технологиялар» фани ўқув режасига киритилди ва тингловчиларга 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб ўқитила бошланди (8-жадвал). Малака оширишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам ўқув дастурларининг «эгилувчанлиги» ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳ тингловчиларининг (ўқув йили давомида 10 та гуруҳ мавжуд) талаб ва эҳтиёжларни ўрганган ҳолда дастур мавзуларини алмаштирилиб турилади.

Курсни яқунлаш арафасида тингловчилар педагогик тизимнинг «чиқиши»да иштирок этишадилар ва тегишли фанлар бўйича тест синови топширадилар. Куйида 2009 йил ноябрь ва декабрь ойида келган тингловчиларнинг «Замонавий педагогик технологиялар» курсидан натижавий кўрсаткичлари келтирилади (13 –чизма).

Агар 12- ва 13-чизмалардаги MN ва KL синик чизиқларни ўзаро таккослайдиган бўлсак, шубҳасиз, улардан биринчиси (MN) ОТМ ўқитувчиларида педагогик технология муаммоларига оид билимларнинг бошланғич даражалари нотекислиги, «сақраб» турилиши кузатилди.



KL синиқ чизик бирмунча кам фаркланадиган кесмалардан иборатлиги эса малака ошириш курси ўқув предметларини ўрганиш самарасини кўрсатади. 12-чизмадаги FG синиқ чизик ҳам ОТМ ўқитувчиларининг технологияларга оид билим ва кўникмаларни босқичли шакллантириш самарасини белгилайди. Ҳатто айрим муаммолар («Янги педагогик технология принциплари», «Педагогик технология моҳияти» ва б.) бўйича тингловчиларнинг ўзлаштириш коэффициенти $K\alpha = 1$ га яқинлашганлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқот давомида бизни ОТМ ўқитувчиларининг турлича технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳам қизиқтиради. Шу боис 100 дан ортиқ тингловчиларга махсус сўров варақаси тарқатилади ва уларнинг касб маҳоратига баҳо берилади. 9-жадвалда ўтказилган тажриба-синов натижаларининг таҳлил қилиш асосида берилган жавоблар фоиз ҳисобида келтирилади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ОТМ ўқувчиларининг ҳатто ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин: ОТМ нинг компьютер базаси ночор; ўқув фанларига оид дастурли таълимнинг яратилмаганлиги; ўқитувчиларнинг компьютерлардан фойдаланиш методикасини ўзлаштирмаганлиги ва б.

ОТМ ўқитувчилари фаолиятида ҳали-ҳануз «анъанавий ўқитиш» тизими устуворлик касб этиб турибди, яъни маъруза ва семинар машғулоти тингловчининг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қоляпти.

Бугун таълим жараёнига нисбатан кенг қўлланилаётган технология – бу модули таълим ҳисобланиб, таълим олувчи қисман мустақил ёки тўлиқ мустақил тарзда унга таклиф этилган ўзида мақсадли дастурий ҳаракатларни, ахборотлар банкини ва дидактик мақсадга эришиш бўйича методик кўрсатмаларни мужассамлаштирган индивидуал ўқув дастурлари билан ишлайди. Бунда педагог функцияси ахборотли-назоратчиликдан маслаҳатчи- координацияловчи гача алмашиниб туради.

Олдиндан лойиҳаланган педагогик технологияларни малака ошириш

жараёнига тадбиқ этиш асосида олинган нагизалар тахлилига эътиборни қаратайлик. Муаллиф томонидан 30 га яқин “Олий мактаб педагогикаси” мавзулари бўйича технология лойиҳалари (лойиҳалардан намуналар кейинги параграфда келтирилган) яратилди.

8-жадвал

«Замонавий педагогик технологиялар» курси ўқув дастури

№	Мавзулар	Маъруза	Семинар
	I Педагогик технология - таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи	6	
1.	Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологиянинг моҳияти	2	
2.	Педагогик технология концепциясини ривожлантириш тарихи	2	
3.	Педагогик технологияни лойиҳалашга бўлган мавжуд ёндашувлар тахлили	2	
	II. Замонавий педагогик технология лойиҳаси ва унинг таркибий элементлари	6	4
4.	Ўқув жараёнини технологиялаштиришда дадактик масалаларни белгилаш қонунлари	2	2
5.	Дидактик жараён педагогик технология асоси сифатида		2
6.	Дидактик жараён тузилмасига асосланган ўқитиш методлари таснифи	2	
	III. Ўзбекистонда педагогик технология концепциясини ривожлантириш истиқболлари	4	
7.	Янги педагогик технологиянинг сифат белгилари ёхуд мавжудлик шартлари ва принциплари	2	
8.	Педагогик технология Давлат Маркази: давр эҳтиёжи ва муаммолар	2	
	Жами	16	4

Педагогик эксперимент ёрдамида ана шу лойиҳалар самараси аниқлаштирилди. Тажриба - синов 2009 йилда 6 та гуруҳ тингловчилари билан ўтказилади. Ҳар бир гуруҳдаги тингловчилар сони – 8 -15 та ОТМ ўқитувчилари (педагогика ва психология, ижтимоий гуманитар, фалсафа ва б. кафедра ўқитувчилари).

Агар назорат гуруҳлари учун фан мавзулари анъанавий тарзда – маъруза асосида ташкил этилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолияти олдиндан лойиҳаланган технологик схема ёрдамида амалга оширилди. Бундан кўзланган асосий мақсад:

- ўз-ўзини ўқитиш асосида дидактик жараённи куриш самарасини аниқлаш;
- эркин шахс сифатларини шакллантириш;

• якуний натижани кафолатлаш (ўқув материалнинг камида 70% ни ўзлаштиришга эришиш) эвазига касбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш. 10-жадвалда педагогик тажриба-синов натижалари қайд этилган.

9-жадвал.

Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик технологиялардан фойдаланиш даражалари (%)

№ т/р	Мавзулар	Гуруҳларнинг ўзлаштириш коэффициенти.	
		Назорат	Тажриба-синов
1.	Педагогнинг ургатувчилик фаолияти назарияси	0,20	0,87
2.	Педагогика фани ва амалиётининг асосий тенденциялари ва ривожланиш йўналишлари	0,29	0,92
3.	Замонавий ўқитиш воситалари	0,52	0,85
4.	Ўқув- тарбиявий жараёни режалаш-тириш ва педагогик башорат	0,32	0,96
5.	Дарс- ўқитувчи ижоди	0,37	0,93

10-жадвал

Ўқитувчиларнинг “Олий мактаб педагогикаси” фани мавзулари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари

1.	Анъанавий ўқитиш	92
2.	Шахсга йўналтирилган таълим технологияси	17,5
3.	Информацион технология	44,6
4.	Модулли ўқитиш	52,9
5.	Муаммоли ўқитиш технологияси	36
6.	Ўйин технологиялари	11
7.	Таянч концепт (В.Ф. Шаталов)	23,6
8.	Алгоритмлашган таълим	14,8
9.	Индивидуал ўқитиш технологияси	5,8
10.	Табақалаштирилган таълим	14
11.	Кичик гуруҳ	17
12.	Бинарли таълим	3
13.	Техник воста ёрдамида ўқитиш	45,2

Кўриниб турибдики, назорат гуруҳида замонавий «аудигория – дарс» тизимида тингловчиларнинг мавзунини ўзлаштириши 20-30% атрофида бўлса, тажриба гуруҳида 80-95% ни ташкил этади. Бу натижа технологик ёндашувнинг изоҳли-тасвирли ёндашувга нисбатан афзаллигини кўрсатиш билан биргаликда ОТМ ўқитувчиларида қатор шахс сифатларининг юқори даражада шаклланганликни ҳам кўриш мумкин: ўз мавқеини мустаҳкамлаш, мустақил фикрлаш, мулоқотга тез киришиш, ўзгалар фикрини хурматлаш.


ОТМ ўқитувчи касбий-педагогик фаолиятининг инновацион технологиялар асосида ривожланганлик кўрсаткичлари.

№ т/р	Фаолият компонентлари	Шакллланган касб кўникмалари ва психологик сифатлар	Шаклланиш даражалари (Ka)
1.	Конструктив фаолият	1. Мавзу бўйича педагогик мақсадларни ифодалаш	0,87
		2. Машғулотлар учун ўқув материаллари мазмунини конструкциялаш	0,95
		3. Дидактик жараёни лойиҳалаш ва амалга ошириш	0,91
		4. Ўқитишнинг интерфаол методларини танлаш	0,92
		5. Ўқитишнинг самарали ташкилий шаклларини танлаш	0,95
		6. Техник воситалардан фойдалана олиш	0,83
		7. Ўз-ўзини баҳолаш	0,97
			Уртача
2.	Коммуникатив фаолият	1. Узаро муносабат ўрнатиш	0,80
		2. Мулоқот учун талабларни аниқлаш	0,91
		3. Педагогик такт	0,83
		4. Психологик таъсир кўрсатиш воситаларини қўллаш	0,81
		5. Бошқариш ва мулоқотнинг демократик усули	0,78
			Уртача
3.	Ташкилотчилик фаолияти	1. Ўқув материални узлаштиришда ўз фаолиятини ташкил этиш	0,97
		2. Нутқ маданияти, эрудиция	0,78
		3. Диққатни тақсимлаш	0,86
		4. Ўз қайфиятини саклашни удалаш	0,92
		5. Ўз гавдасини, овозини, ҳадди-ҳаракатини бошқариш	0,83
		6. Тесқари алоқани ўрнатиш	0,79
			Уртача
4.	Гностик фаолият	1. Ўз шахси ва фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни баҳолаш	0,88
		2. Машғулот натижалари таҳлили	0,95
		3. Интерфаол метод ва шаклларини ижодий қидириш	0,84
		4. Ўз-ўзини ўқитиш	0,98
		5. Педагогик фаолиятга ижодий-ёндашиш	0,83
			Уртача
5.	Инновацион	1. Инновацион тажрибани кўчириш	0,89
		2. Педагогик янгилликларни ишлаб чиқиш	0,76
		3. Педагогик тажриба-синовларни ўтказиш	0,79
		4. Инновацион тажрибани узатиш	0,91
			Уртача

Тажриба-синов натижалари тест, ёзма ва оғзаки сўров, кузатиш методлари ёрдамида олинганлигини қайд этган ҳолда қуйидаги якуний натижа тингловчиларнинг касбий-педагогик маҳоратининг ривожланиш даражасини курсатиб беради (11-жадвал).

ОТМ ўқитувчиларида малака ошириш жараёнида шаклланган бошқа касбий кўникма ва малакаларни педагогик фаолият турлари бўйича келтириш ва 11-жадвални давом эттириш мумкин. Бироқ бизни янги педагогик технологиялари асосида ОТМ ўқитувчининг касб маҳоратини ривожлантириш кизиқтирганлиги учун юқорида қайд этилган фаолият турларини ифодалаш билан чегараландик. Қолаверса тингловчилар билан ишлаш давомида педагог ечиши зарур бўлган вариантларни тўлиқ ёритиш мумкин эмас. Ҳар бир янги вазиятлар учун ўзига хос ижодий ёндашув талаб этилади ва алоҳида ечимлар қабул қилишга тўғри келади.

13-чизма 11-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида чизилди ва ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини янги технологиялар асосида ривожланиши динамикасини яққол тасаввурлашга имкон беради. Лойиҳаланган педагогик технологиялар ўқитувчининг конструктив қобилиятига таъсири нисбатан бирмунча катталигини таъкидлаш зарур. Ўқитувчининг инновацион фаолияти кўрсаткичлари бирмунча кичик ($K\alpha=0,84$) эканлигини табиий ҳол дейиш мумкин, чунки бу фаолиятнинг янги турини ўқитувчиларда шакллантириш жараёни кийин кечяпти.



13- Чизма.

Олий таълим тизимида ўзгартиришлар жараёнини бошлаш ғоясига ишонқирамай қарашлари, кейинчалик унинг йўлини тўсиб қўйишлари мумкин. Албатта, ўқитувчиларнинг инновацион жараёнга керакли муносабатини қандайдир вақт давомида ишонтириш, меъёрий ёндашув ва мажбурлаш орқали таъминлаш мумкин.

Эҳтимол, “ўз тизимимиз” координаталаридан, касбга тааллуқли муаммоларни ҳал этишда одатий бўлган усуллардан, фаолиятни амалга ошириш тўғрисидаги ўз тасаввурларимиздан четга чиқиш, қисқа муддатга бўлса ҳам бошқа платформага, бошқа нуқтаи назарга ўтиш зарур бўлган пайтда пайдо бўладиган психологик тўсиқлар ҳақида ўйлаб кўрмасдан туриб, инновацион фаолият юзага келадиган механизмни ва бу механизм ишлайдиган шарт-шароитни кўз олдимизга келтира олмасмиз. Бошқа бир маданиятга ўтиш осон эмас, албатта.

ХУЛОСА

Олиб борилган назарий тадқиқотлар таҳлили асосида қуйдаги хулосаларни қисқача келтириш мумкин:

- Олий таълим тизимидаги ислохатлардан кўзда тутилган мақсадлардан асосийси янги ижтимоий- иқтисодий шароитларда, аниқроғи, бозор муносабатлари муҳотида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг кафолатли пойдеворини яратишдир. ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини оширишга ҳар қачонгидан онгли муносабатда бўлиш фақат субъектив ҳолат ва объектив зарурат эмас, балки рақобатбардошлик шартли сифатида эътироф этилди.

- Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс ва узлуксиз таълим узвийлиги олий таълим тизимидаги педагогик ходимларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш нуктаи назаридан тақик қилинди. Тадқиқот мантики қуйдаги тузилмага эга бўлди: кадрлар тайёрлаш миллий модели – ОТМ ўқитувчиси шахсий модели – педагогик фаолият (кириш) – МОИ педагогик тизими – педагогик фаолият (чиқиш) – тингловчи – очик тизим. Касбий педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг бу компонентлари алоҳида ўрганилди ва жамужам ҳолда назарий модел лойиҳасини ташкил этди.

- Педагогик маҳорат бу ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнларини Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида амалга оширадиган ва яқуний натижани кафолатлайдиган педагогик фаолиятдир.

- ОТМ ўқитувчиларининг касбий педагогик маҳоратини малака ошириш жараёнда ривожлантириш шартлари аниқлаштирилди:

- педагогик маҳоратни ривожлантириш мақсади, вазифалари, шакллари ва воситалари;

- ОТМ ўқитувчисининг малакасини оширишга қўйилган талаблар;

- малака ошириш жараёнида ҳал қилувчи шахс сифатида ўқитувчи фаолияти мазмуни ва уни баҳолаш мезонлари.

- ОТМ ўқитувчиларининг билимлар банки янги педагогик технологиялар билан бойитилди. Тингловчилар учун “Инновацион педагогик технологиялар назарияси ва амалиёти” махсус курси ўқув режасига киритилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

- Аъъанавий ўқитиш тизимининг ўзига хос жиҳатлари, ўйин технологияси, аксиоматик ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, муаммоли-модулли ўқитиш технологиялари моҳияти очиб берилди. Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксаномияси ва унинг турлича қуринишлари изоҳланди. МОИ педагог тизими ичида борадиган жараёнлар педагогик технология лойиҳаси сифатида асосланди.

- Инновацион педагогик технологияларни лойиҳалашда таяниладиган принциплар (мақсадлилиқ, яхлитлик, тугалланганлик, эгилувчанлик) моҳияти очиб берилди. Бутехнологияларнинг фарқли жиҳатларини ифода қилай оладиган сифат кўрсаткичлар (замонавийлик, илмийлик, ўқув жараёнини мақбуллаштириш, ўқитувчи ва талабанинг дастурли фаолияти ва б.) кўрсатилди.

- ОТМ ўқитувчиларининг мустақил фаолиятини малака ошириш жараёнида ташкил этиш ва бошқаришга йўналтирилган чет эл дидактикасига оид интерфаол методлар моҳияти ва мазмуни, улардан фойдаланиш мезонлари ишлаб чиқилди.

- Олий таълим муассасасининг педагогик тизими доирасида педагогик технологияларни лойиҳалаш қонуниятлари кўрсатилди.

- Олий мактаб педагогикаси фани мавзуларига оид педагогик технология лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тажриба-синовдан ўтказилиб дидактик самараси аниқланди.


- Малака ошириш жараёнида ОТМ ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини (конструкторлик, ташкилотчилик, коммуникатив, гностик, инновацион) ривожлантиришнинг динамикаси тажриба-синов асосида ўрганилди ва бу кўрсаткичлар даражаси аниқлаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишига хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –30 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интиломқда: Президент Ислоҳ Каримовнинг Биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.–48 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
4. Барқамол авлод –Ўзбекистон тарқисе гининг пойдевори –Г.: Ўзбекистон, 1997.
5. Абдурахимов С.А. ва б. Инженерлик педагогикаси ва илгор педагогик технологиялар. –Т., А. Беруний номидаги ТДГУ қошидаги ОИПИ, 2004.
6. Абдурахимов С.А. Техника олий ўқув юртларида педагогик услубият тадқиқи.–Т., А. Беруний номидаги ТДГУ қошидаги ОИПИ, 2001.
7. Афанасьев В.Г. О системном подходе в социальном познании //Вопросы философии, 1973. № 6. –С. 98-111.
8. Беспалько В.П. Слаеаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 256 с.
9. Есарева З.Ф. Особенности деятельности преподавателя высшей школы. –Л., ЛГУ. 1974.
10. Королев Ф.Ф. Системный подход и возможности его применения в педагогических исследованиях //Сов. Педагогика, 1970. № 9. –С. 103-115.
11. В.В.Краевский Методология педагогика: прошлое и настоящее //Педагогика, 2002. №1. –С.3-11.
12. Кузьмина Н.В. Методы системного педагогического исследования. –Л., ЛГУ, 1980.
13. Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию педагогической технологии //Педагогика, 1997. № 6.–С. 26-31.
14. Новиков А.М. Профессиональное образование в России. М.: ИЦП НПО РАО, 1977.
15. Филипенко А.И. Познавательные барьеры обучения физике и методика их преодоления . М.: ИОСО РАО. 1977.
16. Проблемы методологии педагогика и методики исследований //Под.ред М.А.Данилова и Н.И.Болдырева М.: Педагогика, 1971.
17. Розов Н.Х., Попков В.А., Коржуев А.В. Практическая педагогика в высшей школы: Учебное пособие для системы дополнительного педагогического образования. М.: Изд-во Моск. ун-та, 2008.
18. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчининг педагогик пизмдаги фаолияти //Халқ таълими, 1993. № 6-7. – 9-12 б.
19. Сайидахмедов Н.С. Теория и практика подготовки студентов педвуза к руководству общественно полезным, производительным трудом школьников: Автореф. д-ра пед. наук. –Ташкент, 1993.– 45 с.
20. Сайидахмедов Н.С. Методы обучения школьников механизированному труду в хлопководстве. – Г.: Ўқитувчи, 1992.
21. Сайидахмедов Н.С. Педагогикада янгилаш фикрлаш. Г., “Истикбол”, 2002.
22. Сайидахмедов Н. С. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2003.-172 б.
23. Сайидахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология мохияти на замонавий лойиҳаси.– Т., РТМ, 1999. –55 б.
24. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. – М.: Народное образование, 2000.
25. Гальпина Н.Ф. Технология обучения и ее место в педагогической теории //Современная высшая школа. Варшава, 1977. № 9. –С.91-96.
26. Чошанов М.А. Дидактическое конструирование гибкой технологии обучения //Педагогика, 1997. № 2. –С. 21-29.
27. Юцявичене П.А. Теория и практика модульного обучения.– Каунас, 1989.
28. Янушкевич Ф. Технология обучения в системе высшего образования: Пер. с польского. – М.: Выс. шк., 1986. – 135 с.
29. Курбонов Ш. Кадрлар тайёрлаш миллий модели: илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш. –Маърифат, 2001 йил 20 июн, № 48.
30. Bloom B.S. (ed) et al/ A taxonomu of Eucational Objectives: Handbook I: The Cognitive Domain. Harvow, 1956.
31. J.Hartley. Strategies from Programmed Instructional Technology. – London, 1972.

И Л О В А Л А Р


1. Педагогик технология моҳияти



2. «Педагогик технология» тушунчасининг асосий жиҳатлари



3. «Педагогик технология» тушунчасининг даражалари тахлили



4. Замонавий педагогик технологияларининг асосий сифатлари



5. Педагогик технологиялар таснифи



6. “Олий мактаб педагогикаси” фанидан тест саволлари:

1. Назарий билимларни шакллантиришнинг бирмунча самарали методи, бу: а) маъруза; б) намоёили; в) амалий; г) таълим берувчи назорат.
2. Педагогик жараёни педагогика, психологиянинг янги ютуқлари асосида ташкил этиши қайси принципни тақоза этади?
а) тизимлилик; б) тушунарлилик; в) курсатмалилик; г) илмийлик.
3. Таълим мазмуни таркиби бўлмиш билим ва кўникмаларга қўшимча тарзда ким томонидан ижодий фаолият тажрибаси ва объектив борлиққа ҳиссий-қадриятли муносабат киритилди?
а) В.С. Леднев томонидан; б) В.В.Краевский, И.Я.Лернер томонидан;
в) Н.Сайидахмедов, О.Розиқов томонидан; г) В.В.Давидов томонидан.
4. Педагогик жараёни мақбуллаштириш учун энг кўп қўлланиладиган модел тури, бу:
а) матнли; б) чизмали; в) моддий; г) формулали.
5. Ўқитиш жараёнида бош тизимловчи оми, бу:
а) ўқитиш методи; б) таълим мазмуни; в) ўқитиш шакли; г) ўқитиш принципи.
6. Олий мактаб педагогикасининг предмети:
а) мутахассис шахсини шакллантириш қонуниятларини очиб беришга йўналтирилган алоҳида педагогик фаолият тури;
б) таълим ва тарбия қонуниятлари; в) маълумотлилик; г) мутахассис тайёрлаш.
7. Олий мактаб ўқитувчисининг педагогик фаолияти турлари:
а) таълим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи;
б) конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик, ғностик, тадқиқотлик, инновацион ва б
в) юқори методик савияда маъруза ўқиш;
г) юқори савияда барча машғулотлар турини олиб бориш.